

Ҳабижан ҲОСИМОВ

ОРИЯТ И СЁНИ



Роман

Уз 2
8 71

**Kitob shu yerda ko'rsatilgan muddatdan
kechiktirilmagan holda topshirilishi shart**


ilgarigi berilmalar miqdori _____

[illegible]

Набижон ҲОШИМОВ

ОРИЯТ ИСЁНИ

*ёхуд
эрлибосли аёл ҳақида қисса*



**Тошкент
«IJOD-PRESS»
2017**

УЎК: 821.512.133-31

КБК: 84(5Ў)7

Х 71

Набижон Ҳошимов,

Орият исёни: Қисса / Н. Ҳошимов. – Тошкент : «IJOD-PRESS»,
2017. – 212 б.

УЎК: 821.512.133-31

КБК: 84(5Ў)7

Ҳусния исмли оддий бир қишлоқ аёлининг оила мустаҳкамлиги ва фарзандларининг бахти камоли учун кураши, матонати, жасорати, садоқати ва шижоатига бағишланган мазкур асарда мустақил Ўзбекистонда фермерлик ҳаракатининг бошланиши, қишлоқ фаровонлиги ва юрт тараққиёти муаммолари ҳақидаги қизиқарли воқеалар ўз ифодасини топган.

Тақризчи:

Эркин ХУШВАҚТОВ – Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси
аъзоси, драматург

ISBN: 978-9943-994-51-5

© “IJOD-PRESS” нашриёти, 2017

МУҚАДДИМА

Курк товук кўзларини эндигина юмган ҳам эдики, қўшнининг пахса деворидан бир қора кўппак ит гурс этиб сакраб тушди. Бу ҳаракат товук катагининг ёнида бутун вужуди билан сичқонни пойлаб ётган барок мушукка ёкмади. У чираниб миёвлаб қўйди. «Табаррук» тухумларини маҳкам бағрига босиб ётган она товукнинг эса кўзлари катта-катта очилиб кетди. Унинг бургутникидай важоҳатли нигоҳи сўлакмондай кўпол итга тушди. Тепа патлари тикланиб «го-ок!» дея бўғик овоз чиқарган бўлди. Унинг қаҳр тўлиб-тошган вужуди «Қани яқинлашиб кўр-чи, яра-мас!» деган маънони англатарди.

Умуман, Ҳуснияларникида ит бўлмагани учун баъзан уларникига қўшнининг кўппаги шунақа тез-тез ташриф буюриб турарди. Ҳозир ҳам у ҳовлининг у ёқ-бу ёғида ивирсиб юрди-да, ҳар куни дастурхон ушоклари қокиладиган жойни ҳидлаб, бир нималар топгандай бўлди. Лекин бундан қоникмадими, ҳарҳолда кулокларини диккайтириб уй томонга мўлтираб бокди. Унинг бу ҳаракатидан «Бу хонадондагилар суякли овқат ейишадими ўзи? Ҳеч бўлмаса бир тишлам қотган нон ҳам ташлашмабди-я» деган ажабтовур маънони англаш қийин эмасди.

Ит арзигулик емиш топа олмагач, ерларни искай-искай, беихтиёр курк товук томон яқинлашиб келиб қолганини ўзи ҳам билмай қолди. Беговта товук ошиёнига хавф солиши мумкин бўлган «чақирилмаган меҳмон»дан ҳимояга шайланиб ҳурпайди ва «Даф бўл, ярамас!» дегандек энди янада чўзиброк «го-о-о-ок!» дея норози овоз чиқарди. Куркнинг важоҳатидан ҳуркиган валаки-саланг ит бўлса «Сенга нима қилдим?» дегандек кўзларини мўлтиратиб қаради-да, сезилар-сезилмас ғингшиниб, индамай сангиллаб нари кетди. Алам қилдими ё ўзини товукқа кўрса-тиб қўймоқчи бўлдими, ҳарҳолда писиб ётган беозор мушукка кўзи тушиб қолгач, унга томон бир пўписа қилиб қўйган бўлди.

Қўрқиб кетган мушук эса «Вағғ!» дея қичқириб чакқонлик билан катак томига чиқиб олди. Она товукнинг бу ҳолатдан баттар жаҳли жунбушга келди. Энди у еру кўкка жар солиб, худди шаллаки хотинлардай ваҳима қилиб шовкин кўтара бошлади...

Курк товукнинг безовта овозини эшитган Ҳусния гап нимада эканини англади. Қўлига бир кесак бўлагини олди-да, итга томон отди.

– Тур йўқол! Ҳе, туркинг қуриб кетгур қирилиб кетгур!.. – дея қичқирди аёл.

Қўпол ит яна «шоп» этиб девор устига чиқиб олди-да, «Мен ҳеч нарса қилмадим-ку?!» дегандек норози қараб қўйиб, ўз эгасининг ҳовлиси томон оғир сакради.

Она товук «хайрият» дегандек ҳурпайган патларини пасайтирди, сўнгра у ён-бу ён кимирлаган бўлиб, бағридаги тухумлари устига баттарроқ қапишди.

Ҳусния унинг тепасига келиб дони ва сувига қараб қўйди. «Бечора, икки ҳафтадан буён тузукроқ емай-ичмай ётибди. Сабр-бардошига қойил!» – деб қўйди у хаёлан ва катакнинг у ёқ-бу ёғини эпакага келтирмоқчи бўлди. Лекин «Ҳожати йўқ!» дегандек она товук яна норози ҳурпайди. Жувон унинг кўзларига бокди. Куркининг кўзлари безовта эди. Унинг ташвиш-ўйи фақат жўжаларини тезроқ соғ-омон очиб олиш, уларни ҳар хил «қаланғи-қасанғи» хавфлардан асраш эди, холос.

«Тавба, мана шу она товукдан ибрат олсак арзиркан», – дея мамнун кўнглидан ўтказди аёл. «...йигирма икки кун, керак бўлса, емай-ичмай туну кун бедор бўлиб, тухумларига иссик бағрини, меҳрини бериб зийрак ётади. Озиб-тўзиб кетади. Ёмғиру дўлларда ҳам, шамолу суронда ҳам қилт этмайди. Лекин бирор ташқи хавф пайдо бўлгудек бўлса-чи, шу ондаёқ шерга айланади. Ўз ошиёнини ҳимоя қилмоқ учун ҳеч нимадан тоймайди, ҳеч кимни аяб ҳам ўтирмайди, керак бўлса, жонини фидо қилади. Чунки унинг елкасида ўзидан насл қолдиришдек оғир масъулият бор, вазифа бор...» Йигирма икки кундан сўнг тухум-

лар ёрилиб товук атрофида бир талай жажжи жўжалар чий-чийлашиб ўзларига меҳр, паноҳ излашади. Товук эрса-да, норасидаларига хавф бўлса жон-жаҳди билан уларни ҳимоя қила билади, бағрига беркитади. Бошқа пайт эса «култ-култ!» дея жонсарак овозини канда қилмай мурғак жўжаларига ризқ излайди ва тупроғу гўнларни жон-жаҳди билан титкилаб ташлайди, гўё шу билан йўқчиликка бўлган ўз нафратини ифода этади. Унинг бу шиддатидан чувалчангу курт-кумурсқалар ҳам «дод» деб юборишади. Тузукрок емиш топилмагунича тирноқларини аямайди – титкилайверади, титкилайверади...

Биринчи боб ГУНОҲКОР

Абдукарим асли ёмон одам эмас. У оддий деҳқон оиласида дунёга келган. Кўз очиб кўргани фақат пахтазор даласи бўлиб, умри қора меҳнатда ўтаётган жайдари йигитлардан. Тракторчилик касбини эгаллаган, холос. У йил бўйи пахта қатор ораларига ишлов берарди, Фақат терим давридагина тракторига прицеп тақади. Бироқ йигитнинг бири ҳечам икки бўлмайди. Қўшимча даромад нималигини билмайди. Ўзи ўта содда, ҳалол ва пок инсон. Бироқ пахта мавсумларидан бирида Абдукаримнинг ёш оиласига ҳам раҳна солинди. «Пахта иши» деб ном олган «ок пахтанинг қора ишлари» устидан аёвсиз давом этган тафтиш жараёнлари уни ҳам четлаб ўтмади. Хўжалик раиси, бригадир, омборчи, табелчилар қатори баъзи тракторчилар ҳам ноҳақлик қурбони бўлдилар. Айрим ҳужжатларга бригадирнинг пўписаси билан мажбуран имзо қўйиб юборгани учун Абдукарим ҳам кўпчилик қатори жавобгарликка тортилди. Унга саккиз йил беришди. Ўғил кўриш илинжида деярли ҳар йили фарзанд кўраётган Ҳусния норасида қизлари билан чирқиллаб қолаверди...

Ҳусния ҳам қишлоқнинг камбағал оиласида ўсиб улғайди, яхши тарбия кўрди. Ҳусну латофатида қишлоқнинг олди қизларидан бўлиб улғайди. Исми жисмига монанд бу кўҳлигина қизнинг қўлини сўраган ошиқу беқарор йигитлар ҳам кўп бўлди. Шулардан бири Шермат тақачининг ўғли Исмат эди. Лекин қиз ота-онасининг измидан чиқмади. Улар кимга раво кўришса, тақдирини ўша билан боғлади. Ҳаётда омади чопмаган Абдукаримга Ҳуснияга уйланиш насиб этди. Исмат эса алам ўтида ёниб қолаверди. Қиз эри учун содиқ, қўй оғзидан чўп олмайдиган, беозор ва содда, уй ишларини қойилмақом қилиб бажарадиган ҳақиқий қишлоқ аёлларидан бирига айланди.

...Эрининг тўсатдан камоққа олиниши уни аввалига эсанкиратиб қўйди. Ўшанда катта қизи Озода ўн икки ёшда эди. Бунинг устига дастлаб отаси, икки йилдан сўнг онаси қазо қилди. Аб-

дукаримнинг бўлса ота-оналари барвақт ўтиб кетишган, унинг ягона синглиси Рисолат кўшни қишлоққа турмушга чиқканди. Шу туфайли рўзгорнинг оғири ёлғиз Ҳусниянинг бўйнига тушди. Бунинг устига томорқалари зах тортгани учун маккажўхоридан бошқа ҳосил битмасди. Яхшики, бир сигири, ўн-ўн беш бош товуклари бор, тирикликка аранг ярайди.

Мактаб ёшида бўлган қизларини ўқитиш, уларни кийдириб-едириш аёл учун оғирлик қила бошлади. У пул топиш мақсадида хонадонларда турли юмушларни бажарар ва олган арзимас иш ҳақини егуликларига аранг етказарди, холос. Шу алфозда қизлари вояга етишди. Оналарининг ёнига киришиб пахта дала-сида ишлай бошлашди. Улар ҳам ҳусни-латофатда бекиёс гўзал бўлиб, бўйлари ҳам айтарли бир хилда эди.

Кунларнинг бирида Ҳусния туман марказига қариндошларидан бириникига тўйга отланиб, ясан-тусан қилиб олди-да, кўлига дастурхонни олиб йўлга тушди. У йўл бўйида автобус кутмокда эди. Шу маҳал «Москвичи»да ўтиб бораётган Исматнинг унга кўзи тушиб қолиб, машинасини бир четга тўхтатди. Ҳусния уни танимади. «Бирор танишлардан шекилли» деб севи-ниб машина томон шошилди. Исмат уни ёшлигидан буён кўрма-ганди. Аёлнинг ҳусну латофатини кўриб ҳуши учди. Юрагининг аллақасерида сўна бошлаган ширин туйғу чўғини биров яна пуф-лаётгандай ўзини алланечук ҳис қилди.

Машина эгаси Исмат эканидан воқиф бўлгач, Ҳусниянинг эн-саси қотди. Лекин иложсиз қолди.

— Ҳой, нега турибсан, чиқмайсанми? — деди Исмат пешонаси-ни тириштириб.

Унинг нигоҳида айёрлик ва шахвоний ҳислар яширинганини аёл руҳан ҳис қилган бўлса-да, лекин ноилож машинанинг орқа ўриндигига чикиб ўтирди.

— Ассалому алайкум, яхшимисиз? — деди Ҳусния истар-иста-мас.

Исмат машинани юргизаркан, кўзлари гўё танга топиб олган гадойдай олазарак бўлиб кетди.

– Қалайсан? Вой-бу, жа очилиб кетибсанми-а? Қаерга кетаяпсан?

– Марказга, тўйга...

– Э, шунақами? Мен бирор учрашувгамикан, деб ўйлабман, – деди Исмат иршайиб.

– Қаёқда. Энди ёшлигимиз қолдими?

– Ҳа, тўғри айтасан. Болалардан нечта бўлди?

– Тўрта қиз, – деди Ҳусния ва машина салонидаги ойна орқали чакчайиб турган ўтли нигоҳдан кўзини олиб қочди.

Кўнглидан «Уф-ф, шу тасқаранинг машинасига нега чиқдим-а» деган ўй ўтди.

– Нима, тўртовиям-а? – деб сўради Исмат оғзининг таноби қочиб.

Ҳусния жавоб бермади. Ўзини эшитмаганга олиб ташқарини томоша қилиб келаверди. Исматнинг эса жағи энди созлангандек эди.

– Ўшанда, менинг армиядан қайтишимни кутмагансан-да. Мана, менинг ҳозир уч ўғлим бор, – деди у мақтанган бўлиб.

– Ҳа, яхши, – деди Ҳусния қочиришни тушуниб.

Бу жавобдан Исмат гурурланиб кетдими ё ҳазил қилиб юрагининг тубида чигалланиб ётган аламини бир оз бўлса-да, ёзгиси келдими, ҳарҳолда ортига ўгирилиб гап қотди:

– Ҳой, биласанми, нима, жўжанинг қанақа бўлиши хўрозга боғлиқ бўлади, – деди у беўхшов қулиб.

Лекин Ҳусния у кутганидек жавоб қайтармади.

– Ҳе, ҳазилингиз қурсин, йўлингизга қаранг, – деб қўя қолди.

Исмат бир оз жим кетди. Лекин негадир бундай «имконият»ни қўлдан бой бергиси келмасди.

– Ҳусния, – деди у синик оҳангда биринчи муҳаббатининг кўйнига қўл солиб кўриш мақсадида. – Билсанг, сени ҳалиям яхши кўраман.

– Суюлмай ўлинг...

Исмат Ҳусниянинг тилла узукли кўлини маҳкам ушлаб олди.

– Ҳусния. Кел, баъзи-баъзида учрашиб турайлик. Ахир, эринг қамокда бўлса...

Аёл кўлини тез тортиб олди.

– Кўйвор кўлимни, ифлос. Тўхтат машинангни!

– Вой-бў... Бўпти, кечир энди.

– Йўқ-йўқ!!! Бўлди, тўхтатинг машинани! – деди Хусния ўзини машинадан ташлаб юборадиган даражадаги важоҳати билан.

Машина бир четга тўхтади.

– Ҳа, бўпти. Энди ундай қилмайман, узр.

– Йўқ. Мен бу ёғига бошқа машинада кетаман. Бизнинг йўлимиз бошқа-бошқа, – деди аёл.

Исмат жаҳлини яширмаган ҳолда шахд билан жўнаб кетди. Хусния бўлса «Ҳе, машинанг билан кўшмозор бўл одам бўлмай...» – дея жавраб бошқа йўловчи машиналарга қўл кўтара бошлади.

Шу воқеадан сўнг орадан тўрт йил ўтиб кетди. Ниҳоят эри қамоқдан қайтадиган бўлди. Энди бир-биридан гўзал қизлари қатори очилиб-сочишиб юрса ҳам Исматга ўхшаш бетамиз эркаклар ҳирсланиб қарамайдиган бўлди.

* * *

Қамоқдан қайтган Абдукарим қизларининг бўйи-бастини кўриб танг қолди. Катта қизи Озода йигирма, кичик қизи Паризода ўн беш ёшни қарши олгандилар. «Э-ҳа, уларнинг жойи чиқса бирин-кетин узатадиган бўлишибди-ку. Аммо узатишнинг ўзи бўлармиди. Ҳар бирига алоҳида сеп тайёрлаш, тўйга катта пул керак» – деб кўйди у фикран. Бунинг устига хўжалик янги трактор бермади. Гаражнинг бир четида занглаб ётган, эҳтиёт қисмлари талон-тарож қилинган, алимсоқдан қолган бир тракторни ўзи тузатиб олиш шарти билан беришди. Ноилож, оила корига яраб турган сигирни ҳам сотишга тўғри келди... Ниҳоят трактор юрди, лекин унга аккумулятор сотиб олишга қурби етмади. «Аккумулятор бўлиши шартми? Ундан кўра уй олдига, ундан кейин, дала шийпони ён-верига дўнг тепалар қиламан-да, ўт олдириб кетавераман», дея кўнглидан ўтказди Абдукарим. Шундай қилди ҳам.

Жонсарак Ҳусния кизларига яхши тарбия берди. Оталарининг бир куни «кутулиб» келиши, сўнгра оилалари бут бўлиб яхши ҳаёт кечиришлари, уларни яхши-яхши жойларга узатиш орзуси билан яшади. У кизларининг ҳар бир эркаликлари, илтимослари, сўровларига фақат «Даданг келсинлар, ҳаммаси яхши бўлади, сабр қил, болам» деган жавоб билан тинчлантиришга одатлангани учунми, кизлар ҳам отасини муқаддас инсон тимида кўришар, йўлларига нигорон бўлишарди.

– Отангиз яхши одам. Уни ноҳақ қамашди. Қайтиб келсалар, асло қамоқ ҳақида оғиз оча кўрманглар, – дер эди она доим кизларига.

Аммо у баъзан кизларининг етилиб турган бўйи-басти, қадди-коматини кўриб чуқур ўйга толарди. «Бу кизларни қандай қилиб жой-жойига узатарканмиз. Ахир, ҳеч вақомиз бўлмаса, аранг тирикчилик қилаётган бўлсак...» У ўйлаб ўйига етолмас, киз чиқараётган, тўй қилаётганларни кўриб ҳавас килар, ичини ит тирнарди. Айниқса, бозор ва савдо расталарини оралаганида ҳар бир буюм кўзига кизлари учун сеп бўлиб кўринаверарди. Шу туфайлими, иложи борица бундай жойларга бормасликка ҳаракат қиларди.

У ўз сепидаги кўйлақликларини ҳам тикиб битирди. Катта қизига атаб тиктирилган кўйлақлар кўлма-кўл бўлиб тўрттала қиз ҳам кийиб чиқишди. Кўча-кўйда кийишга бир сидра кийим-кечак ҳаммаси учун асқотарди. Шунинг учун бозор-ўчарга харажат учун борилганида Ҳусния ўзи билан фақат бир кизинигина олиб борарди.

Эри қамоқдан қайтса-да, оиланинг молиявий аҳволи ўнганмади, аксинча, кунларига яраб турган сигирларидан айрилишди. Хўжаликдан оладиган маошлари урвоқ ҳам бўлмасди. Фақат пахта қаторларига ишлов беришга мосланган трактор қанақаям даромад келтирарди? Бунинг устига кизларини сўраб, совчилар эшик қоқа бошлашди. Баъзилари илгари ҳам келишган, лекин Ҳусния аввало эрининг эсон-омон қайтиб келишини рўқач қилиб

уларни қайтариб юбораверганди. Энди нима дейди? Ахир, Озоданинг ёши йигирмадан ўтиб қолди-ку. Ундан ҳам кўра кўпроқ Хонзодани сўрашяпти...

Эр-хотиннинг дамлари ичига тушиб, бошлари қотиб юравердилар. Ўзининг натовонлигидан сиқилган Абдукарим энди ичадиган одат чиқарди. Ўзи мўмин-қобил, беозор йигит, лекин ичиб олса, гирт бемаъни аҳмоқ безорига айланар, бўлар-бўлмасга жанжал чиқараверарди. Эртаси соғ пайт бўлса, бўлган ишларни бутунлай ёдидан чиқариб, қўйдай ювош тортиб, ишига чиқиб кетаверар, аммо тунда яна ичиб, кечга бориб, гандираклаб кириб келар ва аламиний хотинидан оларди. Қизлари эса унинг туркини кўриб тум-таракай қочишарди.

...Энди Хусниянинг аввалги изтироблари ёнига яна бир изтироб, сўнган шаҳло кўзларининг атрофига ва баданига кўм-кўк моматалок излар ҳам қўшила бошлади. Чунки оилада буқадек қутурган маст эрни жиловлаб, уни «қозигига боғлаб» кўядиган бошқа эркак зоти йўқ эди. Ўткинчи муштларнинг зарби тўсатдан қизларидан бирига тушиб қолишидан аёл жуда ҳам чўчир ва ота кириб келгани замониёқ уларга «Қоч! Уйга кириб кет!» дея имлаб, «ёв»га қарши мардонавор пешвоз чиқарди. Хусниянинг куйиб-пишиб қиладиган панд-насихатлари ношуд эрининг у қулоғидан кириб бунисидан чиқиб кетаверарди. Тўғри, унинг пули йўқ эди, лекин маҳалла дўкандори ҳаммасини қарз дафтарига ёзиб қўяверарди. Аммо қарз-ҳаволанинг ҳам ўз меъёри ва бир кун сўроқ-жавоби бўлади-ку...

Кунлардан бирида Абдукаримнинг бир синфдоши тўй қилиб, кизини чиқарди. Синфдоши Мамасоли шаҳарда аллақайси қурилиш ташкилотида катта лавозимда ишларди. У синфдошларни тўйдан бир кун аввал алоҳида зиёфатга чақирди. Баъзилар Абдукаримнинг «феъли»дан хабардор бўлса-да, билмайдиганлар ҳам йўқ эмасди. Шу туфайли синфдошларини кўпдан буён соғинганиданми ёки бир оз бўлса-да, турмуш ташвишларидан холи бўлгиси келдими, ҳарҳолда кетма-кет қуйилаётган арокни

сувдек ичаверди. Яхши гурунг бўлди. Синфдошлари билан жан-жаллашишни асло хаёлига ҳам келтирмади.

Бир пайт куёв томондан келиннинг юкини олиб кетиш учун «Камаз» юк машинаси келганини айтиб қолишди. Машинада фақат иккита куёвжўра йигит келганмиш, холос. Лекин юк, яъни келиннинг сепи бир дунё экан. Уларни юклаш икки йигитга оғирлик қиларди.

– Йигитлар, юринглар, куёв томонга бир карашиб юборайлик, – деб қолди шу пайт Адҳам исмли жўрабошилари.

Ҳаммалари ўринларидан туришди ва аввало гарнитура-мебеллар, сандиғу анжомларни юклашди. Арокнинг таъсирими, ҳаво иссиқмиди ёки юкнинг кўплигиданми ташийвериб терлаб-пишишди. Машина лиммо-лим тўлди. Абдукаримнинг эса эси оғиб қолаёзди. «Нахотки бир кизга шунча сеп? Менда ахир, улар тўртта-ку! Ҳали гарнитур тугул бир қизимизга кўрпалик ҳам ололганимиз йўқ!» Унинг кайфияти тушиб кетди. Гурунг, гап-сўзлар энди қулоғига кирмай қолди. Алаmidан текин арокни ичаверди, ичаверди, газак ҳам қилмади...

Бир пайт Аҳмад исмли ўртоғи кутилмаганда, «Мана энди, тўй қилиш навбати, худо хоҳласа Абдукаримга!» деб қолди. «Ўзимиз мана шундай хизматда бўламиз-да, жўра. Бу ёғини бошлайвер, кўркма, – деди у алжираб. Бироқ бу гап Абдукаримнинг нафсониятига тегиб кетди ва тўсатдан бориб унинг ёқасидан олди: «Ҳой бола!.. Мен билан ишинг бўлмасин, билдингми! Қизларимни эрга бераманми, ёстик қиламанми, бу менинг ишим!» – дея ноўрин шовқин кўтара кетди. Бирор нохушлик чиқиши мумкинлигини сезган жўрабоши уни бир четга мажбур етаклади.

– Ҳой, кўйвор-ей!.. Мени каёққа судраяпсан?

– Ичкарига кириб дамнингни ол. Кўп ичиб кўйибсан, – деди Адҳам паст келиб.

– Ич-чаманда. Тўй бўлганидан кейин ичиш керак-да!

– Йўқ, тўй эртага. Эртага келасан. Яхшиси, ҳозир уйингга кет.

– Н-нима?! Сен мени ҳайдаяпсанми ҳали?!

– Йўқ. Бўлмаса ҳозир бирортасига айтаман, олиб бориб кўяди.

– Ўзим кетавераман. Нима?! Мен сенга ногиронмидим. Мана қара, икки оёғим соппа-соғ, – деди у оёқларини кўрсатиб шанғиллаб.

– Бўпти, соғ бўл доим. Энди тўғри уйингга бор, хўпми, илтимос.

Абдукарим ҳарҳолда итоат қилди ва гандириклаб йўлга тушди. Бир оз юргач, ортига қараб яна жавради:

– Ҳой Адҳам, Аҳмадга айтиб қўй, бошқа менга ақл ўргатмасин. Қизларимнинг нима қилишни ўзим биламан, бўптими?! – деди у кўксини муштлаб.

– Хўп-хўп, бор энди, – деди Адҳамнинг чиндан гаши келиб.

Абдукарим гандираклай-гандираклай ниҳоят маҳалласининг бошидаги «қадрдон» савдо дўкони олдига етиб олди. У йўл-йўлакай ўзича гўлдираб, Аҳмадни сўкиб, ўтган-кетгanning ортидан алжиб келди ва тўғри дўконга кириб сотувчи йигитга буюрди:

– Куй арокдан! Ҳе, онасини!.. – дея болахонадор сўкиниб кўйди у.

Дўконда бир неча хотин-халажлар бор эди. Улар «Вой ўлай!» – дея тезда бу ерни тарк этишди.

– Ҳуснияга ҳайронман. Мундоқ эрини тийиб олмайдиям-а! – деди аёллардан бири норози оҳангда.

Дўкончи Асрорнинг ҳам Абдукаримнинг бу қилиғидан жаҳли чиқди. Бу сур маст одамни қандай қилиб чиқариб юборишга чора излади. Унга яхши муомала қилиб кўрди:

– Абдукарим ака, боринг, уйингизга кетинг.

– Нима, сен ҳам мени ҳайдаяпсанми?!

– Йўқ. Ғирт мастсиз, участковой кўрса олиб кетиб қолади.

– Ҳе, сени ўша, мелисангни қараю. Нима, мени улардан кўрқади, дейсанми? – деди Абдукарим кўксини муштлаб.

Асрорнинг унинг турмада ўтириб чикқанини ёдига олиб, ўйламай гапириб қўйганидан афсусланган бўлса-да, эътибор бермай ўз иши билан банд бўлди.

– Бўпти, юз грамм қуй, кетаман... – деди Абдукарим бир оздан сўнг ҳовуридан тушиб.

– Уф-ф. Ўзи қарзингиз кўпайиб кетди-ку, ака, – деди дўкондор гаплашишнияма истамай.

– Нима, сён миннат қилаяпсанми ҳали?!

– Йўқ... Пулини аввал тўлаб қўйинг, деяпман. Ахир, мен ҳам буни сотиб олиб келаман-да.

– Биламан, сенларнинг қанақа қилиб олиб келишингни! Нима, мени пули йўқ, деб ўйлайсанми? – дея ўшқирди у ва чўнтагини ковлаштириб тўйбошининг қўлига қистириш учун хотинидан олган пулини тахта тўсик устига “тақ” этказиб қўйди. Хусния бу пулни қўшни қишлоққа бориб, қайси бир бой хотиннинг ги-ламларини ювиб бергани эвазига топган эди. У эри синфдошининг тўйига кетаётганидан хурсанд бўлиб «Илоҳим, бизни ҳам шунақа тўйларга етказсин», – дея ҳамма йиққанини олиб чиқиб берган, аммо пул эгасига етиб бормаганди.

...Асрор «хайрият» дегандек пулни олди-да, тез-тез уни санаб, стаканга ароқ қўйиб узатди.

– Беш мартасидан узилдингиз, ака.

– Тўрт мартасидан де, – дея Абдукарим ва ароқни қултиллашиб ичиб юборди.

– Йўқ, бу ерда кўп.

– Кўп бўлса, яна битта қуй, кейин расчёт.

– Хўп-хўп, лекин тўғри уйингизга бориб ётинг. Маҳалла-дагиларнинг кўзига хунук кўринманг. Ҳар ҳолда қизларингиз...

– Қизларимга тил теккизма, аҳмоқ! – дея пештахта устига бир мушт туширди ва қуйилган ароқни бир кўтаришда сипкорди-да, газак ҳам қилмай дўкондан отилиб чиқиб кетди. Асрор бўзрайиб қолаверди «Ҳе, алкаш, – деди у жаҳли чиқиб ортидан. – Хурма-чангга сиғса ичгин-да».

Чайқалиб кетаётган Абдукаримнинг кўзига дунё алғов-далғов кўрина бошлади. Гўё ҳамма уни қўлини бигиз қилиб кўрсатаётгандек, устидан кулаётгандек туюлаверди ва шу кўйи дўнг те-

пага қўйилган тракторигача аранг етиб олди. Тракторнинг олд тумшугига суяниб бир оз чайқалиб турди. Трактори ҳам уни гўё тергамоқчи бўлгаётандек, назарида ковоғи солиқдек туюлди. Бундан ҳам жаҳли чиқди ва резина ғилдиракларига қараб бирикки яхшилаб тепиб қўйди. Лекин трактор «ғинг» демади. Унинг ўрнига ҳозир хотини бўлганидами, «Вой-дод!» деб маҳаллани бошига кўтарган бўлармиди. Хотини ёдига тушди: ҳозир уйга киради-да, қизларни кўп туккани учун бошлаб таъзирини беради...

Мана шундай бемаъни, алпоқ-чалпоқ хаёлларга берилиб, гудраниб-сўкиниб уйи томон яқинлашди. Бу маҳалда алоҳида қурилган меҳмонхона биноси ичкарисидан шўх мусика садолари таралмоқда эди. Дадасининг бир аҳволда тўйдан барвақт қайтиб келишидан беҳабар бўлган қизлар қўшнининг магнитофонини олиб чиқиб, овозини баралла қўйганларича вақтичоғлик килаётган эдилар.

Ёшлик сурури уларни «маст» қилган, чиройли коматлари, ишваю ноз қарашларини ўзаро бир-бирларига кўз-кўз қилиб хиром айлардилар. Лекин қизларнинг афт-башаралари беўхшов эди. Гулзода дам олиш кунидан фойдаланиб журналларнинг бирида ўқиган юзнинг терисини парвариш қилувчи шифобахш юз ниқоби қоришмасини тайёрлади. Ҳар бир қиз қатик аралаштириб тайёрланган мазкур қоришмани юзларига чаплаб олишгани туфайли масхарабозларга ўхшаб қолишган ва бу ҳам ёшларга ўзгача завқ бағишлаётганди.

Ҳусния эса бу пайтда ўз уйида қўшиқ хиргойи қилиб, ширин орзулар оғушида эрининг шимига ямоқ тикиб ўтирарди. Эшитилаётган мусика садолари унга ҳам завқ бераётганди. Қизларига базм қилишга ўзи рухсат берди. Нима бўпти? Ахир, улар сиқилиб кетишди-да. Уйда на телевизор бор, ё бирор кўнгилочар нарса... «Қўшнининг магнитофони бор бўлсин. Бирам яхши қўшиқлари кўп эканки. Қизларим бугун бир дам олишсин. Дадалари ҳам, худо хоҳласа, синфдош ўртоғининг тўйдан ўзига келиб қайтади. Қизларини чиқариш кераклигини ўйлаб, инсофга келиб қолсалар ажабмас» деган ўй-хаёллар ўтарди кўнглидан.

Бирок ҳаммаси бошқача тус олди. Ҳовлисида бир аҳволда пайдо бўлган Абдукаримнинг базму жамшид садоларидан эсхонаси чиқаёзди. Аввалига нима қиларини билолмай меҳмонхона олдида у ёқдан бу ёққа қўшнининг итидай тентираб юрган бўлди. Гўё «Сиз бизга тўй қилмасангиз, биз қиламиз!» дея масхара қилаётгандай қизлари кий-чув солиб, қарсак чалиб, «ҳая-ҳая» билан ўйинни баттар авж олдиришди.

– Мен сенларга ўйин қилишни кўрсатиб қўяман ҳали! – деди у гижиниб ва атрофга олазарак қаради. Кўзлари қонга тўлди. Агар шу топда ойболта кўринганидами, у эшикни бузиб киришга ва ўша магнитофониям, ўйинга тушаётганларниям бурдалаб чопиб ташлашга тайёрдек эди гўё. Лекин худо асради. Яхшики, бундай ўткир куруллар кўринмади, балки тракторидан орттирган соляркани қуйиб қўядиган усти очик бочкага кўзи тушди ва ҳеч иккиланиб ўтирмай унга челакни ботириб олиб меҳмонхонанинг эшик ва деворларига кўллатиб сепаверди.

– Сенларга ҳали базми-жамшид қилишни кўрсатиб қўяман!.. – дерди у тинимсиз гудраниб.

Афсуски, бу маҳалда қизлар ҳам, ичкаридаги Ҳусния ҳам Абдукаримнинг жирканч ҳаракатидан беҳабар эдилар. Мусика садолари кучайтирувчи мослама ёрдамида янада баланд оҳанг берар, худди тўйлардагидек жарангдор эди...

* * *

...Кўп ўтмай маҳалла осмонини қора қуюқ тутун коплай бошлади. Ўт, айниқса, меҳмонхона ёнидаги уюб қўйилган эски гўзапоя ғарамида аланга олди ва кўз очиб-юмгунча айвон томига босиб қўйилган куруқ хашакка илашиб баттар авжланди.

Абдукарим мусикага монанд ракс қила бошлаган уй томидаги аланганинг ёлқинларига дастлаб лол бўлиб қараб қолди. Шиферлар тарақлаб отилди ва уларнинг бир бўлаги бошига келиб тушди. У йиқилди. Йиқилган маҳали ёнаётган айвон томининг ёғочлари уйнинг олд томонига кулади. Бу билан кириш эшиги маҳкамланиб қолди.

...Шиферларнинг тарақлаши ва қичкирик овозидан чўчиб тушган Ҳусния ташқарига отилди. Лекин аҳволни кўриб эси оғиб қолгандек фарёд солди.

– Вой-дод, ким бор?! Ёрдам беринглар! – дея у ўзини ўт ичига ташламоқчи бўлди. Лекин ўзига келган эри этагидан маҳкам тутиб қолди:

– Сен қаёққа, аҳмоқ?!

– Вой кўйворинг! Қизларимни кутқаринг! Ахир, улар ёниб кетади-ку! – дея маст эрининг юзини шапатилай кетди.

Бу маҳалда тутунни кўриб ёрдамга шайланган кўшнилари чоғиб келишди. «У ерда қизлар бор!..» – деди Ҳусния ва ўзидан кетиб йиқилди. Кўшниларининг бирининг ёрдамида ўзига келган Абдукарим ўзининг қилиб кўйган ишини англагандай бўлди ва шердек наъра тортиб ўзини ёнаётган уйга томон урди. Бу маҳалда уй ичкараси ҳам ёнаётган, кичик қизи Паризода дераза панжарасига осилиб, дод солаётган, яна бирови эса эшикни очишга уринаётганди. Мусиқа садолари ҳамон авжида бўлиб, уни ўчириш ҳозирча ҳеч кимнинг хаёлига келмаганди. Ҳадемай у ўз-ўзидан ўчиб қолди. Бу пайтда ҳовлида одамлар тўлиб кетди. Ичкаридаги қизларнинг ҳаммаси олиб чиқилди. Оғирроқ куйган иккитаси беҳуш эди. Ҳаммаларининг баданлари ва у ер-бу ерлари куйганди.

Ҳадемай ўт ўчирувчи машина ва «тез ёрдам» ҳам етиб келди. Ўтнинг кўшни уйларга ўтиб кетиш хавфи бартараф қилинди. Ҳусниянинг юзи мурдадек оқариб гапиришга ҳам тили айланмай қолганди. Абдукаримнинг ҳам кўли ва юзига олов тафти урган, беҳуш қизларини ўзи топиб олиб чиққанди.

Қизлар «тез ёрдам» машинасига солиб олиб кетилди. Улар билан Ҳусния ҳам кетди.

– Ўт нимадан чикди? – деб сўради ўт ўчирувчилар сардори.

– Билмасам. Тўйдан келсам ёнаётган экан – деди Абдукарим ерга қараб.

– Ҳали ҳаммасини аниқлаймиз. Прокуратурадан ҳам ҳозир одам келади. Сиз фақат тўғриси айтинг.

– Атайлаб биров ёқмагандир, – деди қўшнилардан Ахлиддин исмли йигит.

– Ҳа, душманингиз бўлмаса керак, албатта. Унда электрданми, газданми, аниқлашимиз керак.

Шундай қилиб, Абдукаримнинг хонадонида ёнгин сабабларини аниқлаш мақсадида тергов-суриштирув ишлари бошланди. Шу нарса аниқ эдики, мабодо Абдукаримнинг атайин ўзи ўт қуйиб юборгани аниқланса, қолаверса, унинг қамоқда ўтириб келгани ҳам ҳисобга олинса, албатта уни яна узоқ муддатли қатъий тартибдаги ҳукм кутарди.

Ҳусния бунни биларди. Шунинг учун юраги безовта эди. «Наҳотки яна қизларим отасиз қолишса... Йўқ-йўқ, улар тез орада тузалиб чиқишади. Мастликда у бир аҳмоқлик қилиб қўйдида. Лекин бу ишни ўзи тан олмаса ким ҳам уни айбларди. Ахир, ҳеч қандай гувоҳ йўқ-ку! У асло тан олмаслиги керак, йўқса тўртала қизнинг аҳволи отасиз қандай кечади?!»

Эртаси эрталаб қизларини шифохонага қўйиб келган Ҳусния қўйдек ювош тортиб қолган эрини бир четга тортди:

– Дадаси, аҳмоқлик қилиб қўйдингиз, энди кўзингизни каттароқ очинг. «Ўтни мастликда билмай ёқиб юбордим» деб асло гапира кўрманг. Сизни яна қамаб қўйишади. Унда сизсиз мен нима қиламан? Қандай яшайман? Эркак бўлганингиздан кейин араванинг бир томонини тортинг-да! – деди аёл ва илк бор эрининг кўзига тик боқди.

– ...Мени кечир, хотин. Энди сира оғзимга олмайман. Лекин қизлар мен қилганимни билишса нима бўларкин?

– Қизлардан асло хавотир олманг. Улар сизни яхши кўришади, сизни тўғри тушунишади. Улар билан ўзим гаплашаман. Фақат терговчига ўзингиз туриб беринг, илтимос!

– Хўп... Сен қизлардан хабар ол. Мен хўжалик омборига бориб келай. Маҳалла оқсоқоли айтди, ёрдамга бир қоп ун билан икки қоп бугдой беришаркан, – деди Абдукарим.

– Яхшиям маҳалла-қўй бор экан. Раҳмат шуларга... Борақолинг, дадаси, – деди Ҳусния ва пиқиллаб йиглаб юборди.

Абдукарим оғир хўрсиниб кўйди-да, деярли хонавайрон бўлган ҳовлисидан маъюс чиқиб кетди.

* * *

Бирданига келган фалокат Хуснияни батамом чўктириб кўйди. Йиғлайвериб ҳолдан тойди. Шифокорлар дастлаб аёлни кизларининг ёнига кўйишмади. У ялиниб-ёлворди, «дод» деб фарёд чекди, бўлмади.

– Нега мени кўймайсизлар? Қизларимни кўришим керак-ку, ахир, – дея нола қиларди аёл бошини чангаллаб.

Бош шифокор Қосим Алиевич унинг елкасига ҳамдардлик билдириб кўлини кўйди.

– Бизни тўғри тушининг, опа. Сиз ҳозир «стресс» ҳолатидасиз. Ўзингизни кўлга олинг. Айюҳаннос солган билан энди фойдаси йўқ. Қизларингиз бу ҳаракатингиздан баттар эзилишади. Ҳозир уларга тинчлик керак.

Шундан сўнг у бир ҳамширага Хуснияга тинчлантирувчи укол қилишни буюрди.

– Бу опа ўзларига келиб олганидан сўнг қизларининг ёнидан жой қилиб берарсиз. Қон босимларини ҳам текшириб туринг.

– Хўп бўлади, Қосим Алиевич, – деди ҳамшира киз итоатгўйлик билан.

– Тушундингизми, опажон, – деди у яна Хуснияга мурожаат қилиб. – Сиз қизларингизга руҳан далда бўлишингиз керак. Ўзингизни эркакдек тутинг, жасоратли бўлинг, илтимос. Худо хоҳласа, қизларингизга унчалик шикаст етмаган. Тез орада кўрмагандай бўлиб кетишади. Яхшиям юзларига никоб суртиб олишган экан, ҳеч нима қилмабди. Тутундан бир оз заҳарланиш бор. Лекин бу тезда ўтиб кетади.

Эртаси Хуснияга ҳам қизлари ётган палатадан жой қилиб беришди. Қизлар тўртта сўри-кароватда қатор бўлиб ётишар, лекин руҳан тетик эдилар. Биринчи сўрида Паризода ётарди. У оғирроқ куйганди. Бу ўша, дераза панжарасини очишга уринган

ва унинг тирқишидан ганграб керосинли челак тутиб турган да-
дасига кўзи тушиб кичқирган қиз эди. У онасидан оҳиста сўраш-
га ботинди:

– Ойи, буни дадам килдиларми? – сўради у Ҳусниянинг
кулоғига оҳиста шивирлаб.

Ҳусния кескин эътироз билдирди:

– Э, йўқ! Ҳеч ҳам унақамас. Хаёлингдан чиқариб ташла бу
гапни, – дея қизини уришиб берди аёл. Лекин кўнглида «Демак,
улар билишади...» деган ўй келди.

– Қизларим, – деди она йиғламсираб. Лекин бош шифокор-
нинг «Ўзингизни эркакдек тутинг» деган гапи хаёлига ярқ этиб
келиб ўзини тутиб олди. – Ҳадемай ҳаммаларинг яхши бўлиб
кетасизлар. Оталаринг сизларни жуда яхши кўради. Ўт балоси
қаердан чикди, билмадик, аниқлашаяпти. Лекин сизлар асло
отангизни айбламанглар. Уни бир марта ноҳақ қамашганида
канақа аҳволга тушиб, қийинчилик кўрганимизни эсланглар.
Нима бўлсаям, у сизларнинг оталаринг. Уни авайлаб-асраши-
миз керак. Маст келганини кўрмадинглар, хўпми? Бўлмаса яна
камоққа олиб кетишлари мумкин. Бир марта қамалиб чиққан
одамни аяб ўтиришмайди.

Қизлар барабарига «хўп» дейишди.

– Ойижон, сув қайнатгични токдан узиб қўйиш эсимиздан
чикиб қолган бўлса керак-да, – деди шу пайт Паризода атайин.

– Йўқ. Дазмол. Биз ўйин билан бўлиб, уни унутиб қўйганмиз,
– деди Хонзода.

– Ҳаммамизнинг гапимиз бир хил бўлса, отамизни ҳеч нима
қилишолмайди, – деди Гулзода жиддий.

– Сен нима дейсан, қизим? – деб сўради Ҳусния Озодадан.

– Тўғри, шунақа бўлганди, ойи, – деди Озода пешонасини ти-
риштириб.

Ҳусния хурсандликдан кўзларига ёш олди ва бориб бемор
қизларнинг юзларидан бир-бир ўпиб, ўпиб бўлмайдиганини эса
бошини меҳр билан силаб чикди.

* * *

Шундай қилиб, Абдукарим қонун олдида қилмиши учун жазоланмади. Бир ҳафта ўтгач эса, ҳеч нима бўлмагандек яна ўз ишига бориб, дўнг тепадан тракторини ғириллатиб юрғизишга ишлайверди. Ҳақиқатни эса ҳеч ким билмай қолаверди. Бирок...

Жазирама кунларнинг бири эди. Ғўза қатор ораларига охириги ишлов берилаётганди. Абдукарим тушликкача аранг чидадди. Қорни ўлгудай очикди. Хотини қизлари билан касалхонада бўлгани учун уйда овқат қилиб, нон ёпиб берадиган одам ҳам қолмаган, тушликда дала шийпонида бригадир Исмат келтирган ул-бул билан тамадди қилиб олар, кечки пайт бўлса, дўкондан бўлка нон олиб кетиб, уни шакар чойга бўктириб еб оларди.

Одатда далачилар тушликдан сўнг кун тафти қайтгунга қадар соя-салқин жойларда бир зум мизғиб олишади. Абдукарим эса доим шундоқ трактори турган дўнг тепа тўғрисидаги сўлим тол тагида пинакка кетишга одатланганди. Уйдаги алғов-далғов ташвишлар, терговчининг сўроқ-саволлари фикри-ёдини чулғаб олгани, қолаверса, қилиб қўйган бемаъни иши, қизларининг эндиги тақдирини ўйлаб тунлари мижжа қокмай чиқарди. Бугун эса қизларининг анчагина дуруст эканликлари тўғрисидаги хабардан, яъни уларнинг оталарини ҳимоя қилганликларидан ҳам хурсанд бўлиб, ҳам кўнгли хотиржам бўлганиданми ёки дала шабодасининг оромбахш ифори элитдими, ҳарҳолда қаттиқ уйкуга кетди. Офтоб нури тушиб қолмаслиги ва ортиқча шовқин безовта қилмаслиги учун атайин қулоғига пахта тикиб, кўзини пешонаси аралаш оқ рўмоли билан боғлаб олиб, бемалол хуррак отаверди.

Бир маҳал ер силкиндими ёки мушук-пушук трактор кабинасига ивирсиб чиқиб «холостой» ричагига тегиб кетди-ми, ҳарҳолда кутилмаган фалокат юз берди: трактор овоз чиқармагани ҳолда ўз-ўзидан тепаликдан пастлик томон гизиллаб юриб кетди ва тўғри Абдукаримнинг устига бостириб борди. «Ғазабланган» тракторнинг олд ғилдираклари дастлаб

тракторчининг оёқларини болдиридан эзиб ўтган маҳали унинг соҳиби чўчиб уйғониб қарахтланиб қолди, то нима гаплигини англаб олгунича бўлмади улкан орқа ғилдираклари ҳам унинг тиззаларини мажаклаб, «Мана бўлмаса!» дегандек эзғилаганча устида тўхтаб туриб қолди. Оғриқ азобидан инграган Абдукарим ўзидан кетди...

Бу пайтда яхшики, сувчи Хўжамқўл ака шу томонга қараб келаётганди, узоқдан тракторнинг юрганини кўрди. Лекин кабинада ҳеч ким кўринмасди. Одатда тракторчи уни дўнгликдан тушаётгандаёқ моторини ўт олдиради. Бу сафар негадир ундай бўлмади. «Оббо, Абдукарим-ей, қўл тормозини бўш қўйиб ўзи бирор ёкка кетган кўринади. Ҳай-ҳай шунақа маҳалда йўлида одам бўлишидан худонинг ўзи асрасин» деб қўйди сувчи ҳаёлан. Лекин кўзлари ғилдирак ёнидаги оқ рўмолга тушиб, юраги шувв этиб кетди ва елкасидаги кетмонни бир четга отди-да, илдам чопиб кетди.

Кўп ўтмай Хўжамқўл ака даҳшатли манзара устидан чикиб танг қолди. Абдукаримни жонҳолатда тортиб кўрди. Лекин улкан ғилдирак уни «қўйиб юбормасди». Шунинг учун «Ҳой, ким бор?! Ёрдам беринглар!» дея қичқира бошлади сувчи. Тез орада беш-олти нафар тушлик килиб ўтирган дала дехқонлари чопиб келишди. Тракторнинг олд ғилдираклари ариқ ичига тушиб қолганди. Уни итариб чиқаришга кўп уриндилар. Эплаб бўлмади. Юргизай дейишса аккумулятори йўқ, ўт олмайди. Кимдир бошқа трактор айтиб келгани, бошқа биров эса мотоциклда «тез ёрдам» чақиргани шошилишди.

...Тракторни бошқа трактор билан судраб тортишди. Абдукаримни «тез ёрдам» олиб кетди. Ҳусниянинг оиласида «бешинчи сўри» пайдо бўлди. Бу фалокат зарбидан Ҳусниянинг ҳам «олтинчи сўри»га ётиб қолиш хавфи туғилди. Лекин аёл бу пайтда ётиб қолиши мумкин эмаслигини ҳаммасига сабр-бардош бериш кераклигини англади. Қон босими ошиб кетган бўлса-да, эри ва қизлари атрофида парвона бўларди.

Ниҳоят, Абдукарим ўзига келди. Лекин унга оёқларини зудлик билан кесиш кераклигини айтишди. Ҳусниядан розилик сўрашди. У, албатта, рози бўлмади.

Ҳусния бошини яна чангаллаб ўтириб қолди. Шифокор Қосим Алиевич уни яна тинчлантирмоқчи бўлди. Бирок Ҳусния бу сафар йиғламади. У бош шифокорни ҳайрон қолдириб унинг кўзларига она курк товукдай важоҳат билан бокди:

– Тўғрисини айтинг, кесмаса бўлмайдимми?!

Доктор жавоб ўрнига чуқур ҳўрсиниб қўйди. Бу унинг «иложи йўқ» дегани эди. У аёлнинг елкасига қўлини қўйганича негадир узоқ туриб қолди. Ҳусния ҳаммасини тушунди. Демак, тақдирга тан беришга тўғри келади.

– Сабрли бўлинг, – деди Қосим Алиевич ниҳоят тилга кириб. Ҳусния эрининг олдига минг ички изтироб ила кириб келди.

– Дадаси, тузукмисиз? – дея аранг сўрай олди у.

– Сув бер...

Ҳусния совук чой қуйиб узатди.

– Қизлар тузукми? – деди Абдукарим ютоқиб.

– Ҳа, худога шуқур.

– Мен яхшиман. Боравер, қизлар ёлғиз қолмасин.

– Рози бўлаверинг, жон дадаси. Қизларимиз учун сиз яшашингиз шарт. Уларнинг бахтли-тахтли бўлганини ўз кўзингиз билан кўришингиз керак. Бўлмаса ўлиб кетар экансиз, жон дадаси... Сизга ўзим қарайман, ўз боламдек кўраман... – деди Ҳусния ва йиғлаб юборди.

– Мени кечир, хотин. Бундан кўра ўлиб кетганим афзал эди, – деди Абдукарим синик овозда.

– Йўқ-йўқ. Ўлишга ҳақкингиз йўқ. Бизларни бундай ахволга ташлаб кетманг. Бу номардлик бўлади-ку, ахир. Қанақа эркаксиз ўзи?!

– Ҳа, тўғри, хотин. Ҳаммасига ўзим айбдорман. Мени худо жазолади...

– Энди қизларингиз учун яшашингиз керак. Улар олдидаги гуноҳингизни ювишингиз керак.

– Хўп. Дўхтирни чақир...

Ҳусния эрининг олдидан ранги бўзариб чиққани маҳали уни коридорда Ҳалима исмли ҳамшира қиз кутарди.

– Опажон, сизни йўклаб қўшниларингиз келишибди. Улар ташқарида кутиб туришибди. Манави рецептда эрингиз учун ёзилган дори-дармонлар рўйхати. Уларни сотиб олиб келиб берсангиз. Биз ҳам борича амаллаяпмиз, – деди Ҳалима ва Ҳусниянинг қалтираб турган қўлига бир талай қоғозларни тутқазди.

Ҳусниянинг эси оғаёзди: «Бунча дори-дармонга пулни қаердан оламан? Кимдан ёрдам сўрайман? Энди нима қиламан? Ахир бор-будимдан айрилиб бўлдим-ку», – дея ўкинч билан хаёлга ботди аёл.

У қўшниларнинг олдига бир аҳволда чиқиб келди. Уларнинг орасида Исматнинг ҳам турганини кўриб ич-этини биров чимдиб олгандек ҳис қилди. «Энди сен кам эдинг» дегандек ўткир нигоҳини бир қадаб қўйган бўлди.

– Мен қўшниларингни олиб келувдим. Фалокат-да... Хизмат бўлса айтавер, – деди Исмат шоша-пиша ўзини оқлаш учун.

– Қизим, энди сен фақат бардам бўл, – деди маҳалла оқсоқоли Икром ота.

– Кўргулик-да, қаранг. Сабрли бўлинг, ўртоқжон, – деди Лобархон ҳам. – Қизларингиз, хўжайингиз тузукми?

– Тузук. Раҳмат сизларга. Бекор овора бўлибсизлар-да, – деди Ҳусния ва ўзини қўлга олишга ҳаракат қилди.

– Сенга худо сабр берсин, қизим. Биз ҳам қараб турмаймиз. Қўлимиздан келганича ёрдамимизни аямаймиз, – деди оқсоқол.

Бирга келганлар бу гапни тасдиқлашди. Шундан сўнг улар беморларни кўриб чиқиш учун рухсат сўрашди. Фақат Абдукаримнигина кўришга рухсат беришди. Чунки куйган қизларнинг ҳар хил беўхшов ҳолатда ётишлари бегоналарнинг киритмасликни тақозо қиларди. Қўшнилари Абдукаримдан ҳол-аҳвол сўраб ўтиришгани маҳали Исмат коридорга чиқди ва нариги палаталардан бирининг олдида турган бош шифокорга кўзи тушди.

Қосим Алиевич унинг узок қариндошларидан эди. У Исматни илиқ қарши олди.

— Абдукаримни йўқлаб келувдик. У менинг кўлимда механизатор бўлиб ишлайди. Қосимжон нима дейсиз, у яхши бўп кетармикан?

— Фақат ваҳима қилманг, Исмат ака. У киши бошқа трактор минолмайди, — деди доктор ва қулоғига оҳиста шипшиди. — ...Оёқларини кесмоқчимиз.

Исмаат бир лаҳза қотиб қолди. Қосим Алиевич ўз ишлари билан нари кетарди. Исмаат чуқур хаёлга ботганди: «Ана тақдиру, мана азал. Эҳ, Абдукарим... Ўшанда севган қизимни тортиб олганингда қанчалик азоблангандим, сени қарғагандим. Мана оқибати...»

Иккинчи боб ОРИЯТ ИСЁНИ

Эртаси Ҳусния кишлокқа, уйига қайтди. Ҳовли-жойи, товукларига кўни-кўшнилар қараб туришар, тунда чирокларини ёкиб кўйишарди. Бундан Ҳусниянинг ҳеч қандай хавотири йўқ эди. Мақсади — қолган-қутган тилла тақинчоқларини сотиш, қариндош-уруғлардан ёрдам, қарз сўраб, касалхонадаги азиз беморига керакли дори-дармонларни етказиб бериш, товуклардан сўйиб яхшироқ таом пишириб келиш эди.

У чиккан автобус чўл орқали ўтган текис ва равон йўлдан борар, кўринаётган далалар, шолитор, буғдойзорларга бефарқ қарар, унинг фикри-хаёли фақат оиласининг тақдирида эди. Шу маҳал олдинги ўриндикда бобосини саволга тутиб ташқарини томоша қилиб кетаётган болакайнинг кўлидаги олмаси Ҳусниянинг этагига тушди. Шундагина унинг хаёли бўлиниб, олдида жилмайиб турган болакайга қаради. «Вой, бирам ширин бола эканки» деган хаёл ўтди унинг кўнглидан ва олмасини узатди.

— Раҳмат, хола, — деди болакай миннатдор бўлиб ва яна бобосини сўроққа тутди: — Бобожон анувилар нима? — деб сўради у шолли пайкали бўйларига тикланган чайлаларни кўрсатиб.

- Буларми? Чайла, – деб кўйди бобоси.
- Улар нима учун керак?
- Чайлада одамлар вақтинча яшашади. Ўша ерда тунаб, шолиси, экинига қарашади.
- Нима, уйларига боришмайдими?
- Йўқ. Ҳосил пишгунича қўриқлаш керак. Кечалариям сув кўйишга тўғри келади. Чайла дегани бу бир бошпана-да, ўғлим.
- Шоли нима?
- Шоли бу гуруч, палов дегани-да. У инсон учун зарур овқат ҳисобланади. Ундан яхши даромад олиш учун экишади. Лекин меҳнати жуда оғир, ҳаммаям чидайвермайди, билдингми?
- Нимага оғир?
- Шоли сувда бўлади. Унга кўп сув керак. Шоли доим сув кечиб парвариш қилинади.
- Мазза экан-ку. Ичида балиқчалар ҳам бўладими?
- Албатта бўлади, – деди мўйсафид кулиб.
- Ҳусниянинг ҳам юзига илк бор табассум югургандай бўлди.
- Бобожон, биз ҳам шоли экайлик.
- Эксак нима қилардинг?
- Мазза қилиб чўмилардим.
- Оббо, сен-ей, – деди бобоси кулиб. – Йўқ. Биз уни экмаймиз.
- Нега?
- Негаки, бунга бизнинг муҳтожлигимиз йўқ-да.
- Ҳусния шундагина бепоён шоли далаларига нигоҳ ташлади. Болакай бобосига кўрсатган чайлалардан бирига аҳамият берди. Ана, кимдир ўчоққа ўт ёқмоқда, кимлардир ер ичида меҳнат қилмоқда. Мўйсафиднинг гапларини хаёлан такрорлади: «Ундан яхши даромад олиш учун экишади. Бунга бизнинг муҳтожлигимиз йўқ». Бу сўзлар аёлнинг миясига маҳкам ўрнашиб, хаёлидан кетмай қолди: «Ҳа. Нимадир қилишим керак. Бу аҳволда оиламиз хароб бўлади. Гадойдан ҳам баттар бўламиз... Қизларга сеп қилиш керак. Ҳозир доригаям, егани нонгаям пулимиз йўқ. Ёрдам пуллари нимаям бўларди... «Еяверсанг тоғ ҳам чидамайди» дейишади. Нима қилсам экан?...»

Ҳусниянинг кўзларидан ёш думалади ва шу маҳзун ҳолатда қишлоғига етиб келиб қолганини англамай қолди.

Аёл қишлоқ кўчалари бўйлаб шошиб бораркан, ўтган-кетган ҳамқишлоклари ундан ҳол-аҳвол сўрашарди. Бир маҳал Исматнинг машинаси кўринди. Ҳусния уни кўрмаганга олди, лекин Исмат ҳам тўхтаб ундан ҳол-аҳвол сўради.

— ...Раҳмат, яхши. — деди Ҳусния қурук қилиб.

— Ма, манавини олиб қўй, — деди Исмат бир талай пул узатиб.
— Мендан арзимас ёрдам.

— Йўқ, — дея кескин рад қилди аёл ва йўлида давом этди.

— Ҳой, тўхта. Ахир, бу ёрдам пули... Ҳа, ҳўп, тўхтагин гапим бор.

— Нима дейсиз?

— Шу... Нима десам экан, катта қизингни ўғлим Нодирга сўрамоқчийдик. Шунга нима дейсан-а?

— Нима, устимиздан кулаяпсизми?

— Э, йўғ-е. Гапим жиддий. Ўзинг тегмадинг. Ҳеч бўлмаса, қизингни бер. Ахир, Нодир ҳам қизингни ёктираркан. Ҳеч кимга кўнмаяпти. «Мажруҳ бўлсаям майли» деяпти-да. Сепинг ҳам керакмас. Никоҳ ўқитамизу...

Ҳусниянинг жаҳли чикди ва Исматни жеркиб берди:

— Бас қилинг!

— Ахир, эриг бошқа юрмас экан. Доктор айтди. Яримта одам билан энди қандай яшайсан?

Ҳусниянинг кўлидаги тугунчаси тап этиб ерга тушди. Ич-ичидан келаётган ғазаби ниҳоят юзига қалқиди. Гўёки қаршисида айёр тулки тургани учун она товукдай ҳурпайиб олди:

— Йўқол, ярамас! Йўкса ҳозир сени ўлдираман! — деди аёл қичқириб ва кўлига дуч келган тошни олди.

Исмат эса кўрқиб қочди. У машинасини ўт олдириб юргузаркан, ойнасидан бошини чиқариб яна қичқирди:

— Ўйлаб кўр. Ногирон қизларингни энди ким ҳам оларди!..

Ҳусния тошни чангаллаганича машинанинг ортидан ғазаб билан қараб қолаверди. Лекин Исматнинг охирги гапи унинг

қоқ юрагига ўқдай қадалди. У юрагини ушлаб тиззалаб қолди. Қўлидаги тош ерга тушди... Одамлар чопиб келиб уни ўрнидан турғазиди.

Орадан икки ой ўтди. Қизлар «куйганлар» бўлимидан соғайиб чиқиб келишди. Яна бир ойдан сўнг оталарига ҳам жавоб беришди. Унинг оёқлари сонидан олиб ташланган, тик турганида паканагина одамчага айланиб қолганди. Маҳалла-кўй, кўни-кўшнилари ва жамоа хўжалиги ҳам имконият даражасида ўз ёрдамларини аяшмади. Лекин бу ёрдамлар очдан ўлмаслик учунгина кифоя қиларди, холос. Ёнган уйни тиклаш, қизларни узатишга-чи? Бу ҳақида гап бўлиши ҳам мумкин эмасди. «Ҳеч вако йўқ, аҳволимиз жиддий. Ёрдамлар ҳам доим бўлавермайди-ку! Бу ёғига энди қандай қилиб яшаймиз?» деган нохуш ўй Ҳусниянинг хаёлида ғужғон ўйнади.

Бундай ўй-фикрлар Ҳусниянинг руҳиятида айланиб, у тобора жонсарақ она товукқа ўхшаб борарди. «Оилани нима бўлсаям сақлаб қолишим, уни бу кўрғиликлардан, бало-қазолардан эсон-омон қутқариб олишим керак... Бало-қазо нима? Бу йўқчилик, бу пулсизлик, дегани. Демак, зудлик билан пул топишнинг чорасини изламоғим зарур.

Йўқса, энди ҳаммамиз ҳалок бўламиз. Болаларим оч қолишади. Энди улар бешта...»

Ҳусния эри касалхонадан чиқиб келган ўша куни туни билан киприк қокмади ва сўфи бомдод намозига азон чақира бошлагани ҳамано қаёққадир отланди.

— Қаёққа? — деб сўради эри ётган жойидан бошини кўтариб.

Унинг ҳам мижжа қокмагани овозининг тетиклигидан сезилиб турар, виждон азоби уни адои тамом қилганди.

— Ишим бор. Тез қайтаман. Сиз бемалол дамингизни олаверинг.

Абдукаримнинг лаблари титради. У анчадан буён ўзини қийнаб келаётган саволни хотинига беришга аранг журъат этди:

— Ҳусни... энди нима қиламиз?

– Худо бир йўлга бошлар, – деди хотини ўзини хотиржам тутиб. Бу билан «Қўрқманг, менинг ўз ўйлаб қўйган режаларим бор» демоқчидай эди.

– Мен энди яримта одамман...

– Наилж, – деди Хусния ўзини янада бепарво кўрсатиб, – пешонадагини кўраверамиз-да. Бундан баттари ҳам бўлиши мумкин эди-ку! Худога шукур, қизларимизнинг бахтига жонингиз омон қолди.

Абдукарим оғир хўрсиниб қўйди.

– Ахир, сенга дардисар бўламан-ку!..

– Йўқ, дадаси. Сиз хотиржам бўлинг. Яхши кунда ҳам, ёмон кунда ҳам бирга бўламиз. Факат руҳингизни туширманг. Сиз фарзандларимизнинг отасисиз. Сизсиз мен ҳеч нима қилолмайман.

– Раҳмат сенга... – деди эри «боравер» дегандай.

Ичкаридан чиқиб келган Хусния курк товукнинг безовта овозини эшитди. Сўнгра ундан хабар олиб қўйиш учун катаклар томон ўтди. «Искоти. Яна қўшнининг ити чиқибди, шекилли, – деди у хаёлан бир нимадан чўчиб, – ишқилиб жўжаларга тегмаяптимики?»

Хусния чўккалаб ўтириб, она товукни кузатганча хаёлга берилди. Оиласининг тақдирини ўйлайди. Ўзини ана шу жонсарак товук ўрнига қўйиб кўрди. Кўп жиҳатлари айнан мос келишини қалбан ҳис қилди. Кўзлари беихтиёр ёшланди. Ҳаётида бўлиб ўтган нохушликларни бир-бир ёдига олди. Ҳа, у ҳаммасига бардош берди. Лекин юрагида армон бор, орзу-ҳавас бор, дард бор. У ана шу дарду ҳасратларини «култ-култ» дея тупроқларни жон-жаҳди билан титкилаётган ва норасида жўжаларига егулик топиб бераётган она товукқа тўкиб солгиси келди. Бўйи етган, гўзал ва латофатли, гўзал қизларини бир-бир кўз олдига келтирди: Озода, Хонзода, Гулзода, Паризода ва ниҳоят «бешинчи фарзанди» – эри Абдукарим...

...Аёлнинг кўзларидаги ёш энди дувиллаб оқиб кетди, чаккасида маржон-маржон тер томчилари пайдо бўлди. Ич-ичидан

оғир хўрсиник келди. Рўмолчасини олиб юз-кўзларини артди. «Нимаям кила олардим. Ишқилиб, бу ёғи бахайр бўлсин», деб кўйди у ўз-ўзига. Она товук эса уни тушуниб хотиржам килгандек қандайдир бўғик овоз чиқарди. Бу билан «Ҳаммаси яхши бўлади, бардам бўл!» – дегандек туюлди.

«Бечора товук озиб-тўзиб кетибди. Ҳар хил хавф-хатардан асраб, ниҳоят жўжаларини очиб чиқди-я. Нақ йигирматача. Мана, ҳаммасини бинойидек боқаяпти. Мен-чи? Наҳотки, мен тўрттагина норасида қизимни ўткинчи қийинчиликлардан асрай олмасам. Эрим ҳам энди қўлга қарам. Уларни ҳозирги оғир кунлардан олиб чиқиб кетиш, қизларни бахтли-тахтли қилиш энди менинг вазифам эмасми?» – дея ўз-ўзига хаёлан савол бераркан, товук ва жўжалар томон осиглиқ турган халтадан беихтиёр дон олиб сепи бошлади.

Кафтидаги мўъжаз бир сиқим донга қараб узоқ тикилиб қолди. Арпа дони. Автобусдаги мўйсафиднинг шоли ҳақидаги гапи ёдига тушди: «...Шолини етиштириш қийин. Лекин яхши даромад олса бўлади... Демак, биз ҳам ер олиб, қаттиқ меҳнат қилсак, тез орада ўзимизни ўнглаб олишимиз мумкин. Лекин аёл бошим билан эплай олармикинман? Бу ёғи қизларимнинг бўйи етган хўжайиним эса ногирон. Далада ҳар хил ёмон кўзлар бор...» – деди у пичирлаб.

Кўз олдига Исматнинг иршайиб турган башараси келди... Аскарлик кийимида ҳарбий хизматдан қайтиб келган кунни тасодифан йўлда учрашиб қолганди. Озода коляскада, Хонзодага эса ҳомиладор эди ўшанда. Аскар йигит унинг ортидан бўзариб қолаверганди. У она-ватанни ҳимоя қилишдек бурчини ўтаб қайтиб келибдию, севгани болалик бўпти... «Бурч! – деди Ҳусния яна хаёлга берилиб. – Демак, мен ҳозир ўзимни аскарлардек тутишим, оиламни ҳимоя қилишим керак. Аскарларнинг ўз либоси бор. Буларнинг зиммасидаги масъулиятдан далолат беради. Улар Ватанимизни ҳимоя қилишади. Дўхтирлар оқ халат кийишади. Улар инсон саломатлигини ҳимоя қилишади. Мен-

чи? Оиламни ҳимоя қилишим керак. Хўш, мен унда қанақа ли-
бос кияман?»

Унинг нигоҳи товук катаги устида ётган эрининг бир жуфт
этигига тушди. «Энди уларнинг эримга кераги йўк. Хўш, энди
мен кийсам-чи?..»

Ҳусниянинг хаёлидан жўяли бир фикр ярқ этиб ўтгандай бўл-
ди. «Албатта... Албатта шундай қиламан. Ахир, эримнинг кийи-
ми кўп-ку... Шундай қиламан, эримнинг масъулиятини ўз елкам-
га оламан, оиламни ҳимоя қиламан!»

Ҳусниянинг кўзлари порлаб кетди ва шиддат билан кўчага
отилди.

* * *

Аёл қишлоқ гузари томон шошиб борар, хаёлан бир нималар-
ни режалаштирмоқда эди.

У гузардаги сартарошхона олдига келиб тўхтади. Сарта-
рош йигит Аҳатжон ҳар куни дўконини барвақт очар ва ишни
масжиддан қайтганларнинг соч-соқолини олишдан бошлашга
одатланганди. Умуман олганда, қишлоқда ҳаёт жуда эрта жон-
ланади. Узоқ далаларга кетувчи деҳқонлар сартарошхонага
барвақт келишади. Лекин бу сафар бошқача бўлди. Бугун сарта-
рош курсисига биринчи бўлиб Ҳусния ўтирди. Бу ҳолат, албатта,
Аҳатжонни ажаблантирди. «Нима бало, бу аёлнинг томи кетган-
ми? Жинни бўлиб қолдимикин?» — дея фикрлади у.

– Ие, ассалому алайкум, опагон. Келсинлар, — деди йигит
ҳазилга йўйиб.

– Олиб ташланг!

– Нимани?

– Сочимни.

– Нимага?

– Сўраб нима қиласиз? — деди аёл рўмолини оҳиста ечиб.
Унинг узун икки кокили курси орқасига дорнинг арқонидай осил-
либ тушди.

– Эсингиз жойидами ўзи, Ҳусния опа.

– Мен энди Ҳусния опангиз эмасман, бугундан бошлаб Ҳусниддин акангизман!

Сартарош йигит жиддий ўйланиб қолди. Аёлнинг бошига тушган ташвишларини эслади. «Тўғри, унга қийин. Лекин нима учун сочини олдиради?» – дея савол берди у ўз-ўзига.

– Олаверинг. Ҳаққингизни бераман.

– Унақа қилманг. Мени қийнаманг, опажон.

Ҳусния гўё курк товукдай ҳурпайди, вазоҳатдан кўзлари қизара бошлади ва тошойна олдида турган қайчини шарт қўлига олдида, сартарошга карата ўқталди.

– Олиб ташла, дедим сенга! – деди аёл кўзлари ёниб.

– Хўп-хўп. Ўзингизни босинг, опажон, ие, йўғ-е, акажон дедим-ку! Тагидан олайнми ё европача қилиб...

– Таг-паги билан олинг, дедим, – дея Ҳусния ўзи қайчи билан кокилларини тагидан «ғирт», «ғирт» этказиб кесиб-кесиб ташлай бошлади. Сочлар илон каби полга ёйилди.

Сартарош аввал эсанкираб турди, сўнг электр машинкани олиб уни шириллатиб ишлатди. Бир оз яна иккиланиб турди-ю уни ўчириб қўйди.

– Нима гап?! – деб сўради Ҳусния бетоқат.

Аммо сартарош йигитнинг ҳаракатлари жиддий экани ва у Ҳуснияга ҳам бошқа мижозлари қатори яхши хизмат кўрсатишга бел боғлаганини сезиб аёлнинг кўнгли таскин топди.

– Мана ҳозир, – деди йигит ва оқ чойшабни одатдагидек бир силкаб олгач, мижознинг олдида шошилмай яхшилаб тутди.

Ҳусния шундагина ўз аксини кўрди. Ойнада гўё бегона аёл тургандек туюлди. Ўзини таний олмади. Юзлари тиришиб, сочларига оқ оралаб, турмуш оғриқлари уни қарита бошлабди...

Сартарош «Э, нима бўлса бўлар» деди хаёлан ва «Бисмиллоҳ...» дея машинкани аёл пешонасининг қоқ ўртасидан солиб юборди. Узун-узун соч толалари гўёки “дод” деб бир-бирига илашиб ленолеум пол устига оҳиста туша бошлади.

Кўп ўтмай тошойна рўпарасида корақошли, узун киприкли

такирбош калла пайдо бўлди. Иш тугай деб қолгани маҳали хонага қуюқ салом бериб бир мўйсафид кириб келди.

– Эҳ-ҳа, болакайни тонг сахардан-а?.. Нима бало, отанг қувдими дейман? Кимнинг ўғлисан ўзи? – деб сўради у Ҳусниядан.

Аёл индамади. Аҳатжон унинг учун «Кар-соков экан» дегандек имо-ишора билан жавоб берди.

– Э, шунақами?

Лекин мўйсафиднинг кўзи полдаги узундан-узун қора илонлардек чулғаниб ётган кокилларга тушиб ҳайрон бўлди:

– Сочниям тоза боққан эканми-а?

– Ҳа. Бу ҳозир мода-да, отахон.

– Нимага олдириб ташлаяпти бўлмаса?

– Буям мода.

«Такирбош»нинг мийиғига табассум югургандек бўлди. Ҳадемай иш тугади. Аёл рўмолини бошига шошилмай, яхшилаб турмаклаб тақиб олди. Сўнгра сийнапўшидан пул чиқариб, хизмат ҳақини тўлади-да, ташқарига отилди.

– Ие, у хотин кишимиди? – деб анграйиб қолди мўйсафид.

– Нима бўпти? Ҳозирги замонда эркаклар билан аёлларнинг ҳукуқи бир.

Мўйсафид хийла вақт Ҳусния кетган томон анграйиб қараб қолди.

– Энди у нима қилади? – деб сўради у.

– Нима кўп – бозорда парик, яъни улама соч кўп. Хоҳлаган рангидан сотиб олаверади-да. Хоҳласангиз сизбопиям бор, отахон, – деди Аҳатжон ва хохолаб кулиб юборди.

– Э, ҳазилингиз билан бор бўлинг-е, ўғлим, – деди мижоз креслога оҳиста ўтираркан. – Ким эди ўзи? – дея шивирлаб сўради. Бундан «Хотиржам бўлинг, ҳеч кимга айтмайман» деган маъно бор эди.

– Узумини еб, боғини сўрамайман-да, ота, – дея йигит кулиб кўйди. – Лекин гап-сўз қилиб юбормасангиз айтаман.

– Хўп-хўп.

— Абдукарим аканинг хотини Ҳусния опа.

— Ие! — дея тўсатдан ўрнидан туриб кетди мижоз. — Нима, жинни-пинни бўптими, у?

— Билмасам. Лекин ташвиши жа оғир. Сочи ортиқчалик қилган бўлса керак-да.

* * *

Ҳусния шошиб уйга келди-да, бошини ювиш учун газга сув қўйди ва ичкари кириб эрининг кийимларини бир-бир кўздан кечира бошлади. Шимларидан бирини олиб ўз бўйига ўлчаб кўрди ва почасини буклаб тика бошлади. Кўйлакларидан ҳам бирини олиб кийиб кўрди. Ўзига маъкул тушди. Сўнгра энди эри учун керак бўлмайдиган бир жуфт этикни олди. Каттароқ экан. Пайпоқ устидан калинроқ янги пайтава ўраб кийиб кўрди. Бир оз қўпол, лекин чидаса бўларкан. Шундан сўнг боши ва юзини совунлаб ювиб сочиқ билан қуритди. Энди бош кийим ҳам керак эди. Эрининг янги дўпписини кийиб кўрди. Бурчаклари чиқиб қолди. «Жуда катта экан, кўрганлар кулади», деди у ўзича ва жавонни титкилаб, эрининг эскироқ дўпписини кидириб топди. Ҳарҳолда бу тўғри келди. Устидан атлас кийикни «бўғча» қилиб турмаклаб олди. Шимни кийиб камар билан белига боғлади. Сўнгра кўйлакни кийди, бироқ уни шимига қистирмай узун қилиб осилтирган ҳолда белига кийик боғлаб олди. Қийикқа қинли чуст пичоғни илиб олишни ҳам унутмади. Хуллас, ажойиб бир йигитчага айланиб қолди. Бу пайтда тонг ҳам аллақачон ёришган, қизлари ўринларидан туришмоқда эди.

Эркакча кийим кийиб олган Ҳусния шашт билан ташқари отланди, лекин аллақачон кўчага сув сепи бошлаган Озодага рўпара келиб қолди. Қиз кўркиб кетди.

— Кўркма, қизим, мен ойингман.

— Вой, нима бало қилдингиз?

— Энди отангнинг ўрнига сизларга ўзим оталик қиламан.

— Унақа қилманг, ойижон. Кўрган одамлар тентак бўпти, дейишади-ку!

– Дейишса дейишаверсин. Ўшалар бизга бир тийин бериб қўйишмайди, – деди аёл ва шахд билан йўлида давом этди.

– Қаёққа кетаяпсиз?

– Раиснинг олдига. Ундан ер сўрайман.

– Шу аҳволда-я?

– У билан эркакча гаплашмоқчиман, – деди у.

Озода бир оз анграйиб қараб турди ва кўзларига ёш олди. Сўнгра бўлган гапдан сингилларини хабардор қилиш учун ичкарига шошилди.

* * *

Қишлоқда хўжалик раиси ҳам ишга барвақт келарди. Чунки кўп муаммоли масалалар эрталаб ҳал бўлади. Кимнинг дарди ва шахсий масаласи бўлса идорага барвақт ёки кечкурун келиб раис билан учрашиш одат тусига кирганди.

Хусния идорага шахдам қадам билан дадил кириб келди. Хўжалик раиси Дўсмат Диёрович ўз ўрнида одатдагидек бугунги ишларни режалаштирмоқда эди. Тахта полли коридор бўйлаб қайси бир бетавфиқ оёғини қаттиқ ташлаб, «гурсиллатиб» келаётганидан у хушёр тортди. «Ким экан бу аҳмоқ? Секироқ юрса ўларканми?» деб қўйди у гудраниб ва шахсий илтимос билан келган бўлса бу беодобнинг ишини осонликча битириб бермасликни ўзича фикран аҳд қилиб қўйди. Лекин қабулига келган одам ҳаддидан ошиб кетди. У бир томони очик турган эшикка киргач, уни шундай қаттиқ ёпдики, эшикнинг ёнидан албастр кесаклар «дувв» этиб тўкилди. Раиснинг капалаги учиб, ўрнидан туриб кетди.

– Мени танимаяпсизми?! – деди ингичка овози билан қабулига кирган киши дабдурустдан чўқиб олишга тайёр бўлган курк товукдай хезланиб.

Раис шошилмай кўзойнагини тақиб Хуснияга синчков қаради.

– Салом-алайкум. Атом бомба тушиб кетса ҳам аввало салом бериш керак, яхши йигит. Лекин сизни танимадим. Бирор бекорчилардандирсиз-да, – деди у ачитиб.

Набижон Ҳошимов

– Ҳа бекорчиман! Сизлар мени, оиламни ҳароб қилдинглар! Энди ғирт бекорчимиз! – деди Ҳусния ваҷоҳат билан кўзлари ёниб.

– Ҳай-ҳай, аввало ўтирсинлар-чи, қани. Нима гап ўзи?

– Сизнинг колхозингизни деб, далангизни деб биз ҳароб бўлдик.

– Биз деганингиз ким? Сизни танимадим. Кимсиз ўзи?!

– Мен Ҳусния опангизман! Бугундан бошлаб энди Ҳусниддин акангиз бўлдим!

Раиснинг оғзи очилиб қолди. У бир оз ҳайрон бўлиб турди-да, сўнгра жиддийлашди.

– Аввало, Ҳусни опа, ака! Черт знаёт, кто? Колхознинг идора-си сизга томоша кўрсатадиган жой эмас! Бу ер идора!

– Ҳеч ким сизга томоша кўрсатмоқчи эмас!

– Боринг, чикинг. Эрталабдан асабимга тегманг!

– Менинг асабим-чи, эримнинг асаби-чи?! Сенларнинг пахтангни деб, колхозингни деб оилам барбод бўлди-ку! Сенлар бўлса томошабин бўлиб турибсанлар!..

– Ким у эрингиз?

– Абдукарим.

– Э ҳалиги чўл... э ҳа, тракторчими?

– Ҳа, ўша чўлоқ! Сенлар бу ерда қоринларингни қаппайтириб юрганда, у пахтани деб саккиз йил ноҳақ ўтириб чиқди. Энди бўлса бу аҳвол. Ҳаммаси сенларни деб бўлди!

– Бизнинг айбимиз эмас. Бу бир бахтсиз ҳодиса, холос. Ўйлаб гапиринг, ўзингизни босиб олинг!

– Ўша бахтсиз ҳодисага сенлар сабабчисанлар! – деди эр-каклибосли аёл қўлини раисга томон бигиз қилиб. – Болаларимни боқиб турган сигиримни сотиб ўша шалағи чиққан тракторни тузатган эди. Сенлар бўлса, бир дона аккумулятор олиб беришгаям ярамадинглар! Хўш, ўрток раис, аккумуляторсиз, техник носоз трактор билан далага чиқиш мумкинми? Мени ҳеч нимага ақли етмайди деб ўйласанглар, адашасизлар! Мен борадиган жойимга бораман, комиссия туздириб ҳаммангни жазога торттираман ҳали!

Раис энди ҳовуридан тушиб, анграйиб қолди. Ҳақиқатан ҳам масала жиддий эди. «Демак, бу хотин исён кўтарибди. Турмуш оғирликларига чидай олмаган. Унга фақат яхши гапириб сўраганини бериб ҳовуридан тушириш мумкин. Жилла қолса яна икки қоп ун берармиз. Ҳа ана, яна бирорта қўйдан ҳам ёрдам қилармиз».

— Опа, ака... Ҳусниддин акажон. Мундоқ ўтиринг-чи, кани. Албатта, эрингиз хўжалик учун бир умр ҳалол меҳнат қилиб келди. Лекин кўргулик, фалокат экан-да. Биз, албатта, қараб турмаймиз, — деди раис дадилланиб ва бир парча қоғозчани олиб омборчининг номига алланималарни ёза бошлади. — Мана ёрдам фондимиздан яна икки қоп ун, ана бир қўй ҳам берганимиз бўлсин. Бўладими, опажон? Энди бора қолинг. Ўз кийимингизни кийиб олинг, уят бўлади, — деди раис сохта хе-хелаб кулиб қоғозчани узатар экан.

— Қоғозингизни пишириб енг!

— Н-нима, камми? Ахир, бундан ортиқ?..

— Менга бошқа нарса керак!

— Бошқа нима бўлиши мумкин?

— Ер!!!

— Е-ерни нима қиласиз?

— Ишлаймиз. Тирикчилигимизни қиламиз.

— Майли-ку, лекин даштда қийналиб қоласизлар-да.

— Қанақа дашт?

— Ерни фақат даштдан бера оламиз, холос. Қўриқ ерлардан, шўрроқ, узокроқ...

— У ерингизни бошимга ураманми! Бизга ўз даламиздан, эрим бир умр меҳнат қилиб келган, кейин оёқларидан айрилган ўша даладан берасиз, гап тамом!

— Ие, ўйлаб гапираяпсизми? У ердан асло мумкин эмас. Ахир, пахта етиштириладиган энг ҳосилдор ерларимиз-ку у ерлар. Бунинг ҳечам иложи йўқ. Бизни қийнаманг, илтимос, опа, ие, акажон.

«Берасан!» дея ҳайкирди аёл ва она товукдай хезланиб ра-

исга томон ташланди. Буни кутмаган Дўстмат Диёрович ўзини бир четга олиб чап бермоқчи бўлган ҳам эдики, креслоси ағанаб тушди ва унинг оёқларига қоқилиб чўккалаб қолди. Бундан фойдаланган Ҳусния унинг ёқасидан олди. Унинг кўзларидан гўё олов чакнар, шу тобда гўё шерга айлангандек эди... Раисни тинмай силкита кетди. Раис кўрқиб кетди.

– Ҳой, ким бор? Ушланглар буни!

– Ҳозир қонингни ичаман! Ерни берасанми ё йўқми?!

– Б-бераман! Б-бўпти. Н-неча сотих?

– Беш гектар!

– Нима?! Унча ерни нима қиласиз?

– Шоли экаман.

– Бу мумкинмас, опа, йўғ-е, ака!

Раис энди ерга ўтириб қолди. Аёл уни важоҳат билан бўға бошлади. Шу пайт ишга келган котиб Раҳимбек шовқин-суронни эшитиб, ичкарига чопиб кирди.

– Ҳой, нима қилаяпсиз?! Дўстмат акани қўйиб юборинг. Ҳозир милиция чақираман! — дея қичқирди у.

Ҳусния даҳшатли нигоҳини энди котиб томон қаратди. Йигитнинг юраги «шувв» этиб кетди. «Ким бўлди бу безори?» деган савол унинг кўнглидан яшин тезлигида ўтди.

– Чакиравер, кўрқадиган жойим йўқ! Қўлингдан келса қаматвор, — дея у раиснинг ёқасини алам билан силтаб-силтаб юборган эди, ёқа тугмаси узилиб тушди.

Дўстмат Диёрович бир силтаб унинг чангалидан чикиб, ўрнидан туриб олишга муваффақ бўлди..

– Ҳаммаси жойида, Раҳимбек. Сиз бир зум чикиб туринг. Ҳеч кимни қўйманг. Ўтиринг, опа. Фақат қизишманг. Ишингизни худо хоҳласа, ҳал қиламиз, — деди раҳбар бўзариб.

Раҳимбек ҳайрон бўлиб бир эркак ёхуд аёлга ўхшаб кетадиган кишига, бир хўжайинига ҳайратланиб тикилди-да, хавотирлик билан чикиб кетди.

Ҳусния стулга омонат ўтирди. Унинг муштлири тугилган,

хамон ховуридан тушмаган, чакка томирлари бўртиб гупиллаб турарди.

– Ишни бунака тўполон билан ҳал қилиб бўлмайди, опа. Бу ер давлат идораси. Агар ёмонликка олсак, сизни ҳозир шу ишингиз учун ўн беш суткага қаматтириб қўйишимиз мумкин.

– Майли, қаматинг. Ахир, сизга аҳволимни айтдим-ку. Чорасиз қолдим. Қизларимнинг ҳаммаси бўйи етган. Бир ёғи уйимиз ёниб кетди. Эрим ногирон. Қилган ёрдамларинг урвоқ ҳам бўлмайди. Шартим шу, менга шу бугуноқ ер берасиз!

– Бу масала бошқарма мажлисида ҳал қилинади.

– Ўтказинг ўша бошқарма мажлисингизни! Мажлисингизни чақирмагунингизча хонангиздан ҳеч қаёққа кетмайман!

– Кўнишмаса-чи?

– Кўнишмаса, Бошқармангизни судга бераман. Мана шу аҳволимда, керак бўлса, Москвагача бораман!

– Ахир, сиз сўраган ерни бера олмаймиз. У режага киритилган ер, тушунинг, опажон, – дея энди ялинишга тушди раис.

– Бўлмаса эримнинг оёғини жойига қўйиб беринглар. Режангиз билан ишим йўқ!

Раис «Уф-ф...» дея бўйнидаги терларни артди-да, тугмани босиб котиб йигитни чақирди.

– Лаббай, раис ака.

– Соат тўққизу ноль-нолга бошқарма аъзоларини тўпланг. Навбатдан ташқари масала чиқиб қолди. Бош инженер, бош механик, Исмат бригадир, гараж бошлиғи ҳам иштирок этишсин.

– Хўп бўлади.

– Ҳа, айтмоқчи. Бу опа, ие, акани танияпсизми?

Йигитнинг қоши керилди ва елкасини қисиб қўя қолди. Бу «йўқ» дегани эди.

– Ҳусния опангиз бўладилар. Тракторчи Абдукаримнинг рафикаси.

– Ие, шунақами, узр, опажон.

– Энди опажон деманг, акажон денг, – деди Ҳусния жиддий.

Йигитнинг кўзлари ола-кула бўлиб кетди.

Набижон Ҳошимов

– Хуллас, Ҳусния опа – «ака»нгизга бошкарма номига бир ариза ёзишга ёрдам беринг. Аҳволлари жуда огир. Бу масалани шу бугунок кўриб чиқамиз.

– Бўпти.

– Опа, сиз аризани ёзиб бўлгач, уйингизга кетаверинг, хўпми?

– Йўқ. Мен ҳеч қаёққа кетмайман!

– Бўлмаса, коровулхонада ҳеч кимга кўринмай чой-пой ичиб ўтириб турасиз. Ўзимиз чакирамиз.

– Хўп, – деди Ҳусния ва котибнинг ортидан эргашди.

* * *

Йиғилиш узундан узок чўзилди. Бу, яъни режага киритилган пахта экиладиган майдонни бирор фуқарога ижарага бериш масаласи собиқ шўро ҳукумати даври учун кутилмаган ноқонуний ҳолат деб баҳоланарди. Шу туфайли бошкарма аъзолари дастлаб бу масалага жиддий ёндашишди. «Эркак» – Ҳусния қабулхонада ўтирар, котиб эса йиғилишда иштирок этаётган бўлиб, хона эшиги хиёл очик қолганди...

– Хуллас, Ҳусния опа Иноғомова оиласини огир моддий қийинчиликдан олиб чиқиб кетиш учун меҳнат қилишга қатъий бел боғлабдилар, – деди раис йиғилганларга бир-бир нигоҳ ташлаб оларкан. – Бунинг нимаси ёмон? Бундай ташаббусларни биз қўллаб-қувватламоғимиз лозим эмасми? Биласизлар, колхозимизнинг илғор аъзоси, механизатор Абдукарим Иноғомов бахтсиз ҳодиса туфайли бир умр ногирон бўлиб қолди. Уйлари ёнди, аҳволлари жуда огир. Шунга Ҳусния опа ижарага шартнома асосида беш гектар ер беришимизни сўраяпти. У ерга шоли экишмоқчи. Нима дейсизлар?

– Менимча, албатта ёрдам бериш керак. Бу масалани бошқармасиз ҳам хал қилишингиз мумкин-ку. Даштда ер кўп. Рухсат бор, – деди Қодир исмли аъзо «Бизни бекор чакирибсиз» деган маънода.

– Айнан ана шу даштдан эмас-да, – деди раис.

– Қасрдан бўлмаса? – деб сўради бошқа аъзо.

– Исмат аканинг еридан.

– «Нима?!» – дея Исмат хезланиб туриб кетди. – Йўк. Мен бунга мутлако қаршиман! Менда ортикча ер йўк!

– Ўзингизни босиб олинг. Намунча ҳовликаси? – деди раис эътироз билдириб.

– Хўп, узр, – деди Исмат паст келиб, – Дўсмат Диёрович! Мен бир нимани тушунмаяпман. Нима энди, ким йиглаб-сиктаб келса ерларни бераверсак, хўжаликда ер қоладими? Пахта режаси нима бўлади? Бундан ташқари шолига сувни банд қилиб қўйишади. Ерларни захлатиб юборишади. Мендан бўлса, режа-ни талаб қиласизлар! – деди у яна овозини кўтариб.

Хонада ғала-ғовур бошланди. Аъзолар Исматнинг гапини маъқуллашмоқда эди.

– Илтимос, тинчланинглар! – деди раис уларнинг фикрини бўлиб. – Исматжон, сиз ахир, Абдукаримни ҳаммамиздан кўра яхши биласиз. У бригадангиз аъзоси, ҳам оғайнингиз, тўғрими?

Қабулхонада гапларни эшитиб ўтирган Хусния безовта бўла бошлади. «Оббо, ярамас-ей, ишқилиб ишни бузмасайди» деган гап ўтди унинг кўнглидан.

– Оғайничилик бошқа, иш бошқа. Мен уларнинг оиласини яхши биламан. Улар ерни икки дунёдаям эплашолмайди. Ерни хароб қилишади. Тўғри, Абдукарим яхши инсон. Лекин у уйида ўтириб қолган ногирон-ку. Шолини ким экади? Ўша муттаҳам хотиними? Уни сизлар яхши билмайсизлар, ахир!

Бу гапларни эшитиб ўтирган Хусния энди чидай олмади. Ис-матни оиласига хавф солаётган бўридек кўрди ва унинг ёниқ кўзларини чўқиб-чўқиб олмоқчидек важоҳат билан ўрнидан ту-риб кетди.

Бу пайтда раис «Ўйлаб гапиринг. Қарши бўлсангиз «Қар-шиман» денг. тамом. Нима қиласиз бошқа ортикча гапларни. Бу ерда бошқа муҳим гап бор, – деди ва котибга «Раҳимбек сиз эшикни маҳкамроқ беркитиб келинг» деб тайинлаган овози эши-тилди. Бу пайтда Хусния эшикни бир тепиб кириб бормоқчи ва Исматнинг гирибонидан олмоқ учун шайланган ҳамда эшик ол-

дига яқинлашиб қолган эди. Қия эшик «қарс» этиб беркилди. Шу маҳал қабулхонага бир аёл кириб келиб ўтирди. У эр кишини кўриб юзини рўмоли билан тўсиб олди-да, тек ўтираверди.

Мажлис узоқ давом этди. Ҳусния кўпол этигини тўққиллатиб у ёқдан бу ёққа безовта юраверди. Келган аёл бу ҳолдан чўчидими, кўп ўтирмай унсиз чиқиб кетди. Бу орада Дўсмат Диёрович йиғилиш иштирокчиларига фавқулодда юз берган ҳолатнинг моҳиятини, мабодо Ҳусния Иноғомованинг аризаси қондирилмаса унинг юқори ташкилотларга шикоят қилиши ва ҳақ бўлиб чиқиши ҳақида ётиғи билан тушунтирди:

— Айтиб қўяй, Абдукарим Иноғомовнинг ногирон бўлиб қолишига бир жиҳатдан биз, яъни колхоз раҳбарияти ҳам айбдор. Носоз техникадан, яъни аккумуляторсиз трактордан фойдаланиш мумкин эмас эди. Демак, бунинг учун биринчи навбатда бош инженер, гараж бошлиғи, бригадир, қолаверса, умумий раҳбар бўлганим учун мен ҳам жавобгарман. Яхшики, ўлим содир бўлмади. Бўлганида нима бўларди?.. Унда сизлар билан биз ҳозир бу ерда ўтирмаган бўлармидик? Абдукарим икки оёғидан айрилди. Айбни бўлса биз ўзига юклаб қўя қолдик, яъни осон қутулдик. Агар Ҳусния опанинг арзини қондирмасак, худо кўрсатмасин, у киши юқорига арз қилса-чи? Албатта, давлат комиссияси тузилади ва хўжаликни «ағдар-тўнтар» қилиб ташлашади. Бироқ аризачининг шартини бажарсак, сўраган ерини берсак, бу ҳарҳолда айб эмас, окласа бўлади. Албатта, Исмат ака ҳақ. Ким йиғлаб-сиктаб келса ер берилавермаслиги керак. Лекин биз ҳозир иложсиз ҳолатдамиз. Бунинг тўғри тушунинглар, ўртоқлар.

Орага жимлик чўқди. Ўтирганлар бир-бирларига маъноли қараб олишди. Ниҳоят Қодир ака қўл кўтариб сўз олди:

— Ҳаммаси тушунарли. Бу ерда гап жамоамиз шаънини ҳимоя қилишда кетаяпти. Бу ишни жамоа хўжалигига иқтисодий томондан зиён етказмаган ҳолда амалга оширса бўлади. Таклифим шуки, аризачи сўраган беш гектар ўрнига икки гектарни сйнаш тариқасида бир йилга ижара шартномаси асосида, элликка-эллик шартин билан ажратсак бўлар?..

– Тўғри. Мен ҳам бу таклифни маъқуллайман, – деди аъзолардан бири.

– Мен эса мутлако қаршиман! – деди Исмат қатъий.

Хуллас, овозга қўйилди. Етти кишидан икки киши қарши овоз берди. Лекин қарор Иноғомова фойдасига ҳал этилди. Раис котибга Хуснияни таклиф қилишни буюрди.

Хонага бир бегона эркак кириб келди. Ҳеч ким уни танимади. Бирор деҳқон ўзича кириб келган деб ўйлашди ва эшикдан аёл кишининг кириб келишини кутишди. Исмат эса асабийлашиб ўтирар, кириб келган кишига эътибор ҳам бермаганди. Лекин унинг сур бўлиб ўрнидан туриб олганини кўриб Исматнинг жаҳли чикди.

– Ака, кечирасиз. Йиғилиш тугагани йўқ, кўрмаяпсизми, биз бандмиз?.. Нима бало, гарангми бу, – деди у «Бу ер колхоз идорасими ё карвонсаройми?» деган маънода.

Раис билан котиб кулиб юборишди.

– Келинг. Хусниддин ака... – деди Дўсмат Диёрович очик чехра билан. – Хуллас, биз ҳозир аризангизни кўриб чикдик.

Хусния миннатдор эканини билдириб унсиз куллуқ қилди. Исмат ва бошқа бошқарма аъзолари ажабланишди.

– Ҳа, айтмоқчи, танишинглар – деди раис кулиб, – Бу киши аризачи Хусния Иноғомова бўладилар. Бугундан бошлаб ижарачимиз Хусниддин ака.

Исматнинг кутилмаган бу ҳолатдан эсхонаси чиқаёзди:

– Бу нима қилик? – деб сўради у чиндан ҳайратланиб жиддийлик билан. – Бу қандай шармандалик?! Нима, энди эрим чўлок бўлиб қолди деб дарров шимини кийиб олдингми? Бор, ўзингни иштонингни кий! Ҳе, сени ўша...

Хусния энди чидаб туrolмади. У тўғри Исмат ўтирган курси томон келди ва кутилмаганда унинг орқа ёқасидан қаттиқ тортиб юбордики, Исмат курси билан бирга ерга ағанаб тушди. Қўлидаги ручкаси учиб кетди. Жаҳли жунбушга келган эрлибосли аёл энди уни дўппослай кетди. Аъзолар дарҳол уни ажратиблиши.

– Ифлос! Қуйворинглар мен унинг абжағини чиқараман ҳозир!

– Хўп-хўп. Ўзингизни босинг Ҳусния опагон.

– Мен бугундан бошлаб эркакман, билдингми?! – дея кичкирди у ўрнидан тураётган Исматга томон.

Унинг кўзлари гўё ёнмоқда эди.

– Бу муттаҳам безорини ушланглар! Уни қамаш керак. У жамият учун хавфли! – дея кичкирди Исмат.

– Исмат, бас қил! Бор чиқиб кет! – дея бақириб берди раис. – Гапирганда ўйлаб гапириш керак. Ҳаммасини ўзинг бошладинг, бор, жўна!

Исмат гудрана-гудрана сўкиниб чиқиб кетди. Йиғилиш аъзолари ҳайронда қолишди.

– Ходимни иш жойида ҳақоратлаш бу безорилик, бошқарма аъзоларига ҳурматсизлик, ахир, – деди раис энди Ҳуснияни нишонга олиб.

– Узр, – деди Ҳусния ўзини аранг босиб олиб. – Унинг менинг тўғримдаги гапларини қабулхонада эшитиб қолгандим. Умримда бировга қўл кўтармаганман. Ўзимни тутолмай қолдим, кечиринглар, илтимос.

Бир оз сукутдан сўнг раис яна жонланди.

– Хуллас, бошқарма аъзолари сизга бир йил муддатга ижара шартномаси асосида икки гектар ерни синов тариқасида беришга қарор қилдик. Агар яхши, ҳалол меҳнат қилиб шартнома шартларини бажарсангизлар келгуси йили бу масалани яна кўриб чиқишимиз мумкин. Тушунарлими?

– Тушундим, раҳмат. Биз албатта қаттиқ ҳаракат қиламиз. Меҳнат билан одам ўлмайди.

Раис қоғозларга қўл қўйиб муҳрини босди. Ҳусния ҳам бориб имзо қўйди.

– Ҳусни опа, йўғ-е, ака! Сиз нега энди аёллик либосингизни ечдингиз? Бундан мақсадингиз нима? – деб сўради Қодир ака қоғозларни қўлига олаётган «эркак»дан.

– Аскарлар ватанини ҳимоя қилиш масъулиятини ўз елкаларига олиб ҳарбий либос кийишади, тўғримми?

– Тўғри.

– Мен эса оиламни ҳимоя қилиш учун эримнинг уст-бошини кийиб олдим, холос. Эримнинг кийими бу менинг мундирим, менинг масъулиятим. Ахир, ўйлаб кўринг-а, далада беш аёл ишлаётган бўлса-ю, ораларида эркак киши бўлмаса...

Бошқарма аъзолари кутилмаган бу гапдан ҳайрон бўлиб қолишди. Қодир ака қарсак чалиб юборди. Қолган аъзолар ҳам, Дўсमत Диёрович ҳам қарсакка қўшилишди. Ҳамманинг чеҳраси очилди.

– Лекин Исматни бопладингиз, Ҳусниддин ака, – деди биров. Гуриллаган кулги кўтарилди.

– Бўпти, табриклайман! Сизга омад ёр бўлсин! – деди раис аёлнинг кўлини маҳкам сикарган.

Масаланинг фавқулодда жиддийлиги туфайли таваккал қилишга тўғри келганди. Шу жумладан, истисно тариқасида Ҳусния Иноғомованинг аризаси инобатга олиниб, яъни пахта топшириш йиллик режасини ва ўртача ҳосилдорлик салмоғини камайтирмаган ҳолда уларни захира имкониятлар ҳисобига тўлдириш эвазига, фойдаси тенг шериклик шарти билан икки гектар ер ижарага берилди. Раис Дўсमत Диёрович бутун масъулиятни ўз зиммасига олди.

– Факат буни тўғри тушунинглар, – деди у йиғилиш сўнгида. – Абдукарим Иноғомов узоқ йиллардан буён айнан шу бригада ерларида механизаторлик қилиб келди. Ҳалол ва меҳнаткаш инсон. Унинг оиласига ҳозир жуда оғир. Уларга биз бераётган озгина ёрдам камлик қилади. Улар кўпроқ даромад олишлари керак. Уларда меҳнат қилишга иштиёқ баланд. Бўлмаса, бу оила кўз олдимизда ҳалок бўлиши муқаррар.

– Ёнган уйиниям колхоз ҳисобидан тиклаб бериш лозим, – деди бошқарма аъзоларидан бири.

– Яхши. Биз керакли қурилиш материалларини етказиб, устамизни ҳам юборамиз. Қолганини маҳалла ҳашар йўли билан тиклашиб беради, – деди раис.

Йиғилганлар бу таклифни бир овоздан маъқуллашди.

Эркакча кийинган аёл хурсанд бўлиб кетди ва ўзининг аёлча овози билан тўпланганларга миннатдорчилик билдирди:

– Раҳмат сизларга! Тан-жонларинг соғ бўлсин, илоҳим. Худо хоҳласа, ҳалол меҳнатимиз билан бу мушкулликдан чикиб кетамиз. Сизниям анча хафа қилдим, узр, ука, – деди у раисга қараб.

– Ҳечкиси йўқ, бўп туради. Ерингизни ўзимиз ҳайдаттириб берамиз. Ёнган уйингизни қолхоз ҳисобидан қайта қураамиз. Худо хоҳласа, менинг ўзим ҳашарга бош бўламан, опа, акажон, – деди Дўсмат Диёрович кўлини кўксига қўйиб.

Ҳусния хўжалик идорасидан вибор билан худди эркаклардай шахдам қадамлар билан чикиб келди. Қадам ташлашидан коридордаги тахта пол титраб кетмоқда эди. Ташқарида эса аламини сигаретадан олаётган Исмат машинасида ўтириб унинг чиқишини пойламоқда эди. Ҳусния кўрмаганга олиб унинг шундоқ ёнгинасидан голибона ўтиб кетди.

– Эркакмиш-а... Ҳали мендан кўрасан, – деди Исмат пичирлаб ва машинасини ўт олдириб газни шундай босдики, балонларидан ўт чакнади.

* * *

Кўлида хужжат коғозларни кўтариб олган Ҳусния энди шахдам қадамлар билан маҳалла оқсоқолининг уйи томон равона бўлди. Қишлоқда деярли ҳамма бир-бирини танийди. Таниса ҳам, билмаса ҳам албатта, бир-бирларига илиқ салом-алик қилишади. Эркакча кийинган ва мутлақо нягида соқол изи бўлмаган «киши»ни деярли ҳеч ким танимади, «меҳмонлардандирда» деган ўй билан Ҳуснияга қуюқ салом беришиб, иззат-икром билан ўтаверишди.

Маҳалла оқсоқоли Икром ота ҳам ўзини чақиртирган бегона эркакни чуқур ҳурмат билан қарши олди. Лекин овозининг хотинча экани уни ажаблантирмай қўймади, албатта.

– Келинг, меҳмон, қани марҳамат, ичкарига кирсинлар, – деди у меҳмонни кўрпача солинган мўъжазгина сўрига бошлаб.

– Раҳмат, Икром ота. Сиз билан бир маслаҳатли бир иш чиқиб қолувди.

– Ие, мени танийсизми?

– Танимай ўлибманми?

Шундагина оксоқол Ҳусниянинг уст-боши ва кўз-юзларига синчков тикилди:

– Ёпирай! Ҳусниямисан?! – деб тўсатдан сапчиб тушди.

– Ҳа.

– Бу нима қилиқ? Бу қандай шармандалиқ?!

– Нима қилай? Ҳаёт шунга мажбур қилди.

– Нима, энди масхарабозлик қилмоқчимисан?!

– Шундай қилмасам колхоз менга ер бермасди-да.

– Тушунмадим.

Ҳусния ер ҳужжатларини мўйсафидга узатди.

– Нима бу?

– Менга қонуний ер ажратишди.

– Қаердан?

– Эрим ишлаган даладан.

– Ерни нима қиласан?

– Оилавий шоли экамиз.

– Бундан Абдукаримнинг хабари борми?

– Унинг вазифасини ўз зиммамга олдим. Манавилар хўжайинининг кийими...

– Ростданми? Лекин ўз кийимингни кийиб ол. Ишинг битибди. Маҳалла-қўйдагилар кўришса айб қилишади.

– Олдингизга шу масалада келувдим. Маҳалла-қўй одамларини уйимиз олдига тўплаб берсангиз. Мен уларга ўз узримни айтиб, яна бир нарсани илтимос қилмоқчиман.

– Ҳашарми? Буни ўзимга қўявер.

– Буям, лекин бошқа муҳим гапим бор. Ўша ерда ҳаммасини ўзим батафсил тушунтираман.

– Хўп. Бугун кечки пайт бўлаверадими?

– Бўлади.

– Абдукарим, иннакейин, қизларинг тузукми?

– Ҳа, раҳмат. Майли, мен бораи бўлмасам.

– Ҳа яхши. Лекин эркакча кийим сенга ярашибди. Чой-пой ичиб кет, – деди мўйсафид жилмайиб.

– Йўк, раҳмат, – деди Ҳусния ва бурилиб тез жўнаб қолди.

Оқсоқол унинг ортидан ҳайрат ила бошини силкитиб қолаверди.

Эркак либосида кириб келган ойиларини қизлар ҳам ҳайрат билан қарши олишди.

– Ана қаранглар, шу ойим бўлади! – деди Озода ва ўзини тутта олмай йиғлаб ичкарига чопиб кириб кетди.

– Вой, ойи, нима балолар қилиб олдингиз? – деб сўради Хонзода норози.

– Озода нега йиғлаяпти?

– Сизни бундай аҳволда кўриб қўрқиб кетди, шекилли, – деди Гулзода ҳам ҳайрон-ла тикилиб.

– Вой эрта билан кўриб қўрқмаганди-ку!

– У ҳалиги бир нарсадан хавотир оляпти-да, – деди Паризода бурнини жийириб.

– Нимадан? Нега хавотир бўларкан? Гапир! – дея Ҳусния кенжа қизини урушиб берди.

Аёл бу ҳолатини қизларига қандай уқтириш ва уларни тинчлантириш учун йўл қидирмоқда эди. Лекин ҳаракати негадир қовушмаётганди. Ниҳоят оёғи билан ер чизиб турган Паризода тилга кирди:

– Опам «Ойим тентак бўлиб қоптилар, энди совчилар келмайди» деяпти.

Хонзода уни бир туртиб қўйди. Ҳусния Паризодани бағрига босди ва кўзларига ёш олди.

– Мени кечиринглар, қизларим. Шундай қилишга мажбурман. Мақсадим, сизларни бахтли-тахтли қилиш. Бошқа ниятим йўк. Тўғри, биз ҳозир совчиларни кутиб ололмаймиз. Тўй қилишга қурбимиз етмайди. Шунинг учун энди қаттиқ меҳнат қиламиз. Колхоздан ер олдим. Раис билан эркакча гаплашдим. Идорадагилар мени тушунишди.

– Шунга отамнинг кийимини кийишингиз шартмиди? – деди Хонзода ҳамон хўмрайиб.

– Шарт, қизим, шарт. Уйимизда отангдан бошқа эркак йўқ. У бўлса энди ярим жон. Биз сизлар билан далада чайла тикиб, ётиб ишлаймиз. Бу кийим бизни ҳар хил ёмон кўзлардан асрайди. Полиздаги қўриқчини кўриб кушлар ҳам қочади-ку, ахир.

Орага бир оз жимлик чўқди. Ниҳоят Гулзода сўзлашга журъат қилди:

– Майлига, ойижон. Сиз айтганингиздай бўла қолсин. Ростигап, биз сизнинг эсингиз оғиб қолибдими, деб хавотир олаётувдик-да.

Гулзода ҳам ўзини ойисининг бағрига отди. Ичкарида гапларни эшитиб турган Озода ҳам югуриб келиб Хуснияни қучоқлаб олди.

– Дадамга нима дейсиз ахир, ойижон? – деди Хонзода ҳам даврага қўшилиб.

– Унга ўзим тушунтираман... Мен ҳам сизларнинг оталарингман. Сизларнинг энди иккита отангиз бор. Кўпчилашиб курашамиз. Мард бўлинглар, кўркманглар.

– Вой, нима биз ҳам эркакча кийинамизми? – деб сўради Паризода соддалик билан.

– Йўқ. Бу шарт эмас. Сизлар фақат йигитлардай меҳнат қиласизлар. Биз далага шоли экамиз. У икки гектар. Мана қоғози.

Қизлар шартномани бир-бир қўлларига олиб кўришди ва ойиларининг ҳаракати жиддий эканига тўла ишонч ҳосил қилишди.

Хусния эрининг олдига ҳам дадил кириб келди. Уни энди бу йўлдан ҳеч қандай куч қайтармасди.

– Э, келинг меҳмон, – деди Абдукарим ётган жойидан ўтириш учун қўзғалиб. У бирорта қариндоши кўргани йўқлаб келибди шекилли, деб чиндан ҳам қувониб кетганди. Лекин серрайиб, кўлига кўлини узатмай турган сўхтаси совуқ бегона кишини кўриб ажабланиб туриб қолди.

Хусния мийиғида кулиб қўйди ва келиб эрининг қўлини ушлаб, уни силади.

– Чехрангиз танишга ўхшайди, биродар, – деди Абдукарим хайратини яшира олмай.

– О, нахотки... – деди Ҳусния жилмайиб.

Абдукарим хотинининг кўлини бир силтаб ташлади.

– Э, ҳазилингни қараю. Ҳозир шу кўнгилга сигадами?! Ҳе, шарманда!...

– Қўркманг, ўзингизни кийимингиз бу. Энди оилада иккита эркак бўлдик. Аравани бирга тортамиз.

– Хўп, тушунарли. Сенга оғир, албатта. Лекин аёл гадойлар ҳам эрининг кийимини киймайди. Ўзининг кийимида юриб садақа сўрайди.

– Мен гадойлик қилмоқчи эмасман. Мен кизлар билан далада ишламоқчиман, – деди аёл жиддий ва коғозларни эрига узатди...

* * *

Кечки пайт Абдукарим тракторини чиқариб қўядиган дўнг тепа олдиға маҳалла вакиллари йиғилишди.

– Тинчликми, оксокол? – дея ўзаро салом-алик қилиб тўпланишмоқда эди улар.

– Ҳа, тинчлик. Ҳусниянинг сизларда муҳим гапи бормиш.

– Яхши бўлди. Баҳонада Абдукаримдан ҳам ҳол-аҳвол сўраб кетамиз.

Бир пайт уйдан эркакча кийимдаги Ҳусния тўғри дўнг тепа устиға чиқди-да, ҳаммани хайрон қолдириб: «Хуш келибсизлар! Узр, безовта қилганим учун» деди. Ҳеч ким бу ҳолатни кутмаганди. Ораға бир оз жимлик чўқди. Сўнгра оксокол сўз бошлаб берди:

– Бу киши ўзимизнинг Ҳусния бўлади. Қилаётган ишларини сизларға ўзи тушунтириб бермоқчи, – деди у қулиб.

– Ие, Ҳусния опа, уялмайсизми? – деди норози бўлган Зафаржон исмли қўшни йигит.

– Йўқ, ука. Энди менинг уяладиган жойим йўқ. Мен шу бугундан бошлаб эримнинг вазифасини ўз елкамға олдим. Унинг ўрниға оиламизни ўзим бошқармоқчиман. Оловда ёнмай омон

қолган тўрттала қизим то бахтли-тахтли бўлишмагунича аёллик кийимимни кийиш ниятим йўқ. Мени тўғри тушунинглар ва мени бундан буён маҳалланинг бир эркаги сифатида кўринглар, илтимос.

– Ие, бу жуда қизик-ку! – деди кимдир ажабланган оҳангда.

– Абдукарим акага қарайсизми, ишқилиб?

– Албатта. Мен уни ўз фарзандимдек парваришлайман.

– Бизга айтадиган гапингиз шуми? – деб сўради Аҳлиддин исмли йигит бетоқат бўлиб.

– Йўқ, – деб жавоб берди аёл ўзини хотиржам қилиб тутишга ҳаракат қилиб, – ҳовли-жойимни сизларга гаровга бермоқчиман.

Тўпланганлар бир-бирларига жонланиб қараб қолишди. Пичир-пичир бошланди. Бу орада қизлар ҳам уйларида бир-бир чиқиб келишиб ойи-оталарининг ҳаракатларини жиддий кузатишмоқда эди.

– Қандай қилиб?! Нима учун? – деб сўради Аҳлиддин.

– Хўжалик бизга даладан икки гектар ер ажратди. Биз у ерга оилавий кўчиб бориб, чайла тикиб яшамоқчимиз. Ерга шоли экиб меҳнат қиламиз. Ҳосилни йиғиб-териб олгунимизча тирикчилик қилишгаям тўғри келади.

– Муддаога ўтавер, синглим, – деди оқсоқол.

– Муддао шуки, мана шу ҳовли-жойимизнинг нархини холисона баҳоласангизлар-да, сўнгра шу пулни ўртада йиғиб берсангизлар. Биз уни кеч кузда ҳосилни сотгач, қайтарамиз. Мабодо қайтара олмасак, бу ерга бошқа қайтиб келмаймиз. Ҳовлини сотиб ўзаро бўлиб олаверасизлар.

Ўртада ғала-ғовур бошланди.

– Ўйлаб гапираяпсизми? Ахир, бу жуда жиддий гап-ку!

– Ҳа, болаларингиз билан кўчада қолишингиз мумкин, – деди кимдир куюниб. – Кейин банкдан кредит олсангиз бўлади.

– Ҳа, тўғри. Лекин бошқа иложимиз йўқ. Банк яшаб турган уйни гаровга олмайди. Колхоз бизга яхши имконият яратиб берди, шунгаям шукур. Худо хоҳласа, Эгам бизга мададкор бўлса, ҳосилимиз яхши бўлади. Биз қаттиқ меҳнат қиламиз. Меҳнат билан ҳали ҳеч ким ўлмаган.

Набижон Ҳошимов

– Яшанг, опа! Қойил сизга! – деди Ахлиддин уни тушуниб. Қолганлар ҳам уни маъқуллай бошлашди.

– Ҳа, лекин ҳақиқий эркакча иш қилаяпсиз, – деди Зафаржон ҳам севиниб.

Икром ота ҳам дўнг тепа устига чикди:

– Нима учун бу аёл эркакча кийинибди, тушундинглар-а?

«Ҳа» дейишди кўпчилик бараварига.

– Хўш, бу таклифга нима дейсизлар? Розимисизлар?

– Майлими, мен бир оғиз... – деб қолди бир пайт Зафаржон ва оқсоқолдан «бемалол» деган ишорани олгач, сўз олди. – Биз гаровсиз ҳам керакли пулни тўплаб бераверсак-чи?

– Йўқ, – деди Ҳусния катъий. – Ҳовли-жойимиз ўзимиз учун жуда қадрли, аммо сизлардек азиз маҳалла-кўй ҳам биз учун азиз. Уй гаровга қўйилгани учун биз бутун куч-ғайратимиз билан меҳнат қиламиз. Қадрдон уйимизга қайтиб келиш истаги билан яшаймиз. Сизларнинг дуоларинг бизга мададкор бўлиб туради.

– Бўпти, – деди Икром ота кулиб, – раисни кўндирибсан, бизниям кўндирдинг. Пул қачонга керак?

– Бир ой ичида. Унгача пахта йиғим-терими тугайди. Сўнгра ерга ишлов беришимиз керак бўлади. сарф-харажат ана ўшанда бошланади.

Шундай қилиб, ҳовли-жойни холисона баҳолаб, пул рўйхат билан йиғиладиган, ёнган уйни ҳам хашар йўли билан тиклаб беришадиган бўлишди.

Ҳусния ҳаммага куллуқ қилди:

– Илоҳим, сизлардай олижаноб, оқибатли одамлар билан бир маҳаллада яшаш бизга умрбод насиб қилсин!

– Кўнглинг тўқ бўлсин. Биз кўлимиздан келганича ёрдамимизни аямаймиз. «Кўпчиликдан ёв кочиб қутулолмайди» деган гап бор. Оилангиз бошига тушган мушкулни ҳамжиҳатлик билан ҳал этамиз, – деди оқсоқол сўзининг сўнгида.

– Энди сизни нима деб чакирамиз? – деб сўради Ахлиддин.

– Ҳусниддин ака деб чакиравeringлар, – деди Ҳусния кулиб.

– Бўпти, Хусниддин ака. Энди ўртоғингиз Абдукарим акани кўриб чиқсак бўлар?

– Ҳа, албатта. Ичкарига марҳамат қилинглар. Ҳой, Озодаю! Дадангга айт, кўшнилари келишди, де! – деди Хусния хурсанд ва ўзи ҳам уйига чошиб кириб кетди.

Йигирма чоғли киши Абдукарим ётган хонага кириб боришди ва ундан ҳол-аҳвол сўраб кўнглини хотиржам қилишди.

– Ажойиб хотининг бор-да, Абдукарим. Унинг режаларини эшитдик. Худо хоҳласа, ҳаммаси яхши бўлади. Биз ҳам қараб турмаймиз, – деди Икром ота ғурур билан.

– Энди менинг хотиним эмас, балки садоқатли дўстим, сизлардай қадрдоним бор. Келганларинг учун минг раҳмат, – деди Абдукарим қувонч ёшларини яширолмай.

– Сабр-бардошли бўлинг, Абдукарим ака. Ҳаммаси ҳали яхши бўлади, – деди Зафаржон унинг елкасига қўл ташлаб.

Шундан сўнг меҳмонлар ёнган уйнинг аҳволи билан танишишди ва уни қайта қуриш режаларини қилишди.

Учинчи боб ОЗОДА ҚИЗ ТОЛЕИ

Ҳаш-паш дегунича орадан бир ой ҳам ўтиб кетди. Бу орада ёнган меҳмонхоналарини илгаригидек ҳолатга келтириб, оқлаб қўйишди. Сувга ўнг жойдан ер ҳам ажратилди. Бригадир Исматнинг кўнглида алами бўлса-да, бошқа аъзолар ўртасида гап-сўз бўлмаслиги учун гўёки мурувват қилиб тут кўчатлари экилган ярим гектар ерни ҳам ёрдам тариқасида фойдаланиш учун тортиқ қилди. Бунда, албатта, бошқа бир мақсад, яъни унинг кизини ўғлига олиб бериш илинжи йўқ эмасди.

Бригада аъзолари билан тўпланишиб шоли экилиши лозим бўлган пайкал бўйига бир хужрали чайла қуриб беришди. Дала шийпони ҳам бу ерга унчалик узоқ эмасди. У ердан ҳам бир хона ажратишди. Қизлар пахта теримида фаол иштирок этишиб, биринчи навбатда ўзларига ажратилган майдондаги ҳосилни тозалаб теришди. Ёўзапоясини ҳам ўзларига териб, чайла ёнига

ғарамлаб олишди. Ерни яхшилаб хайдатдилар. Энди унга гўнг, ўғит солиш ва кишки яхоб суви беришга тайёрлаш керак эди. Туткатори орасига бугдой уруги сепишди.

Кеч куз окшомларининг бирида Ҳуснияларникига оксоқол Икром ота ташриф буюрди. Кўлида иккита халта бор эди. Бирида маҳалла-кўй йиғиб берган пул бўлса, иккинчисида гўшт, гуруч, нон дегандек егулик олиб келибди. Қизлар ош дамлашди. «Уч эркак» эса ичкарида гурунг қилиб ўтиришди.

— Оббо, Ҳусниддин ака-ей, сенга қойил! Лекин ўшанда ранснинг бошлаб таъзирини берган экансан-да-а?..

— Вой, ким айтди?

— Буни бутун кишлоқ аҳли гапираяпти-ку, ахир, — деди оксоқол самимий кулиб.

— Бу хотиним ўзи киноартист бўлиши керак эди-ю, адашиб менга тегиб олган-да, — деди Абдукарим ҳам ҳазил қилиб.

— Хўш, Ҳусниддин ака, манави пулни энди нима қилмоқчисиз? — деди оксоқол целлофан халтани унинг кўлига тутказиб.

— Бу ерда канча?

— Хуллас, маҳалладагилар ҳовли-жойларингнинг нархини баҳолаб ўтиришмади. Балки кимнинг қанча имконияти бўлса баҳоли кудрат бераверишди. Мана рўйхати, — деди оксоқол ва кўйнидан бир қогозни чиқариб ўқиб эшиттирди. — Бу ерда жами йигирма минг сўм. Бу пулга «Жигули» сотиб олса бўлади. Иннакейин, бир нарсага эътибор берган бўлсангизлар менинг фамилиям рўйхатда йўқ. Менинг ўзим сизларга бир соғин сигиримни бермоқчиман. Охири бир кун топганларингизда қайтарарсизлар.

— Раҳмат, Икром ота. Сиз ҳақиқатдан ҳам бизга оталик қилаяпсиз.

— Раҳмат, оксоқол, — деди Абдукарим ҳам қувониб.

— Ҳечқиси йўқ. Инсон инсонга ҳамниша керак бўлади. Сизларнинг бошларингга тушган мушкул ҳар кимга ҳам тушиши мумкин. Буям бир Яратгanning синови-да. Биз бир маҳаллада яшаб турибмизки, Яратган биз — кўни-кўшнилари ҳам синаяпти: «Сен қандай кўмак бердинг?» деб ҳали бизлардан ҳам сўроқ-савол қилади, ахир.

– Раҳмат, отажон. Сизларнинг бу яхшилигингизни ҳеч қачон унутмаймиз, – деди Ҳусния кўзларига ёш олиб.

– Кўнгилларинг тўқ бўлсин. Энг муҳими, соғ-омон қолдинглар. Сенинг матонатингга қойил, Ҳусни. Бошқа хотин бўлганидами, дод солиб жонга тегарди ё инфаркт бўлиб ўлиб кетган бўлармиди. Инсоннинг ким эканлиги мана шунақа оғир дамда билинади.

Озода илтифот билан паловни олиб кирди.

– Кўп яшанг, қизим. Илоҳим, сизга яхши жойлардан насиб қилиб, бахт-саодатли бўлинг.

– Раҳмат, отажон, – деди қиз қизариб ва «Ош бўлсин» деб чиқиб кетди.

Оқсоқол қизнинг турмушга узатиладиган, кўхликкина бўлганини кўриб ўзича «Ҳа, Ҳусниянинг куйганича бор экан» деб кўйди.

Ош еб бўлингач, «икки эркак» баланд-паст бўлишиб оқсоқолни ҳурмат билан кузатиб кўйишди.

– Бу пулга энди нима олмоқчисан? – деб сўради Абдукарим ўсмоқчилаб оёқларининг қаттиқ оғриётганидан тиришиб. Чунки у ҳали-вери бундай юришга кўникамаган, кўлтиқ таёғи ҳам йўқ эди. Оқсоқолнинг ортидан беихтиёр чопиб чиққанини ўзи ҳам англамай қолди.

– Ҳа, келинг, шунинг рўйхатини тузайлик, – деди Ҳусния ва қоғоз-қалам олди. – Мен ўзи биринчи навбатда сигир олишни мўлжаллагандим. Яхши бўлди, Икром ота бизнинг жонимизга оро кирдилар. Хўш, энди бизга бир от-арава зурур бўлади, кейин бир тандир ҳам.

– Тандирни нима қиласан? – деди эри юзини буриштириб, оғриқли оёқларини силаркан.

– Ахир, ҳадеб даладан магазинга қараб чопмаймиз-ку. Тандирни ўша чайламиз ёнига қуриб оламиз. Қизлар сизга иссиқ-иссиқ нон, сомса пишириб бераверишади. Фақат ун бўлса бўлгани. Ернинг атрофига ошқовоқ ҳам экиб ташлаймиз.

– Ҳа, тўғри, унда тўрт қоп ун ёз. Кейин пахта ёғи – бир фляга.

Набижон Хошимов

– Қаймоқдан улгуржи кўпроқ олсак, сариёғ арзон тушармиди. Кейин нонуштага дурдасиям аскотади. Нима дейсиз?

– Маъкул. Демак, икки челак қаймоқ ёз.

– Туз, чой, кир совун, гугурт бир яшикдан.

– Шакар ҳам. Шакарсиз чой ичиб бўлармиди?

– Хўп.

– Ана, шакар – бир коп.

– Ўҳ-ҳў, кўпмасми?

– Даладаги тутдан мураббоям қиламиз-да.

– Хўп, яхши. Гуруч, макаронлар ҳам эсингдан чиқмасин, хотин.

Хусния эрининг айтганларини коғозга туширди. Улар якин келажак учун бу маҳалда гўё қудратли бурилиш режаси тузишмоқда эди.

– Ҳа, айтгандек, анавиндан ҳам бир-икки шиша олиб қўй. Меҳмон-пеҳмон бориб қолиши мумкин-да, – деди Абдукарим томоғини чертиб.

– Э, йўк! Ўзимизни ўнглаб олмагунимизча, ҳеч қанақа ичкилик тўғрисида гапирманг! – дея бакириб берди Хусния.

– Хўп-хўп, – деди Абдукарим ва «таслимман» дегандек икки кўлини кўтарди. У эркакмижоз хотинининг вазоҳатли нигоҳидан ҳайиккан, ўзини худди катталарга ўхшаб гапирадиган кексақори болақайдек тутмоқда эди.

* * *

Келгуси якшанба рўйхатдагиларни сотиб олиб ғамлаш учун тонг-сахардан Хусния қизи Озода билан мол бозорига боришди. Чунки харидни от-аравадан бошлаш керак эди.

Ўша куни Исмат ҳам ўғли Нодир билан машиналарида бозорга кетишмоқда эди. Йўлнинг бериги юзида машинасини кавлаштираётган Исматнинг кўзи тўсатдан «эркак» она билан гўзал қизи Озодага тушиб қолди. Алам ва ҳасрат уни яна ўз домига тортди. «Қизиям ўзига ўхшаган «яхши нарса» бўлибди-ку! Бунга Нодир нима деркин?» деган ўйга борди у.

– Анави ота-болаларни танияпсанми? – деб сўради у махсус калитни узатаётган ўғлидан.

Нодир кўзлари тўсатдан порлаб кетди:

– Ие, ахир бу Озода-ку.

– Нима бало, юрагингдан урганми дейман-а, – деди Исмат кулиб. – Унда отингни камчилаб кол, бола. Бўлмаса, менга ўхшаб курук коласан.

– Нимага сизга ўхшаб? – деб сўради Нодир ҳайратомуз.

– Ҳа, сендайлигимда онасини яхши кўрардим. Армиядан келсам анави чўлок Абдукаримга тегиб олибди, – деди ота мурватни бураркан. – Ёнидагини танияпсанми?

– Йўқ. У отаси эмас, оёғи бутун киши экан.

Исмат хи-хилаб кулиб юборди. Нодир эса Ҳуснияга томон узок тикилиб турди.

– Оббо, хумпар-ей! Тузукроқ кара, бу отасимас онаси-ку, ахир!..

Нодир отасининг бу гапини ҳазилга йўйди. Машина тузалди. Капотни ёпиб йўлга тушишди. Исмат салон ойнасидан йўловчи она-бола томон караб-караб борар, эски муҳаббат изтиробининг қалбини яна тирнай бошлаганди.

– Энди улар билан бирга ишлаймиз, – деди Исмат чуқур хўрсиниб олиб.

– Қаерда?

– Қаерда бўларди. Битта далада. Бир ариқдан сув ичамиз, бир ҳаводан нафас оламиз... Улар шоли экишмоқчи. Хўжалик бизнинг бригададан уларга ер ажратди.

Нодир отасига ярқ этиб қаради. Бу нигоҳида юрагида пайдо бўлган кўрнинг аксини пайқаш қийин эмасди.

* * *

Мол бозорида одам гавжум. Ҳусния ҳам, Озода ҳам бунақа бозорга биринчи марта келишлари эди. Аввалига қаёққа бориш ва нима қилишларини билмай довдираб қолишди. Бир йигитдан

«Биз от сотиб олмокчийдик. Қаерда сотилади?» деб сўраб кўришди. У бозорнинг бир чеккасини кўрсатди:

– Хўв анави томонга боринглар. Бугун от-эшакларнинг нархи паст. Даллолларга айтсанглар олиб беришади, – деди йигит.

«Эркак» она ва бола ўша томонга мол-қўйларни оралаб ўтиб боришди. Кимдир олаётган, кимдир сотаётган, ғала-ғовур авжида эди. Олаётганлар жониворларнинг тишини кўришар, у ёқ-бу ёғини силаб-сийпашар ва даллоллар билан қўл ташлаб тортишишмоқда эди. От бозори эса тинч экан. Устунларга боғланган турли зотли отлар беозор пишкириб қўйишар, гўё «мени олаколинг», дегандек Ҳуснияга маҳзун боқишарди.

– Вой, манави отнинг чиройлилигини, буниси унданам яхши, – дер эди Озода қувониб.

– Сизларга ўзи қанақа от керак? – деб сўраб қолди бир киши шу пайт. Афтидан даллолга ўхшарди.

– Бизга меҳнаткаш от керак. Арава ҳам тортадиган, – деди Ҳусния.

– Ювош, айтганни қиладиган бўлсин, – дея қўшиб Озода ҳам. Даллол Ҳуснияни зимдан хайрон кузатди.

– Нима, одам кўрмаганмисиз? – дея жеркиб берди Ҳусния.

– Йўқ, халиги, нимайди. Юзингиз танишга ўхшайди-да, – деди даллол киши каловланиб.

– Мен билан ишингиз бўлмасин. Бизга айтганимиздек отни топиб беринг-да, ҳақингизни олинг.

– Хўп-хўп, оп... ак...

– Исмим Ҳусниддин.

Даллолнинг кўнглидаги хайрат юзидан ҳам яққол сезилиб турарди. Лекин у тезгина ўзини ўнглаб олди:

– Сизларбоп от қиммат туради-да, – деди у сунъий иржайиб.

– Қанча?!

– Ўн минг атрофида.

– Йўғ-е! Унда бизга тўғри келмайди.

– Бўлмаса, юринглар, бир мусофир йигит бешта от олиб

келган. Эҳтимол, арзонроқ берар. У шу бугун сотиб қайтиб кетиши керак экан.

– Бўпти. Бизга ўшаларни кўрсатинг.

Даллол киши уларни бозорнинг бир четига томон бошлади. Йўл-йўлакай Ҳусния қизига шипшиди:

– Озода, буларнинг олдида мени «ота» деб чакиравер. Мен гўё гунгман. Бўлмаса, гап кўпаяди, хўпми?

– Бўпти. Мен ўзим савдолашавераман.

Айтилган отбоқар бир чапани йигит экан. Унинг юз-кўзидан ишбилармон ва кўпни кўрган экани яққол сезилиб турарди. У харидорларни очик чехра билан кутиб олди. Озода унга қуюқ салом берди. Унинг кўнгиروقдек овози йигитни алланечук қилиб юборди. Чунки у бунақа мафтункор харидорни кутмаганди.

– Буларга бир меҳнаткаш, ювош, арзон от керак. Жойида қилиб айтсангиз сотиб олишмоқчи, – деди даллол.

– Марҳамат, кўринглар, танланглар, маъқулини келишамиз.

Ҳусния бир қора отнинг юзларини силаб, у ёқ-бу ёғини кўра бошлади.

– Мана шу отингизга қанча сўрайсиз? – деб сўради Озода ма-йин жилмайиб.

Йигитнинг юраги така-пука бўла бошлади. «Сиз учун бепул» деб юборишдан ўзини аранг тийди. Қиз отга қанчалик ишқибоз бўлган бўлса, йигит ҳам қизга шунчалик қизиқиб қолганди.

– Сизга шу ёқдими? – деди йигит жилмайиб.

– Ҳа, – деди қиз эҳтирос билан.

– Унда бир миниб кўринг.

– Йўк, кўрқаман-да...

– Кўрқманг, мен аркон билан ушлаб тураман. Ахир, бозордан машина олсангиз ҳам аввал уни миниб кўрасиз-ку!

– Олқочиб кетса-чи?

– Нима бўпти. Тўғри ўзининг қозигига олиб боради-да.

– Қозиги қаерда?

– Амударё бўйида.

Ҳусния кизига қараб «Ҳай, ер ютгур!» дегандек бир ўқрайиб қўйган эди, кизнинг дами ичига тушиб кетди.

– Отахон, шу сизга маъқулми? – деб атайин сўради даллол киши.

Ҳусния «бўлаверадим» дегандек унсиз ишора қилди.

– Бўлмаса, йигитнинг гули, бу ёғини келишайлик, – деди даллол ва унинг одатдагидек қўлини олди.

Йигитнинг эса негадир шу паллада қулоғи шанғиллай бошлаган, даллолнинг гапларига унчалик эътибор бермас, балки отнинг юзларини меҳр билан силаётган қиздан ўғринча кўзини узолмай лол эди. Қиз кулиб отга бир нималар дер ва баъзан унинг эгаси томон ҳам нигоҳ ташлаб қўярди.

– Уч минг беришади, бўладими ўғлим, – деди даллол ниҳоят барака қилиб қўлини бир силтаб қўйди.

Йигитнинг кўнглида эса бошқа бир гап бордек эди. Даллолни бир четга тортиди.

– Уларнинг қаерлик, ким эканлигини биласизми? – деб сўради шоша-пиша.

– Йўк, билмайман. Шу атрофдаги кишлоклардан бўлишса керак-да. Нима эди?

– Билиб бера олмайсизми?

– Майли, нега энди?..

– Отларнинг нархи тушиб кетибди-да. Сотмоқчи эмасман.

– Ие, унда нима қилмоқчисиз?

– Қарагани жой бўлса, вақтинча ташлаб кетмоқчи эдим. Харидорни топиб тураверасиз.

– Мен жон деб боқардимۇ, аммо жойим йўк-да.

– Анавилардан сўраб кўринг-чи, имкониятлари бормикан? У ёғини келишамиз.

Улар бир қарорга келишиб отлар олдига қайтиб келишди.

– Хуллас, Ҳусниддин ака, гап бундай. Бу йигит умуман отларини бугун сотмоқчи эмас.

– Ие, бу ёғи қизик-ку!.. – деди қиз ажабланиб.

– Лекин бошқа бир яхши таклиф айтаяпти. Яъни сизларда «отларга беш-олти ой қараб туришга имкониятлари бормикан?» деб сўраяпти. Бу ўзи мусофир йигит. Хизмат ҳақиға, эҳтимол, ўша отни шундок берар, нима дедингиз?

Ҳусния учун бу қутилмаган таклиф бўлди. Бир томондан йигитнинг кизига кўз ташлаётгани гашини келтираётган бўлса, иккинчи томондан яхши таклиф бериши ўйлантириб қўйди. «Бунинг нимаси ёмон? Хизмат ҳақини берса, ем-арпасини олиб берса, уларга қараш нима деган гап? Отлар беозор жонивор. Улар уйимизга қут-барақа олиб келар» деган ўйга борди жувон ва бор таваккал деган қарор билан «Майлига» деб гапириб юборганини ўзи ҳам англамай қолди.

Озода ҳам бундай ҳолат юз беришини сира кутмаганди. Йигит жилмайиб уларнинг олдига келди.

– Уйингиз узок эмасми, ака? – деди у Ҳуснияга бақувват қўлларини узатар экан. Ҳусния нима қиларини билолмай довдираб қолди. Буни кизи сездими:

– Масалани мен билан ҳал қиласиз, акажон, – деди онасини хижолатдан чиқармоқ учун.

– Хўн бўлади. Танишиб кўяйлик. Исимим Есинбой, – деди йигит энди унга қўл узатиб. Қиз ҳам иложсиз қўл узатди.

Унинг нозик-ниҳол қўллари гўё йигитнинг қайноқ кафтини тафтидан эриб кетай деди. Бир сония кўзлари тўқнашди ва уларга илиқлик муҳрлангандек туюлди.

Шундай қилиб, улар келишишди. Отни олиб уларникига ҳайдаб борадиган бўлишди. Есинбой даллолни ҳам рози қилди ва от турадиган хонадоннинг манзилини билиб олди. Сўнгра биргаликда бир яхши арава сотиб олиб, уни отларнинг бирига қўшиб беришди. Ҳусния аравага миниб олдинда, эгарли от миниб олган Озода билан эгарсиз от минган Есинбой эса орқароқда, бошқа отларни етовига олди.

Она «эркак» минг хавотирлик билан ортига тез-тез қараб қўяркан, йигитнинг хатти-ҳаракатини зимдан кузатар, ёшлар-

нинг кулиб-яйраб келишларини кўриб, «Ишқилиб, охири бахайр бўлсин-да» деб кўярди. У бугун от сотиб олдимиз ёки қизнинг тақдирини белгиладимиз, ўзи ҳам ҳайронда эди.

* * *

Абдукаримнинг отаси ҳаётлиги даврида кўплаб чорва ёки ипак курти боқишга мўлжаллаб, каттагина оғилхона қурдириб қолдирган эди. Охирги сигирларини ҳам сотиб юборгач, озигина курук хашакни демаса, бу ер деярли бўм-бўш турарди. Шу туфайли ҳам Есинбой томонидан қилинган яхшигина тақлифга Ҳусния йўқ демади. Лекин Абдукарим бемаслаҳат иш қилгани учун хотинини қойиб берди ёки отфуруш йигитни қизларидан рашк қилдимиз, ҳарҳолда қовоқ-тумшук қилиб туриб олди. Фақатгина хотини бозорда тўсатдан бу девкелбат йигитни учратиб қолганини ва у билан оила учун жуда фойдали иш қилганлигини бафуржа тушунтириб бергачгина эр жонивор юмшагандек бўлди.

— Бўпти. Отларга ўзим қарайман. Лекин унга айт, бизникида бошқа қорасини кўрсатмасин. Меҳмон қилиш, тунаб қолишга рухсат беришни умуман ҳаёлингаям келтирма, — деди жаҳл билан.

Эрининг жиддий сўзлашидан унинг қизларини аяб шундай қилаётганини, «Синалмаган отнинг сиртидан ўтма» деган нақлни эслатиб қўймоқчи эканини тушунди. Бу жиҳатдан эрининг ҳамон ўз бурчини унутмаганидан ич-ичидан қувонди. Йигит қизга шундай шайдо бўлиб қолгандики, олдидаги «эркак»нинг хотинча овоз билан гапираётганига ҳам парво қилмаётганди.

— Есинбой ўғлим. Сиз бизни тўғри тушунинг, биз ҳамма шартларингизга розимиз. Худо хоҳласа, отларингизни яхши парваришлаймиз. Лекин уйда бўйи етган қизларимиз бор. Шунинг учун ўзингиз бошқа жойдан кўноқ топсангиз, — деди Ҳусния «эркак»лигини унутиб.

— Бўпти, — деди Есинбой чой олиб келаётган Озодадан кўзла-

рини узолмай. — Менинг бу ерда таниш жўраларим кўп. Ўшаларникига бораман. Бугун сизларга отлар учун ем келтириб бераман. Лекин харидорлар менинг ёки бозордаги халиги даллол ака номидан келишса отларни кўрсатсангизлар. Сотилса сотилар, сотилмаса қолаверади. Хизмат ҳақларинг эвазига истаган бир отни танлаб олаверасизлар.

— Сиз ўзи каерликсиз?

— Нукуснинг Тўрткўлидан. Отам қорақалпоқ, онам қозоқ. Катта чорва фермамиз бор. Мен онлада ягона ўғилман. «Чимён» санаториясига дам олгани келгандим. Қуруқ келмайин деб отларни сотгани олиб келдим. Лекин нархлар жуда паст экан. Ҳозирча сотмаганим маъқул. Қайтиб олиб кетгим йўқ.

— Ота-онангиз ҳаётмилар?

— Ҳа, худога шукур. Опаларим турмушга чиқишган, мен ҳали тақдир насиб қилса...

— Нима, уйланмаганмисиз?

— Йўқ. Лекин бу ернинг қизлари чакки эмас экан.

Ҳусния билан Есинбой отларни жойлаб бўлгач, айвонда чой ичиб ўтиришарди. Қовоқ-тумшук қилиб олган эри чиқишни хоҳламади, балки дераза ортидан меҳмоннинг афт-ангорини зимдан кузатди. гапларига кулоқ осди. «Воҳ, «қизлари чакки эмас» дейдими?» Нима бало, бу Озодани кўзда тутаяптими ҳали? Олиб бўпсан, узокка қиз берадиган аҳмоғинг йўқ» деди у хаёлан. «Кейин қизимга тўй қилгани мирымиз ҳам йўқ. Ўзимиз аранг кун кўраяпмиз-ку. Қурилган янги меҳмонхонани кўриб, бизни «ўзига тўқ» деб ўйлаяпти шекилли».

Негадир Озоданинг отаси хотинсифат бўлганиданми ёки онасининг бир оғиз чиқиб «Келинг, меҳмон» демаётганиданми, Есинбой ажабланди. Аммо сўрашга ботина олмади. Фақат Озоданинг яна бир-биридан гўзал сингиллари борлигига, янги бино қурилиши қилганларига амин бўлди. Унинг назарида Озодалар ўрта ҳол оиладек туюлди ва ўз ҳурматини билиб, овқатга ҳам ўтирмай ўрнидан кўзгалди.

Йигит хайрлашар экан, Озоданинг чехрасига сирли нигоҳ ташлади. Бу нигоҳда «Мен ниҳоят сени топдим» дегандек бир олам маъно бор эди.

— Хайр, яхши боринг, меҳмон — деди Ҳусния аёллик овози билан.

Йигит унга эркаклардай қўл узатди. Ҳусниянинг ноилож узатилган қўли Озоданикидай майин эди. У Озодага ҳам қўл узатди. Озоданинг қўли эса гўё оташ каби ёнарди... У узун киприкларини хиёл кўтариб йигитга ширин табассум ҳадя қилди. Есинбойнинг кўз ўнгиди ана шу табассумли чехра мухрланиб қолиб, қалбида муҳаббат ришталари алангаланган бўлса ажаб эмасди.

Бу орада даладаги чайла ёнига тандир қурилди. У ёққа кўчиб кетиш учун зарур бўлган бошқа нарсалар ҳам харид қилинди. Отларни яхши парваришладди. Айниқса, Озода отларга ўзгача меҳр билан қарар, негадир эгасининг йўлига беихтиёр кўз тикарди.

* * *

Кечки маҳали Исмат машинасида ўғли Нодир билан Ҳуснияларнинг хонадони олдида тўхташди. Нодир рулда эди. Бу пайтда Озода аллақайдан икки челак сув кўтариб келарди.

— Анавини кара, йўклаган одамнинг шундоқ йўлингдан чиқиб турса-я. Бунақаси бўлмайди, Нодир. Бўшашма! — деди Исмат ва қўлига икки пакетни олиб Озодага пешвоз чиқди.

— Вой, ассалому алайкум. Келинглари!

— Воалайкум-ассалом, яхшимисиз, қизим?

— Яхшимисиз? — деб қўйди Нодир ҳам юраги така-пука бўлиб.

— Яхши, раҳмат.

— Ошнам уйдаими?

— Ҳа, уйдалар. Кираверинглари.

— Нодир, сен шу ерда бўп тур, хўпми? Ҳа айтмоқчи, қизим, ўша сувингиздан Нодир акангизга бир кружка-а... «Чанқадим» деятувди-да, — деди Исмат кочирим қилиб дарвоза томон йўналаркан ва ўғлига маъноли қараб қўйди. Нодир тушунди.

– Хўп бўлади, – деди Озода соддалик билан.

Озода ошхонага кириб овқатга уннаётган эрлибосли онасига меҳмон келганини ва унинг ўғли чанкаганини айтиб, кружкада сув олди. Бу маҳалда Исмат ичкари кириб келган ва сўрида ёнбошлаб ўтирган Абдукарим томон сохта мулозамат билан бормокда эди. Хусниянинг Исматни кўриб энсаси котди ва гап нимада эканига фаҳми етди.

– Сув кимга? Шу кишининг ўғлигами?

– Ҳа.

– Ҳеч қасққа чиқмайсан. Овқатга қара. Керак бўлса мен ўзим опчиқиб, бошидан куяман.

Озода итоатгўйлик билан онасига қараша бошлади.

– Бу дунёда бормисан, ошна? – деди Исмат Абдукаримнинг кўлини маҳкам сиқаркан. – Қачондан бери улфатчилик ҳам қилмай кўйдик. Бугун бир яйрайлик дедим-да. Қалайсан?

– Отдекман. Ҳой кизлар, меҳмонга қаранглар.

Хонзода келиб дастурхон ёзди. Озода чой олиб келди. Исмат уни зимдан кузатди.

– Оббо, сен-ей, Исматбек, ишларинг яхшими?

– Худога шукур, ёмонмас. Ҳа айтмоқчи, қизим, – деди у кетаётган Озодага мурожаат қилиб, – манави пакетдагиларни олиб кўйсангиз. Унда янги бодиринг билан помидор бор. Ўзингиз боплаб-а, бизга бир газак тайёрлаб беринг.

– Хўп бўлади, – деди Озода мулойимлик билан.

– Ҳа, халиги айтганимни қилдингизми?

– Нимани?

– Сув масаласи...

– Қанақа сув? – деб сўради Абдукарим қизиқиб.

– Ҳа, кўчада бир бузокчам бор, бозордан олувдим, – деди Исмат каловланиб.

– Ие, Озода, бор уни ичкарига олиб кир, – деди Абдукарим чиндан ишониб.

– Э қўявер, ўтлаб турар.

Озода кулиб кўйди ва ошхона томон йўналди. «Ўх-хў, табас-суми худди онасини ўзи-я» дея кўнглидан ўтказди меҳмон.

– Ҳой, қизим. Яна учта пиёла ола келинг! – деб қичқирди Ис-
мат ёнидан бир шишани чиқариб.

– Учта пиёла нима учун?

– Бу уйда яна бир эркак бор, шекилли, – деди Исмат кулиб.

– Э, Ҳусними, уни кўявер.

– Ўзи уйдами, даладами?

– Уйда. Овқат қилаяпти, шекилли.

Исмат арокни очиб, чой пиёлаларининг иккитасига тўлатиб
кўйди.

– Қани олдик. Омон бўлайлик. Йигит ўлмайлик, бало кўрмай-
лик. Кетдик...

Улар ичишгани маҳали Озода газакни етказиб келди.

– Э, раҳмат, қизим. Кўп яшанг. Айтгандай, ойингизниям
чақириб кўйинг, илтимос.

– Хўп бўлади, – деди қиз ва чопиб қайтиб кетди.

– Ошна, хабаринг бор, мен бошқарма аъзосиман, – деди Ис-
мат босиклик билан навбатдаги қадахни тўлатаркан. – У куни
мажлисда хотининг билан андек аразлашиб қолувдик.

– Хабарим йўқ.

– Энди, ошна, иш бор жойда ҳар хил гап бўлади-да. Ҳалиги
ўрислар айтади-ку «Дружба-дружбой, служба-службой» деб. –
Лекин хотингга гап йўқ. Барибир енгди. Агар ер берилмаганида
хаммамизнинг бурнимизни ерга ишқарди.

– Э, шунаками? – деди Абдукарим кулиб. – У ўзи ҳақиқий
эркак хотин-да.

Шу маҳал салом бериб бир боғ ўтин кўтарган Паризода ўтиб
борарди.

– Ҳой Паризода! – деди отаси, – Бор, онангни чақирвор.

– Энди ўзингдан қолар гап йўқ, дўстим. Сенда қизлар кўп,
менда ўғиллар. Такдир-насиб қилса куда-анда бўлиб кетиш ни-
ятим ҳам йўқ эмас. Ўзинг тушунасан, «Қудачилик – минг йилчи-
лик» деганлар. Аразлашиб юрсак, тўғри келмас. Нима дединг?
– деб сўради Исмат очик «хужумга ўтиб».

– Ҳа, албатта. Буни такдир-насиб дейдилар.

– Шунга анави қизингни... – деб эндигина мужмалланиб турган ҳам эдики, гапнинг газак олиб келишидан чўчидими, хархолда истар-истамай Хусния келиб гапини бўлиб қўйди.

– Келинг, меҳмон, – деди у хиёл жилмайган бўлиб. Исмат ўрнидан туриб, ялтоқланиб мулозамат қила кетди:

– Ассалому алайкум. Яхшимисизлар? Тинч ўтирибсизларми? Бир ошнамни йўқлаб келдим-да. Озгина қуяйинми-а?

– Э, йўқ-йўқ, – деди Хусния қатъий эътироз билдириб.

– Буни эркаклар ичади-да, ахир.

– Йўқ, сизлар бемалол. Мен овқатга қарай.

– Бўпти, бир зум ўтир, э узр, ўтиринг, ака.

Хусния ноилож омонат ўтириб меҳмонга ва эрига чой узатди.

– Раҳмат. Мен ҳозиргина ошнамга бошқарма йиғилишидаги бўлган гапларни айтиб турувдим. «Эгилган бошни қилич кесмас» дейдилар-ку. Шунга узр сўрамоқчийдим-да, – деди Исмат хе-хелаб кулиб.

– Хай майли, бўп туради-да.

– Лекин сенга қойил! Тан бердим, – деди Исмат навбатдаги пиёлага арокдан қуяркан. – Энди бу ёғига келишиб ишлаймиз-да. Барибир ерни каердан ажратиш, сув, техника мен билан ҳал қилинади. Қаёққаям борардинглар, – деди Исмат ва яна беўхшов кула бошлади.

Бу ҳолат унинг маст бўла бошлаганидан далолат берар, Хусниянинг энсаси қотган, эри ҳам хижолатда эди. Хусния «Мен овқатни сузаман» дея ўрнидан туриб кетдию, кутулди.

– Хой Хусни, тўхта! Ҳалиги, нимайди, катта қизингга айт, кўчада турган «бузоғимни» суғориб қўйсин, – деди Исмат ва навбатдаги пиёлани кўтарди. Абдукарим эса ароқ ўрнига чойнинг пиёласини кўтарди.

– Хўп. «Бузогингиз»ни ўзим суғораман. Лекин сиз ҳам кейинчалик бизнинг шолига сув муаммосини қилмайсиз, бўптими! – дея кичқирди Хусния.

– Хўп! – деди Исмат лабини артиб. – Ошна, бу хотининг бало-ку-а. Ҳақиқий эркак хотин экан, маладес! Олдик...

Бу пайтда Ҳусния кўчага бир кружкада сув олиб, ўзи чикди. Ўғри мушукдай писиб ўтирган Нодир «эркак» хотинни кўриб довдираб қолди.

– Келинг, Нодиржон. Киравермайсизми? – деди эрлибосли аёл қуруқ қилиб.

– Й-йўқ, раҳмат...

– Сув сўраган экансиз?

– Э йўқ, ичмайман.

– Ҳай майли, – деди Ҳусния сувни сочиб юбориб. – Лекин сиздан бир илтимосим бор-да.

– Б-бемалол. Айтаверинг, нима қилиш керак?

– Отангизни олиб чиқиб кетсангиз. Кайфи ошиб қолганга ўхшайди. Хўжайинимнинг мазаси йўқроқ эди. Аранг ўтирибди, бечора.

Нодир тезда машинадан тушди-да, ичкари томон чопди:

– Дада, юринг. Сизни тез идорага чақирашаётганмиш, – деди у атайин ҳовлиқиб.

– Э қўйсанг-чи, идорада ҳозир бало борми? Тоғанг билан сўрашмайсанми, э аҳмоқ!

– Э кечирасиз, тоға. Соғлиғингиз яхшими?

– Раҳмат, келинг ўғлим. Тинчликми?

– Тинчлик. Кўчада дадамга қараб туришувди.

– Ким? – деб сўради Исмат.

– Раиснинг шофери.

– Ч-чақир, бу ёкка...

– Э йўқ. Тез юаркансиз.

– Оббо, энди гапимиз қовушиб, иш пишаётганди-я.

– Бўлинг энди, – деди Нодир отасининг қалишини тўғрилаб, қўлтиғидан оларкан.

– Э, узр, ошна. Тушунмадим. Мундоқ дам олганиям қўйишмайди, вей.

– Яна бирорта хотин идорага эркакча кийиниб боргандир-да, – деди Абдукарим кулиб.

• Исмат хохолаб кулиб юборди:

- Бўпти, ошна. Тинчлик бўлса мен қайтиб келаман, ҳикқ...
- Хўп, раҳмат. Яхши бор.

Нодир Исматни кўчага етаклаб чиққанида, у дарҳол айтилган машинани қидирди. Хусния жаҳли чиқиб бетоқат турарди.

- Қ-қани у, раиснинг машинаси?
- Кетди. «Тез борсин» деди, – деди Хусния қиска қилиб.
- Хўп. Ҳой Хусни, сени бир дақиқага мумкинми? – деб сўради Исмат ҳикичоғи тутиб.

Нодир машина ёнига борди. Хусния ноилож Исматнинг ортидан бир четга эргаштириб келди. Исмат унга шивирлаганнамо гўлдиради:

- Ў-ўзинг менга т-тегмадинг, ҳикқ. М-майли... Ҳеч бўлмаса, ўғлимга қизингни бер, – деди у ҳикиллаб янада пастроқ овозда, кўзларини ола-кула қилиб кўшиб кўйди: – Ҳалиги, гаплашиб ҳам турармидик... Нима дейсан-а?..

Хусниянинг жаҳли чиқди:

- Э, боринг-е! – деди у нари кетиб.

Нодир хавотир қаради.

- Нодиржон, ўғлим. Сиздан илтимос, отангизни бу ердан тезроқ олиб кетинг.

Йигит итоат билан чопиб келиб отасининг кўлтиғидан маҳкам қисди. Унинг шу дамда қони жўш урар отасининг қилиғидан бутунлай ўзини йўқотганди. Шу туфайлими, Исмат қаршилик қилганига қарамай, уни машина томон куч билан судради.

- Узр, опажон. Дадам ароқни кўтара олмайди-да.
- Ҳе, нодон. Уни опа дема, ака де... – дея ўшқириб берди Исмат.

Машина ўрнидан кўзгалди. Исмат эса ойнадан чиқариб «Ҳой, ўйлаб кўр! Бир жойда ишлаймиз-а!...» дея бақириб кетаверди.

- Аҳмоқ. Энди қизимга осилаяпсанми? У-ку, қизим экан, сенга товугимниям раво кўрмасман! – дея жавраб қолди Хусния.

* * *

Эртаси кўлида улкан дастурхонларни кўтарган тўрт аёл дарвоза қоқишди. Улар совчилар эди.

– Холаю! – дея кўчадан овоз берди бирови.

– Ҳувв!! Қизлар, қаранглар ким экан?

Озода югуриб чикди. Қиз кечаги гап-сўзлардан Исмат унинг кўлини ўғлига сўраб келиб сув баҳона уларни учраштирмоқчи бўлганидан ва ойисининг эътирозидан воқиф бўлганиданми ёки ойисининг «Мана кўрасан, бу тасқара эрта-индин совчиларини юборади» дегани учунми, бу ҳолатни дарҳол ўзича тушунди ва тез ичкари қайтиб кирди.

– Ойи, меҳмонлар экан. Анави Исмат аканинг одамлари бўлишса керак.

Ҳусниянинг эсхонаси чиқиб кетай деди:

– Мени йўқ де.

– Э, боринг-ге. Мен энди чикмайман.

Ҳусния ноилож ўзи томоғини кириб гўё ўзини эркаклардай тутиб, лабини чорсиси билан беркитиб ташқарига чиқди. Уни кўриб совчилар каловланиб қолишди.

– Салом-алайкум, акажон, – деди аёллардан бири.

– Вале... – деб ўзини йўталганга олди Ҳусния.

– Аёлингизда ишимиз бор эди-да, – деди иккинчи аёл.

– К-кетган далага, – дея Ҳусния бўш кўлини силтаб узоқ-узоқларга ишора қилди.

– Ҳалиги, биз «кулчилик»ка келувдик-да.

Ҳусния атайин ўзини йўтал тутганга олиб «Кетинглар, бизга кул керакмас» дея кўли билан «Йўқ» ишорасини қилди-да, эшикни «тарс» этказиб ёпиб олди. Дарвоза ортидан эса қулогини динг қилиб уларнинг қайтиб кетишини кутди. Бу пайтда кўшни Лобархон сув олгани чикқан эди, уларга кўзи тушиб қолди.

– Вой, келинлар, меҳмонлар! – деди у очик чехра билан.

– Шу хонадонга «кулчилик»ка келувдик. Хотинлари йўқ экан, ҳайронмиз, – деди аёллардан бири.

– Далада бўлишса керак-да. Вой, унда бизникига кириб тура қолинглар. Мен ҳозир ўғлимни далага велосипедда жўната қоламан.

– Ҳа, майли, – деди аёллардан бири. – Қуда бўлмишнинг таг-тугини аввало қўшнисидан суриштириш керак деганлар-ку, юра қолинглар.

* * *

Бу пайтда Озода ҳамир ёймоқда эди. Ҳусния эса «Бопладим. Кетишди», – дея хурсанд бўлиб қизининг олдига келди.

– Кимлар экан, ойи? – деди қизи.

– Ўша тасқаранинг уруглари-да. Бопладим «хотиним уйда йўқ» деб қайтариб юбордим. Лакқа ишонишди.

Озода «Вой, ўлай» дея пиқиллаб кулиб юборди. Ҳусния қизининг ишини бир оз кузатди.

Совчилар бу ернинг одамларига ўхшашмади. «Исматнинг уруглари ҳарҳолда мен ҳақимда билишарди-ку, тавба, – деган ўйга борди у. – Озоданинг Нодирда кўнгли борми-йўқми, билиб қўйсам ёмон бўлмас».

– Қизим, – деди у оҳиста.

– Лаббай, ойижон.

– Ануви Нодирни яхши биласанми ўзи?

– Ҳа, биламан. Яхши йигит эмас. Бир марта мактабда йўлим-ни тўсиб олиб, сумкамнинг ипини узворган.

– Совчилар ўшандан экан, – деди она қизига синовчан қараб.

– Э, унда яхши қилдингиз. Менга Нодир ёқмайди.

– Ёққанидаям барибир мен кўнмасдим. Ўлиб қолсанг ҳам унга тегмасдинг.

Шу маҳал эшиқдан Лобархон кириб келди ва Ҳуснияни кўриб севиниб кетди.

– Ие, вой, уйда экансиз-ку, ўртоқжон. Бир гала совчилар келишди. Бизникида ўтиришибди.

– Уйга опкириб бекор қипсиз, – деди Ҳусния жиддий. – Айтинг, кетаверишсин. Ўша Исматни кўрарга кўзим йўқ.

– Вой, қанақа Исмат? Улар ҳалиги жуда узокдан келишибди. «Есинбой жўнатди», дейишди.

Озоданинг кўзлари катта-катта очилиб, «Вой!» деб юборди. Қўлидаги тахта ўқлов тап этиб ерга тушиб кетди. Ҳусниянинг эса қошлари кўтарилиб ҳайрон чимирилди.

– Нима? Ҳалиги отбоқар йигитдан эканми?

– Ҳа. Мен уларга сизлар ҳақингизда бор гапни гапириб бердим. Тўй қилишга ҳеч қанақа имкониятлари йўқ, яқинда далага кўчиб кетишади, дедим. Ё бекор айтибманми-а?

– Йўқ. Тўғри айтибсиз.

Озоданинг кўзидан дувиллаб ёш келди. Ҳамир кўли билан бурнини артиб олганди, юзида оқ изи қолди.

– Бўлмаса, бундоқ Лобархон. Бўлар иш бўпти. Энди мен кўринмай кўя қолай. Айтинг «Далада йўқ экан, келганида ўзим айтиб кўяман» денг. Қайтиб кетаверишсин.

– Овқатга уннаётувдим-ку.

– Майли, овқатланиб йўлга тушишсин. Барибир эрим ҳам узоққа кўнмайди. Хўпми, айланай?

– Майли. Нима десангиз шу-да, – деди Лобархон ва лапанглаб шошиб чикиб кетди.

Бу пайтда Озода бир четга ўтиб йиглаб ўтирарди.

Совчилар нега Озоданинг отаси аёлсифат эканини ҳамда бошқа бўлган ишларни кўшниларидан билиб олишиб, бу дунёнинг ишларига танг қолишди.

– Эҳ-ҳа, ҳали биз гаплашган киши отаси эмас, онасимиди? – деб сўради хайрат билан Есинбойнинг отаси.

– Ҳа. У эрнинг вазифасини ўз елкасига олган мард аёл, – деб жавоб берди.

– Наҳотки, укам унинг аёллигини сезмаган бўлса... Демак, улар ўта кашшоқ, ҳатто уйларини гаровга қўйган денг. Укам куриб кеткур «Шу киздан бошқасига уйланмайман» деб туриб олди-да. Шунинг учун бирровга келгандик.

– Хўп, яхши боринглар. Хафа бўлмай кетинглар, – деди Лобархон. Лекин ич-ичидан «Аттанг...» дея афсусланиб қўйди.

* * *

Есинбойнинг совчилари келиб-кетишганига ҳали ўн кун бўлмаёқ, Ҳуснияларнинг уйи олдида усти ёпиқ Қорақалпоғистоннинг бир юк машинаси келиб тўхтади. Бу пайтда Ҳусния ва

қизлар далада эди. Уйда фақат Абдукарим бўлиб, у оғрик оёқлари билан оҳиста юриб отларга ем берар, ҳар бир отга алоҳида эътибор қилиб, силаб-сийпалаётганди. Пакана одамча отларга ҳам ёкарди.

...Есинбой ҳайдовчига машинанинг оркасини дўнг тепага тўғрилашни буюрди. Унинг орка борти очилиб дўнгликка тиралди. Сўнгра юк хонадан оғзи тинимсиз кавшаниб, ўрқачлари силкиниб турган ва эғни ҳар хил такинчоқ ва осилчоқлар билан безатилган улкан нортуяни оҳиста тушириб олишди. Есинбой туяни етаклаб дарвозахона олдидаги сўриток устунларидан бирига боғлаб қўйди.

– Қолганларини каерга туширамиз? – деб сўради ҳайдовчи.

– Шу ерга, албатта. Ичкарига кирайин-чи, ким бор экан? – деди ва «Хусниддин ака! Ҳой, ким бор?!» дея чақира бошлади.

Абдукарим овозни эшитди, лекин чикқиси келмади. У умуман одамови бўлиб қолганди. Яхшиямки, отлар келиб, улар билан овуниб қолди. Бўлмаса, ким билади, уй ичида қамалиб ёрилиб кетармиди? Худо хоҳласа, ҳадемай далага кўчиб кетишади. Отларнинг ҳам эгаси олиб кетади. Уларга бир от қолади. «Худога шукр» деб қўйди ўзича отлардан бирини оҳиста силаб кўяркан. «Тавба, уялмай-нетмай, кизимга совчи юборибди-я, ярамас. Ўзи зўрға кун кўраяпмиз-ку» дея хаёлан чўллик йигитни эслади. Яна кимнингдир чақирган овози эшитилди. Абдукарим деворларнинг тешигидан мўралади. Не кўз билан кўрсинки, ҳовлиларида ўша йигит каловланиб турарди. Уй ичкарисиди ҳеч ким йўқлигига амин бўлган йигит отларидан хабар олмоқ учун ўзи оғилхона томон кела бошлади. Абдукарим эса хашақлар ортига яшириниб олди.

– Қизик, каерга кетишди экан-а? Ҳаммаёк очик, кўни-кўшниникига чиқиб кетишдимикан? – деди у ўз-ўзига гапириб. Сўнгра отларни бир-бир сийпаб уларнинг яхши қаровда эканлигини кўриб, кўнгли хотиржам тортди. Абдукарим эса янада букчайиб «Энди нима қиларкан?» дея кузатишни давом эттирди.

— Ҳой тойчокларим, қалайсизлар?! — деди йигит ночор. — Озодани кўрмадингларми? У янаям очилиб кетгандир-а? — деб сўради у отларининг биридан. От эса уни тушунгандай бир пишқириб қўйди. — Билсанглар, мен уни жудаям яхши кўраман. Мен унга албатта, уйланаман! Уни олиб кетмагунимча ҳеч каёққа кетмайман! Остонасига ётволаман. Қани бермай ҳам кўришсин-чи, — деди йигит ва шахд билан чиқиб кетди.

Есинбой кўчага чиққанида туяни болалар қуршаб олишган эди. Улар бунақа туяни умрларида биринчи марта кўришган бўлишса ажабмас. Ясатиғлиқ туянинг атрофида улар мирикиб чуғурлашишарди.

...Уларда урф-одат шунақа эмиш. Агар йигит бирор қизни севиб қолса, дил изхори учун қиз томонга ясатилган туя совға қилармиш. Мабодо қиз кўнмаса ёки «иш битмайдиган» кўринса, қизнинг уйи олдига ўтов тикиб ётиб олармиш. Ҳайдашса ҳам кетмасмиш. Ҳамма азобларга чидармиш. Ниҳоят қиз томонликлар рози бўлишса, йигит қариндош-уруғларини чақиртирармиш-да, шу ерда ўша туяни сўйиб эл-юртга тўй қилиб берармиш.

...Болалар чуғурлашиб, энди машина ичидаги нарсаларни тушира бошлашди. Бу бўлакланган ўтов эди. Бундан ташқари йигирма қоп арпа, ўн қоп ун, ўн қоп буғдой ва беш қоп гуруч ҳам олиб келибди. Есинбой болалар ёрдамида тезлик билан ўтовни ҳам тиклаб олди. Ичига буйра ва гиламларни тўшади. Кўрпачалар солиб, унда яшаш учун шароит яратди. Бу ишларнинг ҳаммасини дераза пардаси орқасидан кузатиб турган Абдукарим ханг-манг эди. Бу антиқа воқеа яшин тезлигида бутун қишлоққа миш-миш бўлиб тарқалди ва уни кўргани қишлоқ аҳли кела бошлади. Бу шов-шув албатта, маҳалла оксоқоли Икром отанинг қулоғига ҳам бориб етди.

— Ҳой йигит, бу нима қилганингиз? — деб сўради оксоқол ҳайратланиб.

— Салом-алайкум! Сиз ким бўласиз, отахон?

— Мана шу маҳалланинг оксоқолиман.

– Жуда яхши. Унда музокарани сиз билан олиб борарканманда-а?

– Қанақа музокара? Йиғиштиринг томошангизни!

– Йўк, бугундан бошлаб мени ҳам маҳаллангизга аъзо қилиб олсангиз. Манави ўтов менинг уйим бўлади. Энди шу ерда яшамокчиман.

– Мақсадингиз нима?

– Мен Ҳусниддин аканинг қизи Озодани яхши кўраман. Ўтган сафар совчиларимни юборгандим. Бу сафар ўзим келдим. Шу қизга уйланмаганимча ҳеч қаёққа кетмайман.

– Нима қиласиз?

– Отларим билан туямни бокиб ўтиравераман, – деди йигит жиддий.

Икром ота бунақа ҳолатни умрида биринчи марта кўриши эди. У йигитнинг муддаосини тўғри англади ҳамда биринчи навбатда тўпланганларни бу ердан тарқата бошлади. Унга кўни-қўшнилари ҳам ёрдамга келишди.

– Қуда томондан келишибди. Бу сенларга томоша эмас, қани, тез кетинглар-чи, айб бўлади-я. Тўй бўлган куни келаверасизлар!

– Ҳа, тўйда бутун қишлоқни меҳмон қиламан. Худо хоҳласа, зўр тўй бўлади, – деди Есинбой.

Одамлар тарқалишиб, бир-икки ён қўшнилари билан ўзлари қолишгач, оқсоқол йигитни ўтов ичкарисига таклиф қилди.

– Ўтовимга марҳамат қилинглари қани, – деди у илтифот билан.

– Аҳлиддин, Абдукарим акангиз уйидамикин?

– Ҳусни опа, йўғ-е, ака далада бўлишса керак. Аввало, ўзимиз маслаҳат қилиб, бир тўхтамга келиб олсакмикан, – деди Аҳлиддин.

– Ҳай майли, қани юринглар бўлмаса.

Есинбой ҳайдовчига қараб қичқирди:

– Ҳой Ўрозбой, кабинадаги қимизни олиб кел-чи!

Улар ўтов ичига кириб ўтиришгач, оқсоқол дуога қўл очди.

– Хуш келибсизлар, – деди Есинбой ва ҳайдовчи олиб келган кимизни шопириб-шопириб, пиёлаларга қуйиб узата бошлади.

– Хўш, жигит, энди гапиринг дарду мақсадингизни, – деди кулиб оқсоқол. – Шу ерда ростдан яшамоқчимисиз?!

– Худо хоҳласа...

– Хўп. Келинни ҳам шу ерга олмоқчимисиз? – деб сўради оқсоқол ўтовнинг шифтларига бир назар ташлаб оларкан.

– Йўқ, албатта. Бу вақтинчалик истехком, холос.

Ўтирганлар кулиб юборишди ва йигитнинг кимлиги, таг-тугини сўраб-суриштира бошлашди.

– Яхши, – деди оқсоқол унинг эзгу режаларини эшитиб, мақсадини тушунгач, – лекин бу оиланинг аҳволи танглиги, тўй қилиш учун ҳеч қандай имкониятлари йўқлигидан хабарингиз борми?

– Ҳа. Келган совчилар айтишди. Тўйнинг ҳамма сарф-харажати ўзим кўтармоқчиман.

– Келиннинг сепини ҳамми?

– Албатта. Бу ерда менинг бешта отим бор. Унинг тўрттасини сотсам етса кераг-ов. Фақат қизларини беришса бўлгани.

– Ота-онангизни бу ишлардан хабарлари борми? – деб сўради кўшнилardan бири.

– Албатта бор. Қиз томон рози бўлгач, мен уларга хабар берман. Сўнгра тўй кунини белгилаб бирйўла келинни бирга олиб кетамиз. Унгача келиб шу ўтовда яшайверишади.

– Рост гапиряпсизми?

Есинбой чарм этиги кўнжидан бир қамчинни олиб гиламнинг устига шарт ташлади.

– Йигитлик сўзим!

Оқсоқол ва кўшниларнинг тили лол қолди.

– Нима дейсизлар? – деб сўради Икром ота ниҳоят.

– Албатта қизни ўз севганига беришгани маъқул-да, – деди кўшни Зафаржон.

– Тўғри, – деди яна бир кўшни. – Бу йигитнинг ҳаракати жиддийга ўхшайди.

– Бўпти, Есинбой, сиз бўлмаса бемалол дамингизни ола туринг. Кўшнилар чой-пой, ул-бул тайёрлаб беришар. Биз кизнинг отаси билан маслаҳатлашиб кўрамиз.

– У кишини далада дейишди, уйларида ҳеч ким йўқ экан.

Оқсоқол кўшниларга маъноли қараб қўйди.

– Сиз Ҳусни акани танийсизми? – деб сўради Аҳлиддин.

– Таниганда қандоқ. Отларимга қарашни ўша киши билан келишганман-да, – деди Есинбой.

– Абдукаримни-чи? – деб сўради оқсоқол синовчан.

– Йўқ. У кишини танитайман.

– Ол-а! Бу ёғи тоза қизиқ бўлди-ку!

– Нимага? – дея шошиб сўради ошиқ йигит.

– Э йўқ, шунчаки ўзим... – деб каловланди оқсоқол.

У Озоданинг толеига шундай муносиб куёв чиқиб турганида Ҳусниянинг эркакча кийиниб олганидан ва гўё «отасиман» деб кўринганидан ич-ичидан аччиқланмоқда эди. «Тавба, ахир бир кун ҳар қандай ёлғоннинг ҳам миси чиқади-ку ёки бу йигитга тўғриси айтиб, уни сирдан воқиф қилсакмикан? Ҳа, шундай қилганимиз маъкул», деди у фикран.

– Сиз, йигит, унинг онаси билан гаплашган кўринасиз. Унинг отаси бошқа, – деди оқсоқол салмокланиб.

Есинбой куяётган қимиз пиёладан тўлиб-тошиб кетди.

– Ҳамма гап ўша отасида-да, – деди яна Икром ота томоғини маъноли қилиб қўяркан.

Йигит эшик томондан кўриниб турган Озодаларнинг сирли кўргони томон ҳайрон қараб қўйди. Орага оғир жимлик чўкди.

– Бўлмасам, мен кириб хабар оламан. Аҳлиддин, сизлар анави туяни бирор жойга олиб киринглар. Болалар атрофида яна тўпланишяпти, шекилли.

– Тураверсин, – деди Есинбой қатъий.

– Нега?

– Озода келса кўрсин, дейман-да.

– Бўлмаса, Аҳлиддин, ўглингизга айтинг, велосипедида тез далага бориб Ҳусния опасини айтиб келсин.

– Акасини денг, – деди Аҳлиддин кулиб.

– Э ҳа, мен ҳам чалкашиб кетаяпман чоғи. У келганидан сўнг яна маслаҳатга тўпланамиз.

Шундай қилиб, кўшнилар самимий кулиб чиқиб кетишди.

– Худо хоҳласа, ҳаммаси яхши бўлади, ўғлим, – деб кўйди оқсоқол йўл-йўлакай йигитга далда бериб.

* * *

Абдукарим ичкарида типирчилаб қолди. Худди жонсарақ хўроздай у ёк-бу ёққа, бетўхтов кичкина қўлтиқ таёғини «тўқ-тўқ» қилиб бориб-кела бошлади. Дераза орқали кўшниларнинг ўтов ичига кириб кетишганидан янада ғиғони ошди.

– Оббо, бошга битган бало бўлди-ку бу йигит. Ўзимиз не ташвишдамиз-ку, тўйга бало борми?

Энди бошқа деразадан қаради ва бесўнақай туяни кўриб бир сапчиб тушди:

– Ана шармандалигу, мана шармандалик! Энди бутун кишлоққа гап бўладиган бўлдик. Нима, Озода бировнинг ўтовида яшаб таппи қилармиди? Бир гап бўлса ундан ким хабар олади?.. Э, йўқ, қизимни бермайман. Лекин бу йигитни қандай қилиб бу ердан ҳайдасам экан-а? Унга айтаман, шу бугуноқ отларини олиб кетсин.

Кўшнилар ўтовдан чиқиб болаларни ҳайдашди-да, Абдукаримникига бош сукмай тарқалишди.

– Қанақа оқсоқол бу? Ахир, менинг уйда эканлигимни яхши билади-ку! Чўллик буларни ўзига оғдириб олди-ёв... Бир оғиз: «Ҳой аҳмоқ йигит, жўна бу ердан» дейишса асакалари кетармиди! Ё томошанинг нима билан тугашини кўришмоқчими булар? Бекорларни айтишибди. Улар ҳайдашмаган бўлса, мана, мен ҳайдайман!..

Шундай қарорга келган Абдукарим уйдан чиқиб тандир олдида турган ярми куйган косов ёғочни қўлига олди-да, кўча томон шахд билан «тўқиллаб» йўналди. У шундай важоҳатли эдики, шу паллада оёғининг суяклари зиркираб оғриётганини ҳам

сезмаётганди. Бўйи туянинг тиззасидан келаркан. Ҳайбатини кўриб кўркиб кетди. Арқонини бўшатиб ҳайдаб юбормокчи бўлди, лекин боғламга кўли етмади. Косов билан чираниб ечишга уринди ва аранг ечиб олди. Туя унга томон бўйнини чўзиб «Нима дейсан?» дегандек оқ кўпик оқаётган бадбашара тумшуғини рўбарў қилди. Чўчиб кетган Абдукарим уни аямай савалаб кетди, туя эса хуркиб дуч келган томонга қараб лўкиллаб қочиб қолди. Болақайлар қийқириб унинг ортидан чошиб кетишди.

Узоқ йўл юриб чарчаганлариданми ёки қимиз элитдими, бу пайтда Есинбой ўтов ичида, Ўрозбой эса кабинада эндигина пинакка кетишган эди. «Қуролланган» Абдукарим энди Есинбойнинг истехкомига мардонавор кириб борди.

– Ҳўв, жўжа хўроз! – дея қичқирди у.

Есинбой бир сапчиб тушди ва эшикдан кираётган ёруғликдан юзини таниб бўлмаган, ўзга сайёраликка ўхшаш бир пакана кишининг важоҳат билан турганини кўрди.

– Э, келинг...

– Тур ўрнингдан! Лаш-лушларингни йиғиштиргин-да, бу ердан туёғингни шиқиллат! Отларингни ҳам олиб кет, жонга тегишди.

– Сиз кимсиз?

– Ишинг бўлмасин, лекин сенга берадиган қизим йўқ.

– Бўпти, ҳозир Ҳусниддин ака келсинлар, маслаҳат қиламиз.

– Маслаҳатингни пишириб е! Бу ишни мен ҳал қиламан!

– Сиз кимсиз ўзи? – деб сўради Есинбой.

– Озоданинг отасиман.

– Унинг нечта отаси бор? – деб сўради йигит атайин гапни ҳазилга йўймокчи бўлиб.

– Ишинг бўлмасин! Қани, жўна бу ердан! Сендақаларнинг кўпини кўрганман. Бор, туяингни топ, аравангни торт.

Шундагина йигит сапчиб ўрnidан турди-да, ташқарига отилиб чиқди. Туя ўрнида йўқ эди. Исматнинг кўк «Мосвичи» йўл ўртасида мотори ҳам ўчмаган, эшиги ҳам бекитилмаган ҳолда дириллаб турар, ўзи ўтовни бузгудек даражада шовқин кўтармокда эди. Бу томонга кўни-қўшнилар чошиб келиша бошлашди.

– Ким сенга рухсат берди бу ерга ўтов ўрнатишга?! – дея кичкирди Исмат.

– Ахир, бу урф-одатимиз-да, – деди Есинбой паст келиб.

– Урф-одатмиш. Бу ахир, конунбузарлик-ку!

– Қанака конунбузарлик?

– Паспорт режимини бузаясанлар! Қани ҳужжат, қани рухсат? Ҳозирок кетмасанглар милиция чақираман!

– Биз рухсат бердик, – деди Аҳлиддин ҳаллослаб келиб.

– Биз деганинг ким?

– Маҳалла оқсоқоли. Ахир, унинг ҳаққи бор.

– Абдукаримнинг-чи?

– Ахир, у уйида йўк эди-да.

– Шу оёғи билан энасиникига борадими? – деди Исмат бир четда турган Абдукаримни кўрсатиб.

У ҳам Исматнинг қаёқдан пайдо бўлиб қолганига ҳайрон, ишнинг бунчалик жанжал даражасига айланиб кетишини кутмаган, иштонини ҳўл қилиб қўйган болага ўхшаб жим бўлиб қолганди. Бироқ Исматнинг охирги ноўрин гапи унинг жон-ҳолидан ўтиб кетган кўринади:

– Ҳой Исмат! Сен аралашма. Бор йўлингдан қолма! – дея ўшқириб берди у. Исмат ошнасидан бундай гапни кутмаганди. «Хў-ўп»! – деб қўйди-да, машинасига ўтириб норози жўнаб қолди. У кетиб бораркан, таъби ниҳоятда тирриқ эди.

– Хих, қани қизини Нодиргамас, мана шу келгиндига бериб кўришсин-чи, шоли экканларига пушаймон қилдираман ҳали, – деб қўйди у ўзича гўлдираб.

Йўлда лўккиллаб бораётган туяга дуч келди. Унга қаттиқ сигнал берди ва туянинг орқасидан чопиб бораётган болаларга қарата «Ҳайданглар бу келгиндини! Қув! Сол, тош билан!» – дея кичкириб ўтиб кетди. Шу билан кўнгли анча енгил тортгандай бўлди. Шундан сўнг Исмат машинасини атайин Ҳусниялар ишлаётган дала бўйлаб ҳайдади. Йўл бўйида кетмон билан арик тозалаётган Ҳуснияга қарата кичкирди:

– Ҳой, Ҳусни! Яхшиликча куда бўлайлик. Сенгаям, менга-

ям яхши бўлади. Лекин айтиб қўяй, қизингни анави келгиндига берсанг, ўзингдан кўр. Ўзиниям туясига ўхшатиб ҳайдаттираман, билдингми?! — деди у машинадан тушмай.

«Нима гап?» дегандай хавотир олиб Паризода чопиб келди.

— Ойи, қанақа туя? Ким тўғрисида гапираяпти?

— Э, қаёқдан билай. Аҳмоқ. Очимдан ўлсам ўламанки, сенга қизимни бериб бўпман! — деди ойиси машина ортидан мушт кўрсатиб қоларкан.

— Кимни айтаяпсиз?

— У Озода опангни ўғли Нодирга сўраб дағдага қияпти.

— Ҳа, ойи. Мен ҳам сизга шуни айтмоқчийдим. Ўша Нодир деганингиз камишлар орасидан бизни ҳар куни пойлагани пойлаган.

— Вой исқирт-ей! — деди Ҳусния баттар асабийлашиб. — Ундан эҳтиёт бўлинглар. Кўрсаларинг ҳайданглар ёки мени тез чақиринглар.

Шу маҳал велосипедида қўшни бола келиб тўхтади:

— Ҳусния опа, тез уйга бораркансиз. Кўчамизда томоша бўлаяпти.

— Қанақа томоша?..

... Кўп ўтмай барча қизларини аравага солиб Ҳусния қишлоқ томон равона бўлди. Қишлоққа кираверишда лўкиллаб келаётган ясатиғлиқ, лекин устидаги гиламчаси қийшайиб тушиб қолай деган нортуюга дуч келишди.

— Вой қизлар, қаранглар, қандай ажойиб туя! — дея қичқириб юборди Озода.

— Опажон, бу ўша куёв сизга олиб келган туя бўлса керак-а! — дея хаяжон билан қичқирди Паризода.

— Ким дединг?

— Есин ака қўлингизни сўраб келибди-ку. Исмат ака айтди. У шу туяни ҳайдаб юборганмиш.

Озода «Нима?!» дея хаяжон билан аравадан қандай сакраб тушиб қолганини ўзи ҳам англамай қолди. Тушдию, оғир карвон жониворнинг ортидан чопди.

– Ҳой, қаёққа, тўхтанг?! – дея қичқирди Гулзода.

Хусния эса мийиғида кулиб кўйди.

– Кўявер, – деди у хотиржам отга «чух» дея қамчи босаркан.

– Туясини ўзи ушлаб бора қолсин.

Арава уйга етиб келганида Абдукарим Есинбойга ҳамон ўшқирмоқда эди:

– Қанақа одамсанлар ўзи, ҳой?! Бизни бутун эл-юртга шарманда қилдинг-ку. Нима бу ер сени таппи қиладиган жойингми-ди? Бу ерда ҳар бир одам бир-бирини иззат қилади, обрўйини сақлайди. Бўл тез, дедим сенга, ашқол-дашқолингни йиғиштир. Ўтовингни қандай олиб келган бўлсанг шундай олиб кет! Сенга берадиган қизим йўқ, тамом! Нима, ўзингни юртингда қиз қуриб кетибдими?

– Ахир, мен Озодани яхши кўраман. Бир кўришдаёқ уни севиб қолдим. Рози бўлсангизлар бас, тўйнинг барча харажатларини ўзим кўтараман. Сепиям керакмас.

– Келинг, ўғлим, – деди Хусния ерга қараб эри томон келаркан. – Ҳой дадаси, намуноча шовқин қилмасангиз-а. Қизингиз барибир тақдир насиб қилганига тегаси-да, қаёққаям борарди?! Биз уни ушлаб туrolмаймиз. Ўзидан ҳам бир сўраб кўрайлик, маслаҳатлашайлик.

– Қизингнинг ўзи қани?! Бирор рўйхушлик бергандирки, бу йигит диконглаб келгандир. Суробини тортиб кўйиш керак унинг! – дея бақирди яна давом этди дарғазаб ота.

Шу пайт болаларнинг «Урра! Туя қайтиб келяпти!» – дея қичқириклари янграй бошлади. Паризода тез дўнг тепа устига чиқиб қаради ва қувониб қичқирди:

– Ойи қаранг, опам туясини ушлаб олибди! Уни етаклаб келяпти.

Есинбой ва бошқа бир неча болалар ҳам дўнглик устига чиқишиб қувончдан қийқиришди. Ошиқ йигит эса ҳаяжондан кўзлари порлар, қўшиқ айтиб рақсга тушишга ҳам тайёр эди шу тобда. Кўп ўтмай туя етаклаган қиз етиб келди. У ўзида йўқ хурсанд, кўзларидан ёш оқарди. Абдукаримнинг аввалига хуноби ошиб турди. Лекин Озода чопиб бориб уни қучоқлаб олди:

– Отажон, мени кечиринг...

Отанинг ҳам энди кўнгли бўшаб, кўзлари намланди.

– Мана шу дарбадар сенга ёқадими? – деди у Есинбойни кўрсатиб.

– Ҳа, – деди Озода ҳаяжон билан.

– Майли, қизим, сен нима десанг шу-да...

Қиз сўнгра ўзини Ҳусниянинг бағрига отди.

– Сиз нима дейсиз, ойи?

– Нимаям дердим, – деди кулиб эрлибосли аёл қизариб-бўзариб турган норгул йигитга қараб. – Агар туя олиб келмаганида рози бўлмаган бўлардим.

Ҳамма хурсанд бўлиб кетди. Сингиллар, кўни-кўшнилар йигит ва кизни кизгин кутладилар.

Шундай қилиб ўтов яна қайта тикланди ва кечки пайт у ерда маслаҳат оши ейилди. Тўй куни белгиланди. Бозор куни Есинбой тўртта отини сотадиган ва унга ўзидан ҳам кўшиб тўй ҳамда, келин учун зарурий ҳамма нарсани сотиб олиб берадиган бўлди. Ҳусниялар хонадони ва маҳалла аҳли ажабтовур тўйга ҳамжиҳатлик билан тараддуд кўра бошладилар.

...Янада ясатилган нортуянинг кўнғироқлари дилни яйратади ва бўлғуси тўй, қувончли дамлар яқинлигидан далолат беради. Уни миниб олган келинчак Озода ўз гўзаллигини кўз-кўз қилади. Эгнига зар чопон ва салла кийиб олган куёвтўра Есинбой эса қаллигини елкасига опичлаб олган жониворни етаклаб борарди. У ўтган-кетган қишлоқ аҳлини самимий мулозамат билан тўйга таклиф қиларди. Болақайлар уларнинг ортидан чуғурлашиб эргашишади...

... Тўй. Одамлар хурсанд. Карнай-сурнай садолари бутун қишлоқ бўйлаб сокин таралади. Фақат Исмат билан ўғли Нодиргина у ерга боришни ўзларига эп кўришмади. Қишлоқ аҳлининг баланд-паст барчаси тўйхона томон шошилишмоқда эди. Туя сўйиб элга ош улашаётган мусофир йигитни бир кўриш ва қўлини олиб муборакбод қилиб кўйишга интилишарди.

Ранг-баранг шарлар билан безатилган ўтов ичида никоҳ

ўқилди. Келин-куёв чиқишларига поёндозлар солинди. Улар чиқиб келишгач устиларидан конфет ва гуллар сочилди. Ясатилган машиналар уларни ФХДЁ идорасига олиб боришга тайёр эди.

...Куёв илтифот билан келин учун машина эшигини очиб берди. Бироқ шу маҳал хунук воқеа юз берди: куёвнинг пешонасига бир дайди тош келиб тегди. Қон кетди. Келин кичқириб юборди. Тўс-тўполон бўлди.

– Ушланглар уни! Тошни отган бола Исматнинг ўғли Нодирга ўхшади. Мен буни аник кўрдим! – дея кичқирди электр симёғочда чироқни улаётган монтер Тошмат ака.

– Йигитлар! Ушланглар уни! Таъзирини беринглар! – дея кичқирди маҳаллалик кишилардан бири.

Асосан Озоданинг синфдошларидан иборат бўлган йигитлар Нодирни кува кетишди. У уйларига қочиб келиб эшикни маҳкамлаб олди. Лекин йигитлар девор ошиб сакраб безорини тутиб олишди ва уйдан судраб олиб чиқиб дўппослай кетишди. Ҳомиладор онаси Саломат чиқиб дод солди:

– Вой-дод! Қўйворинглар! Ахир, ўлдириб қўясизлар-ку боламни! Ким бор?! Ёрдам беринглар!...

Аёлнинг ҳомилали эканини йигитлардан бири пайқаб қолди ва йигитларни бас қилишга даъват этди.

– Ахир, мен Озодани яхши кўраман. Нима, уни бир келгинди олиб кетаверадими?! – дея Нодир тўхтовсиз ўқирмоқда эди.

– Тўйга яна қадам изи қилсанг кунингни кўрасан! – деди йигитлардан бири.

Улар кетишди. Нодир тупроққа беланганича, онаси эса дод солганича қолаверишди. Шу маҳал машинасида тасодифан келиб қолган Исмат ўғлини турғазди.

– Ҳали қараб тур! Сенларнинг онангни кўрсатаман! Шолинг-ни куритмасам Исмат исмимни Қисмат қўяман! – дея кичқирди у ва ўғлига далда бера бошлади. – Қўявер, бу қилмишларига ҳали пушаймон бўлишади. Уларни ҳали кизи кўп, униси бўлма-са буниси-да... Ҳой, нега анқаясан?! Бор, юз-қўлини юв! – деди у хотинига ўшқириб.

...Келин-куёв тўрда давранинг гули бўлиб ўтиришибди. Куёвнинг боғланган пешонасидаги қон ҳам қизил гул каби узоқдан кўзга ташланарди.

– Вой, ёмон тегмадими, ўғлим? – деб сўради Ҳусния атайин куёвнинг ёнига келиб.

– Йўқ, ойижон, «қон ёруғлик» дейишади. Туя сўйилганида қон чиқмаган шекилли-да, – деди йигит кулиб.

Хуллас, тўй ўтди. Бутун қишлоққа шов-шув бўлди ва «туя сўйилган тўй» номини олди. Эртаси келиннинг сепи машинага ортилди. Абдукаримнинг синфдошлари уларни ташийвериб чарчашди, ичиб яйрашди. Юз-кўзларидан бахтиёрлик нури яраклаб турган гўзал келинчак девқомат шахзодаси билан «Мерседес»га ўтириб жўнашди. Уларнинг ортидан бир талай болакайлар чуғурлашиб чопишди. Бу ҳолатни узоқдан, девор ортида кузатиб турган Исматнинг эса тили лол эди...

Тўртинчи боб ЧАЙЛАДА

Ниҳоят, тўй маросимлари ҳам ўтиб бўлди. Келинни кузатишиб бирга кетган қизлари ҳам қайтиб келишди. Тўй арафасида отлар ҳам сотилди. Бақувват отлардан бири ваъда қилинганидек, уларга тортиқ қилинди. Биринчи қизининг бахтли-тахтли бўлганидан Ҳусния беҳад хурсанд эди. Лекин ҳамон у эркаклик кийимини ечмади. Яна уч қизи бор-да, ахир. Энди навбат гўзалликда Озодадан қолишмайдиган Хонзодага эди. Лекин уни қандай тақдир, қандай шахзода кутаётганини ҳали ҳеч ким башорат қила олмасди.

Февраль ойининг бошлари, чилла совуқлари бир оз кўтарилган кунларнинг бирида Ҳусния яна маҳалла фаолларини ўша дўнг тепа олдига тўплади. Тўпланганлар бу сафар ўзгача манзаранинг гувоҳи бўлдилар. Аравага қўшилган корабайир пишқириб турар, аравага эса кўрпа-тўшак, копларда турли озуқалар ва тирикчиликка керакли асбоб-анжомлар, шу жумладан, она товук ҳам катта бўлиб қолган жўжалари билан бир қафасга солиниб

ортилган эди. Арава ортига эса оқсоқол берган сигир боғлаб кўйилганди. Абдукарим пакана бўлиб отнинг юганидан ушлаб турарди.

— Ҳа, тинчликми? — деб сўради оқсоқол жонсарак бўлиб турган Ҳусниядан.

— Ҳа, тинчлик. Бизга оқ фотиҳа берсанглар. Илоҳим, бизга яна елкадош, кўни-кўшничилик қилиш, биргаликда тўй-томошалар кўриш насиб этсин, — деди эрлибосли аёл ва бориб ўзи кўча эшигини кулфлаб келди-да, калитни оқсоқолга узатди.

— Кўявер, кизим, биз сизларга ишонамиз. Сизлар, албатта қайтиб келасизлар.

— Йўқ, отажон. Кўнглимиз хотиржам бўлади. Бизлар шунда илгари айтганимдек, янада ғайратлироқ бўламиз. Олинг, олаверинг. Худойим бизга мададкор бўлиб шоли ҳосилимиз яхши бўлса, қайтиб келиб қарзларимизни қайтарамиз-да, уйимизга кирамиз.

Кўни-кўшнилари ҳайрон эди.

— Бўпти, лекин қачон хоҳласанглар қайтиб келаверинглар. Биз сизлардан хабар олиб турамиз, — деди Лобархон ачиниш.

Ҳусния дўнг устида маҳалла аҳлига таъзим қилди. Оқсоқол дуога кўл очиб уларга оқ йўл тилади.

— Қизлар, қани, аравага чиқинглар-чи! — дея буйруқ берилди.

Қизлар дарров арава атрофидаги бўшроқ жойларга жойлашиб, оёқларини осилтириб олишди. Ҳусния келиб эрини даст кўтарди-да, эгарга ўтқазиб кўйди ва ўзи ҳам қизлар ёнига ўрнашиб олгач, «Ҳайданг!» дея қичқирди. Абдукарим «чуҳ!» дея отни ниқтади. Арава ўрнидан оғир кўзгалди. Маҳалла аҳли уларнинг ортидан «Яхши боринглар! Омадларингни берсин!» дея ачиниш ва ўта хавотирлик билан кузатиб қолишди. Бир-биридан гўзал, латофатли қизлар эса «Хайр, яхши қолинглар!» дея кўл силкиб боришарди. Сигир ҳам сафарга отланганини сездими, ҳарҳолда ола қараб бир мўъраб кўйди.

Уларнинг олдида оғир ва машаққатли ҳаёт синовини кутарди...

* * *

Уларни, албатта киш уйқусидаги мудрок дала қорайиб кутиб олди. Чилла суви бериб суғорилган шолিপоя ўрнида тупрокқа сингмай яхлаб қолган сув музлари оқариб кўринар, пайкал четларида куриб қотиб турган камишлар оралаб енгил, совуқ изғирин увиллаб кезарди. Фақат тўда-тўда қора қарғаларнинг безовталаниб: «Нега барвақт келдиларинг?» деб сўрагандек «Қағ-қағ!» деган овозлари ҳаммаёқни босиб кетарди.

Аввало олдиндан тайёрлаб кўйилган кичкина уйча ёнбошидаги ўчокқа ўт ёкиб, сандалга чўғ тайёрлашди. Унга кўрни босиб, устига кўрпани ёпишди-да, Абдукаримнинг тагига юмшоқ тўшаклардан солиб беришди. Қумғонга чой кўйилди. Қизлар югуриб-елиб нарсаларни жойлай бошладилар. Улар шийпонда ажратилган хонада тунайдиган бўлишди. У ерда темир печка бор эди. Уни ҳам ёкиб келишди. Ҳамма ишлар деярли қилиб бўлингач, оила аъзолари сандал атрофига жамланишди.

— Ишни ариқларни тозалаб, сув йўлларини тўғрилашдан бошлаймиз, — деб гап бошлади Ҳусния. — Хонзода, сен ҳар куни барвақт уйғониб сигирни соғасан. Сен, Гулзода, нонга ҳамир қиласан, Паризода чой кўйиб нонушта тайёрлайди. Сувни қаердан олиб келишни билиб олинглар. Эҳтиёт бўлинглар, зовурга тушиб кетманглар тагин. Нонни ўзим ёпиб бераман. Даданг от билан сигирга қарайдилар, тушунарлими?

Шундай қилиб, ҳар кимнинг ҳар кунлик одатий вазифаси тақсимлаб берилди. Бундан ташқари кир ювиш, ўтин тайёрлаш, овқат пишириш ва бошқа юмушлар ҳам ёддан чиқмади. Ишни кизгин бошлаб юборишди. Ҳа, айтмоқчи, бу ерга уйдаги тўрт товук ва бир хўрозни ҳам олиб келишганди. Ҳар куни тонгдаги хўрознинг қичкириши уларнинг иш бошлашга вақт бўлганлигидан дарак берарди.

Ишга тушишдан аввал Ҳусния эрига ишора қилди:

— Қани дадаси, бир дуо қилинг-чи.

Набижон Ҳошимов

— Омин! Умримизга, ризқимизга, илоҳим, баракасини бера-
версин. Ният қилиб келдик, ниятимизга эришиб, эл-юрт олдида
юзимиз ёруғ бўлсин, Оллоҳу акбар!

— Билиб қўйинглар, — деди Ҳусния қизларига қарата. — Энди
уйимиз шу ер. Қаттиқ меҳнат қилсак ҳеч жойимиз камайиб
қолмайди. Ҳаракат қилсак, худойим баракасини беради.

— Ерга чилла сувини оқизиш зарур. Бу ерларнинг шўри кўп.
Сув қўйиш билан унинг оқимини яхшилаб ўрганиш керак. Бу
ернинг тупроғини яхши биламан. Жуда ориқ. Минерал ўғит со-
линмаса бўлмайди.

— Қанақа ўғит солиш керак, дадаси?

— Ҳар гектарига бир тоннадан аммофос билан суперфосфат.
Улар ерни юмшатади, ҳосилдорликни оширади.

— Гўнг ҳам солишимиз керакдир? — сўради Ҳусния.

— Йўқ, — деб жавоб берди эри. — Унинг бу йилги ҳосилга эмас,
келгуси йилга фойдаси бор. Агар ер яна бизга колгудек бўлса
шолини ўрибок гўнг соламиз.

Ерни яна текислатиб, унга ўғитлардан солишди. Кўп ўт-
май далаларда баҳор нафаси уфура бошлади. Яшил майсалар
бош кўтарди. Чумолилар ўрмалаб, ўриклар гуллай бошлагани
ҳамоно улар шоли учун пайкаллар тайёрлашга тушишди. Аёл-
лар кўлидаги кетмон «тарс-тарс» дея тупрокка урилар ва ўзгача
гашт берарди. Иш эрта тонгдан то кош қорайгунга кадар давом
этарди. Чайлада эса фақат Абдукарим уймаланар, хўжалик иш-
ларининг ҳаммасини деярли у бажарарди. У тушлик тайёрлар,
ғимирлаб юриб ўтин-чўп топиб келар, чайла атрофини супуриб-
сидирар ва ҳатто унинг атрофини теша билан чопиб, кўкату гул-
райҳонлар ҳам экарди. Ҳар кун ишга кетишда ва келишда ма-
шинаси билан Исмат уларнинг бу хатти-ҳаракатларини зимдан
кузатиб, ёвқараш қилиб ўтарди.

Ҳадемай пайкаллар ҳам тайёр бўлиб, ўқариклар тортилди.
Унинг бир қисмида шоли кўчати тайёрлашадиган бўлишди ва
қалин қилиб уруғ сепилди-да, бир ариқ сувни очиб юборишди.
Сув очилганида Худодан яхши ҳосил тилаб дуога қўл очишди

ҳамда ўша кун ис чиқариб чалпак пиширишди. Чалпакни далага келган пахтакорларга ҳам тарқатиб чиқишди. Уларнинг ҳаракатини нафақат бутун бригада аъзолари, балки хўжалик идорасидагилар ҳам, маҳалла-кўйдагилар ҳам зимдан кузатиб боришар, баъзан келишиб, Ҳуснияга йўл-йўриқлар беришарди. Маҳалладаги кўшнилари навбатма-навбат овқат килиб юборадиган ҳам бўлишди ва «Нима камчилик бўлса айтаверинглар» деб уларга далда бериб туришди.

Абдукарим эккан гулу райҳонлар ҳадемай бўй чўзишиб, чайланнинг олдига файз бағишлай бошлади. Оталарининг бу ишидан, айниқса, кизлар хурсанд бўлдилар. Чунки у ўсма, хина экишни ҳам унутмаганди. Бундан ташқари, ўқарик бўйларига помидор ва турли сабзавотлар, ернинг атрофига эса супурги уруғи ҳам экилди. Зовур бўйларида, ариқ лабида ошқовоқ, маккажўхори, тарвуз, қовун ҳам етиштирила бошланди. Бирор қарич бўш ер қолдирилмади. Жой-жойини топиб баклажон, ширин ва аччиқ қалампир, қарам, картошка, пиёзу саримсоқча қадалди. Чунки уларни қишга сақлаш мумкин. Тут қаторига эса кузда бугдой сепилган бўлиб, у яшил гиламни эслатарди. Шундай килиб тириклик учун зарур ҳамма неъматлардан бебаҳра қолмайдиган бўлишди.

Шу кунларнинг бирида Исмат билан яна бир воқеа юз берди. Шоли пайкалларига келаётган бир ариқ сув тўсатдан тўхтаб қолди. Ҳусниянинг хуноби ошди. Кетмонни елкага олиб, ўзи ариқ боши томон кетди. Сув анҳордан келарди. Анҳордан очилган уларнинг ариғини эса кимдир чимлаб кетибди. Лекин уни олиб ташлаш анча машаққат эди. Чунки ариқ жуда чуқурликда бўлиб, ичи балчиқ-лой эди.

Ҳусния теварак-атрофга қаради. Ҳеч ким кўринмади. Этиги, шими ва кастюмини ечиб, эғнидаги эркакча кўйлагининг энгини шимарди-да, эҳтиётлик билан ариқ ичига тушди. Эрта баҳор бўлгани учун ҳали сув ва балчиқ жуда совуқ эди.

— Уф-ф... қайси кўлинг сингурнинг иши экан-а? — дея жаҳли

чикди аёлнинг. Кўнглидан «Ишни тезроқ бажаришим керак. Йўкса шамоллаб қоламан» деган ўй ўтди.

...Тепада бир жуфт оёқ пайдо бўлди. Бу Исматники эди. У Хусниянинг ечиниб, ишлашини тепадан завкланиб томоша қиларди. Аёл уни сезиб қолди ва чўчиб тушди. Кўкрагини лой қўли билан тезликда беркитди. Ёқаси лой бўлди.

– Ҳа, хорма! – деди Исмат иршайиб

– Бу оизнинг ишингизмиди?

– Ахир, халқнинг суви-ку бу. Ўзидан ортса кейин сенга тегади-да.

– Бекор гап, мен колхоз билан шартнома тузганман, – деди Хусния жаҳл билан чим ва тошларни анҳор ичига улоктираркан.

– Колхоз сув билан таъминлашни кафолатлаган.

– Мен билан-чи? – сўради Исмат. – Мен билан нима тузгансан?

– Ҳеч нима! – деди Хусния она товукдай хўрпайиб.

Энди унинг жаҳли жунбушга кела бошлаган ва бу сурбет кишини қандай қилиб жазолаш ҳақида бош қотирмоқда эди.

– Хохласанг келишамиз, – деди Исмат аёлнинг оппоқ тиззаларига суқланиб қараб оларкан. – Мен сувни кафолатлайман. Эвазига... ҳалиги, баъзи-баъзида учрашиб турамиз... Нима дейсан-а?

Хусниянинг жони ҳалқумига келди. Лекин сувни тўла очиб бўлмагунича тоқат қилишга ўзида куч топа олди. Энди гўё ўзини хотиржамдек тута бошлади. «Сен ярамасни бир боплай», – дея кўнглидан ўтказди у.

– Яна ўша, эски гапми?

– Далада бўлсак. Эринг бир жойга михланган чўлоқ бўлса. Ким билиб ўтирибди?..

Хусния ишни тугатди. Ариқ сирпанчик, ичидан чиқиб олиш жуда мушкул эди. Агар Исмат ёрдам бермаса, ким билади, у ер-бу ерлари тирналган ҳам бўларди. Бунини сезган аёл айёрлик қилди ва яхдек ҳўл қўлини дангал «ошиғи»га узатди.

– Бўпти, мен розиман. Қани, қўлингизни беринг-чи, акажон.

Исмат севиниб кетди ва эҳтирос билан уни тепага тортиб олди. Қирғоқ чети бўлгани учун ораларидаги масофа ярим қарич ҳам қолмади. Бироқ кутилмаганда Ҳусния уни анхорга итариб юборди ва шарақлаб кула бошлади.

– Ҳой, манжалаки! Бу нима қилганинг! – дея совуқ сувдан ютиб-ютиб кичқирди Исмат ва қирғоқдаги қуриган қамишларга тармашди.

– Хомтама бўлма! Ҳе, аҳмоқ! – деди Ҳусния кўзларини чакчайтириб ва кийимларини тез кийиб жўнаб қолди.

– Ҳали ўзинг олдимга ялиниб келасан! – дея қийқириб қолди шалаббо бўлган Исмат.

Ҳусния чайла олдига келганида эри хавотир олиб тўнка устида ўтирарди.

– Ҳа, тинчликмикан? Сув нега келмай қолибди?

– Э-э, шох-шаббалар тўпланиб биз томонни тўсиб қолибди. Олиб ташладим, – деди аёл ерга қараб.

– Қизларингни юборсанг ҳам бўларди-ку, ёқаларинг ҳам лой бўлибди.

– Ҳа-я. Мен ҳозир кийимимни алмаштириб чиқай.

Абдукаримнинг кўнгли нохушлик сезгандек хотинининг ортидан хўрсиниб қараб қўйди. Аёли кийиниб чикди-да, дала томон шошилди.

– Ҳозир Аҳмаджон тракторини олиб келадиган эди. Бўпти, сиз тушликка уриниб туринг дадаси.

Исмат совуқда дилдираб шийпонга қараб чопди. Бу маҳалда бекорчи тракторчилар сўрида карта ўйнаб ўтиришарди.

– Уф-ф... яна омадим келмади, – деди Аҳмад исмли йигит карта қоғозларини «тап» эткизиб ташлаб. – Бўпти йигитлар, мен Ҳусния опани ишини битказиб келай.

– Майли, бора қол. Лекин Исмат ака биладими?

– Билиши шартми? Ахир, савобгарчиликка-ку. Ҳозир барибир ҳам ҳеч қанақа иш йўқ, бекормиз.

Аҳмад тракторини юргазгани ҳамона шалаббо Исмат пайдо бўлди.

– Ие-ҳа, Исмат ака эрталабдан балиқ тутдингизми дейман?

– Ишинг бўлмасин. Сен каёққа?! – деб сўради Аҳмаддан.

• – Ҳусния опанинг ерида озгина иш бор экан.

– Туш пастга! – дея ўшқириб берди бригадир. – Ҳеч каёққа бормайсан.

– Ахир, бекормиз-ку.

– Бу хўжаликнинг трактори. Ижарачи керак бўлса, ўзининг тракторини топиб олсин! Унинг ерининг хўжаликга ҳеч қандай дахли йўқ!

– Хўп, ака. Намунча бакирасиз? Абдукарим ака билан жа ошна эдингиз, шекилли.

– Ошна-оғайнигарчиликни давлат ишига аралаштирма, – деди Исмат хўл кийимларини йўл-йўлакай ечиб шийпондаги хоналардан бирига кириб кетаркан. – Билиб қўй. Агар менинг рухсатимсиз ўша эркакмижоз хотиннинг ерига қадам қўяр экансан, ишдан хайдаласан.

– Ҳе ўргилдим сендан, – деб қўйди Аҳмад унинг ортидан норози гудраниб.

Ўша куни қуёш ботиб оқшом чўкса ҳам Аҳмаджондан дарак бўлмади. Ҳусния бетоқат бўлиб ўзини қўярга жой топа олмасди. «Исмат исқирт атайин жўнатмади шекилли. Бошга тушган бало бўлди бу ифлос! Нима қилсам экан? Ё раисга айтийинми? Нима дейман? Бригадирингиз менга кўз олайтиряпти, дейманми? Ахир, бу уят-ку», – дея фикр қилди у.

Ниҳоят Аҳмаджон келди. Лукин у велосипедда эди.

– Узр, опа, Исмат ака рухсат бермаяпти. Биласиз-ку, унинг феълиня, жуда қайсар. Уйига кетса кейин келаман десам, кетмаяпти. Табелчи Қўлдош билан ичишиб ўтиришибди, – деди Аҳмаджон афсус чекиб.

– Ҳайвон!.. У атайин қияпти шекилли.

– Узр, опа, шуни айтиб қўяйин деб келгандим. Хоҳласангиз нариги бригададаги Рўзматни эртага гаплашиб бераман.

– Майли, барака топинг, сиздан хафа эмасман.

Эртасига Рўзмат трактори билан келиб, ер ишларини битириб

берди. Зовур бўйидан атайин айланиб келган Исмат бу ҳолатни кўриб жиғи-бийрони чикди. Трактор бир маромда ишлар, Хусния ва қизлар кўтаринки руҳда олинган полларни кетмон билан ишлов бериб чиқишмоқда эди. Бу паллада ернинг нариги томонидаги тепаликда ўсган камишлар орасида эса қорайиб бир калла кўринар, у қизларни узокдан дурбини билан кузатаётган Нодир эди...

Орадан икки кун ўтди. Дала шийонидаги сўрида Исмат табелчи Қўлдош билан одатдагидек улфатчилик қилиб ўтиришарди. Шу пайт пакет кўтариб Соли келиб қолди.

– Э, Соливой, кел, – деди Исмат хурсанд бўлиб.

– Яхши ўтирибсизларми? Манави кечаги юборган жойингиздан озгина ҳалигиндан... – деди Соли ва пакетдан бир шиша ароқ ва нон орасига олинган кабобни олиб қўйди.

– Овора бўлибсан-да, Соли. Кел, ўзинг ҳам ўтир.

– Йўқ, Исмат ака, бугун ҳам тушликдан кейин озгина ҳалигиндай иш бор эди-да.

– Э, шунақами? Майли соляркаси ўзингдан-да.

– Тракторга солярка, бизга қуярка, – деди Қўлдош хохолаб кулиб.

– Лекин айтиб қўяй. Анави шоликорлар томонга бориб юрмагин тагин.

– Э, улар ишни тугатишди-ку! Бугун катта сув очишади, шекилли.

– Йўғ-е... Оббо илғорлар-ей, – деди Исмат ароқни қуяркан.

Соли «Хўп, яхши ўтиринглар» деб кета бошлади.

Ароқни симириб газакни оғзига солган Исматнинг хаёлига ялт этиб бир фикр келди:

– Ҳой, Соли, шошмай тур. Аввал сенга бир иш бор.

– Қанақа иш, ака?

– Анави, ҳалиги нимайди, шолипояга борадиган ариқ бор-ку?

– Сув оқаётганми?

– Ҳа-да. Шунини кўмиб, тутқаторга очиш керак.

– И-е, йўғ-е, нимайди... Ахир, унда сув шолига бормайди-ку.

Набижон Ҳошимов

– Нега бормас экан? Албатта, боради. Фақат уларга тутқатор орқали боради. Сув шолিপоянинг у ёғиданмас, бу ёғидан киради. Нима фарқи бор?

– У ёғи баландлик-ку.

– Ҳой! Менга ақл ўргатма. Қил дедимми, бажар. Тутлар қуриб кетаётганини ўз кўзим билан кўрдим. Бу йил ипак курти масаласи жуда қалтисмиш. Пилла билан ҳазиллашиб бўлмайди, тушундингми?

– Тушундим. Қачон кўмай?

– Ҳозир бор. Тутлар сенга қараб ўтиришмайди-ку, гаранг. Ма, озгина отиб ол.

Қўлдош тиржайиб туриб Солига ароқ қуйиб узатди. Соли ичиб газак қиларкан, Исмат унга ақл ўргатмоқда давом этди:

– Ахир, мен бошқарма аъзосиман. Колхоз мулки учун жон куйдирмасам, ким куйдиради?

Биринчи полга келаётган сувнинг озайиб, сўнгра тўхтаб қолганини биринчи бўлиб Гулзода пайқаб қолди.

– Ойижон, қаранг, сув келмай қолди, – деди у ҳаяжон билан.

– Паризода. Сен югур, сув бошига бориб кел. Бор-чи, нима гап экан?

Паризода «Уф-ф...» дея бунини жийириб кетмонини бир четга улоқтирди-да, ариқ бўйлаб шошиб кетди ва кўп ўтмай ариқ бошига келганида Соли экскаватор трактори билан ариқларни кўмаётганини кўриб эсхонаси чиқаёзди.

– Ҳой, Соли ака, нима қияпсиз?! – дея қичқирди у.

– Бу ерни кўмиб, ариқни тутқатор тарафдан очарканман!

– Ким айтди?

– Ким бўларди – бригадир-да, – деди Соли ишини тўхтатмай давом эттириб.

Паризода ортига ўқдай учди ва ҳансираб онасига воқеани батафсил тушунтира олди. Ҳусниянинг кўз олди қоронғилашиб кетди. Бир оз кўзларини юмиб турди. Асаблари таранглашди ва она товукдай важоҳатли кўзларини катта-катта очди-да, от томон югурди. Умрида от минмаган аёл унга сакраб ўтирди ва уни

хайкириб чоптириб кетди. Қизлар хайрон бўлишиб ойиларининг ортидан югурдилар. «Хой! қаёққа кетаяпсизлар?» — дея эндигина хужра ичкарисидан чиққан Абдукарим қичкириб қолаверди.

Хусния отда бораркан, Исматнинг кўзларини чўкиб-чўкиб оладиган даражада жаҳли жунбушга келган, тинимсиз «Ифлос, ўлдираман сен аблаҳни!» — дея хайкириб борарди. Тупрокни бамайлихотир сураётган Соли тўсатдан трактор рўпарасида белига кўлини тираб, кўзлари нафратдан ёниб қотиб турган эрлибосли аёлни кўриб капалаги учиб кетди ва тракторни ярим қарич масофада такка тўхтатди.

— Хой! Эсингизни едингизми ё жонингизда қасдингиз борми?! Ахир, бу техника-ку!

Хусния жавоб бермади. Унинг ўрнига шарт трактор кабинасига чиқиб борди-да, Солининг гирибонидан олди.

— Шу техникани сен юргиздингми, ахир?! — дея хайкирди аёл важоҳат билан тракторчини бўға бошлади. Таҳликада қолган Соли унинг кўлидан аранг қутилди-да, ўзини ерга отди. — Менга Исмат ака буюрди, ахир! — дея қичкирди у.

— Қани ўша Исмат?!

— Ш-шийпонда, Қўлдош билан...

Хусния ўриндикқа ўтириб ричагларни у ёққа-бу ёққа суриб кўра бошлади, тракторнинг бир сурмаси, бир чўмичи кўтарилиб тушаверди.

— Хой, нима қияпсиз?! Тушинг пастга!!

Хусния кулок солмади. Ниҳоят чўмичи ерга текканича трактор ўрнидан кўзгалди. Хусния газ педалини кучи борича босар, трактор эса оғир арава тортиб олган учқур отдек олдинга интилар, чунки ковуш ерни тирнаб унинг тез «чопиб» кетишига йўл қўймаётганди. Соли трактор билан ёнма-ён бақириб-чақириб чопиб борар, лекин Хусния бу пайтда на кўрар ва на кулоғи эшитарди.

Бу маҳалда кайфи таранг Исмат алжираб навбатдаги пиёлани Қўлдош билан чўкиштирмоқда эди. Пиёладагини бурнини жийириб ичган, сўнгра кўзларини бир-бир очган Қўлдош келаётган

хайбатли тракторни кўриб аввалига анграйиб қолди ва тинимсиз мактаниб жавраётган бригадирга “А-анавини қаранг” – дея олди. Трактор йўл бўйида дуч келган нарсаларни ағдариб келар, бочкалар юмалар, товуклар патиллаб учишар, янги ўтқазилгин дарахт кўчатларига озор етмоқда эди. У тўғри улфатлар ўтирган сўри томон бостириб келаверди.

– Қочинг, хўжайин! – дея қичкирди Қўлдош олдиндан бир нохушликни сезиб, Исматнинг кўзи рулда ўтирган Ҳуснияга тушди ва у ҳам ўзини бир четга отди.

– Ҳой, қаёққа?! Тўхтат! – дея тинимсиз қичқира бошлади Исмат. Воқеага гувоҳ бўлиб турган Аҳмад эпчиллик билан югуриб бориб трактор кабинасига чиқиб олди.

– Эсингизни йиғинг, опа!

Лекин Ҳусния кулоқ солмади. У Исмат қочган томонга қарата тракторни бурмоқчи бўлди. Аммо сурма механизми сўрининг бир четига урилиб уни ағдариб юборди ва уни деворга қапиштириб қўйди. Трактор тўхтаб қолди. Ҳусния энди сакраб тушиб, қўлига тушган нарсани олиб Исматни кува кетди. Исмат эса ундан кўрқиб қоча бошлади ва бошини толнинг эгилиб турган шохига каттик уриб олди. Чаккасидан қон оқа бошлади. Бу пайтда мотоцикл люлкасининг ўрнига ётиқ тахта қоплатиб олган табелчи хўжайинининг жонига оро кирди. У мотоциклни юргизиб бораркан, пешонасидан қон кетаётган Исматни мотоциклга чиқариб қочиб қолишга чорлади. Исмат люлкага аранг чиқиб олди.

– Тўғри касалхонага хайда! Мен бу безорига ҳали одам ўлдиришни кўрсатиб қўяман! – деди у бакириб.

Тез орада чанг орасида мотоциклнинг нишонаси йўқолди. Аламини ололмаган Ҳусния уларнинг ортидан анчагина ергача чошиб борди ва ета олмай тупроқ йўл ўртасида тиззалаб қолаверди. Орқасидан югуриб етиб келган қизлари унинг қўлтиғидан олишди.

– Ойижон, ўзингизни босинг, бўғилманг, – дер эди тинимсиз Гулзода ойисини бағрига босиб.

– Ҳали кўрамиз, худойим унинг жазосини беради, – деди Хонзода ҳам.

* * *

Шундай қилиб, Исмат касалхонага муттаҳамлик билан ётиб олди. «Атайин жонимга суиқасд қилди, у!» деб шовқин кўтаргани учун кўп ўтмай ёнига милиционер йигит келди.

– У менга суиқасд қилди. Маняк у! Жўртага эркакча кийиниб олган. Жамият учун жуда хавфли, қутурган у... – деди пешонаси бинт билан боғлаб ташланган Исмат баёнинома ёзаётган милиционерга қарата алоҳида таъкидлар экан.

– Тинчланинг, ҳаммасини аниқлаймиз. Демак, у аёл сизни атайин тракторга эздириб юбориш мақсадида ўзбошимчалик билан ҳайдаган. Ҳайдаш ҳуқуқи борми?

– Қаёқда, хотин кишида ҳуқуқ нима қилади?..

– Трактор кимга қарашли?

– Колхозники, ҳа-ҳа, Солижонники.

– У Соли деганингиз қаерда эди?

– Олиб қочибди. Бунисини энди Солижонни ўзидан сўрангда. Мен қаёқдан билай?

– Хўп. Жойига бориб аниқлаймиз. Сиз бемалол даволанаверинг. Мана бу ерга имзо қўйинг.

– Энди Ҳусния Иноғомовани қамайсизларми?

– Қонунбузарлик қилгани аниқ. Лекин уни қасддан қилганими ёки билмайдими, кўрамиз...

– Албатта, қасддан-да.

– Буни прокуратура терговчиси аниқлайди. Менинг ишим ашёвий далиллар, гувоҳлар йиғиб жиноий иш қўзғатишга тайёрлаш.

– Иннайкейин-чи?

– Иннайкейин, фактлар, сиз ва гувоҳлар берган кўрсатмалар ҳақиқатан ҳам тўғри бўлиб чиқса иш судга ошади. У киши жиноят кодекси бўйича тегишли жавобгарликка тортилади.

Шундай дея милиционер чиқиб кета бошлади.

– Ука, тўхтанг, – дея «илтижо» қилди «жабрланувчи».

Милиционер «Нима бало фикридан қайтди шекилли», – деб ўйлаб ялт этиб ортига қаради.

– Айтинг-чи, агар у камалса, уни хотинларнинг қамоғига олиб боришадими ё эркакларникигами-а?

Милиционер бир оз ҳайрон бўлиб ўйланиб турди-да, «Сизни тушунмадим» дея елкасини қисганча чиқиб кетди. Бемор хохлаб кула бошлади. Бир ҳамшира кириб «Ҳой, тинчланинг, нариги хонада оғир касал бор» демаганида ким билади, у яна қанча куларди.

* * *

Абдукарим содир бўлган воқеалар ҳақида ўйлаб ўйига ета олмасди. У отига қўли билан ем бериб уни силаркан, ўз-ўзи билан гаплашарди:

– Оббо, бетавфиқ Исмат-ей. Мен ундан буни кутмагандим. Аҳволимизни кўра-била туриб шунақа қилибди-я. Неча йиллик ошна-оғайнигарчилигимизниям юз қилмабди. Лекин Ҳусния ҳам ошириб юборибди-да. Исмат билан яхшиликча гаплашса бўларди-ку, ё менга айтмабди... Хотин киши шунақа калтафаҳм бўлади-да. Мана энди иши терговда. Ишларимиз чатоқ... – дея хўрсиниб қўйди у.

От ҳам унинг фикрини маъқуллагандек пишқириб ер тепиб қўйди. Шу маҳал чайла олдига раиснинг машинаси келиб тўхтади. Ундан Дўснат Диёрович тушиб келди. У бўлиб ўтган ишлардан хабардор бўлгани учун ўта жиддий эди.

– Хунук иш бўлибди-ку-а? – деди раис Абдукарим билан салом-алик қилиб бўлгач.

– Ахир, ўзингиз ўйланг, шоли сувсиз бўлармиди. Исматнинг ўзбошимчалигига аёлим чидай олмаган-да, қизиққонлик қилган.

– Ҳа, Ҳусния опада шунақа характер бор. Адолатсизликка чидай олмайди. Ҳатто у мен билан ҳам ёқалашганди. Лекин Исматга нима жин урди, билолмадим.

– Улар, эшитишимча, бошқарма йиғилишида ҳам аразлашиб

колишган экан. Лекин Исмат олдимга яримтани кўтариб келиб, Хусниядан узр сўраб кетганди.

– Шунақами? Унда нега ариза берди экан? Майли, тагига ета-миз. Фақат сиз хотиржам бўлинг. Бир муддат сабр қилишимизга тўғри келади. Менинг яхши бир адвокат оғайним бор. Аввал аҳволни ўзим синчиклаб ўрганайин-чи, деб шу ёққа келаётган-дим. Айтинг-чи, Исмат билан ораларида эскидан адоват борми-ди ўзи?

– Йўқ, сезмаганман. Лекин ўғли тўйда куёвимизни тош билан урганди. Чунки Исмат катта қизимизни ўша ўғлига сўраб келган-да хотиним кўнмаганди.

– Демак, алами ҳам бор экан-да!

– Энди нима бўлади?..

– Исмат касалхонага ётиб олган. Иш судгача боради, шекилли. Хуллас, мен Исматни кўндиришга уриниб кўраман. У ари-засини қайтиб олса, Хусния бир оз жарима билан қутулади. Бу ерда давлат қонуни бузилган.

– Эҳтимол. Лекин бир гап. Биз билан колхоз ўртасида тузилган «Ижара шартномаси» ҳам бузилган. Яъни унда «Ижарачи сув таъ-минотини кафолотлайди» деган жойи бор.

– Яхши. Аммо бу билан Хусни опани кутқариб бўлмайди. Бироқ Исматга нисбатан тегишли чора кўрса бўлади.

Шундай қилиб, Дўснат Диёрович «Хусния иши» билан боғлиқ барча тафсилотларни жойида батафсил ўрганиб чиқишга ҳаракат қилди. Кўмилган ариқни, пачоқ бўлган сўрини кўздан кечириб, тутқаторни пиёда айланиб келди. Тракторчилар би-лан гаплашди. Соли билан Аҳмад Исматни айблашган бўлиш-са, Қўлдош Хуснияни «бандит» даражасига кўтарди. Фақатгина «Сизлар нима учун иш маҳали арок ичиб ўтиргандиларинг?» деб сўраб қолганидагина дами пасайди.

– Демак, Исмат иккаланг маст бўлгансизлар. Сен эса маст ҳолатда мотоциклни касалхонагача ҳайдаб боргансан. Шундай-ми?

Қўлдош каловланиб қолди.

– Исматнинг пешонасига Ҳусния нима билан урди? Тўғриси айт!

– Опа урганлари йўқ. Исмат акам ўзлари қочаман, деб бошини дарахт шохига уриб олди.

– Қаерга? Кўрсат! – деди раис ўзини гўё изкуварлардек тутиб.

Кўлдош бориб шохни кўрсатди. Исмат эса аризасида «бошимга таёқ билан урди» деб ёзганди. Шундан сўнг раис Солига «Бор, ариқни қандай кўмган бўлсанг, ўшандай қилиб очиб кел» дея топшириқ берди. Лекин Соли то суд бўлгунича ҳеч нарсага тегиш керак эмаслигини айтганида раиснинг жони ҳиқилдоғига келди:

– Бор дедим, аҳмоқ! Бу ишга мен жавоб бераман, тушундингми?

* * *

Раиснинг ҳузурида чаккасига баркашдек лейкопластр ёпиштириб олган Исмат бўзариб ўтирибди. У қилган ишидан пушаймон эмасдек ўзини хотиржам тутишга уринаётгани сезилиб турарди. Раис эса асабий. Унинг фикри-хаёли қандай қилиб бўлмасин Ҳуснияни қутқаришда эди.

– Сен нима учун ўзбошимчалик қилдинг? Саволимга фақат тўғри жавоб бер!

– Нима қилибман?

– Дард қилдинг, бало қилдинг! Ариқни нега кўмдирдинг?!

– Керак эди. Уни бошқа жойдан очмоқчи бўлдим, холос.

– Аниқроқ гапир.

– Ариқни тутқатор орқали ўтказмоқчи бўлдим. Шундай қилсам тутлар ҳам сув ичади, кейин шолигаям кираверади деб ўйладим. Нима, бригадир сифатида мустақил қарор қабул қилишга ҳақким йўқми?

– Ҳақкинг йўқ. Чунки сув тескари оқмаслигини ёш бола ҳам яхши билади. Мен жойига бориб, кўриб келдим. Бу ишингни тагига, албатта, етаман. Менга майнавозчилигинг кетмайди.

– Қизик экансиз-ку, раис ака! Унинг шолисининг хўжалик учун нима фойдаси бор?

– Ҳой, овсар, ижара шартномаси шерикчиликка тузилган, яъни элликка-эллик. Иш вақтида ароқ ичишнинг ўрнига шунақа ҳужжатларни ҳам ўрганиб чиқишинг керак эди. Ўша шартномада сув билан таъминлашни колхоз ўз зиммасига олган. Сен эса мана шу мажбуриятни бузишга сабабчи бўляпсан. Агар улар яхши адвокат ёллашса, бунинг учун колхозни хўжалик судига беришга ҳақлари бор. Бундан кўрилган моддий ва маънавий зарарни колхоз ҳисобидан ундириб берилади. Колхоз эса ўз навба-тида бу зарарни, айбдорнинг, яъни, сенинг шахсий чўнтагиндан ундириб олади ва сени маъмурий жавобгарликка тортади. Керак бўлса, бу жараёни мен ўзим уюштирмоқчиман. Мақсадим – сенинг иймонсиз ва диёнатсиз эканингни ўзингга исбот қилиш!

– Ўйлаб гапиринг, раис ака!

– Нима бўпти? Бундан хўжалик ҳам, ижарачи ҳам зиён кўрмайди. Сўнгра сени ўз вазифангдан озод қилиб, бу ҳақида меҳнат дафтарчанга ҳам ёздириб бераман.

– Бунга ҳаққингиз йўқ. Мен ахир бошқарма аъзосиман!

– Яхши. Сени аввало, бошқарма аъзолигидан олиб ташлаш масаласини кўрамиз. Ўрнингга ўша сенга «озор» берган Ҳусния Иноғомовани тавсия қилганим бўлсин.

Исматнинг пешонаси тиришди. Айёр кўзларини хиёл қисиб хе-хелаб сохта кулиб қўйди.

– Тушунарли. Демак, ўша хотин билан тилларингиз бир. Ер бердингиз, колхоз ҳисобидан уйини битказиб, хайриялар қияпсиз, бу ишлар бекоргамасдир-ов... Эри ногирон деб-а...

Раис асабийлашиб, қўллари муштга айланди. Ўзини аранг босди. Исматнинг муттақам эканлиги ёдига тушди.

– Абдукарим ногирон эмас. Аслида сен ногиронсан! Сенинг виждонинг, юрагинг чўлок. Ҳуснияни энди тушундим. У тўғри қилган экан. Лекин сен эркак бўла туриб «ўша хотин бошимга таёк билан туширди» деб тухмат қилибсан.

– Тухмат қилганим йўқ!

– Исмат, мени кўп ҳам анқов деб ўйлама. Мен ҳар бир гапирган гапим учун жавоб бераман. Сен бошингни дарахт шохига уриб олибсан. Ҳозир милицияда экспертиза хулосалари турибди. Ҳали бу ишинг учун жавоб берасан. Қўлдош ҳам сенга шерик. Сизлар маст бўлгансизлар, Солига айтиб, ариқни кўмишга мажбур қилгансан. Шундай қилсам Ҳусния олдимга ялиниб келади дегансан, тўғрими? Ё қолганиниям айтаверайинми?

– Бўхтон! Амалингиздан фойдаланиб менга тўхмат қиляпсиз. Мен устингиздан шикоят қиламан!

– Сен бўшсан! Бутунлай озодсан! Бор, қаерга борсанг боравер, хоҳлаган жойингга ёз!

– Нималар деяпсиз? Бунга ҳаққингиз йўқ. Мен ахир пахта даласида ўттиз йил тупроқ ялаб ишлаганман. Ҳалол-пок одамман. Сиз бўлса бир эркаксифат қанжикни деб менинг ҳақ-ҳуқуқимни поймол қиляпсиз.

– Йўқол! – дея кичқирди раис ва кўлидаги ручкани отиб юборди.

Хонага югуриб Раҳимбек кириб келди.

Шундай қилиб, Дўсмат Диёрович ва адвокатнинг саъйи-ҳаракатлари туфайли Исматнинг ёлғон кўрсатмалари фош этилди. Лекин қонун бузилган эди. Бу ишлар бости-бости бўлиб то судга боргунча орадан бир ойдан ортиқ вақт ўтиб кетди. Бир ой – ана шу вақт ичида яна бошқа нохуш воқеалар ҳам содир бўлдики, бу Ҳусниялар оиласи учун яна бир оғир синов эди...

* * *

Ногирон ота қизлари билан оғир аҳволда қолишди. Бўм-бўш шоли пайкаллари Ҳусниясиз хувилларди. Ҳавонинг айниб тинимсиз момақалдирок гулдураши, яшиннинг бетўхтов чакнаши, ёмғирнинг юракни эзувчи шивалаб ёғиши гўё бир ожиза аёлнинг ноҳақ жазоланганидан норозидек туғён кўтармоқда эди. Сандал атрофига хомуш уймаланиб ўтирган ота ва қизларининг кўз ўнгида ҳар чакмоқ чакқанида Ҳусниянинг камерада ёлғиз мунғайиб ўтиргани кўриниб кетаверарди.

— Кўп сиқилманглар, — деди ота ниҳоят қизларини тинчлантириб. — Раис «Адвокат ёллаб ишни қайта кўрдираман» деди. У бир сўзли одам.

— Кейин ойимни кўйиб юборишадими? — дея шоша-пиша сўради Паризода.

— Ҳа. Узоғи билан бир ой ушлаб туришаркан. Бу ҳам бир кўргулик-да, — деди Абдукарим чуқур хўрсиниб. — Ҳа, қизларим, ҳаёт шунақа, пешонангга ёзганини кўраверасан. Фақат сабрли бўлинглар. Бундан баттароқ ҳам бўлиши мумкин эди.

— Энди кўчатни қандай қилиб экамиз? — деб сўради Хонзода ўта хавотирлик билан.

Абдукарим жавоб ўрнига чуқур хўрсиниб қўйди. Бир оз тургач, дилидагини яшира олмади:

— Эҳ... Бир ўғлимиз бўлганида эди...

— Куёвингиз бор-ку, дада, — деди Гулзода.

Абдукарим «ярқ» этиб қаради. Қизидан чиққан бу фикрдан у негадир кувониб кетди.

— Ҳа, тўғри, қизим. Яхши эслатдинг. Бўлмаса, сен эрталаб почтага бориб опангга ё поччангга кўнғироқ қилиб кел. Аҳволни тушунтир. Ҳамма ишларни йиғиштириб тез етиб келишсин. Ҳозирча бир ойга экан де, хўпми?

— Хўп бўлади, — деди Гулзода чиройли таббассум қилиб. Даврадагиларнинг чехраси очилгандек бўлди. Ёмғир ҳам тўхтаб, ташқаридан ёқимли майин ҳаво нафаси кириб кела бошлади.

— Вой, — деди шу пайти Паризода, — опамлар қаерда туришадими? Уйимизни очишадими?

Абдукарим бир оз ўйланиб қолди. Паризоданинг гапида жон бор эди. Эндигина чилласи чиққан ёш келин-куёв бўлишса...

— Йўқ. Ойинг маҳалла-кўй аҳли олдида лабз қилган. Эшитса хафа бўлади.

— Поччамнинг ҳалиги ўтови уйимизда тахлоғлик турибди-ку, — деб юборди Хонзода бир нималарни ёдига олиб.

— Ана, топдинг, қизим. Баракалла. Ўшани шу ерга олиб келиб ўрнатиб, яшайверишади-да.

Қизлар хурсанд бўлиб кетишди. Улар опаларини жуда соғинишган, тўйдан кейин кўришишмаганди.

— Демак, Озода сенларга оналик қилади, поччангиз шолига командирлик қилади. Ана бўлди. Шу ерда ётиб ухланглар. Энди шийпонга бора кўрманглар. Ҳаммамиз шу ерда бирга яшаймиз. Менга тол тагидаги сўрига жой қилиб беринглар. Кунлар ҳам исиб қолди.

* * *

Есинбой билан Озоданинг етиб келишлари оиладаги ноҳуш, совуқ ҳолатга кўр олиб келгандай бўлди. Қизлар, бир оз бўлса-да, ойиларининг бошига тушган мусибатни унутгандай бўлдилар. Аравада келтирилган ўтовни завқ-шавқ билан ташиб ўрнатдилар. Айниқса, Озоданинг ҳомилали бўлганини эшитиш улар учун бекиёс янгилик бўлди.

— Вой опагон, сиз уринманг, ўзимиз ташиймиз, — деди Паризода Озоданинг кўлидаги ул-булни олиб.

— Ҳа, қизим, сен кўявер. Ундан кўра овқатга унна. Бир чучвара қилиб бер, — деди Абдукарим ҳам қувониб.

— Хўп бўлади, дадагон. Биз янги гўшт олиб келганмиз.

Шу маҳал мотоциклини каттиқ вариллатиб Нодир хўмрайиб ўтиб кетди.

— Ким экан бу беодоб? — деб сўради Абдукарим. — Секинрок юрса асакаси кетарканми-а?

— Анави Исмат аканинг безори ўғли Нодир-да, — деди Озода.

* * *

Эртаси зовур бўйидаги каминлар орасида яна дурбинли Нодир пайдо бўлди. У бамайлихотир сувга қараётган Есинбойни, ўтов олдида уймалашаётган Озодани кўриб фиғони ошаётган эди. Шу маҳал бир чойнакда чой олиб Озода эрининг олди-га етиб келди ва унга чой қуйиб узатди. Эр-хотин хурсанд бўлиб ажриқ устига чордона қуриб ўтирдилар. Есинбой аёлининг қўлини меҳр билан силаб қўйди.

...Ана у яна Озоданинг пешонасига пешонасини қўйиб бир нималар деди. Озода эса қорнини ушлаб мириқиб кулди.

— Келгинди, ярамас! — деди ўз-ўзига Нодир ижирганиб. — Энди кўлимга тушдинг. Ҳали сени чўлингга гумдон қиламан.

...Ўша кунларнинг бири, тушликдан сўнг айна кун қизиган пайт эди. Есинбой ва қизлар сўнги кўчатларни экишмоқда эдилар. Абдукарим бўлса хотиржам чайла ичида мизғирди. Шу маҳал таниш мотоцикл товуши қулоғига чалингандай бўлди.

«Олдимга бирор иш билан келди шекилли. Ё Исматнинг ўзимикан?.. Эҳтимол, узрини айтиб яна шиша кўтариб келгандир» деган ўй ўтди ҳаёлидан. У кейинги кунларда кўп уриниб қўйганлигиданми ҳар иккала оёғининг суяклари зиркираб оғрирди. Кесилган оёқларидан бирининг четига тиканак кириб кетгани учун йиринг боғлаган ва қизариб, шишиб кетганди. Лекин қизларига бу ҳақида негадир билдиргиси келмас, оёқларини аёлга ўраб олиб ётаверишга мажбур эди. Яхшики, Озода унинг қўлидан юмушларни олди. «Эҳ қанийди, ҳозир Ҳусния бўлганида эди, оёқларимни силаб қўйган бўлармиди» деди у ўзича ҳаёлан. Лекин мотоциклли меҳмон ҳадеганда ҳузурига бош сукавермади. Негадир уни яна тариллатиб, шошиб ҳайдаб кетди.

«Қизик, нега олдимга кирмадийкин?» — деган ўйга борди Абдукарим. Қулоғига қандайдир чирс-чирс овозлари эшитилди, бурни латта қўйганининг исини туя бошлади. Чирсиллаш тобора кўпайиб борарди. Чайла ичига ҳам тутун кириб келди...

Ўтовнинг аланга олиб ёнаётганини биричи бўлиб Паризода кўриб қолди. Бу маҳалда Озода билан Есинбой ернинг охириги пайкалларида бирида ширин орзулар оғушида уймаланишмоқда эди.

...Қизлар етиб келишганида ўтов деярли ёниб бўлганди. Уни ўчиришга кўп уринишди. Яхшиямки, олдиларида сув оқарди. Энг қизиғи, ўтов устки қисми ёниб битибди. Ичкаридаги кўрпатўшакларнинг баъзилари бир оз қуйибди, холос.

— Опа, нима қилгандингиз? — деб сўради Хонзода ҳайрон.

— Ҳеч нима. Ёниб кетадиган ҳеч иш қилганим йўқ, — деди Озода бўзариб.

— Ҳай майли, бўлар иш бўлди, қайғурманглар. Яхшиям, ичида ҳеч ким йўқ экан, — деди Есинбой қизларни хотиржам қилиб.

— Буни Нодир қилди. — деди чайла олдидаги тўнкада афтини бужмайтириб, оёқларини силаб ўтирган Абдукарим.

— Нима?! Ростданми? Мен ҳозир уни топиб адабини бераман! — деди Есинбой ва қорабайирни ечиб чакқонлик билан унга эгарсиз миниб олди.

— Йўқ, ўғлим. Сиз милицияга хабар қилинг. Бир дакки еганимиз етар.

Учиб кетишга тайёр турган отнинг жоловини у ёқ-бу ёқ тортиб турган Есинбой қайнотасининг фикрини тушунди.

— Бўпти, ота. Сиз нима десангиз шу, — деди абжир йигит ва отни кишлоқ томон чоптириб кетди.

— Паризода!

— Лаббай, отажон.

— Ҳозир поччанг қайтиб келса, отни аравага қўшинглар. Бирга кишлокка ўтиб келамиз. Нима камчилик бўлса аниқланглар, олиб келамиз. Озода, сизлар энди вақтинча шийпондаги хонамизда турасизлар, хўпми?

— Хўп, ота.

— Парво қилманглар. Ёмон барибир жазосини олади. Бу ишларнинг ҳаммасини Яратганнинг ўзи кўриб турибди.

* * *

Кечки пайт машинада милиция нозири келди. У воқеа жойини синчиклаб ўргана бошлади. Ариқ бўйидаги ўтлар орасидан бир идиш топиб олди.

— Бу идишни ким ташлаган? — деб сўради у.

— Билмадик. Биз умуман бунақа идишдан фойдаланмаймиз, — деб жавоб берди Гулзода.

— Бирортаси сув ичиб ташлаб кетгандир-да.

Ходим сумкасидан целлофан пакет чиқарди ва уни кийиб идишни кўлга олди. Уни зимдан текширди. Қопқоғи очик эди, хидлаб кўрди.

— Бензин юқи экан. Сизлар бензин ишлатасизларми?

— Э йўқ. От-аравамиз бор-ку, — деди Паризода ҳозиржавоблик билан.

Милиционер баклажкани пакетига солиб қўйди ва Абдукаримнинг олдига келди.

— ...Демак, келган мотоцикл Нодир исмли йигитга қарашли денг.

— Ҳа-ҳа, шундоқ.

— Сиз уни ўз кўзингиз билан кўрдингизми?

— Йўқ. Моторининг овозидан танидим.

— Мисол учун кўзингизни боғлаб беш-олтита мотоциклни олдингиздан ўтказсак, уни ажрата оласизми?

— Ҳа-ҳа, албатта...

— Яхши. Ташвиш қилманглар. Бу ишнинг охирига етамиз. Демак, ўтов атайин ёқилган бўлса, жиноий иш кўзғатилади, — деди милиционер ва алланималарни ёзиб Абдукаримга имзо қўйдириб олди.

* * *

Абдукарим қизи Паризода билан аравада қишлоқ сари жўнаркан Есинбойга қараб қичқирди:

— Сизлар ишларни тўхтатманглар! Биз тез қайтамиз!

— Хўп, — деди Есинбой. Унинг алами борлиги овозидан шундоқ сезилиб турарди.

Арава қишлоққа етиб келгач, Паризода аввал қаёққа боришларини сўради.

— Исматникига ҳайда.

— Оббо, ўша турки совукни кўргим йўқ, — деди қиз бурнини норози жийириб.

...Паризода Исматнинг дарвозасини тақиллатди. Ичкаридан

«Хувв! Мана ҳозир!» деган аёл кишининг овози келди. Эшикни бир ҳомиладор аёл очди.

– Вой, келинглар, – деди Саломат хавотир боқиб.

– Исмат уйдами?

– Ҳа, ётувди. Касалхонадан кеча келувди.

– Чакиринг, – деди Абдукарим катъий, аравада ўтиргани ҳолда.

Ичкаридан аёлнинг эрига бир нима дегани ва Исматнинг норози эътирози узук-юлук эшитилиб турарди. Бир оз вақт ўтганидан сўнг ниҳоят Исматнинг башараси кўринди.

– Салом, ошна, – деди Абдукарим пичинг оҳангда писанд қилмай. – Ҳа, хотинингни соғиндингми, дейман-а?

– Йўқ. Бошқа масалада...

– Сен бизни қачон тинч кўясан? Муддаонг нима ўзи? Оиламни очидан ўлдириб, томоша қилишми?!

Исмат ҳам, унинг хотини ҳам Нодирнинг қилган ишларидан беҳабар эдилар. Шунинг учун Абдукаримни фақат Ҳусниянинг иши судга ошгани учун жанжаллашгани келган деган фикрга боришди. Шу туфайли дарвоза ичкарисиди турган аёл сергакланди. Паризода ҳам отасидан хавотир олди. «Нима бало, отам муштлашмоқчи бўляптими? Ўзини соғ деб ўйлаяпти, шекилли» деган хаёлга борди.

– Ҳой, ўйлаб гапир! Хотининг мени ўлдириб қўйиши мумкин эди. Сенларни деб мана ишимдан ҳам айрилдим. Биламан, сенларнинг раис билан тилинг бир. Хотининг раис билан эҳтимол-а...

Абдукаримнинг жаҳли чикиб кетди ва ёнидаги қўлтиқтаёқдан бирини Исматга қарата отиб юборди. Шу маҳали эса, аёл ҳам эридан хавотир бўлиб ва унинг ишидан кетганига ачиниб ичкаридан чикиб келганди. Исмат чап бериб қолди. Қўлтиқтаёқ эса шундоққина аёлнинг боши ёнидан ўтиб кетиб темир дарвозага зарб билан тегди.

– Ҳой қиз, олиб кет отангни! – дея қичқирди кўрқиб кетган аёл.

– Ота, нега ундай қилдингиз? Ахир, холамга тегиб кетай деди-ку! У киши ҳомиладор, ахир! – дея қичқирди Паризода қора қошларини кўтариб.

– Бор кет! Сен билан гаплашадиган гапим йўқ! – дея ижирганиб бақирди Исмат ҳам.

– Шунақами? – деди ногирон ота қизариб-бўзариб. – Майли кизим, кетамиз. Қани, илоҳо омин, – деди у дуога қўл очиб. (Паризода ҳам довдираб қўлини очди) – Мана шу туғилажак фарзандинг менга ўхшаган ногирон тугилсин, оллоҳу акбар! Чух, жонивор... – деди-да, отнинг арқонини силкитди.

Исмат ва унинг аёли бир сония анграйиб қолишди. Аёл ўзидан кетиб йиқилди. Паризоданинг кўзлари кўрқинчдан катта-катта очилиб кетди ва чопиб бориб қўлтиқтаёқни олиб келиб деди:

– Вой дада, бу нима деганингиз?!

– Э қўявер, бу ифлосларнинг жазоси шу, – деди отаси ва ортига бошқа қараб ҳам қўймади.

Исмат аёли билан овора бўлиб кетди. Юзини шапиллатиб урди. Ичкаридан ўғли Нодир чопиб чикди-да, ойисини суяди. Исмат эса худди телбалардек ўкириб бақира бошлади:

– Ҳой, нима қилиб қўйдинг?! Қарғишингни қайтиб ол, номард!!!

Абдукарим парво ҳам қилмади. Илоннинг бошини янчгандек негадир ўзини хотиржам ҳис қилди. Исмат арава ортидан бир оз югурди ва яна хотинининг олдига қараб чопди.

* * *

Эртасига ўтовни ёққан Нодир экани ашёвий далиллар билан тўлиқ исботланди. Бошида бўйин товлаб турган йигит ниҳоят бу ишни тан олди. Уни Ҳусния вақтинча ушлаб турилган муассаса камоқхонасига олиб келишди.

Фалакнинг гардишига тан бериш керакки, ўша куни Ҳусния озод этилди. Ҳибсхонанинг эшиги шарақлаб очилди. Озодлик шабодаси аёлнинг димоғига урилди.

– Марҳамат, опа. Яхши боринг. Бошқа бу ёққа келиб юрманг, – деди соқчи йигит кулиб.

– Хўп, раҳмат сизга.

Лекин шу пайт ташқарига ёпиқ машина келиб тўхтади.

– Ҳой, янгини қабул қилиб олинглар! – деди кабинадаги милиционер қичкириб.

– Уф-ф... – деди посбон афсус чекиб. – Кўрмайсизми, опа. Бу одамлар бизни ҳеч тинч қўйишмас экан-да.

– Қайси шўринг курғурни олиб келишибди? – сўради Ҳусния ва раис юборган машина томон оҳиста қадам ташлади.

Шу пайт фургон эшиги очилиб, ундан кўли кишанланган бир йигитни туширишди.

– Қани, юр. Етиб келдик, – деди соқчи йигитга қарата.

Ҳусния не кўз билан кўрсинки, маҳбус йигит Нодир эди.

– Нима қилиб қўйдинг, болам? – деб сўради Ҳусния йигитга ичи ачишиб.

Нодир индамади. Кўзини олиб қочди. Унинг ўрнига соқчи йигит жавоб берди:

– Бир деҳқоннинг даласидаги ўтовни қасддан ёқиб юборибди.

– Нима, ўтов?!

Ҳусния ўз ўтовлари ёнганидан ҳали беҳабар эди. «Вой, шўрлик» деганича маҳбус йигит ортидан ачиниб қараб қолди.

Бешинчи боб “СУПУРГИ” ОПЕРАЦИЯСИ

Шоли кўчатлари бир текис унган, кенг, ям-яшил дала бўйлаб енгил елвизак кезарди. Майсалар бир маромда тўлқинланади. Есинбой сув кечиб пайкаллара ро сувнинг бир меъёрга оқишини кузатиб чикмоқда эди. Қизлар эса лозимларини тиззаларигача шимарган ҳолда сув кечиб шолини ўтоқ қилардилар.

Паризоданинг бели увишди. Унинг икки хаёли ойисида бўлиб, кенжа қиз бўлганиданми, опаларидан ҳам кўра кўпроқ ойисини соғинди. Беихтиёр у пайкал ичидан чиқиб, зовур бўйидаги баландлик сари йўл олди. У ердан далага келадиган йўл кўришиб турарди. Кўнгли бир ширин туйғуни ҳис қилди. Наҳотки, ойиси қайтаётган бўлса... Биринчи бўлиб уни узоқдан ўзи кўриб қолишини ва опаларига хушхабар етказишни жуда-жуда ис-

тарди. Шу туфайли тепаликка томон чопиб чикди ва дала йўли томон кўлини дурбин қилиб, синчиклаб тикилди. Ҳақиқатан ҳам узоқдан яқтак кийган бир киши келмоқда эди. «Ойим!» деб юборди қиз ички ҳаяжон билан. Бироқ энди чидаб туролмади.

– Ур-ре! Ойим келяптилар! – деди у қичкириб.

Қизлар бир оз анграйиб туриб қолишди-да, сўнгра, севи-нишиб шолিপояни шопилатиб кечиб, чопиб кела бошладилар. Паризода дала йўли томон югурди. «Ойижон, ойи!» дер эди у тинмай ҳаллослаб, ниҳоят йўлга етиб келди ва онасининг иссик бағрига ўзини отиш учун интиқлик билан йўл ўртасига чиқиб олди. Лекин не кўз билан кўрсинки, келаётган бегона бир мўй-ловли киши бўлиб чикди.

– Ассалому алайкум, қизим, – деди киши бақрайиб қараб турган Паризодага.

Бу маҳалда қизлар ҳам етиб келган, узоқроқда Есинбой билан Озода ҳам келишаётган эди.

– Ассалому алайкум, тоға, – деди одоб юзасидан Хонзода нима гаплигини тушуниб.

– Воалайкум. Нима мени оталарингга ўхшатдиларингми, дейман-а? – деб сўради йўловчи киши ҳайрон турган қизларга таажужublаниб қараб.

Қизлар мум тишлаб тураверишди ва киши сал нари кетгач, Гулзода тилга кирди:

– Паризоданинг кўзига ойимиз кўринибди, шекилли. Бечора, ичкиб қолди-да.

Паризода эса «Ойижон...» дея йиглай бошлади. Опалари келиб уни юпата бошлашди. Бу пайтда Озода чайла томон кетиб борарди.

– Чайламизга бир машина келди! – дея қичқирди у.

Қизлар бу гапга унча эътибор беришмади.

– Ойим, ойижонимни олиб келибди шекилли! – дея қичқирди у яна.

Қизларнинг негадир ишонгилари келмади. Шу маҳал ма-

шина кизлар томон кела бошлади. У тўхтагач эса машинадан ҳақиқатан ҳам Ҳусния тушиб келди.

Улар йиғлаб-сиқтаб кўриша бошладилар.

– Ойижон, энди ҳеч қаёққа кетмайсиз-а?.. – дер эди Паризода уни маҳкам кучоклаб.

– Хўп. Энди сизлардан айрилмайман, қизим.

* * *

Кечки окшом оиланинг барча аъзолари ташқарига палос солиб тайёрланган дастурхон атрофига тўпланишди. Ҳусниянинг кутилиб келиши чинакам байрамга айланган эди. Шу маҳал сал нарирокда қорайиб бир нусха пайдо бўлди ва тек қотиб тураверди. Уни Паризода кўриб қолди.

– Қаранглар, бир одам турибди, Нодирмикан?

– Э йўқ, Нодир қамокда-ку, – деди Хонзода.

– Ие. Бемаҳалда келган ким экан-а?

Есинбой ўрнидан туриб якин борди ва “Келинг, кимсиз?!” деб сўради ва соқоллари ўсиб, озиб-тўзиб кетган Исматни аранг таниди.

– Ҳа, Исмат ака?!

– Дадангда гапим бор.

– Хўп, ҳозир, – деди Есинбой ва келиб қайнотасини қулоғига шивирлади.

– Айт кетсин. Ҳозир кайфиятимни бузмасин. Эртага келсин, – деди Абдукаримнинг энсаси қотиб.

Есинбой бу гапни эгасига етказди.

– Йўқ. Эртага кеч бўлади, – деди тўсатдан Исмат ва чуқур хўрсиниб кўйди.

– Нега?..

– Хотинимнинг ҳаёти хавф остида, жонлантириш бўлимида ётибди.

– Бунга дадамнинг нима дахли бор?

– Бор. Сен бу нарсани тушунмайсан. Отанг мени адои тамом қилди.

– Хўп. Нима ишингиз бўлса эрталаб келинг, илтимос. Ойим кутулиб келдилар. Шунга...

– Йўқ!.. Мен унинг оёқларига ҳозирок бош урмоқчиман! Эртага кеч бўлади, кеч!..

Есинбой нима қиларини билмай даврага қайтиб келди, лекин бир нима дейишга журъат этолмади.

– Ҳа, нима деяпти, тинчликми? – деб сўради Хусния.

– Сендан узр сўрамоқчидир-да, – деди Абдукарим бепарво.

– Э йўғ-а. У аламзада. Ўғли қамалганига жанжал бошлама-сайди, – деди аёл хавотир олиб.

– Қўйсанг-чи, қани жанжал қилсин, энағарнинг онасини кўрсатиб қўяман, – деди Абдукарим пинагини бузмай ва унинг келаётганини кўриб, аста қўзғалди.

Исмат эса тўғри давра олди, Абдукаримнинг рўпарасига келиб тўсатдан тиз чўкди.

– Мени кечир, Абдукарим, эски кадрдонлигимиз ҳақки қарғишингни қайтариб ол! – дея у тўсатдан йиғлай бошлади. – Мана мени нима қилсанг қил. Хохласанг ўлдир!.. Лекин боламни қутқар... Ахир, хотинимда, гўдагимда не гуноҳ?! Ҳамма гуноҳ менда-ку, ахир!..

Бу пайтда Исматнинг туркини кўриб Хусния терс ўгирилиб олган, Есинбой ғазаб билан муштини туғиб, қизлар бўлса кўзларини ола-кула қилиб туришарди. Факат ҳамма гаплардан хабардор Паризодагина воқеанинг нима билан тугашини хушёр кузатарди.

– Йўқол! – дея қичқирди Абдукарим.

Паризода ойисининг қулогига тезгина, отам унга “Туғилажак боланг менга ўхшаган ногирон бўлсин” деб қарғагандилар, дея шивирлаб қўйди. Хусния хушёр тортди. Қўлини кўксига уриб, ялиниб ёлвораётган Исматга раҳми келди.

– Дадаси, гўдакда нима гуноҳ? Уларни кечира қолинг энди.

– Хусния, сен ҳам мени кечир. Ҳамма айбимни энди тушундим. Лекин қилмишларим учун жазойимни олаяпман. Бригадир-

ликдан кетдим. Нодир қамалди. Энди хотиним билан гўдагим ўлим тўшагида ётишибди. Агар уларга бирор гап бўлса, мен ҳам ўзимни-ўзим ўлдираман! Менга бу ҳаётнинг бошқа кераги йўк!..

– Кўп алжирама. Энди бизнинг қўлимиздан нимаям келарди?!
– деди Абдукарим ўшқириб.

– Келади, дадаси. Касалхонага бориб Ҳурриятни тинчлантиришингиз керак. Исмат ака шуни илтимос қиляпти, тўғрими?

– Ҳа-ҳа, тўғри. Сени ўзим орқамга опичиб олиб бораман, ошна! – деди Исмат кувончдан кичқириб. – Ҳу анави ерда машинам турибди. Илтимос, мен билан боринглар. Дўхтир Қосим Алиевич шундай деди.

– Хўп, – деди Абдукарим бир оз ўйланиб тургач.

Исмат машинаси томон кетди ва тезлик билан уни етказиб келди-да, Абдукаримни Есинбой билан бирга кўтариб бориб машинага жойлаштирди.

– Бизни кейин олиб келиб қўярсиз? – деди Ҳусния ҳам этигини кияркан.

– Ҳа-ҳа, албатта, – деди Исмат шоша-пиша.

Улар кетишди. Есинбой қизлар билан қолди.

– Хих, Исмат ака яна қилиғини қилаверади, – деди Хонзода кесатиб.

– Йўк. Энди у ҳеч нарса қилмайди, – деди Есинбой машина ортидан қараб қоларкан. – «Душманингга ҳам яхшилик қил» деганлар.

Исмат Абдукаримни хотинининг олдига ўзи опичлаб олиб кириб борди. Бемор Ҳурриятнинг аҳволи оғир эди. Унинг кўзларидан дувиллаб ёш оқди. Исмат ошнасини хотинининг ёнига ўтқазди. Уларга ҳамроҳлик қилган ҳамшира ҳайрон эди. Чунки бирданига “уч эркак” кириб келишганди.

– Яхшимисиз синглим? Сизни йўқлаб келувдик. Мана дугонангиз Ҳусния ҳам бугун кутулиб келди, – деди Абдукарим чиндилдан Ҳурриятни тинчлантирмоқчи бўлиб.

Ҳуррият аранг “Раҳмат” деди ва кўзларидан ёш думалади.

— Акангиз қизиққонлик қилиб, билмай қаттиқ гапириб юборибди-да. Уни кечиринг, — деди Ҳусния.

— Йўк, — деди Ҳуррият паст овозда. — Сизлар бизни кечиринглар...

— Қани омин, — дея қўлини дуога очди Абдукарим. — Илоҳим, мана шу синглимиз тезроқ соғайиб, эсон-омон қутулиб олсин. Худойим унга ўғил берсин. Фарзандларингнинг тўрт мучаси соппа-соғ туғилсин, оллоҳу акбар!

Исматнинг ҳам кўзларидан дувиллаб ёш оқиб фотиҳа қилди ва шоша-пиша Абдукаримнинг қўлларидан ўпа бошлади.

— Эшитдингми, Ҳури?! — дер эди у ютоқиб.

— Ҳа, эшитдим... Раҳмат сизга, — деди Ҳуррият ва юзига энди кизиллик юргандек, куруқшок лабларига хиёл табассум ингандай бўлди.

Исмат қайтишда кўчадаги дўкончадан бир шиша ароқ олволди. Улар ўзларини ҳайронликда интизор бўлиб кутиб ўтиришган дастурхон даврасига яхши кайфият билан қайтиб келишди. Исмат Абдукаримни яна оҳиста опичлаб олди.

— Раҳмат сенга, дўстим. Сендан умрбод қарздорман. Нима хизматинг бўлса айтаверасан. Мен гуноҳимни ювишим керак, гуноҳимни, — дея тинимсиз жаврарди у.

— Хўп. Лекин олган ароқингни ўғлинг туғилгандан кейин ичамиз, хўпми? Бугун жуда чарчаганман, эртароқ ухлашим керак.

— Хўп, — деди Исмат ва самимий хайрлашди.

* * *

Эртаси эрталаб Ҳусния куёви билан яшил шолипояни бирга кезишди. Ҳусния мулойим кўчатларни худди мушукни силагандай меҳр билан силаб қўяркан, уларга махлиё бўлиб тикилар, куёвининг меҳнатидан ва қизларининг ишларидан ниҳоятда миннатдор эканини қувонч тўла порлаб турган кўзларидан англаш қийин эмасди.

— Яшанг, куёв! Яхшиям сиз бор экансиз. Ўғлимиз йўқлигини билинтирмабсиз, — деди Ҳусния ва осмонда эркин парвоз

килаётган кушларни кўриб чуқур нафас олди. У шу маҳалда негадир ҳайқиргиси, қўшиқ айтгиси келиб кетди. Бироқ куёвидан ийманди.

* * *

Ҳусния баъзан қизларининг ҳадеб сув кечиб юраверишидан хавотир олар, уларни ишдан қайтганлари ҳамоно оёқларини ювдириб, иссиқ пайпоқларини кийиб олишларини буюрар ва оз бўлса-да, сандалга ўт солдириб, унинг атрофида овқатланишга одатлантирган эди.

Ёз келиб, энди бу оиланинг ўзлари етиштирган сабзавотларга ҳам оғзилари тегди. Айниқса, помидор шундай ширин эдики...

Ўша одатий кунларнинг бирида Абдукарим пояси етилган супургилардан озроқ ўриб келиб, бекорчиликда эрмак учун шошилмай уч дона супурги боғлади ва уни қизларига биттадан тортиқ қилди. Қизларининг қувончи беҳад эди. Улар дадаларини кучоклаб ўпиб олдилар.

— Во-ей, бирам чиройли ясабсизки, отажон, — деди Хонзода.

— Ҳа, жудаям ажойиб, — деди Гулзода.

— Агар шунақа супурги тайёрлаб бозорда сотилсами... — деб қолди бир пайт Паризода.

Бу фикр Ҳуснияни жиддий ўйлантириб қўйди ва бир оз тургач, қарор қабул қилди:

— Қизлар, эртагаёқ пайкалдаги ҳамма супурги пояларни ўриб келасизлар. Дадангиз улардан шунақа супурги боғлаб берадилар. Нечта чиксаям аравага ортиб бозорга олиб борамиз. Бир коримизга яраб қолар.

Эртасига шундай қилишди. Чайла олдида бир уюм супурги-поя пайдо бўлди. Абдукарим эса қўли бўшади дегунча супурги боғлашни эрмак қилиб ўтирадиган бўлди. Бир ҳафта ўтгач, поялар бежирим супургиларга айланди. Абдукарим қозонга ўт ёқиб пиёз пўстлоғи, хина ва бошқа ранг берувчи гиёҳлардан солиб қайнатди ва янги супургиларга ранг бериб чикди. Уларни элликта-элликта қилиб боғлам қилди. Қарабсизки, бозор учун

дастлабки ажабтовур маҳсулот тайёр бўлди. Якшанба куні эрта тонгда уларни аравага ортиб Ҳусния билан Хонзода улгуржи бозор сари равона бўлишди.

От бир маромда «тақ-туқ» қилиб юраркан, Ҳусния чуқур хаёлга ботди: «Ишқилиб, ҳосил яхши бўлармикан? Қизларим ҳам қийналиб кетишди. Оёқларига зах ўтиб кетмасмикан, ишқилиб? Нима бўлсаям бировнинг хасми улар. Қиз уларни авайлашим керак... Қанийди имконият бўлсайди, Хонзодани чиқариб, Гулзода билан Паризодани ўқитган бўлардим. Лекин ноилож, аввало қарзни қайтариб, уйимизга кўчиб олишимиз керак. Хонзоданинг тақдирига нима ёзилган, худо билади?..»

...Улар бозорга келиб жой эгаллашгач, одамлар гавжумлаша бошлади. Бир-икки харидор супургиларни у ёқ-бу ёғини кўрган бўлди.

– Нега ҳеч ким сотиб олмаяпти, ойи? – дея хавотирланиб сўради Хонзода.

– Харидорлар аввал бозорни айланиб, молларни бир-бир кўриб чиқишади. Сўнг ҳам нархи, ҳам сифатига ўзларича баҳо бериб, маъқул бўлганини сотиб олишади-да.

Хонзода харидорларнинг эътиборини жалб қилиш учун нимадир қилиш кераклиги ҳақида ўйларди: «Нима қилсак экан? Ёки юзни қаттиқ қилиб «Кеп қолинг!» деб жавраб турсакмикан? Ойим бундай қилмасалар керак. Эркак уст-бош билан хотинча бақариб туриб бўлармиди?»

Шу маҳал бир аёл хитойча елпиғич елпиб келди-да, «Вой, супургингиз намунча чиройли. Неча пул?» – деб сўраб қолди.

– Беш сўм деяпмиз, – деди Ҳусния.

– Уч сўмга бўладими? – дея аёл ва Ҳусниянинг афт-ангорига ҳайрон тикилди.

– Вой, озроқ кўшинг, холажон, – деди онасининг ўрнига Хонзода чиройли қошларини чимириб.

– Бўпти, уч яримдан, иккита ўзингиз яхшисидан танлаб бера қолинг, қизим.

Хонзода майин табассум билан супургилардан танлаб узатди. Секин-аста харидорлар кўпая бошлади. Улар орасида бир келишган мўйловли йигит ҳам келиб супургиларни кўлига олиб, қизнинг ширин муомаласи ва ҳусну жамолига маҳлиё бўлгандай суқланиб бир-бир қараб кўйди. Шу орада Ҳусния рўзгор учун керакли анжомлар сотиб олиб келишини айтди. Унинг кўзи рўпарада сотилаётган пластмасса тоғора ва идишларга тушганди. Фурсатдан фойдаланиб йигит гап қотди:

– Супургиларингиз ўзингизга ўхшаган жуда мулойим эканми?

– Нима? Мени ҳали супургига тенглаштирмакчимисиз?

– Мол эгасига ўхшайди-да, яхши қиз. Булар шундай хушрўй эканки...

Қизнинг жаҳли чиқди. Шилқим йигитни уришиб бермоқчи бўлди.

– Сиз супурги оласизми ўзи?

– Ҳа, албатта. Лекин мен улгуржи оламан-да.

– Вой, ростданми?

– Ҳа. Эгасиниям кўшиб олиб кўя қолсамми, деб ўйлаяпман.

– Хо-о, унда пулингиз етмайди, яхши йигит.

– Гап пулдамас, унинг рангида.

– Олмасангиз, кетинг. Ана отам келяптилар.

– Хўп, ҳазиллашдим. Мен бир оз туриб келаман, хўпми? Супургиларингиз ҳақиқатан ҳам сифатли. Лекин бизга жуда кўп керак. Биз уларни Россияга олиб кетамиз, – деди йигит жиддий.

Ҳусния келиб идишларни кўйди. Йигит унинг кўлидан кизил челакни олди-да, супургилардан бир нечтасини унинг ичига гўё вазага гул солгандек қилиб қизга узатди. Қизнинг эса бу ҳаракатдан кўзлари порлади.

– Бунни реклама дейдилар, – деди йигит маъноли бокиб ва нари кетди.

– Ҳа, ким экан бу йигит? Тавба, бир дақиқа бўлмасам, дарров биттаси бошингни айлантираман дейди-я.

– У супургиларимизнинг ҳаммасини сотиб олмоқчи.

– Ие, шунақами? Қаёққа кетди, бўлмаса?

– «Бир айланиб келаркан», – деди қиз ва супургили қизил челақни баланд бетон устига ўрнаштириб қўйди. Ҳақиқатан ҳам кўп ўтмай харидорлар кўпая бошлади. Нарҳини кўп тортишиб ўтирмай, беш сўмдан олиб кета бошлашди.

Ҳалиги йигит супурги охирлаб қолгандагина пайдо бўлди.

– Ие, сотиб бўлай дебсизлар-ку!

– Рекламада иш кўп экан-да, – деди қиз супурги дастанни кўрсатиб.

Иккалалари самимий кулишди.

– Бу киши отам бўладилар, – деди қиз Ҳуснияни кўрсатиб.

– Ие, узр, ассалому алайкум! Мен сизни танимабман.

– Ҳечқиси йўқ. Мен ҳам сизни танимайман.

Эркак кишининг аёл овозида гапиришидан аввалига йигит ҳайрон бўлди:

– Менга шунақа супургидан кўпроқ керак эди-да, отахон...

– Қанча?

– Бир машина.

– Эҳ-ҳе...

– Агар бир ой ичида тайёрлаб берамиз, десанглар пулини олдиндан донасига уч сўмдан нақд бераман. Йўлкира ҳам ўзимдан. Кейин доимо фақат ўзларингдан олардим.

– Бир машинаси неча дона бўлади? – деб сўради Хонзода.

– Тахминан ўн минг дона. Бу дегани ўттиз минг сўм бўлади.

Ҳусния ўйланиб қолди. «Бугўйдан кейин ўрнига супурги эксақ бўларкан, аттанг. Келгуси йилига колхоздан яна бир гектар сўрайман. Унинг ҳаммасига, худо хоҳласа, супурги экамиз. Тоза иш, сувниям кечмайсан...»

Шу пайт Хонзода онасининг кулоғига шипшиди: «Хўп денг. Хўжамқул ака бир гектар жойга супурги эккан. Ундан улгуржи сотиб оламиз. Ўн мингта чикса керак». Ҳусния қизининг порлаб турган кўзларига завқ билан боқди. «Бор таваккал!» деб қўйди у ўзича ва «Бўпти!...» – деб юборганига ўзи ҳам ҳайрон қолди.

– Яхши, – деди тадбиркор йигит. – Манзилларингизни манави қоғозга ёзиб берсангиз – дея бир қаттиқ қоғозни қизга узатди у.

Хонзода даладаги жойининг манзилини, исм-фамилияларини ёзиб берди. Йигитнинг исми Севдиёр экан. Бу орада бир харидор келди ва ҳалақит қилиб нарх-навони суриштира бошлади.

– Беш сўм, – деди Ҳусния.

– Намунча қиммат?

– Ҳа, ана тўрт сўмдан олақолинг.

– Йўқ, акажон, супурги сотилмайди. Уларнинг ҳаммасини мен сотиб олдим, – деди Севдиёр жиддий.

Харидор нари кетди.

– Қўркманг, ота, қолган супургиларни ўзим тўрт сўмдан оламан. Лекин кейинги партияга ҳалиги айтган уч сўм, келишдикми? – дея қўл узатди у.

– Келишдик, – деди Ҳусния ҳам қўл бериб.

Йигит ёнидан пул чиқариб, аввало шу ердаги супургилар учун ҳисоб-китоб қилди, сўнгра бошқа чўнтагидан ўттиз минг сўм санаб берди.

– Бўпти, ўн кунлардан кейин ишларингдан бир хабар оламан, – деди йигит ва ҳаммолларини чақириб харид қилган супургиларни кўтартирди.

– Хонзодахон. Отамизнинг исми Абдукарим акамилар? – деб сўраб қолди Севдиёр кетишга чоғланиб.

– Отам чайладалар. Бу киши... – деди-ю қиз лабларига кафтини кўйганча ерга қараб олди.

– Э, шунақами? – деди йигит гўё бир нимани тушунгандай, бир Ҳуснияга, бир Хонзодага синовчан тикилиб. – Қош-кўзларингиз бир хил-а, тавба...

Хонзода ўзини тута олмай кулиб юборди ва йигитнинг кулогига бир нима деб шипшиди. Йигитнинг кўзлари катта-катта очилиб кетди.

– Ҳой аҳмоқ, нима дединг? – деб сўради Ҳусния йигит кетгач.

– У бизни фирибгар деб ўйламасин, дедим-да. Шунчалик ишонаётган одамга тўғриси айтиб қўя қолдим-да.

Хусния қовоғини бир уйиб олган бўлди. Лекин ишнинг яхши томонга бунақа тус олганидан у беҳад хурсанд эди. Улар шоша-пиша керакли майда-чуйда харажатларни қилишди-да, яна кадрдон далалари томон жўнашди. Тезроқ Хўжамқул акани топиш, унинг супургипоясини улгуржи сотиб олишга кўндириш ва иш бошлаш лозим. Керак бўлса туни билан меҳнат қилишга ҳам тайёр эди улар.

– Агар Хўжамқул ака супурги поясини сотмаса нима қиламиз? – дея бир пайт сўраб қолди Хонзода.

– Яхши ният қил. Уям барибир нақд пулни кўрса «Йўқ» демайди. Кўнмаган тақдирда бошқа одамлардан суриштирамиз. Бу муаммо эмас. Энг муҳими, бизда харидор бор. Уни қўлдан чиқармаслигимиз керак.

– Ҳа, у яхши йигит экан, – деди Хонзода ўйчан.

– Сен унга ҳозирча харидор сифатида қара. Чунки у бизга пул берди. Худо хоҳласа, шолимиз етилгунча шу пулнинг даромади коримизга ярайди. Аввало ҳовли-жойимизни маҳалладан қайтиб олишимиз керак.

– Улар шундоқ ҳам беришади-ку!

– Йўқ. Мен лафз қилганман. Улар бизга берган пулларидан бошқа фойда кўришлари мумкин эди. Бу фоизсиз қарз.

Хонзода дунёда яхши одамлар кўплигига шукр қилди. «Яхшиям, улар бор. Улар бўлмаса аҳволимиз нима кечарди?» деб қўйди хаёлан ва кейинги йилларда бўлиб ўтган воқеаларни бир-бир кўз олдидан ўтказди. Сўнгра эса Севдиёрнинг кулиб турган чехраси намоён бўлди. «Яхши йигитга ўхшайди. Қизик, у уйланганмикан-а?..»

Хусния эрига бозорда бўлган гапларни батафсил ҳикоя қилиб берди ва унинг олдига бир уюм пулларни ташлади. Абдукаримнинг оғзи очилиб қолди. Қўллари қалтираб пуллардан бирини қўлига олди. У шунча пулни умрида биринчи марта кўриши эди.

– Хотин, – деди у гурурланиб, – бозорга борсанг доим бир «ғалва»ни бошлаб келасан-да-а?..

– Қани энди шунақа «ғалва»лар тез-тез учраб турсайди, ҳар куни боришга ҳам тайёрман.

– Унда меням сотворақол.

– Ҳазилингиз курсин, совукдан-совук.

– Хўш, дўстим, энди нима қиламиз? – деб сўради эр аёлининг қўлини меҳр билан аста ушлаб.

– Иккимиз ҳозирок Хўжамқул аканикига борамиз, ё бўлмаса, ўзингиз бора қолинг. Отга миндириб кўяман, – деди Ҳусния кулиб. – У бир гектар ерга супурги экканмиш.

– Ҳа, тутқаторга экканидан хабарим бор.

– Эсиз, биз ҳам эксак бўларкан.

– Супургидан ҳеч ким фойда кўрмаган. Хўжамқул уни супурги учун экмаган.

– Унда нима учун эккан?

– Ем учун. Уни етилмай туриб комбайнда майдалатиб олади. Кейин силос қилса керак-да.

– Вой, унақа бўлса ўроқ солмасидан туриб тезроқ сотиб ола қолайлик. Унга дори солиб, суғориб пишириб оламиз. Хўжамқул акага ем пулини ҳозироқ берайлик. Нима дейсиз?

– Кўнармикан?

– Илтимос қилинг. Ахволимизни тушунтиринг. Бекор ўтирмай чайлада қизларим билан эрмак қиламан денг, хўпми? Аммо ануви харидоримиз, манави пул тўғрисида гинг деманг.

– Хўп. Неча пул берсак бўларкин-а?

– Ўзидан сўранг. Ўн минггача бўлсаям рози бўлаверинг.

– Аввал супургисини бориб кўрайлик.

– Ҳа, тўғри. Бўлмаса, кетдик. Сиз гаплашасиз, мен жим турман. Маъқул бўлса ўнг қулоғимни ушлаб кўяман.

– Бўпти. Балосан-да, хотин. Оббо, хотинбой ака-ей...

Улар супургипояга боришиб атрофини айланишди. Ҳусния пайкал ичига кириб кўчатларнинг ҳолатини текширди.

– Анча сувсаб қолибди. Дориям солинмабди! – дея қичқирди бир четда от устида турган эрига.

– Сенга нима дедим!? Яхшилаб кўр. Менгаям бир-иккитасини опкел-чи.

Хусния поялардан бир нечтасини юлиб олиб эрининг қўлига тутқазди.

– Ҳа, жудаям нимжон. Лекин икки-уч марта яхшилаб дорилаб суғорилса ўнгланиб кетиши мумкин. Бу ерларнинг кучи йўқ-да.

– Демак, олсак бўладими?

– Таваккал қилсак бўлади.

– Кетдик, бўлмаса.

Улар Хўжамқулни суриштириб, пахтазор пайкаллари ичидан топишди. У сувчи эди. Ногирон эр ва эркакча кийимдаги аёлни кўриб у бир оз тараддудланиб қолди.

– Ҳорма энди, Хўжамқул!

– Бор бўл, Абдукарим! Келинг, синглим!

– Сенда бир маслаҳатли ишимиз бор эди. Лекин фойдали таклиф.

– Гап йўқ. Мендан бирор ёрдам керакми?

– Ҳа. Шу десанг чайлада бекор ўтирмай деб супурги ясаяпман. Тирикчиликнинг айби йўқ, тушунасан-ку.

– Ҳа, албатта.

– Шу десанг, тутқатордаги эккан супургингни ҳозир бориб кўриб келдик.

– У супургига ярамайди.

– Тўғри. Лекин бир оз сарф-харажат қилиб унга қаралса эллик фоизидан чиқиши мумкин. Бизга пояси керакмас.

– Хўш-хўш?

– Шуни туришича бизга сотсанг.

– Майли дердиму, лекин менга пул эмас, ем керак-да.

Абдукарим Хуснияга маъноли қараб қўйди. Аёл жим турарди.

– Хўп. Бизнинг ночор оиламизга иш керак, сенга бўлса ем керак. Ҳал қилсак бўлар? Ўзинг тушунасан, маҳалладан қарз олганмиз. Шолимиз бўлишига ҳали анча бор.

– Бўлди, буни ҳал қиламиз. Супургисини шундоқ сизлар ола қолинглар. Поясини ўрдириб, майдалатиб менга берасизлар. Пулларингиз керакмас.

Абдукарим хотинига қаради. У қулогини жиддий силаб кўйди.

– Бўпти. Битта ош-ароғиям мендан. Ҳосилимиз яхши бўлса бирор қоп шолиям бераман. Келишдикми?

– Келишдик.

Улар қўл ташлашди.

– Мен эртадан қизларимга дори солдириб суғораверайинми?

– Бемалол. Бошоғи сизники, пояси бизники-да.

– Уруғния олаверасан.

– Йўқ, уни отингга бер. Арпанинг ўрнида еяверади, – деди Хўжамкул отнинг юзини шапиллатиб уриб кўяркан, кўшиб кўйди: – Бу ўша куёвингдан-да-а?..

– Тўйда эрта кетиб қолдингми?

– Туя гўшти еявериб, бўкиб қолибман-ку!

Эркаклар кулиб юборишди. Ишнинг бундай силлиқ кечганидан Ҳусния беҳад хурсанд бўлди.

– Раҳмат сизга. Чайламизга ўтиб туринг, акангиз зерикиб қоляптилар.

– Хўп бўлади, Ҳусниддин ака!

– Мен уни хотинбой ака деб чақиряпман.

Улар хо-холаб кулишди-да, самимий хайрлашишди.

– Лекин зўр иш қилдингиз-да, дадаси.

Абдукарим хи-хилаб кулди:

– Жуда содда-да бу Хўжамкул... «Бошоғи сизники, пояси бизники» дейди, вей.

– Бу ишимиз яхши бўлди. Ўн минг сўм ишладим деяверинг. Лекин энди ўн минг дона супургини бир ой ичида тайёрлаб улгура оламизми? Ҳали уларни қачон суғорамиз, қачон етилади?

– Гапинг тўғри, хотин. Бошқа чорасиниям кўришим керакка ўхшайди.

– Бошқа жойларния суруштирайликми?

– Майли. Мен унда от билан юриб далаларни, хонадонларни кезиб келаман. Сизлар супургини суғорасизлар.

– Бу ишни шу бугуноқ бошлаймиз. Лекин ўн-ўн беш қоп ўғит керак бўлади-да.

– Бўпти. «Пул бўлса – чангалда шўрва» деганлар. Бу ишлар билан ҳам ўзим шуғулланаман.

– Сиз энди очилаяпсиз.

– Сен ҳам чаккимассан. Худо хоҳласа, ҳаракат қилаверсак, ба-
ракасини бераверади.

* * *

Кечга яқин Абдукарим отига боғлаб икки канистрда қандайдир суюклик олиб келди.

– Ҳусни, манави идишда суюқ аммиак бор. Дорининг ўрни-
га уни сув оқимиға томчилатиб қўйилади. Суғоришни ҳозирок
бошлайверамиз.

– Қоронғи тушиб қолади-ку.

– Ҳечқиси йўқ, электрфонар бор-ку. Ҳозир бориб идишларни
ўрнатиш керак. Селитра билан мочевинани эртага эрталаб синф-
дош ўртоқларим ташлаб кетишадиган бўлишди. «Биздан совға»
дейишди.

Эр-хотин супургипоя бошига боришди. Қизлар ариқларни то-
залаб, сув йўлларини тўғрилаб бўлишган экан. Абдукарим йўл-
йўриқ кўрсатиб турди. Қизлар канистрларни ёғочга суяб тескари
қилиб қўйишди. Аммиак тома бошлади.

– Сувни очаверинглар! – деди Абдукарим.

Ўша тун ва тонгга қадар эр-хотин супурги пояни суғориб
чиқишди. Қизлар дамани олишди. Уч кундан сўнг яна дорилай-
диган бўлишди.

Бепоён даланинг у ер-бу ерларда, тарвузпоялар атрофида-
ги бўш жойларга экилган супургилар ҳам етилиб қолибди.
Томорқасига, бодринг орасига экканлар ҳам чикди. Абдукарим
кимдан илтимос қилиб сўрамасин, улар йўқ дейишмас, имкони-
ятига кўра ўрнига супурги, маккапоя ёки шолипохол беришини
айтишарди. Булар ҳам оила учун баҳоли қудрат ёрдам эди. Пул
умуман сарфлашмади. Айниқса, от-арава асқотди. Қизлар бориб
айтилган жойлардан пояларни ўриб, боғламларини санаб, эга-
сига раҳмат айтиб араваларига юклаб кела бошлашди. Поялар

чайла олдида бир уюм бўлди. Шийпондан электр чироғи тортиб келишди ва энди туну кун ишлай бошлашди.

Аввало, унинг поясини ёйиб селгитишар, уруғини пақир тутқичи орасига қистириб сидириб олишар, сўнгра пояларни саралашарди. Саралаган пояларни эса Абдукарим моҳирлик билан мўъжаз супургиларга айлантирарди.

Ўн кунда, улар уч мингта супурги тайёрлашди. Бунинг ичида шоли, буғдой ва супургипояларга ҳам қараб улгуришди. Шоли ҳам ҳосилга кира бошлади.

Енгил машинасида Севдиёр келди ва бу ердаги ишларни кўриб танг қолди. Ўзи ҳам ўтириб ногирон Абдукаримга ёрдамлашди. Тайёр супургиларни ғарамлашди ва бирга тушлик қилишди. Ора-орада у қўли-қўлига тегмай ишлаётган Хонзодага кўз қирини ташлаб кўяр, Хонзода ҳам ўғринча унга табассум ҳадя қиларди.

Улар Абдукарим билан бориб ҳали ўрилмаган супургипояни ҳам кўриб келишди.

– Эҳ-ҳе, – деб юборди йигит. – Бу ерда бир вагон бор-ку, тоға.

– Ҳа, энди ҳаракат қилаяпмиз-да, ўғлим.

– Ҳар йили экасизларми?

– Йўқ. Биринчи марта.

– Эсиз, беш йил бурун бошламаган экансиз-да, тоға. Ҳозир миллионер бўлиб юрган бўлармидингиз.

– Бизда супургини даромадсиз соҳа дейишади.

– Биз бўлсак Россиядаги ҳамкорларимизга кўнгилдагидек супурги топиб-тутиб беролмаяпмиз.

– Улар нима қилишади?

– Эҳ-ҳе, Россия бепоен ўлка, ахир. Касалхона, ҳарбий қисмлар, мактаблар, сувдаги кемалар, умуман ҳамма жойга ҳам супурги керак. Хонадонларни-ку кўяверасиз.

– Демак, Россияни супурги билан ҳам забт этсак бўларканда-а? – деди Абдукарим кулиб.

– Ҳа. Фақат сизга ўхшаган тирик заводлар керак. Энг муҳими, уларни узоқ муддат сақлаш мумкин. Каламушларга егизиб

қўймасангиз бўлди. Шунинг учун эплаганларингча тайёрлаверасизлар. Ҳаммасини оламан. Россиядан яхши мижоз топиб, улгуржи жўнатаман.

– Ҳа. Илоҳим омадингизни берсин, ўғлим.

– Яхши даромад қилсам, ўзим сизга батарея билан юрадиган аравача олиб келиб бераман. Уйингизда мазза қилиб юрасиз.

– Э, раҳмат, ўғлим. Кўнглимни тоғдай кўтардингиз.

– Оёғингизга нима бўлган ўзи?

– Мана шу ерларда механизаторлик қилардим. Тракторим дўнгликдан ўз-ўзидан юриб кетиб, мажаклаб юборган.

Йигит жуда ачинди. Лекин ундан «Хотингиз нега эркакча кийиниб олган?» – деб сўрашга ботинолмади.

Шундан кейин йигит тез-тез хабар олиб турадиган бўлди. Келганида ҳам куруқ келмас, ҳалтачаларни тўлатиб гўшт-ёғ ва майда-чуйдалар қилиб келарди.

– Вой, овора бўпсиз-да, ўғлим. Нима кераги бор эди, – деди бир сафар Ҳусния унинг ҳурматини жойига қўйиб.

– Оворагарчилиги йўқ оп... ак... Ахир, бўш қоп тик турмайди-ку! – деб қўйди у кулиб.

Абдукарим ҳам у келса ниҳоят гаплашадиган эркак келганидан қувониб кетарди. Лекин йигит Хонзодага бирор сўз қотишга журъат қила олмас, ҳар замонда бир кўз қирини ташлаб қўяр, қизнинг мулойим чехраси ва аллақандай оҳанрабоси уни ўзига тортаверарди.

Лекин кунларнинг бирида у кўпчилик бўлиб келди. Машинадан ёш-ёш тўрт аёл тушишди.

– Ассалому алайкум. Бугун сизларга ҳашарчиларни олиб келаяпман. Мана танишинглар. Келинопам Лолахон, опам Робия, сингилларим Раъно билан Гулнора.

Севиниб кетган Ҳусния ўзининг «эркак»лигини унутиб улар билан худди аёллардай елкаларидан қўл олиб кўриша кетди. Улар ҳайрон бўлишди.

– Вой келинлар, айланиб кетайлар, гиргиттон бўлайлар, – деб тинимсиз жавварди эркакча кийиниб олган Ҳусния.

Абдукарим эса куллик қилиб «Хуш келибсизлар!» деб тура-верди.

— Бу киши Хусниддин ака — деди йигит ва томоғини маъноли кириб қўйди. — Булар қизлари Хонзода, Гулзода, Паризодалар. Яна Озодасиям бор экан, Қорақалпоғистонга турмушга узатишибди. Бугун тушликка ўзим сизларга палов дамлаб берганим бўлсин, — деди йигит қўлларини ишқаб.

Хусния бу ҳаракатларнинг ортида бошқа гап борлигини фаҳмлади. «Улар албатта бежиз келишмаган бўлишса керак. Хонзоданинг ҳам пешонаси яраклаган кўринади» деб қўйди у ўзича, лекин сир бой бермади.

Ҳақиқатан ҳам бу «ҳашар баҳона дийдор ғанимат» эди. Севдиёр чамаси уйдагиларга ўзининг ёктириб қолган қизини кўрсатгани олиб келганди. Хонзода эса буни англадими, йўқми, ҳарҳолда янада очилиб-сочилиб юраверди.

Лолахон Хуснияни «эр киши» деб эмас, гўё яқин дугонасидек қабул қилди ва гап орасида уларнинг таг-туғларини суриштирди. У ора-сира қўли ишда бўлса-да, Хонзодага ҳам қараб-қараб қўярди. Хонзода йигитнинг опаси Робия билан бирга ишлай бошлашди. Улар ҳам тезда чиқишиб кетишди. Қолган қизлар ҳам анчадан буён сиқилиб юришганди, кўнгиллари яйради.

— Ҳой, Хонзода, акангга сабзини тўғраб бер! — дея кичқирди бир пайт Хусния.

Қиз «Хўп бўлади, ойижон» деди-да, ийманиб ўрнидан кўзгалди. Ўтни пуфлаётган йигит буни гўё эшитмаганга олса-да, ўз-ўзидан кулоқларигача қизариб кетди.

Эркак кишини беихтиёр «ойижон» деб юборгани учун меҳмон қизлар «Ия!...» деб юзларини тўсиб ўғринча кулишиб олишди.

* * *

...Орадан бир ҳафта ўтгач, айна супургипоя ўрилаётгани маҳали тўғридан-тўғри чайлага совчилар «бостириб» келишди. Бу кутилмаган ташрифдан Хусния довдираб қолди.

Ўша кунларнинг бирида супургини ўриш, ташиш, ёйиш ва

уни саранжомлаш ишлари билан бўлиб ўлгудай чарчаган Хусния ҳолдан тойган ҳолда чайла ичига эрининг олдига кириб келди-да, бир пиёла чойни ичиб-ичмай кўзи юмилиб уйқуга кетди. Эри унинг бошига юмшоқ ёстиқни оҳиста қўйиб берди-да, ўзи ҳам пинакка кетди.

Шу маҳал чайла олдига бир машина келиб тўхтади. Ундан қўлларига дастурхон кўтариб олган бир талай аёллар тушиб келишди.

– Ҳой ким бору?! – дея қичқирди Лолахон.

Супургипоя устида чўзилиб ётган Паризода ирғиб ўрнидан турди-да, “Хайрият, ёрдамга келишди” деган хаёл билан югуриб уларнинг олдига борди.

– Биз қулчиликка келувдик, ойингиз қанилар?

– Нима, ишлаганими?

– Худо хоҳласа, терлаб-пишгани-да, – деди аёл ва шерикларига қараб кулиб қўйди.

Паризода хужра ичига югуриб келиб, онасини турта бошлади.

– Ҳой, ойи туринг, анавилар тагин ишлагани келишибди.

– Нима?.. Ким?

– Ўтган кунги аёллар.

– Айт, иш ҳақиға супурги берамиз. Хоҳлашса шу. Халақит қилма, бир зум мизғиб олай, – деди аёл базўр.

Абдукарим ҳам бир безовталаниб қўйди-да, яна хуррак ота бошлади. Паризода аёлларнинг олдига шалпайиб чиқиб келди.

– Ойим дадам билан бирга дам олишяпти. Сизлар ишлайвераркансизлар, эвазига супурги оларкансизлар.

– Вой, майли. Бизга бир дона мулойим супурги бўлса бас, – деди аёллардан бири кулиб.

Меҳмонлар завқланиб кула бошлашди.

– Бўлмаса, келинлар, ҳозир куппа-кундузи ойисини дадасини ажратадиган бир иш қиламиз, – деди Робия.

– Вой, нима қиламиз? – деб сўради Раъно.

– Гулнора, доирани опке, – деди Робия ва унинг қўлидан асбобни олиб «Омонёр» лапарини айтиб, дангир-дунгур чала бошлади.

Қолган аёллар эса завкланиб рақсга тушиб кетдилар. Паризода шўх аёлларнинг ўйнашини супургипоя тепасига ётиб олиб томоша қилаверди. Доиранинг овозини эшитган Хонзода билан Гулзода қўлларидаги супургипоя боғламларини ташлаб чайла томон чопишди.

Хонзода ҳужра ичига шошиб кириб ойиси ва дадасини донг қотиб ётганларини кўриб танг қолди:

– Ҳой ойи, туринг, қулчиликка келишибди-ку, ахир!

– Уф-ф... Жинни-пиннимисан? Далада совчига бало борми?..
– деди у оғир эснаб ва бир нима эсига тушдими, ярқ этиб кўзи очилди-да: – Нима совчилар? Қаердан? – деб сўради.

– Анави, Севдиёр акадан... – деди Хонзода ерга қараб.

– Вой ўлмасам. Булар қанақа одам, ўзи-а? Уй куриб кетгандек далагаям келишадими?

– Ахир, уйимиз қулфлоглик-ку.

– Оббо, энди нима қилдик-а?

Ҳусния бир оз кўзларини юмди ва уларни чиқиб қандай кутиб олишни ўзича тасаввур қилди: ана, у қўлини белига тираб олган ҳолда чиқиб келади. Совчилар уни кўриб гўё аскарлардек саф тортиб, тек қотишади. Қўлларида курол ўрнида тугун. Ҳусния худди командирлардай келиб уларнинг афт-башараларини бир-бир текшириб чиқади. Сўнг ўртада туриб “Хуш келибсиз, ўртоқ совчилар!” дея салом беради. Аёллар эса аввало чуқур нафас олиб “Хуш кўрдик, айланай!” дея қичқиришади. Шундан сўнг Ҳусния “Кру-гом! Шагом-марш!” дея буйрук беради. Аёллар бунга итоат этиб катта қадамлар ташлаб ортга қайтиб кета бошлайдилар.

– Ойи, туринг ахир... – деди Хонзода йиғламсираб. – Лекин бу кийимингиз билан чиқманг. Одам уялади.

– Йўқ, – деди Ҳусния кескин. – Мен лафз қилганман. Хоҳлашса шу. Бўлмаса, ана катта кўча.

– Менинг кўйлагимни кийиб, рўмолимни ўраб олинг, жон ойи.

– Сен аралашма!

– Келинг, ҳеч бўлмаса, лабингизни бўяб кўяй, – деди Хонзода ялиниб ва лаб бўёғини тез олиб ойисининг лабига суртмоқчи бўлди, бироқ Ҳусниянинг қаршилиги туфайли бўёқ унинг юзларига чапланди.

Ташқарида доира овози, лапар кўшиғи тинимсиз янграр, Хонзоданинг дили эса хуфтон эди.

Ойиси эркак либоси билан совчилар қаршисига чиқиб бораркан, қизнинг кўзларидан тўхтовсиз кўз ёшлари дувиллаб тўкиларди.

Ракс қилаётганларнинг бири кўярда-қўймай Ҳуснияни ҳам даврага тортди. У ўзининг эрлибосли эканини унутди ва аёллардек нозу карашма билан хиром айлай бошлади. Сўнгра кўшик «Ёр-ёр»га! айланиб кетди. Аёллар чарчаб, завқланиб кулишиб супурги бойламлари устига ҳолсиз ўтириб қолишди-да, музокарани бошлаб юборишди.

– Вой, келинлар, айланайинлар! – деди Ҳусния чиндан ҳам қувониб.

Унинг нигоҳида энди чарчоқдан асар ҳам қолмаганди. Шу пайт Робия ўрнидан туриб келди-да, Ҳуснияни шарт кўтариб олди. Билмаган, бу ҳолатни узоқдан кўрган одам “аёл киши эркакни кўтариб турибди” деган ўйга бориши равшан эди. Бу тасаввур барибир Паризодани четлаб ўтмади. У қикирлаб кула бошлади.

– Қизингизни укамга берасизми, йўкми? – деди бақувват Робия Ҳуснияни полвонлардай белидан маҳкам қисиб ерга ағдариб урмоқчидай.

– Вой, қўйиб юборинг. Бўпти, гаплашамиз.

– Хўп демай ҳам кўринг-чи, – деди Робия ҳазилини давом эттириб оҳиста уни ерга кўяркан.

Аёллар завқланиб кулишди. Ҳусния ҳам энди ўзини кўлга олволди.

– Кечирасизлару, лекин биз совчиларни бу ерда қабул қила олмаймиз-да. Худо хоҳласа, уйимизга борсак, келарсизлар, – деди у босиклик билан.

– Уйингизгаям бордик, опагон, – деди Лолахон дангал.
– Ҳамма гапдан хабаримиз бор. Бошингизга қандай мушкул ишлар тушганиниям сўраб-суриштириб билдик. Маҳалла оқсоқолларингизга учрашдик. Яқинда киз чиқарганингизниям биламиз.

– Шунинг учун ҳам биз ҳозир киз чиқариш ҳақида умуман ўйлаётганимиз йўқ.

– Тушунамиз, ўртоқжон. Ҳаракатингизни, уст-бошингиздан кўриб ҳам билиб турибмиз. Ҳаммаси ҳали яхши бўлади. Биз ҳам тез тўй қилайлик, демаймиз. Сизлар, аввало ҳосилни йиғиб-териб олинглар. Қайн укам ҳам Россиядаги ишларини битириб келсин. Фақат фотиҳа қилиб қўйсак дегандик. Гапнинг тўғриси, укам кизингиз Хонзодани бир кўришдаёқ ёқтириб қолган экан. «Ўламан олло, шу киздан бошқасига уйланмайман», – деб туриб олди. Кенжа ўғил-да... Шунга таваккал қилиб келавердик. ўйлаб кўриб жавобини айтарсизлар. Лекин айтиб қўяй, бу умр савдосининг анави супурги савдосига ҳеч қандай алоқаси йўқ.

Совчилар кўп ўтиришга кўнишмади. Бир пиёла чой билан ўзлари олиб келган ул-булдан еган бўлишди. Сўнгра бири тўн-гак, бири хашак, бири супурги устига ўтирган ҳолда дуога қўл очишди.

– Айтмоқчи, – деди Лолахон машинага ўтираркан, – бизнинг бу келганимиздан Севдиёрнинг хабари йўқ. У келиб турса, ҳайдаб солманглар тагин.

– Хўп. Бемалол келаверсин. У хўжайин билан яхши чиқишиб қолишди.

– Ҳалиги гап, келишдикми? – деди Лолахон жиддий.

– Келишдик. Лекин нима бўлсаям, энди ҳовли-жойимизга борганимиздан кейин гаплашимиз-да, ўртоқжон

– Хўп, яхши қолинглар...

Шундай қилиб, «супурги» операцияси муваффақиятли якунланди. Сих ҳам, кабоб ҳам куймади, балки лаҳми ҳам, кўри ҳам ўзидан чикди. Бўз ҳам сотилди, киз ҳам.

Олтинчи боб ФЕРМЕРЛИК САРИ ҚАДАМ

Куз келди. Пахта йиғим-терими авж олган маҳали шолига ҳам ўроқ тушди. Энди уни ёгин-сочин бошланмай комбайндан ўтказиб, донини ажратиб олмоқ керак эди. Ҳосил яхши бўлди, лекин комбайнни топиб олиб келгунларича кўп вақт кетди. Бошоқларнинг ўта пишиб кетгани учун ерга жуда кўпи тўкилиб, исроф бўлди.

Бу ҳолни кўрган Ҳусния чидаб туролмади ва қизлари билан этак боғлаб тўкилган донларни ҳам тера бошладилар, чунки ҳар мисқоли улар учун увол ва азиз эди. Ёмон бўлмади. Бир ҳафта ичида икки қоп теришди. Саксон кило шоли чиқди. Ундан эллик кило соф гуруч олиш мумкин. Бу дегани — бир тўй қилишга етарли гуруч.

Севдиёр супургиларнинг ўн беш мингтасини олди ва яна тайёрлайверишларини сўради. Шолидан саккиз тонна ҳосил олишди. Бу деҳқончиликдаги юқори кўрсаткичлардан ҳисобланарди. Демак, ёмон ишлашмабди. Шартномага мувофиқ, унинг тенг ярмини колхоз омборига топширишди. Колхоз олдида юзлари ёруғ бўлди.

Энди шолини офтобга ёйиб қуритиш, обжувозга олиб бориш, ундан гуруч чиқариб олиш ва гуручни сотиб, маҳалланинг пулини қайтариб ўз ҳовли-жойларининг калитини олиш қолган эди, холос. Чунки фақат шундагина оила беҳавотир бўлади, ўз ошиёнларига эгалик қилишади ва совчилар келади, тўйлар бўлади.

Маҳалла оқсоқоли Икром ота ҳам бир-икки бор уларнинг ҳолидан хабар олди. Маҳалла-кўйнинг саломини етказди ва уларнинг ҳамжиҳатликдаги ҳаракатларини кўриб, кўнгли хотиржам тортди.

— Анави келган совчилар ёмон одамларга ўхшамайди. Олдимга икки марта келишди. Йигитнинг дадасиям келди. Мен уларга «Аёллар тўғри далага бораверишсин, бўладиган ишнинг

бўлгани яхши» дегандим, — деди Икром ота чайлада ўтираркан, Ҳусния узатган чойни олиб.

— Э, ҳали бу сизнинг ишингизмиди? — деб сўради Абдукарим кулиб.

— Тўғриси айтиб қўя қолдим-да.

— Раҳмат сизга, отажон — деди Ҳусния қуллук қилиб.

— Тезроқ аёллик кийимингни кийдирмоқчиман-да, — деди мўйсафид кулиб.

— Гап кийимда эмас, отажон. Кийим — бу оила олдидаги бир масъулият. Масалан, ҳарбийлар нима учун бошқача либос кийишади. Демакки, бу ватанни ҳимоя қилишни ўз зиммаларига олишгани, — деди Ҳусния тўлқинланиб.

— Баракалла, кизим. Қани энди ҳар бир аёл сен каби фикрлай олса, ҳаракат қилса. Турмуш кийинчиликлари умуман бўлмасди, ҳамма фаровон яшарди. Унинг ўрнига ишёқмас, тайёрига айёрлар кўпайиб кетган. Бундан оилавий қўйди-чиқдилар, ажралишлар пайдо бўлаяпти, болалар тирик етим қолишаяпти...

— Тўғри айтасиз, отахон, — деди Абдукарим ҳам гапга аралашиб. Мақтаниш эмас-ку, лекин хотиним ҳақиқий жасорат кўрсатди. Ўшанда ўз-ўзини бир нима қилиб қўймай қўлга ола билди. Худо хоҳласа, оиламизни ботқоқдан тортиб олди. Ҳаммаси яна изига тушиб кетади. Мениям кўзимни очди. Айниқса, мана-ви супургини ўйлаб топгани-чи.

— Вой, унақа эмас, дадаси. Супургини ўзингиз ўйлаб топдингиз-ку! Кейин Хўжамқул акани кўндирган ким?

— Э яшанглар. Сизларга раҳмат. Худо хоҳласа, яна тўй кўрасизлар. Демокчиманки, ўшалар келишса энди «Йўк» деманглар.

— Нима бало, сизга яримта қуйиб кетишганми, дейман-а? — деди Абдукарим.

«Уч эркак» кулиб юборишди.

* * *

Ўша фараҳбахш кунларнинг бири эди. Аравага ортилган кўч-кўронлари, дон дуну товуклари билан Абдукарим ва Ҳусниялар

кулуфлоглик ўз уйларининг олдида пайдо бўлдилар. Паризода маҳалла оксоколиникига қараб чопди. Бу хушхабарни эшитган Икром ота уйдан отилиб чиқди. “Мана, мен ҳозир, кетаяпман” деди мўйсафид ва кизнинг ортидан деярли чопиб кетди.

Оксокол Абдукарим билан кучоклашиб кўришди. Ҳусниянинг ҳам пешонасидан ўпиб қўйди.

– Э бормисизлар, хайрият...

– Мана бу омонатингиз, – деди Ҳусния бир пакет пулни узатиб. – Маҳалладагиларнинг ҳаммасига мингдан-минг раҳмат.

– Э, шунақами? Баракалла, қизим! Пешонаси ярақлаган аёл экансан. Бунни қайтармасаларингиз ҳам майли эди. Маҳалладошлар билан келишиб қўйгандим. Ие, мен нима қилиб турибман? Аввал уйларингни очиб берай. Кейин қанча гап бўлса гаплашаверамиз.

Муйсафид тез бориб қўллари қалтираб кулфни очди ва танта-нали равишда калитни Ҳуснияга узатди.

– Ўзларинга насиб қилсин, қизим!

Паризода дарвозани ланг очди. Ичкарига арава кириб келди. Уларга кўзи тушган бир-икки кўшнилари ҳам хурсанд чопиб келишди.

– Икром ота, энди бир кунни белгилаб берсангизу, маҳалла-қўйга бир қурбонлик оши берсак деган эдик. Ўз гуручимиздан, албатта.

– Э, бўлди. Жуда яхши ўйлабсиз, ука. Одамлар хурсанд бўлади. Бу Яратганга ҳам хуш келади. Ҳар куни тунда чироқларингни ёқиб, баъзан боғларингни ҳам сугориб турдик. Бир-иккита тўкилган шафтолиларингдан ҳам едик, рози бўласизлар-да.

Абдукаримнинг кўзлари намланди:

– Раҳмат сизларга. Борларингга шукур...

* * *

Тахминий ҳисоб-китобларга кўра ўша давр пули билан шоли ва супургидан ўттиз минг сўм соф даромад олишди. Маҳалланинг пули қайтиб берилди. Яна ўзларига яраша гуруч, тутқаторга

экилган буғдой ва яна беш мингдан зиёд супурги фойдага қолди. Сигирни ҳам сотиб олишди.

Оқсокол Икром ота келишиб олишганидек, куёв йигитникига Ҳуснияга билдирмай хабар юборди. Совчилар ҳам турнақатор бўлиб кириб келишди. Хонзода ва Севдиёрга оқ фотиҳа берилди. Тўйни эса баҳорга чиқиб ўтказадиган бўлишди.

Ҳаммаси яхши кечди. Лекин Ҳусния ўзини хўжалик раиси олдида қилган «қилиғи» учун ҳамон хижолатда эди. Бундан ташқари, келгуси ишларни ҳам ҳозирдан режалаштириб, шартномани янгилаб олиш керак. Шу туфайли қурбонлик ошга таклиф қилиш баҳона энди кечқурун Ҳусниянинг ўзи идорага кириб борди. Лекин бу сафар у ўта хушмуомалалик ва мулозамат билан раисдан узр сўраб, қилган яхшилиғи учун миннатдорчилик билдирди.

– Арзимаёди, – деди Дўснат Диёрович босиклик билан бўлган ишларни эслаб кулиб кўяркан, омборхонадан берилган маълумотномани кўздан кечириб деди:

– Шартномани бажардингиз. Икки тонна ўрнига тўрт тонна шоли топширдингиз. Бундан колхозимиз ҳам яхши даромад олди. Шунинг учун яна бирор хизмат бўлса қўлимиздан келганича қилаверамиз-да, Ҳусниддин ака! Лекин хусусий мулкчиликда гап кўп экан.

– Ҳа, албатта. Ўзингники бўлганидан кейин жон қуйдириб ишлайсан-да. Колхоз дегани бу кўпники. Бири аравани у ёкка тортса, бошқаси бу ёкка тартади.

– Тўғри, айти шу масала республикамиз раҳбарлари томонидан кўриб чиқилмоқда. Энди колхозлар бутунлай тугатилади деган гаплар бор.

– Бошқарма аъзоларигаям раҳмат. Шунчалик ишониб ёрдам қилишди. Энди яна бир илтимос билан келувдим. Лекин кўркманг, бу сафар дағдаға қилмайман, катъий илтимос қиламан, холос.

– Шартнома муддатини узайтирайлик, демокчимисиз?

– Ҳа. Яна ёнидан бир гектар кўшиб берсангиз.

- У ергаям шоли экасизми?
- Йўк. Супурги экаман.
- Э, йўк, – деди раис ручкасини столга «так» этказиб ташлаб.
- Пахта денг, бугдой денг, бир эмас ўн гектар берай. Супурги, ахир бу кулгили-ку! Колхоз уни нима қилади?
- Мен уни колхоздан қайтиб сотиб оламан.
- Нега? – деб сўради раис ажабланиб.
- Чунки менинг нақд харидорим бор.
- Йўк, бу сал бош оғрикка ўхшайди. Чунки кўшимча қиймат, даромад солиқлари тўлашимизга тўғри келади. Бу дегани супургининг нархи тилло бўлади. Бундан сизга нима фойда?
- Бўлмаса, нимани таклиф қиласиз?
- Майли, шоли экинг, бугдой экинг. Яримини бу йилгидек омборга топширинг.
- Қанча?
- Масалан, уч гектарга беш тонна.
- Бўпти, олти тонна топшираман, бўладими?
- Албатта бўлади, лекин қийналиб қолмайсизми?
- Қийинчиликдан энди кўркмаймиз. Шартномани олгани қачон келай?
- Мен бу масаланиям бошқармага қўйишим керак. Шунинг учун яна аввалгидай ариза ёзиб берасиз.
- Хўп. Котиб ҳалиям ўша йигитми?
- Ҳа, ўша.
- Бўпти, келишдик. Бўлмаса, эртага эрталаб саккизга барча идора аъзоларини бизникига ошга таклиф қиламан. Қурбонлик қилиб, ис чиқараяпмиз.
- Майли, борамиз. Мен кўнмаганимдаям айтармидингиз? – деб сўради раис ҳазил қилиб.
- Бурнингизни ерга ишқардим, – деди Ҳусния кулиб ва кўнгли хотиржам бўлиб раиснинг кўлини самимий сикди.
- Уйингларга кўчиб келдингларми?
- Ҳа, албатта.
- Қойил! Демак, ҳаммаси жойида. Хўжалик тугатилса унинг

ерлари биринчи навбатда сизга ўхшаган ишнинг кўзини биладиган тадбиркор мутахассисларга берилади. Худо хоҳласа, хусусий фермер хўжалигингиз бўлади!

— Раҳмат, раис, — деди Ҳусния хурсанд бўлиб, — илоҳим, мартабангиз янада улуғ бўлсин. Эртага эрталаб бутун ходимларни олиб-а...

— Албатта, албатта. Бормасак калтак емайлик тагин, — деди раис самимий кулиб.

* * *

Эртаси эрталаб маҳалла-кўй билан бир қаторда идора ходимлари ҳам шоликор, ҳам тадбиркор Ҳусниддин опа-“ака”ларникида ҳозир у нозир бўлишди. Шу кунга қорақалпоқ куёв ва кизларини ҳам чақиртиришди. Идора ходимлари ва меҳмонлар янги куриб битказилган меҳмонхонада илк бор ўтирдилар. Абдукаримни ҳурмат билан кўярди-кўймай уйнинг тўрига, мачит имом хатининг ёнига ўтказиб қўйишди.

Дўсмаат Диёрович ўтирганларга бундан бир йил муқаддам Ҳусния билан бўлган ишларни эслатиб, тўпланганларни кулдириб ўтирди.

— Кечаям олдингизга кетувди, — деди Абдукарим кулиб.

— Ҳа. «Агар ер бермасанг бурнингни ерга ишқалайман» деди, — дея кулиб юборди раис.

Ҳамма кулиб-кулиб, яхши кайфият билан ош ейишди.

— Лекин ош жа бўптими? — деди ходимлардан бири.

— Ўзимизнинг гуруч-да, — деди Абдукарим фахр билан.

— Раис бува, унда эҳтиёт бўлинг, сизга тош чиқади ҳали, — деди ўша ходим.

Шарақлаб кулги кўтарилди.

— Агар чикмайдиган бўлса мен ҳам уст-бошимни бошқа кийганим бўлсин.

Ҳазил-хузул, аскиядан сўнг Қуръон сураларидан тиловат қилиниб, эҳсон берган мазкур хонадон соҳибларига, уни қўллаб-қувватлаганларга, хизмат қилганларга яхши тилаклар билдирилди.

– Замонимиз тинч, халқимиз фаровон бўлсин, – деди имом хатиб дуосини якунлар экан.

– Биродарлар, хабарларинг бор, республикамиз мустақил бўлди. Шўро ҳукумати тугатилди. Энди ҳаётимиз янада фаровон бўлади. Пойтахтда катталар фермерлик ҳаракатини ривожлантириш бўйича тадбирлар ишлаб чиқиляпти. Ер биринчи навбатда ишнинг кўзини биладиган Абдукарим ака билан Ҳусния опаларга ўхшаган тадбиркорларга берилади. Чунки улар меҳнатдан кўрқишмайди. Улар синовдан ўтиб бўлишди. Мен уларга иложи бўлса икки гектар эмас беш гектар ер ажратишга тайёрман! – деди раис туриш олдидан.

Бироқ шу куни бир ажойиб воқеа юз берди. Раис меҳмонхонадан чиқиб келаётгани маҳали котиб йигитдан секин сўради:

– Исмат акангиз кўринмадими?

– Йўқ, кўрмадим.

– Оббо, ноз-фироқни қўйиб, келиб-кетса бўларди-ку, – деди Дўсमत Диёрович “аттанг” дегандек бош силтаб. Аммо ташқарига чиқиб қўлларини юваётган маҳали котиб хурсанд бўлиб хабар берди.

– Ана қаранг, Исмат ака келди. Аёли билан, қўлида чақалоғи ҳам бор!

Ходимлар ялт этиб дарвоза томонга қарадилар. Чақалоқ кўтариб олган Исмат жилмайиб турар, ортидаги аёли қўлига қандайдир тугун кўтариб олганди.

– Ассалому алайкум! – деди Исмат қувончдан кўзлари ёниб.

– Э, келинлар! – деди Абдукарим анча наридан туриб бўлса ҳам қичқириб.

– Қарзимизни узгани келдик-да, ошна!

– Ие, қанақа қарз?

Исмат бир шишани чўнтагидан олиб стол устига қўйди. Одамлар ҳайрон бўлишди. Яхшиям, имом хатиб кетиб бўлганди. Йўқса уришиб бериши турган гап эди.

– Ахир, ўғил кўрдик! “Фазандли бўлсанг, яримта куясан” деган эдинг-ку, ошна – деди Исмат.

Меҳмонлар уни тушунгандек бўлиб кулиб қўя қолишди.

– Э, яшасин! Муборак бўлсин! – деди Абдукарим хурсанд.

– Мана, тўрт мучали соғ, ўғил бола, – деди Исмат ва стулга ўтирган Абдукаримга гўдакни узатди. Сўнгра аёлига имлади. Хуррият тугунни тез очди-да, ундан бир чопон, дўппи ва чорси олиб Абдукаримнинг елкасига ташлади, дўппининг эса чокларини тортиб бошига кийдириб қўйди.

Ҳамма хурсанд бўлиб қарсак чалишди.

– Мана менинг ўғлим – сениям ўғлинг, Абдукарим! Шунга ўзинг бир исм қўйиб берсанг.

Раис хурсанд бўлиб қарсак чалиб юборди. Ҳамма унга қўшилди.

– Майли. Илоҳим, шу йигитча соғ-омон катта бўлиб, отасига йўлдош бўлсин, одамларга фақат яхшилик келтирсин, исми Яхшибой бўлсин!

Ҳамма хурсанд, яна қарсак чалишди. Аёллар кўз-ёш қилишди. Ҳатто эркак кийимидаги Ҳусниянинг кўзидан ҳам бир дона қувонч ёши думалаб тушди.

– Манавини ҳақиқий жасорат деса бўлади, – деди раис Исматнинг елкасига қўл ташлаб. – Сизларгаям раҳмат, Исматбек, Ҳуриятхон ва Ҳуснияга қараб қўли кўксига деди: – Ака, акагинам, эртага идорага боринг, худо хоҳласа, маслаҳатлашамиз.

Ҳусния аёллардек раиснинг елкасидан қўл олиб, қуллук қилди.

* * *

Ҳусния айтилган пайт яна раис ҳузурида бўлди.

– Таклиф қилганимнинг боиси шуки, куни кеча ҳокимликда йиғилиш бўлди. Ер тўғрисидаги республикамиз янги қонунлари ва ҳукумат қарорлари тайёрланаётганмиш. Хуллас, яқин орада қишлоқ ҳаётида катта ўзгаришлар юз бериши мумкин. Эҳтимол,

жамоа хўжаликлари тугатилиб ўрнига агрофирмалар ташкил топар. Нима бўлсаям, сизга ўхшаган тадбиркорлар ёрдамида аҳолини иш билан таъминлашга эътибор қаратилади. Ер энди ўз эгасини ахтаради. Шунинг учун, опа, сиз келгуси йил ҳам ғайрат қилиб ўзингизни кўрсатсангиз.

– Бўпти, ҳаракат қиламиз.

– Сиз, масалан, неча гектарни эплай оласиз?

– Беш гектарни.

– Йўқ, қийналасиз. Лекин эплайсиз, қачонки ёнингизга яна янги ишчи кучлари бўлса? Тўғрими?

– Тўғри.

– Бу дегани, уларни қонуний ишга олишингиз, ўз муҳрингизга, ҳисоб рақамингизга эга бўлиб, хўжалик ҳисобидаги фермер хўжалигини ташкил этишингизга тўғри келади. Сиз бу йил ана шулар ҳақида ўйлаб кўринг. Сўнгра фермер хўжалигингизни ҳокимлик рўйхатидан ўтказамиз. Ер ҳатто хўжалик ихтиёридан сиздек фермерларга қирқ тўққиз йилга берилиши мумкин.

Бу янгилик Хуснияни жиддий ўйлантириб қўйди.

– Масалан, қанча ер олишимиз мумкин?

– Эрингиз аъзо бўлиб ишлаб келган ўша бригаданинг ҳамма ерини.

Хусниянинг кўзи ҳайратдан порлаб кетди.

– Пахтаям экиладими?

– Албатта. Давлат қанақа буюртма берса, шартнома асосида ишлайверасиз. Ҳозирча мана бу шартномага имзо чекинг.

– Неча гектар бўлди?

– Уч гектар. Ҳосили олти тонна, бир йилга.

Хусния имзо қўйиб бирини қўлига олди.

– Илтимосимни йўқ демаганингиз учун сизга катта раҳмат, раис ака. Ҳалиги таклифингизга келсак, уни хўжайин билан ўйлашиб кўрамиз. Иш давомида яна маслаҳатга келарман.

Раис қўлни узатди:

– Хўп. Сизларга омад ёр бўлсин.

Ҳусния раис олдидан ўзгача кўтаринки рух билан чиқди. Демак, келажақда уни яхши ишлар кутмоқда. Лекин, афсус, билими етишмайди-да. Ўз вақтида ўқимади. Мактабни битиргач, ота-онаси берган йигитга тегиб кетаверди. «Дарвоқе, кимдирим Гулзода билан Паризода ни ўқитиб, ўрнига бошқаларни ишлатишим мумкин-ку» деган тўхтамга келди у. «Ҳа, албатта ўқитаман. Қийналиб, оч қолсам ҳам ўқитаман. Худо хоҳласа, бу йил ҳам ғайрат қилсак, ўнгланиб оламиз».

Қизлари Гулзода ўн биринчи синфни, Паризода тўққизинчи синфни битирмай ташлаб кўйишган, фалокат юз берганидан сўнг эса ўқишни ҳаёлларидан бутунлай чиқариб юборишганди. Ҳусния биринчи навбатда уларни мактабга тиклашни, аттестатни олганларидан сўнг қишлоқ хўжалиги соҳаси бўйича ўқишлардан бирига юборишни мўлжаллади. «Эҳтимол, бирорта йигитни ичқуёв қилиб оларман. Унда фермер хўжалигини бемалол ташкил қилсак бўларди» деган хулосага келди аёл ва бу ҳақида эрига батафсил гапириб берди.

– Қиз бола ўқиб нима бўларди, – деди эри совуққина қилиб.
– Ичқуёв бўлса, бу бошқа гап. Лекин унча-мунча ҳужжат ишларини ўзим ҳам қилавераман.

– Тўғри. Лекин сизда етарли малака йўқ-да. Тракторчиликни битиргансиз, холос-ку.

– Буни билиш шарт эмас. Энг муҳими, ташкилотчилик, одамларни ишлага билиш-да, ерни парваришлаш-да. Ҳужжат ишларини ҳисобчи ҳам юритаверади.

– Ҳа, тўғри. Ўша ҳисобчи ўз қизингиз бўлса-чи?

– Буниси бошқа гап. Унда ўқитиш керак. Фақат биттасини ўқитамиз-да, анави йигитга ўхшаган йигитни ичқуёв қиламиз, вассалом.

– Ҳа, сизга айтишга осон. Ҳозирги замонда ичқуёв бўладиган йигитни топиб бўлармиди?

– Бўлмаса, ўзинг ўғил туғиб ол, бекор юрмай.

Ҳусниянинг кулгиси қистаб кетди ва эрининг орқасига бир уриб қўйди.

- Эркак киши тугмайди, билдингизми?
- Ҳали кўрасан, дабдалангни чиқазмасам...
- Э, боринг-е. Мен сизни одам деб маслаҳат солсам, сиз бўлса... – деди-да, аёл эрининг ҳузуридан чопиб, аниқроғи қочиб чиқиб кетди.

* * *

Тунларнинг бир туни эди. Даладан ҳориб-чарчаб келган Ҳусния кечки овқатни аранг еган бўлди-да, жойига кириб ётдию котди.

Эри ногирон бўлганидан буён, тўғрироғи, эркаклик либосини кийганидан бери аёл алоҳида хонада ётарди. Аёлининг барвақт ётиб қолганини билган Абдукарим оҳиста унинг хонасига кириб борди-да, аёлни устига меҳр билан тортиб қўйди. Деразадан тушиб турган тўлин ой ёруғида Ҳусния худди фаришталардек сокин дам олмоқда эди. Ташқаридаги чигирткаларнинг чириллаши, аллақаяёқлардаги итларнинг узок вовуллаши гўё алла айтаётгандек оромбахш эди. «Бечора хотиним. Бунгаям кийин. Тирикчилик деб, болаларим деб, кун бўйи тинмайди. Офтобнинг тигида, даланинг захида юради», деб қўйди Абдукарим хаёлан ва Ҳуснияни силаб, пешонасидан оҳиста ўпиб қўйди.

Бу маҳалда Ҳусния ширин туш кўрмоқда эди. Тушига никоҳ тўйларидан кейинги ширин келинчаклик дамлари, кейин қизчаларининг қикирлаб чопқилашлари кирарди. Шу пайт Абдукарим пайдо бўлди. Аёл унинг қайноқ нафасини туйди..

...Белида бировнинг каттиқ кафтини хис қилган аёл тўсатдан кўрқиб кичкириб юборди.

– Қўрқма. Бу менман, – деди Абдукарим шивирлаб.

– Вой, ўлибгина қолинг! Нима қилаяпсиз, тулинг йўқолинг?!

– Соғиндим...

«Вой-вой!» деди аёл ва жонсараклик билан ўрнидан туриб кетди. Жаҳли чиқди.

– Боринг, жойингизга бориб ётинг! Қанақа одамсиз ўзи?

– Эрингман ахир.

– Эр бўлмай ўлинг. Биласиз-ку, мен энди аёл эмасман, – дея уришиб берди Ҳусния ва терс караб ўтириб олди.

Абдукарим чуқур хўрсиниб кўйди ва жимгина ўз жойига чиқиб кетди. Ҳусниянинг энди уйкуси қочди. Дастлаб эрини қаргаб, бир нималар деб гудирлаб ётди. Кечирган ҳаётлари бир-бир кинолентадай кўз олдидан ўтиб чиқди. Эриннинг қамалиши, сўнгра анави фалокат... “тавба қилдим, тавба қилдим...” – деб кўйди у хаёлан ва фарзандларининг, қолаверса, ўзининг бахтига худо эрини қайтиб берганидан шукрона ўқиди. «Бечора эримга-ям қийин. Чўлокми, сўпоқми, нима бўлсаям қизларимнинг отаси, эркак киши-ку...»

Эрига раҳми келди. Ҳозиргина ҳайдаб солганидан афсусланди. «Хафа қилиб кўйдим, шекилли» деди у ўзича ва ўрнидан туриб оҳиста эрининг олдига борди-да, ёнига кириб, тескари караб ётиб олди.

* * *

Яна ерни тайёрлаш ишларига қизғин киришиб кетилди. Бир ёғи тўйга ҳам тайёргарлик кўрмоқ керак. Хонзодага сеплик ва яна майда-чуйдалар сотиб олиш зарур бўларди. Шу туфайли ерга ишлов бериш ишлари тамом бўлгач, қолган супургиларни “ҳарна” деб юк машинасига ортиб Тошкентнинг Қўйлик бозорига олиб боришга қарор қилишди. Айтишларича, у ерда улгуржи харидор кўп эмиш. Россия, Қозоғистонга кетаётган юкчилар «ассортимент» учун яхши нархга сотиб олишармиш.

Қиш кунларининг бири, лекин ҳаво унчалик совуқ эмасди. Қор ҳам ёғмади. Тошкентга Ҳусния билан Гулзода машина кабинасида бирга кетишди. Супургиларини сотишади-да, унинг пулига катта бозорга ўтиб Хонзодага сеплик ва уст-бош қилишади. Ўзларига ҳам ул-бул сотиб олишади. Машина то мол сотилгунига қадар улгуржи бозорда турадиган бўлди.

Харидорлар бир-бир келиб юкни кўриб кета бошлашди. Ле-

кин улгуржи оладигани ҳа дегани келавермади. Баъзан хари-дорлар уйларига бир-иккитидан олиб туришди. Супургиларга доналаб бир нарх, улгуржига арзонроқ нарх белгилаб олишди. Албатта, йўл ҳақи, жой ҳақи ва кундалик харажатларини ҳам ҳисобга олишди.

Келинг, улар супургини сотиб туришсин-да, биз гапни бошқа томонгаларгаям бир оз бурайлик. Қўйлик бозори «қочиб кетмас...»

Еттинчи боб

ШАҲАРЛИК ШАҲЗОДА ҲАҚИДА “ЭРТАК”

Бор экан-да, йўқ экан, айнаи ўша замонда, Юнусобод томонда, «Интерконтиненталь» деб аталмиш меҳмонхона рўпарасида тўққиз қаватли уй бор экан. Тўққиз қаватли уйнинг тўққизинчи қаватида бир аёл ёлғиз ўғли билан эл қатори ойлик маош ҳисобига истикомат қилишаркан. Аёлнинг исми Ойбаҳор, ўғлиники Элбек экан.

Элбек шу хонадонда, мана шу тўққиз қаватли «одам катакда» туғилиб вояга етибди. Мактаби ҳам ёнида, ўқиши ҳам бир кадам, яъни Алоқа институтида ахборот технологиялари соҳаси бўйича билим олиб компьютерларни «гапиртирворадиган уста» бўлиб етишибди ва ўқишни тамомлагач, рўпарасидаги Миллий банкка ишга кирибди. У умри бино бўлиб мана шу маҳалладан ҳеч ёққа чиқмабди ва дунё фақат шу катак-катак тўртбурчак уйлاردан иборат деб биларкан. Бор-йўғи йигирма чакирим километр нарида бепоён далалар, гўзал боғу бўстонлар, кишлоклар борлигидан ҳали беҳабар экан. Чунки унинг онаси ҳам шунақа қаватда кўз очган бўлиб, ёнидаги мактабда ўқитувчилик қиларкан ва ўғлига «дунё фақат мана шу катаклардан иборат» қабилида тарбия қилган экан.

Лекин Элбекнинг ёшлигида ўтиб кетган отаси асли қишлоқдан, яъни водий томонлардан бўлган экан. Ойбаҳор у билан

Педагогика институтда бирга ўқишиб турмуш қуришибди ва эри уларникида ичкуёв бўлиб қолиб кетибди. Бироқ машъум касаллик уни ёш ўтиб кетишига сабабчи бўлибди. Ойбаҳор бошқа турмушга чиқмабди. Ўғлини эъзозлаб катта қилибди. Уни ҳайвонот боғига олиб борибдию, эрининг аждодлари ўтган қишлоқ томонларга олиб боришни хаёлига ҳам келтирмабди. Ойисининг гапига кўра, қишлоқ дегани бу боланинг тасаввурида доимо чанг, лой, ҳайвонларнинг тезағи, бактерия ва микроблардан иборат ифлос жой эмиш. У ерда одамлар ҳамиша ночор, офтоб тигида қорайган, қўллари дағал ва каварган, ношуд ва касалванд бўлармиш. Отаси ҳам касалликни ўша ёқдан орттириб келганмиш. У ёқда сувараклар сичкондай, сичқонлар каламушдай, каламушлар мушукдай, мушуклар эса итдай бўлармиш. Боланинг «Итлар-чи?» деган саволига она «Эшакдай» деб жавоб берибди. Бола эшакни ҳайвонот боғида кўрган экан ва хаёлотида бир умр ўша эшакдек итларни, итдек мушукларни, мушукдек каламушу, сичкондек суваракларни кўриш орзуси билан яшабди.

Негадир умр бир оғиз сўрамасдан тез ўтиб кетибди ва онага тобе болакай бир зумда уйланиш ёшига бориб қолибди. Она унга онаси ўпмаган, супургидек мулойим, ҳақ-ҳуқуқини унчалик тушунмайдиган, содда ва беозор келинни тоза ахтарибди. Лекин қатта шаҳардан бунақасини тополмабди. Йигитнинг ёши эса ўтаверибди. У кўзойнак такиб, хотин ўрнига компьютерига маҳлиё бўлиб ўтираверибди. Туну кун мониторинг «жамолига» тикилиб қуёш кўрмай оқариб, терак кўрмай бўйига бўй кўшиб ўсаверибди. Лекин қизлар билан танишиш, ўзига муносиб қаллик танлаш фикри хаёлига ҳам келмабди. Кўчадаги европача шим кийган жононлар, киндиги очик ёки сочи бўялган, қирқилган, маникюр, педикюр ва хоказолар қилинган гўзаллар унга сохта моникен каби кўринар, баъзан тасодифан учратиб қолган миллий либосдаги сочи узун қизлар ортидан эса ҳайрат билан боқиб қолармиш.

Нихоят, она ўғлининг қалбидаги ҳиссиётини ҳис қила бош-

лабди. «Нима бўлсаям наслига тортар экан-да» деб ўйлабди у ўзича. Шу туфайли энди ўғлининг, қолаверса, ўзининг орзусидаги қизни учратиш пайида бўлибди. «Демак, унга кишлоқи қизлар ёқади» деган хулосага келибди у. Қишлоқлик ва айнан ота юртлик қизлар «Қўйлик» бозорига кўп келишларини у жуда яхши биларкан. У энди ҳар якшанба кунлари харажат қилиш баҳонасида Қўйликка борадиган бўлибди.

Кунлардан бир куни унга супурги керак бўлиб қолибди ва машина атрофини мулойим супураётган, соч-кокиллари узун, бошига ироқи дўппию эгнига атлас кўйлак-лозим кийиб олган Гулзодага кўзи тушиб қолибди. Унинг ҳаракатларини, харидорларга қилаётган хушмуомаласини, табассумли боқишларини узоқ кузатиб, лол қолибди.

«Элбекка шу қизни кўрсатсаммикан» деб ўйлабди аёл ва машина ичкарисига қараб ҳали сотиладиган супургилари кўплигига, ўғлига бемалол кўрсатиб улгуришига амин бўлибди. Албатта, супургидан ҳам сотиб олмоқчи бўлибди.

— Ассалому алайкум, келинг, опагон. Мана, супургимни бир кўринг. Ёкса, пул бермасангиз ҳам майлига. Булар шундай мулойим, шундай юмшоқки, гиламларингизда гард қолдирмайди. Булар табиий чангютгичнинг ўзи, — деди Гулзода ўта хушмуомалалик билан.

— Қаердан опкелдинглар?

— Фарғонадан, ўз еримизда етиштирганмиз. Буларни ўз кўлларим билан боғлаганман, опагон.

— Вой “опагон” деган тилларингизга қоқиндик. Ҳали бу ерда кўп турасизларми-а?

— Билмадим, улгуржи харидор келиб қолса сотамизу кетамиз. Нима эди?

— Менинг ўғлим ҳам шунакасидан улгуржи олмоқчийди-де. Уйларида яна борми?

— Ҳа, бор, кўп керакми?

— Ҳа. Манзиллингизни ёзиб бера оласизми, қизим?

– Майли, – дея қиз қоғозни қоралаб берди.

Унинг ёзуви ҳам ўзидай жуда ҳушрўй эди.

– Бўпти, мен ҳозир ўғлимга қўнғирок қиламан, хўпми, – деди Ойбаҳор ва ердан бир қимматбаҳо нарса топиб олгандек севи-ниб холпиллаб жўнаб қолди.

– У хотин нималар деди? – деб сўради бериқда музқаймоқ ялаб ўтирган эрлибосли Ҳусния.

– Улгуржи олармиш. «Уйларингда яна борми?» деб сўради. Мен «бор» деб манзилимизни ёзиб бердим.

– Э, аҳмоқ қиз. Нега ундай дейсан? «Бори шу, олаверинг» демайсанми, ё мени чақирмайсанми? Бу шаҳарда ҳар кимга-ям манзилни бериб бўлмайди. Фирибгарлар тикилиб ётиб-ди. Бошқа бунақа қилма! – дея уришиб берди онаси эркакча важоҳат билан.

– Хўп бўлади, ойижон, – деди қиз хижолат бўлиб.

Ойбаҳор телефон орқали ўғлидан тез етиб келишни талаб қилиб, ўзи уни бозорга кираверишдаги ерости йўлаги олдида бетоқат кутиб турди. Ниҳоят баркашдек кўзойнак тақиб олган теракдек ўғил катакдан чиқиб келган хўроздай динкайиб пайдо бўлди.

– Вой, келдингми ўғлим. Бўйларингдан ўзим ўргилай. Ҳозир шу ерда бир қизни кўрдим, ой десанг ойдек, худди музейдаги кўғирчоқнинг ўзгинаси, – деди аёл ўғлининг сочларини, кўйлак ёқаларини эпақага келтирар экан. – Бир бориб кўргин-а...

– Қаерда?

– У супурги сотаяпти, улгуржи бозорда.

– Шундай кўриб кўйсам бўлдимми?

– Йўқ, сен ундан супурги сотиб ол, яхшилаб гаплаш, исми-ни сўра. Ишқилиб, кўнглингга ёқса, кейин у ёғини суриштириб кўраверамиз-да. Юрақол, болам.

– Йўғ-е, жа ноқулай-ку...

– Вой, нега уяласан. Бу ер ахир бозор-ку. Мен бир четда қараб тураман. Сен ундан уйимизга супурги сотиб ол, хўпми?

Йигит каловланиб тўғри қизнинг олдида борди-да, хода ют-гандек бир оз қотиб турди. Сўхтаси совуқ дароз йигитнинг бундай туришини кўриб Гулзода бир оз таажжубланди.

– Келинг, акажон, супурги керакми?

– Ҳа, ойим сиздан супурги сотиб олишимни тайинладилар.

– Вой, мени танирканларми?

– Билмасам. Ўзлари ҳув анави ерда турибдилар.

Қиз ўша томонга қаради, лекин ҳеч қандай таниш аёлга кўзи тушмади.

– Сиз, ҳалиги, музейдан келдингизми? – сўради дабдуруст-дан.

– Қанақа музей?

– Ойим сизни «қўғирчоқдек» дедилар-ку!

– Ойингизга айтинг, бекорларнинг бештасини айтибдилар.

Супурги олмасангиз боринг, бошимни оғритманг!

– Йўқ, супурги оламан.

– Э, тўхтанг, сиз ҳалиги опанинг улгуржи оладиган ўғлимисиз?

– деди у хурсанд бўлиб.

– Йўқ. Менга бир дона керак, холос.

Қиз бир дона супургидан узатди.

– Марҳамат, олинг, – деди ва йигитнинг қўлига тутқазиб қўйди. Йигит пул узатди, у қайтимини берди.

Шу билан гўё эртак тугагандек туюлди. Лекин қаҳрамонларнинг мурод-мақсадига етишиш учун ҳали анчагина бордек эди.

...Ойбаҳор ўғлининг атрофида гирди капалак бўлди:

– Хўш, ўғлим, қўғирчоқ ёқдимми?

– У қўғирчоқмас, тирик одам экан-ку!

– Э овсар, сен ахир шунақасини хоҳлайсан-ку!

– Олиб берсангиз, олавераман, – деди Элбек илжайиб.

– Бўпти, мен унинг манзилини олволганман. Бориб бир уйлари-ни кўриб келамиз. У қайси бир қишлоқда яшаркан.

– Қишлоқ деганингиз узоқми?

– Узоқ. Узоқ бўлгани яхши-да, келин ҳадеб уйига кетиб қолавермайди. Айтмоқчи, исмини сўрадингми?

– Йўқ.

– Вой-вой, ахир уни қанақа қилиб топамиз? Бўлмаса, сен шу ерда туриб тур, мен бориб яна битта супурги оламан-да, исмини ҳам билиб келаман.

Аёл холпиллаб борганида Гулзода сув сотиб олгани кетган, ўрнида «мўйсафид» Ҳусниддин ака турарди.

– Ассалому алайкум, отажон. К-кечирасиз супургингиз неча пул?

– Нечта оласиз, айланай, – деб юборди Ҳусния «эркак»лиги ёдидан кўтарилиб.

– Б-битта, – деди Ойбаҳор ҳайрон.

– Мана, айланай, ўзимизнинг томорқада битган-да.

– Сиз ҳалиги... бу ерда бир қиз...

– Ҳа, Гулзодами, ҳозир келади.

«Демак, исми Гулзода экан. Лекин бу киши нега аёлга ўхшайди, тавба» деди-да, супургининг пулини бериб ҳайрон жўнаб қолди.

– Отаси ғалати экан. Қизнинг исми Гулзодамиш.

* * *

Йигит уйга келгач «Гулзода» сўзини компьютерга ёзиб қўйди. «Қани энди у қизнинг сайти бўлсайди. Ҳар куни интернет орқали гаплашиб турардим» деди йигит хаёлан ва қўлидаги супургини олиб чуқур хидлаб қўйди. Супургидан этни жимирлатувчи аллақандай гиёҳ хидлари уфуриб турарди. Бу кишлоқ ҳиди эди. Йигит супургини шундоқ компьютернинг тепасига, деворга илиб қўйди ва баъзан унга қараб ширин суҳбат курадиган, орзуларга бериладиган бўлди... Супургига бир гул ҳам қистириб қўйди.

Шундай қилиб, яна кунлар ўтаверди. Лекин Ойбаҳор ҳам, Элбек ҳам Қўйликқа неча бор боришмасин, Гулзодани бошқа

учратишмади. Элбек ҳатто интернет сайтига кириб «Қишлоқ» «Гулзода» деган сўровномаларни ҳам бир неча бор бериб кўрди.

Лекин ҳеч қандай жавоб топа олмади. Энди у гул тақилган супургига караб узоқ термулиб ўтирар, ҳатто ойисининг овқатга чақирганини ҳам баъзан эшитмай қоларди. Ойбаҳор эса, бу пайтда унинг қулоғида плеер бўлса керак, деб ўйларди.

— Ҳой, сенга айтаяпман. Қулоғингдагини олиб ташла-е! — дея бақирди у кунлардан бир куни. Лекин унинг қулоқларида ҳеч нима йўқ эди. Элбек озиб-тўзиб кета бошлаган, энди компьютерга эмас, балки супургига узоқ термулганича ўтирадиган одат чиқарди.

Она унинг ички изтиробини тушунди. Демак, ўғли ўша қизни ёктириб қолган. Уни албатта топиши керак. Яккаю-ёлғиз ўғлини, нима, бахтли қила олмайдими? Албатта, бунинг учун бор-будини аямайди.

— Ёз келсин, сен ҳам, мен ҳам меҳнат таътилини оламизу, қишлоққа кетамиз. Ўша қизни албатта топамиз, ўғлим. Кўп сиқилаверма...

* * *

Баҳор келди. Хусниялар қишдан яхши чиқишиб олишди. Бировга зориқишмади. Тўйга ҳам яхши тайёргарлик кўришиб, баҳоли қудрат Хонзодага сеп тайёрлашди. Қуда томон одамлари «Кўп нарса олиб юрманглар, уч-тўртта кўрпа-ёстик бўлса бас, бошқа нарса керакмас» дея неча бор айттириб юборган бўлишларига карамай, сандиқ, оромкурсию диван, жавонларигача ҳам олиб беришди. Экин-тикин ишлари бошланмасдан тўйни ўтказадиган бўлишди.

Айни баҳор ўз тароватини оламга кўз-кўз қилаётган маҳали Хонзода билан Севдиёрларнинг тўйи ўтди. Куёв томон тўй юкини етаридан зиёда қилиб жўнатди. Абдукаримнинг синфдошлари яна отдай терлашиб, итдай яйрашди. Қоракалпок куёв думбасини кўтаролмайдиган ҳисори кўйни тўёна қилди.

Келин бориб тушган хонадон эса европача қурилган, янги, ҳашаматли уй экан. Хонзода ана шу уйнинг маликасига айланди. Шундай қилиб, Ҳусния иккинчи қизидан ҳам кўнгли таскин топди.

* * *

Ажратилган ернинг икки гектарига аввалгидек шоли, учинчи гектарига, қолаверса, ўзларига берилган тут қаторларига ҳам супурги экишди. Ҳисобига кўра ҳар икки гектардан саккиз тонна ҳосил олиб, ваъдага кўра олти тонна шоли ҳосили хўжалик омборига топширилиши керак. Шу туфайли экилган ҳар гектар ердан камида олтмиш центнер ҳосил олишга тўғри келарди. Ортиғи бўлса ўзларига қолади.

Бу, албатта, ўзи бўлмайди. Шунинг учун маҳалладан уч-тўрт нафар ёшларни ҳам ишга ёллашди. «Демак, раис ҳақ, катта ҳажмдаги иш кўп қўл кучини талаб этаркан» деган хулосага келди Ҳусния. Унинг фикри-хаёлидан янги фермер хўжалиги ташкил қилиш гояси сира кетмай қолди. Ҳозир хўжаликнинг ишлари яхши эмас, режалар аранг бажариляпти. Чунки унинг хўжайини кўп. Ҳеч ким хўжалик мулкига нисбатан масъулиятни ҳис қилмайди. Фермер хўжалиги бўлса-чи, у ерда оилавий ишлайсан, яхши-яхши кадрларни ишга ёллайсан. Ҳеч ким бекор кун ўтказмайди. Туну кун астойдил меҳнат қилади.

Ҳусния ўтган йили хўжалик ҳам ўз ерларига шоли экканидан хабардор эди. Сўраб-суриштира, у ерда бор-йўғи гектаридан йигирма саккиз центнердан ҳосил олинбди, холос. Қилинган харажат даромад билан аранг «учма-уч» бўлибди. Улар эса етмиш центнер олишди. Ўшандай ер, ўша ҳаво, ўша сув. У ерда факат масъулият бўлмаган. Ҳеч ким ўзини фидо қилгиси келмаган. Чунки у колхоз шолиси-да... «Демак, колхозлар энди ўз-ўзини эплай олмайдиган, даромади сушт ташкилотларга айланиб қолди. Бу дегани фермерликнинг ривожини аниқ» деди Ҳусния хаёлан.

У кечагина уруғ экилган шолিপоя бошида ўтираркан, хаёллари энди оилавий ташвишлар билан эмас, балки юрт тараққиёти ҳақидаги ўйлар билан банд эди.

* * *

Ўша кунларнинг бирида бир воқеа содир бўлди. Шолипоя бўйидаги чанг йўлдан бир бегона «Жигули» ўтиб тўхтади ва шимини шимариб олиб сувларни тараётган, Ҳусниядан «Ҳой акажон, Гулзода деган қизни қаердан топсак бўлади?!» дея қичқириб сўради бир олифта аёл. «Қизиқ, овози танишроқми? Бу аёлни қаердадир кўргандекман» деган ўйга борди у.

– У қизда нима ишингиз бор?!

– Ишимиз бор-да. Ҳалиги, нимайди, супурги керак эди!

– Супурги ҳали пишгани йўқ-ку!

– Нималар деяпсиз, супургини пишириб бўларканми?! – деди аёл ажабланиб.

– Ана кўринг, ҳали сал бор-да, – деди Ҳусния супургипояни кўрсатиб.

Аёл жуда олифта бўлиб, эгнига спорт кийимини кийиб олган, рулдаги йигит эса шортикда эди. Улар супургипоя томон қараб, бир оз анграйиб туришди.

– Ойи, супургиниям экишадими? – деб сўради йигит чиндан ҳайрон бўлиб.

Ҳусния уларни Тошкент бозорида учратганини эслади ва олдиларига борди.

– Ассалому алайкум. Келинглари!

Меҳмонлар ҳайрон бўлиб Ҳусниянинг афт-ангорига қарашди.

– Шу ер кишлокми? – деб сўради Элбек тўсатдан.

– Йўқ, бу ер дала.

– Ҳозир бордик-ку, ҳалиги қинғир-кийшиқ уйлар. Ўша ер кишлок-да, – деб жавоб берди онаси Ҳусниянинг ўрнига.

Йигит синчковлик билан ариқ бўйидаги қамишлар ва улар орасида ўрмалаб юрган ҳар хил қурт-қумурсқаларни ажабланиб

кузата бошлади. Шу маҳал бир курбақа «шап» этиб ўзини сувга ташлади. Йигит бир чўчиб тушди.

– Ойижон, курбакани кўрдим, у сувда сузаркан, каранг!

– Қанақа бақа? – деб сўради Ҳусния ҳам йигитнинг ўта соддалигидан беҳабар.

– Э қўяверинг. Сизни бозорда кўрганман-а, тоғажон? – деб эслатди Ойбаҳор.

– Ҳа-ҳа, эсладим, ўргилай...

– Ўшанда мен сиздан аввал Гулзода билан гаплашган эдим-да.

У киз кимингиз бўлади?

– Қизим.

– Вой, унда онаси қаерда? Онасида ишим бор эди-да.

– Онасиям ўзимман.

– Ҳе-хе-хе, ҳазилкаш экансиз, ака. Нега бўлмаса эркакча кийиниб олдингиз?

– Ўзингиз-чи? Ахир, буниям эркаклар кияди-ку! Ўғлингиз бўлса кизларнинг иштонини кийиб олибди.

– Бўлиши мумкин. – деди Ойбаҳор баҳслашиб ўтиришни ўзига эп кўрмай. – Демак, сиз онасимисиз?

– Ҳа.

– Унда гаплашволишимиз керак. Айтмоқчи, Гулзода кизингиз ҳозир қаерда?

– Ҳув ана, шолিপоя ичида, ўтоқ қилишаяпти.

Йигитнинг кўзлари ўша томон тикилиб, қувончдан порлаб кетди:

– Ойижон, майлими мен ўша ёққа бориб келсам?!

– Э йўк. Ҳаммаёк сув-ку, овсар. Шамоллаб қоласан, кейин ревматизм бўласан.

– Анави кизларга ҳеч нарса бўлмай юришибди-ку!

– Қаёқдан биласан? Эҳтимол, касалдир улар.

– Мана мен ҳам кун бўйи яланг оёк сув кечиб юраман. Лекин ҳеч қандай шикоятим йўк. Йигитни бекорга койияписиз.

– Ана, эшитдингиз, – деди йигит ва тезда кроссовкаси ва пайпоғини ечиб ўзини шолипоя ичига урди.

– Хой, қаёкка? Сувда зулук бор-а, чакиб олади.

Йигит шолиноя ичига кириб, бир оз тўхтади ва теварак-атрофга завкланиб қаради.

– Ойи, мазза экан, суви илиқ, балиқчалар юрибди. Ана оёғимни чакишяпти. Шундай ёкяптики!..

– Вой, шўрим! – деди Ойбахор юрагини чангаллаб. Хусния бўлса уни суяб қолди ва ариқда оқаётган сувдан ҳовучлаб олиб келиб юзига сепди. Бирок аёлнинг кўзлари олайиб кетди.

– Вой-вой, нима қияпсиз?! Ахир, у ифлос сув-ку, бактерияси бор! – дея кичқирди у ва юзини рўмолчаси билан шоша-пиша артиб олди. Аммо буёк-сурмалари бўялиб кетиб, афти беўхшов ҳолатга кириб қолганидан бехабар эди.

– Қанақа бактерия? У нима дегани? Биз аммиак оқизаяпмиз, холос. Бу захар ҳар қанақа микробни ўлдирвораяпти.

Бу сузларни эшитган Ойбахорнинг кўзлари юзасидан чиқяёзди ва сумкасидан тез нам салфетчасини топиб артди кетди. Элибек жа завкланиб: «Эх-хе!» дея хайкириб шолини кетиб қизлар томон борибди.

У дунёнинг кети кетганлари, мана шундай аjoyиб қишлоқ ва дунёнинг бариқчилиги илк бор ўз кўзи билан кўраётганди. Харақатланиётган ҳар хил жонивору ҳашаратлар, курту-кумурскаларни учратар ва ҳатто уларни қўли билан ушлаб қуриб, қанчаларки ўз кўзи билан ариқда чиқиб, ўзгача олам кашф қилганда эди. Эҳтиёт қилиб қурбонлардан бирини ушлаб қафтига қўйганда аjoyиб қушларига бир нигоҳ ташлаган эди ҳамки, бахт «Э, нима!» дегандек «шан» этиб ушқи суяга отди. Қалташган, қалқоғатга эли ҳайрат билан тикилар, тепасида турли қушларнинг қурулганов, мол-қушларнинг маъраши, шошанинг ҳаётларини оғанин қанчаларки уни тўғ узга олам отушига олиб бориб қўйганлиги.

«Эҳтиёт, эҳтиёт! Қушларнинг бор қили бўлса... Шу пайтга қадар оғанин қанчаларки ўз қўли билан қўйиб қўйганлиги? Ахир, ҳақиқий ҳасел, мусалффо ҳамо, заррин қуш эртақларда эмас, ҳақиқатда

ҳам бор экан-ку! Мен уларнинг фақат суратларию ўйинларини кўрардим. Улар фақат мультфильмларда бўлади, деб ўйлардим. «Элбек, мана сенга ҳақиқий ҳаёт, озодлик, гўзаллик! Келгину яшайвер!» — деди у ҳаёлан ўз-ўзича ҳайқирган бўлиб.

Айниқса, у шолিপояни кечиб бориб Гулзодани учратгач, алланечук бўлиб кетди. Кўғирчоқдек шу гўзал кизга уйланиб, бир умр шу ерларда яшашни орзу қилди. «Эҳ, қани энди ойим ҳам шу ёкка кўчиб келишга рози бўлишсаяди, — деб кўйди у афсусланиб. — Отамни қишлоки, далада ўсган тўпори одам, дердилар. Демак, менинг ота жойим шу ер экан-да. Мен ҳам отамнинг юртида яшасам нима бўпти? Қачонгача онамнинг гапига кириб юраман? Ахир, энди катта йигит бўлдим. Ўз ҳаётимни энди ўзим ҳал қилишим керак эмасми? Ҳа, шундай қиламан. Бу ергаям компьютер ўрнатиб оламан-да, ойим билан керак бўлса интернет орқали гаплашиб туравераман».

Бу Элбекнинг қатъий қарори эди ва шу маҳалда бу қарордан уни ҳеч қандай қуч қайтара олмасди.

* * *

Элбек Ҳусниянинг оила аъзолари билан тез чиқишиб кета олди. Унинг ўта соддалиги, ёш болалардек кизиқувчанлиги, тиришқоклиги, қувноқ ва ёқимтойлиги туфайлими ёки Абдукаримнинг ўғли бўлмаганиданми, уни ёқтириб қолишди. У ўзини гўё болалик пайтида кўрмаганларига гўё энди тўсатдан дуч келиб қолгандек тутар, билмаган, ҳали ўрганмаган оддий нарсаларни сўраб-суриштиришдан чарчамасди.

...Ҳусния аёлини чайлага бошлаб борди ва тагига янги кўрпачалар солиб ўтиришга таклиф қилди. Аёл миясига қишлоқ ва дала — «антисанитария жойлар» деган тушунча сингиб кетгани учунми, ўзини жуда ноқулай ҳис қилар, хавфсираб сўрининг бир четида омонат ўтирарди. Лекин ҳавонинг тозаллиги, ям-яшил далалар ва чайла олдида экилган анвойи турфа гуллар бўйидан баҳраманд бўлаётгани учунми, ҳарҳолда ўзини жуда енгил ҳис қилаётганди.

Абдукарим меҳмон билан салом-алик қилиб, ўзи хужра ичига кириб кетди. У тушлик ҳозирламоқда эди. Шу туфайли аёлларнинг гап-сўзлари унинг қулоғига ҳам бемалол етиб борарди.

– Бу ер сизларнинг дачаларингизми?

– Йўқ, бу ер иш жойимиз.

– Идораларинг каерда?

– Идорамиз ҳам шу ер, – деди Хусния чайлага ишора қилиб.

– «Ужас», – деб қўйди аёл кошларини чимириб.

– Бу нима деганингиз?

– Буми, ҳалиги, нимайди, совсем уже забыла.

– Касбингиз савдогарга ўхшамайди.

– Ҳа, мактабда ўқитувчиман. Ўзбек тили ва адабиётдан дарс бераман.

– Унда нега ўзбекчани бузиб гапираяпсиз?

– Э, узр. Эсимдан чиқибди. Привыкла.

Хусния кулиб юборди.

– Ўғлингиз-чи?

– У компьютерчи мутахассис, институтни тамомлаган. Банк-да ишлайди.

– Эҳ-ҳе, ростданми? Унда нега оддий қурбақаниям билмайди.

– У умуман кишлок, далага ҳечам келмаган. Шаҳардан ташқарига биринчи бор чиқиши-де.

– Ҳа. Анчагина содда экан.

Абдукарим томоғини кирди. Бу «чой тайёр» дегани эди. Хусния ичкаридан бугдой нон ва чой олиб чиқди, янги қаймоқ қўйиб, нонни синдирди. Аёл нонни кўриб хайрон бўлди.

– Намунча қоп-қора? Ё сизларда канд касали борми дейман?

– Йўғ-е, худо сакласин. Бу ўзимиз етиштирган бугдойнинг тегирмонда торттириб келган унидан пиширганимиз-да. Тандири-миз ҳам хув ана. Гулзода саҳар туриб ўзи ёпади.

Аёл нондан озгина синдириб еб кўрди ва кўзлари мулойим сузилди:

– Ҳа-а, жуда мазали, таъми бошқача экан.

– Қаймоққа ботириб енг.

Аёл шундай қилди, ё очикқан эканми, унинг таъми жуда тот-ли туюлди.

– Демак, сизларга супурги керакми?

– Э йўқ, – деди Ойбаҳор қаймоққа навбатдаги нонни текки-заркан, – Гапнинг тўғриси, супурги баҳона бир дам олиб кетай-лик, дедик-да. Менинг қишлоқда танишларим йўқ. Ўғлимнинг отаси қишлоқлик бўлган, лекин мен ҳечам келмаганман. Унинг қавм-қариндошлариниям яхши билмайман.

– Эрингиз қаерда?

– Раҳматлик эрим Элбек уч яшарлигида касалликдан қазо қилганлар. У киши пединститутда ўқирдилар. Бизникида ижа-рага туришарди, – дея салмоқланиб гап бошлади Ойбаҳор ва кўзларига дувиллаб ёш келди. – Кейин у киши аспирантурада қолишди. Биз турмуш қурдик. Бизникида ичкуёв бўлиб қолишиб ўқишни давом этдирдилар... Лекин Элбеюжон туғилганидан кейин бир дарди бедаво касалга чалиндилар. Мен унинг касал-лигини қишлоғидан деб ўйлардим. Шунинг учун доим боргани кўрқардим.

– Вой нега?! – деб юборди Ҳусния таажужublаниб.

– Эрим ўшанда бир таътил олиб қишлоққа бориб қари онам-ни йўқлаб келайин дедилар. Мениям “юринг” деганди. Ўша кун-лари мазам йўқ эди, кўнмадим. У қишлоққа бориб велосипедда тоза далаларни айланибди. Кейин устидан самолёт бир неча мар-та дори сепиб ўтганмиш.

– Нима, қочмабдимми?

– Айтишича, бир синфдош ўртоғини учратиб қолганмиш. У ўртоғи ўша самолётнинг йўналишини белгилаб турадиган сиг-налчи экан. Далага сигнални суқиб қўйиб, ўзлари улфатчилик қилишаверибди. Ўртоғи кўп балиқ тутган экан. Зовурда балиқлар тўнтарилиб ётганмиш. Кейин балиқ шўрва қилишиб ичишибди. Бир талайини олволибди ҳам.

– Кейин балиқдан заҳарланибдимми?

– Билмадим. Кун иссиқ экан. Балиқ роса чанкатибди. Бир жойда чидай олмай ариқ сувидан тўйиб ичиб олган экан. Кайфи бўлган-да, – деди Ойбаҳор йиғламсираб.

У эри ҳақидаги оғир ҳикояни яқунлар экан, кўз ёшларини артиб, чуқур хўрсиниб қўйди. Ҳусния дастлаб бачкана кўринган бу шаҳарлик аёлнинг калбида ҳам чуқур дард борлигини ҳис қилди. Унга раҳми келди. “Худога шукур, менинг эрим соғ қолди. Болаларимнинг бахтига ишқилиб омон бўлсинлар” деб қўйди у хаёлан.

– Ўғлим ҳадеб кишлоққа олиб боринг, деб тихирлик қилаверди. Қизингизни менда ёзиб берган манзили бор эди. Таваккал қилиб келавердик.

– Яхши қилибсизлар. Ўғлингиз неча ёшга кирган ўзи?

– Бу йил йиғирма олтига киради. Меҳнат таътилимизни олдиғу, саёҳатга чиқдик. Уни отасининг қишлоғига ҳам олиб бормокчиман. Барибир ота қони тортар эканми, қўймай туриб олди-да.

– Тўғри қилибсиз. Ўғлингизнинг билими канақа, билмадиму, лекин анчагина содда экан.

– Йўқ. У жуда билимли. Математика, физика, электроникани сув қилиб ичиб юборган, факат оддий нарсаларни ўрганишга вақти бўлмаган, холос, – деди аёл қулиб. – Ҳозир кишлоқдан ўтиб келаётгандик, бир жойда, халиги нимайди, лой коришиб, уни юмалоқ-юмалоқ қилишаётган экан.

– Гувалами?

– Ҳа-ҳа гуваладир-да, ўғлим машинани тўхтатиб тушиб, уларни бир соатча оғзи очилиб томоша қилса бўладими. “Оққуш” балетиниям бунчалик қизиқиб кўрмаганди, хайрон қолибман, нимаси қизик? Бир вақт карасам у ҳам лойга тушмокчи, уришиб бердим. Бир жойда ўтин арралаб, ёришаётган экан. «Тўхтаб, кўрайлик» деб туриб олса денг...

– Демак, ўғлингиз ҳамма нарсани билишни истаркану, лекин сиз буни хоҳламас экансиз-да.

Набижон Ҳошимов

– Ҳа, оддий нарсаларни билиб нима қиларди, вақтини кетказиб. Ундан кўра компютери билан дунёни ўрганса бўлади-ку.

– Ойижон, манавини қаранг! – дея шу пайт қичқирди Элбек.

Унинг бир қўлида бир даста турли гуллаган ўт-ўланлар, бир қўлида эса узун илонни осилтириб олганди.

Уни кўриб Ойбаҳорнинг кўзи косасидан чиқиб кетаёзди: «Войдод! Ташла уни!» Абдукарим ичкаридан чиқиб йигитнинг қилаётган ишини кузатиб кулиб турарди.

– Ойижон, буни уйга опкетайлик, боқамиз.

– Вой, йўқот деяпман тез! Бу бола ишқилиб мени жинни қилиб қўймасайди. Қўйиб юбор, деяпман сенга!

Лекин йигит келаверди. Онаси кўркқанидан ялангоёқ тупроқли машина йўли томон қочиб қолди. Оёқлари иссиқ ва майин тупроққа бежалди.

Йигит илонни зовур томон ирғитди ва жилмайиб етиб келди-да, қўлидаги дастани ойисига тутқазди.

Ойбаҳор уларни ҳидлаб кўнгли хотиржам тортди.

– Оёқларингни тез ювиб, пайпоғингни кийиб ол, касал бўлиб қоласан.

– Э йўк, тупроқ иссиқ экан-ку.

– Ҳа, мазза экан. Бор, тоғанг билан сўрашиб чиқ.

Элбек ҳужра ичига кириб пиёз тўғраётган Абдукарим билан қўл бериб сўрашди ва унинг ишларини кузатиб ўтирди.

– Ҳа, йигит, шолিপоя қалай экан?

– Зўр! Ойим илгарироқ шунақа жойлар борлигини менга айтмаган эканлар-да.

– Отангиз-чи?

– Адам болалигимда ўтиб кетганлар. Улар асли сизлардақа қишлоқлик бўлишган эканлар.

– Қайси қишлоқдан?

– Олтиарув бўлса керак.

– Олтиарикми? У катта туман, қишлоқлариям кўп, ё марказиданми?

– Билмадим, ойим биладилар.

Шу пайт йигитнинг кўзига ёш кела бошлади. Абдукарим кулиб сўради:

– Нима, ҳали отангизни эслаб йиғлаяпсизми?

– Э йўқ, пиёз...

– Ойингизни олдига борақолинг бўлмаса, кейин гаплашамиз.

– Йўқ. Мен ҳам сизга қарашиб юборай, бирор хизмат борми, тоға?

– Бўлмаса, ўчоққа ўт ёқа оласизми?

– Уриниб кўраман, бу осон-ку, – деди йигит.

Элбек ёниб бўлган чўғ устига ўтин-чўплардан бир-бир ташлади. У тутай бошлади.

– Пуфланг, – деди Абдукарим.

Йигит узок пуфлади. Аччиқ тутун димоғига уриб йўталиб олди ва гулхан гуриллаб ёниб кетгач эса оловнинг ёлқинларини завқланиб томоша қилди. Абдукарим унинг қизиқишларини зимдан кузатиб кулиб ўтирарди.

Бир пайт йигитнинг кўзи токчада турган эски радиоприёмникка тушди.

– Айтадими? – деб сўради у.

– Йўқ. Бир пайтлар тепадан тушиб кетганди. Шундан бери айтмаган.

– Нега уни асраяпсиз, бўлмаса?

– Кўрсам мумтоз қўшиқлар ёдимга тушади. Уни ушлаб туриб баъзан кўшилишиб хиргойи қиламан.

– Тузатиб берайинми?

– Эҳ, қанийди. Лекин айтмаса керак, нусхаси бор, холос, бунинг.

Йигит ҳеч иккиланмай бориб приёмникни ерга олиб қўйди.

– Отвертка ёки бирор асбобингиз борми?

– Ҳа, ана пичок бор.

Элбек миллий пичокни олиб, аввал у ёқ-бу ёғини қизиқиш билан ағдариб кўрди ва тезлик билан қутисини очган эди, унинг

ичидан бир талай эҳтиёт қисмлар тўкилди. Уларни пуфлаб, тоза-лаб жой-жойига қўйиб тера бошлади.

– Отамдан қолган, – деб қўйди Абдукарим.

– Ҳа. Жуда антикварга ўхшайди. Сиз ҳам буни ўғлингизга қолдирарсиз?..

– Афсуски, ўғлим йўқ. Ҳаммаси қиз, – деди мезбон ва оғир хўрсиниб олди.

Кўп ўтмай радио тайёр бўлди шекилли, уни ўша очик ҳолатида токка улади. Ундан пишиллаган овоз чикди, яна аллақайси мурувватларини бураб, созлади. Бир пайт тўсатдан мумтоз қўшиқлардан бири янграб кетди.

Абдукарим хурсандлигидан кичкириб юборди. Судралиб бориб, Элбекнинг елкасини «Яшшаворинг!» дегандек қоқиб қўйди.

Мусиқани эшитган Ҳусния ҳам беҳад хурсанд бўлиб кетди.

– Вой, приёмнигимиз ўн йилдан бери айтмаганди-я. Ўғлингиз тузатибди, шекилли.

– Ҳа, у дазмолингизниям гапирадиган қилиб бера олади, – деди Ойбаҳор ва шу пайт келаётган Гулзода ва Паризодаларни кўриб кўзлари порлаб кетди.

– Вой, ана, менинг қизим келяпти-ку! – деди Ойбаҳор севи-ниб.

– Ассалому алайкум, келинг, опагон. Қандай шамол учирди?

– Супурги шамоли, – деди Ҳусния маъноли қилиб.

Ойбаҳор қизлар билан хурсанд кўришди.

– Сиздан олган супургини ўғлим компьютерининг устига илиб қўйган. Туну кун термулгани термулган.

Паризода шарақлаб кулиб юборди ва «ануви йигит анақарок шекилли-а?» дегандек чаккасига бармоғини қўйиб ишора қилди.

– Қанақа мусиқа бу? Магнитофон опкелдиларингизми?

– Йўқ, ахир бу ўзимизнинг эски приёмник-ку. Элбекжон уни тузатиб қўйди, – деди Ҳусния ғурурланиб.

Қизлар чоғиб ичкарига киришди. Ерга ёйиб қўйилган бир талай эҳтиёт қисмлардан қўшиқ садоси чикмоқда эди. Мусиқа тўхтади. «Тошкент вақти билан соат ўн икки. Сўнги янгиликларини эшиттирамыз» деган овоз келди.

Элбек унинг аллакаерини буради. Энди ёшларбоп эстрада кўшиғи янграб кетди. Қизлар «Ур-ра!» деб юборишди.

Бир ажойиб юртимиз бор:

Ярми пахта, ярми дон...

Хамманинг дили равшан тортди.

Муסיқанинг ўйноқи оҳанглари остида Гулзода тезда овқатга уриниб кетди. Паризода янги салат тайёрлай бошлади. Элбек ўчоқка олов ёқиб турди. Янграётган дилтортар кўшиқлар хамманинг кайфиятини кўтариб юборган эди. Тушликни бирга килишди. Энди меҳмон аёл хам атрофдаги чанг-чунглару курт-кумурсқаларга унчалик эътибор бермай қўйган, Гулзоданинг ҳаракатлари, унинг ширин муомаласига маҳлиё бўлиб колгани юз-кўзида акс этиб турарди.

Тушликдан сўнг Хусния Ойбаҳорни ўзининг шоли ва супурги пайкаллариини кўрсатгани олиб борди. Элбек эса от ва сигирни кўриб қолиб, уларни силаб-сийпалаб, олдидан кетмай қолди. Қизлар идишларни чайкашар экан, унинг ҳаракатларини масҳаромуз кузатишарди.

— Гулзода, — дея чакирди бир пайт дадаси. — Отга эгарни боғлаб бер. Меҳмон йигит бир «катайса» қилсин.

— Хўп бўлади, — деди қиз ва қозикда осиглиқ отнинг анжомларини олиб бориб уни эгарлади. Йигит унинг чиройли ҳаракатларини ўта қизиқиш билан кузатарди.

— Минаверинг, — деди қиз ишни тугатгач.

— Қанақа килиб?

— Нима, киноларда кўрмаганмисиз?

— Кўрганману, лекин...

Гулзода «мана бундоқ» деди-да, эпчиллик билан отга миғиб олиб, «Чух!» дея юганини силкитди ва уни чоптириб кетди. Элбек унинг ортидан анграйиб қараб қолди. Бир оз ўтгач, қиз қайтиб келди.

— Мана, марҳамат қилсинлар, — деди у чакконлик билан отдан тушиб.

Абдукарим ҳам қўлтиқ таёғи билан кулиб келди-да, отнинг юзига уриб-уриб қўйди.

– От жуда ювош. Қўркмай минаверинг, – деди у йигитга далда бўлиб, – чап оёғингизни мана бу ерга қўйиб чиқиб олинг, вассалом.

Элбек унинг айтганини қилди. Гулзода отнинг орқасига шапиллатиб бир уриб қўйди. От ўрнидан жилди. Элбек дастлаб мувозанатини сақлай олмай қийшайиброк ўтирди.

– Ерга эмас, тўғрингизга қаранг. Яхшилаб жойлашиб олинг, қаддингизни тутинг. Тиззаларингизни қисиб олинг... Ҳа, ана шундай, – деди Абдукарим кулиб.

Элбек завкланиб «Эҳ-ҳей!» дея қичқирди. Теварак-атроф унинг кўзларига шундай латофатли кўриниб, ҳаёт шундай жозибадор туюлдики, қалби тўла ҳис-ҳаяжон, ёшлик шуури билан тўлиб-тошди. У ўзини гўё парвоз қилаётган эркин қушдай ҳис қилар ва негадир ҳайқиргиси келарди.

– Ойи!!! – дея қичқирди у ўзини кўрсатиб қўймоқ учун. – Эҳ-хе, буни қаранг!..

Ойбаҳор узоқдан қўлини пешонасига қўйиб каради. Лекин энди уришмади. Аксинча, ўғлининг чин дилдан қувонаётганини кўриб севинди, кўнгли таскин топди. Чунки ўғли доимо жиддий юрар, компьютерга тикилиб олганча лом-мим демас, бирор марта ҳам кулмаган, бунчалик завқланмаганди. Тез орада отлиқ йигит аёллар ортидан етиб олди. У шундай хурсанд эдики, юзидан табассум ёғиларди.

– Ойи, мен таътилимни шу ерда ўтказсам майлими? Абдукарим акага қарашардим. У киши билан доим бирга бўлиб кўп нарсаларни ўрганардим.

– Вой, у киши кўнармиди? – деди ойиси ўғлини йўқотиб қўяётгандек чўчиб қошларини чимириб қўяркан.

– Мен у кишидан сўрадим, «майли» дедилар. Ўғиллари йўқ экан, ўғли бўлардим.

– Бу ерда касал бўлиб қоласан, ўғлим. Қаерда ётиб, қаерда

турасан? Кўй, бунақа фикрни хаёлингдан чиқариб ташла. Кейин бу ерда кизлар ҳам бор...

– Кизлар шийпонда ётишади. Мен тоғам билан тунайман.

– Ўғлингиз тоғаси билан чайлада қолиши мумкин, – деди Хусния ҳам йигитнинг ёнини олиб.

– Ана, эшиттийизми? Хўп дея қолинг, – деди йигит севиниб.

– Мен-чи, мен нима қиламан?

– Сиз ҳам қола қолинг, – деди Хусния кулиб.

– Э йўқ, ўз уйим – ўлан тўшагим. Мен кета қоламан.

– Бўлмаса, мен сизни уйга ташлаб, компьютеримни ола келаман, майлими?

– Компьютерни тинч қўй. Кўзинг ҳам дам олсин.

– Видеодвойкамни олиб келаман.

– Буниси бошқа гап. Оғир ишдан сўнг ҳордиқ чиқарса бўлади, – деди Ойбаҳор кулиб.

Шундай қилиб, она-бола пойтахтга жўнаб кетишди. Элбекнинг ҳаётини катта бурилиш кутмоқда эди. Уч кун ўтгач, у машинаси тўла юк билан етиб келди. Унда спорт палаткаси, кичик музлатгич, видеоиккилик, ҳар хил идиш-товоқ ва керакли анжомлар, бадминтон, балиқ тутиш учун қармоқ, шахмат, ўзига яраша кўрпа-тўшак, турли консерва ва колбасалар, конфетлар, сариёғ, пишлоқ каби бир дунё тансиқ озуқалар бор эди.

Абдукарим Элбекни яхши қабул қилди. Йигит унинг дастёрига айланди. Ногирон ота унга ўз ўғлидек меҳр қўйди. Сўраганларига эринмай жавоб қайтарар, батафсил тушунтирар, баъзи нарсаларни ушлаб кўрсатиб берарди.

– Манави қанақа ўсимлик? Оёғимни тилиб юборяпти-ку, – деб сўраб қолди Элбек бир пайт.

– Буни янтоқ дейдилар. У жуда фойдали ўсимлик. Сувсиз жойларда ҳам бемалол ўсаверади. Илдизи қирқ метргача сув излаб боради. Туя ва қўйларнинг хушхўр овқати. Чой қилиб ичилса чанқокни қондиради. Шунинг учун туялар сув ичмай юраве-ришади.

– Еяётганда тикани тумшуғига ботмайдими?

– «Туяга янтоқ керак бўлса, бўйнини чўзади» деганлар.

Элбек қизларга шолени ўтоқ қилишда ҳам ёрдам бера бошлади. Оппоқ бадани офтоб нурида қизариб қуйиб, бир қават пўст ҳам ташлади. Сўнгра етилган супургиларни ўриш, қуритиш ишларига уннаб кетдилар.

Элбекка боғламларни аравага ортиш ва отни шийпон томон хайдаб, уларни тушириб, ёйиб келиш вазифаси юклатилди. У бу ишларни сидқидилдан бажарар, булоқдан сув ташир, ўтин ёрар, тунда шоленинг сувларини текшириб келар ва ўзини шу ерларнинг аёл хўжайинидек тутарди. Оқшомлари бўлса, қизлар ва бу ерга тўпланган яқин атрофдаги ёшлар учун ўзи билан олиб келган видеокассеталар ва мусиқалардан қўйиб бериб, ўйин-кулги, рақс кечаси уюштирарди. Лекин ҳали Гулзодага бирор оғиз ўз муҳаббати ҳақида сўз очишни ҳаёлига ҳам келтирмас, унинг фикри-зикри кишлоқ ва деҳқонлар ҳаётини ўрганиш ҳамда табиат билан ҳамнафас яшашга кўникишга қаратилган бўлиб, қизларга ўз сингиллари каби муносабатда эди.

Ҳусния дастлаб жуда хавотир олди. У туну кун йигит ва Гулзоданинг ҳаракатлари ва ўзаро муносабатларини зимдан кузатиб юрди. Қизини ёнига олиб, бу ҳақида қаттиқ оғохлантирди ҳам.

– У шаҳарлик. Шунчаки дам олгани келган. Ҳеч қачон бизга эл бўлолмайди. Унга тегишни ҳаёлингтаям келтирма. Сен шаҳар ҳаётини умуман билмайсан. Бир умр сени «кишлоқи», «анди» деб камситиб юришади, устингдан кулиб масхара қилишади. Сени шу ердаги яхши йигитлардан бирига узатамиз. Опаларингга ўхшаб ўз йўлингни топиб кетасан. Лекин бу бола билан ҳеч қачон бахтли бўлолмайсан, билиминг ҳам паст, шаҳарда яшолмайсан.

– Бўпти. Сиз нима десангиз шу-да, ойижон. Лекин у менга кўпам кўз ташлаётгани йўқ. Отам билан «ота-бола» бўлиб олишди-ку...

– Ҳа, отанг ундан хурсанд. Худо унга ўгил бермади. Шу йигит билан овунаяпти-да...

* * *

...Ҳаш-паш дегунча бир ой ҳам ўтиб кетди. Куёш кўрмаган оппоқ йигит озиб, қорайиб, баданлари яра-чақага тўлиб ойиси танимайдиган даражада «қишлоқи» жайдари йигитга айланди.

Уни кўрган ойиси эсини йўқотиб қўяёзди. Ишхонадагилар эса умуман танишмади. Қаварган қўллари компьютерга ҳеч мослаша олмади, ўзи эса сабр қилиб бир жойда ўтиролмай қолди.

Энди у уйига олиб келган бир боғ шоли, буғдой, қамиш тўзғоклари ва очилган пахта дасталарини, далада тушган фотосуратларини хонасига илиб чикди: мана у отда кетаяпти, арава устида, шолিপояда, гулхан ёнида, Абдукарим билан супурги тайёрламоқда ва ниҳоят Гулзода иккиси қулиб туришибди... «Нақадар ажойиб дамлар» деган гапни дилидан ўтказди йигит.

Ойбаҳор ҳам ўғлининг янги дунё кашф қилганидан беҳад хурсанд бўлди.

- Ўғлим, улар уйларига қачон қайтишаркан?
- Шолини ўриб-йигиб бўлгач, нимайди?
- Гулзодани қўлини сўраб борармидик?
- Нега?
- Негга бўларди, уйланасан-да!
- Ахир, мен у билан бу тўғрида умуман гаплашмадим-ку!
- Гаплашиш шарт эмас. Улар шундоқ ҳам ҳаммасини тушуниб туришибди. Иккита қизларини ўз севган йигитларига уза-тишган экан. Улар жуда яхши яшашаётганмиш. Биз сўрасак, йўқ дейишмайди. «Келинни ўзимиз ўқитиб оламиз» дейман.

– Сизга маъқул бўлган бўлса, ўзингиз биласиз, ойи, – деди йигит қулиб.

Она ўғлини бағрига тортди. «Худо хоҳласа, тўйингни қиламиз, ўғлим» деб қўйди.

«Мен уларга видеоимни ташлаб келдим. «Кейин опкетаман» дедим.

– Яхши қилибсан. Ана энди бизда баҳонаям бор. Аввал ўзи-

миз айланиб, яна бир «разведка»га борамиз. Кейин рафти-омади-га қараб холанг, янгам — учовимизни олиб бориб келасан, хўпми? — Нега?

— Нега бўларди, совчиликка-да, болам, — деди Ойбаҳор кулиб. — Лекин кўнглим сезиб турибди, ҳаммаси яхши бўлади. Келинни ўзим тарбия қилиб оламан.

* * *

Айни шу дамда даладаги чайлада ҳам шу мавзуда гап борарди:

—...Элбеқжон яхши йигит экан. Куёв қилсак арзийди, — деди Абдукарим хотинига.

— Қўйсангиз-чи, у хотин яккаю ёлғиз ўғлини ичқуёвликка берармиди? Умуман ҳозир нима кўп — қиз кўп. Айниқса, шаҳарга борсангиз оврўпача қизлар тикилиб ётишибди. — Бир энди кўрайлик, деб дам олиб кетди-да ўғли. Унинг хаёлига уйланиш келганиям йўқ. Бўйи сохтомондек бўлсаям, ёш болага ўхшаб фикрларкан.

— Лекин жуда ақлли йигит кўринади. У замонининг боласи. Келажак ёшлари шунака бўлади-да. Биз тракторни миниб юрардик, ҳали кўрасан, булар тракторни ўзи юрадиган қилишади.

— Қанақа қилиб?

— Қанақа бўларди? Салқин хонага жойни қилиб олиб, худди ойдаги ўзи юрар машинани бошқаргандек ўнтасини бирданига бошқараверади-да. Культивация килади, ер ҳайдайди, пахта те-ради...

— А-а?... — деди Ҳусниянинг оғзи очилиб. — Ҳали шунақа замонлар келади, денг.

— Ҳа. Чунки ҳозир космос асри. Ҳали кўрасан, эҳтимол, ойгаям сув опчиқиб пахта экишар. Телевизорни ёқиб қўй. «Ахборот»ни кўрайлик-чи.

— Вой, ҳали у йигит телевизорини олгани келади, дадаси.

Абдукарим мийиғида кулиб қўйди. «Демак, у келади», — деб қўйди кўнглида, — ҳеч бўлмаса, янаги таътилида келади...»

* * *

Супургини тайёрлаш ишларини энди кенг ва шинам дала шийпонига кўчириб олишди. Кунлик иш ҳақи бериш эвазига кишлоқдан ёлланма ишчилар ҳам ола келишди. Бу ишларни куёвлари Севдиёрнинг ўзи ташкиллаштирди. Туну кун иш тўхтамади. Орада бир юк машинасида супургини ҳам ола кетишди.

Ҳадемай шолига ҳам ўроқ тушди. Бу йил ўтган йилгидан кўра анчагина тажрибалари ортганиданми, комбайнни олдинроқ тайёрлашди. Шоли ўз вақтида ўрилиб-янчилгани учун унчалик исроф бўлмади. Шоли эса дала шийпони ёнидаги асфальтланган майдонга тўкилиб, ёйилди. Унинг чўғи илгаригидан кўпроқ чикди. Олти тонна шартнома асосида омборга топширилди. Бир тонна соф гуруч ўзларига қолди. Супургидан катта даромад кутилгани учун энди оила мушкул аҳволдан бутунлай чиқиб кетиши мумкин эди.

Ўша хушнуд кунларнинг бирида шаҳарликлар «разведка»га келишди. Элбек энди шолини қуритиш, уни обжувозга солишларни ҳам мириқиб томоша қилди, азбаройи қизиқиб кетганидан бу ишга ҳам беихтиёр «шўнғиб» кетди. Тушликда обжувозни шунчаки томоша қилгани кетган йигит кечки пайт оппоқ чангга беланиб машинасига гуруч копларни тўлатиб келди. Унинг масхарабозга ўхшаб қолганини кўриб тоза кулишди. У оёғига мактанди:

– Ойижон, мана бу гуручга қаранг. Қандай ажойиб! – деди у бир сиким гуручни онасининг кафтига тўқаркан.

– Ҳа, ўғлингизнинг ҳам меҳнати сингган-да. Шунинг учун қувонаяпти, – деди Абдукарим кулиб.

– Бўл, ўғлим, энди кета қолайлик. Ювиниб кел.

– Э, йўқ, – деди Абдукарим. – Ўғлингиз ўзи етиштирган гуручнинг ошини ҳам еб кетиши керак. Элбекжон жуда чарчаган. Энди эртага кета қоласизлар.

– Вой, нокулай-да...

– Ана, янги меҳмонхонамизни сиздақа азиз меҳмонлар учун курганмиз-да, – деди Ҳусния ҳам қўшилиб ва қизини чақира бошлади: – Гулзодаю!..

– Ҳув!

– Акангга иссиқ сув тайёрлаб беринглар. Кейин ўзимизнинг янги гуручдан ош дамланглар!

– Ҳўп бўлади, ойижон.

– Обжувозимиз қалай экан? – деб сўради Абдукарим Элбекдан.

– Яхши. Уни дастурлаштирса бўлади. Ҳаракатни сувдан оларкан. Биоэнергиянинг механик жараёнга айланиши, экологик тоза ишлаб чиқариш мавжуд. Фақат ҳаво тозалагичлар қуриш керак. Уларнинг ҳам ҳаракатини сувдан олса бўлади.

– Ана сиз шуни яратинг! – деди беихтиёр Ҳусния.

Ўртада кулги кўтарилди.

– Лекин иктисодий истиқболи яхши. Катта электр энергияси тежалмокда. Ойи, обжувознинг бир хил ритмда ишлашини кўрсангиз эди... «Дук-дук», «дук-дук» – худди юрак уришига ўхшаб кетаркан. Бу дегани уни кўриб асабингиз ҳам дам олади. Унга сувнинг шарқираши ҳам қўшилиб ўзгача оҳанг бераркан.

– Вой ўғлим, яна бир дунёни кашф қилибсан-ку-а, – деди ойиси қувониб.

– Бу ерда ғаройиб ишлар кўп экан. Яна гишт заводи, тандир тайёрлайдиган устахонаям бормиш.

– Гаражда темирчилик устахонасиям бор. У ерда ўроқ, болта, кетмон ясашади. Бир синфдошим ўша ерда ишлайди, – деб қўйди Абдукарим.

– Эҳ-ҳе, буларни ўрганиш учун бу ерда яна бирор ой юришим керак экан-да, ойи.

– Бўпти. Мен ўзим қайтиб кета қоламан. Сени булар безор бўлиб ҳайдамагунларича юравер, – деди ойиси куйиниб.

Улар кулиб юборишди.

– Ҳали молнинг тезагини таппи қилишниям ўрганади, – деди Абдукарим кулиб.

– Нима, шунақа цех ҳам борми? – деб сўради Элбек соддалик билан.

– Ҳа, бор. Хотин, молхонага обориб қанақа қилишни кўрсатиб бер.

Элбек ишониб шарт ўрнидан турди. Ўтирганлар унинг устидан тоза кулишди. Бу кулги жуда самимий бўлиб, икки онла ўртасидаги ришталарни янада яқинлаштирди.

Эртаси улар қайтиб кетишга тараддудлана бошлашди. Элбек машинасини ювиб-тозалади. Унга Гулзода ёрдамлашди. Абдукаримнинг буйруғи билан қизлар бир коп гуручни олиб чиқиб машинага ортиб беришди.

– Э вой, нима қилаяпсизлар, керакмас, – дея эътироз билдирди Ойбаҳор.

– Йўқ, бу Элбекжоннинг пешона тери бўлади. У бизга сидкидилдан ёрдам қилди.

– Э йўқ. Биз ўзи уйда икки жонмиз, холос.

– Зиён қилмайди. Ул-бул маросимларингизга ишлатаверасизда, – деди Ҳусния бўш келмай.

«Маросим» сўзини Ойбаҳор «тўй-тўйчиқлар» маъносида тушунди ва у ҳам ўзини кўрсатгиси келиб қолди, чунки энди асосий муддаога ҳам ўтишга бир баҳя қолганди.

– Майли, раҳмат, оламиз, опажон. Буни, худо хоҳласа, айтганингиздай яхши кунларимизга ишлатганимиз бўлсин. Энди сизлар билан биз бегона бўлсак-да, анча кўнглимиз яқин бўлиб қолди. Шунга ануви телевизор биздан қизларингизга совға бўла қолсин.

– Э йўғ-е, – деб юборди Ҳусния. – Ахир, бу...

– Кўяверинг. Бизда янги чиққани бор. Кўриб эслаб юрасизлар-да.

– Раҳмат. Сизлар ҳам энди тез-тез келиб тураверинглар. Хўжайинимга Элбекжон ўз ўғлидек бўлиб қолди.

– Албатта, ўртоқжон. Бизнинг бир режамиз бор. Энди сизлар билан янаям яқинроқ бўлсак дегандик. Шунга янаги ойларгаям бир келмоқчимиз, майлими, айланай?

– Вой, бемалол, ўз уйлариңдек...

Бу ерда Элбек билан Гулзода бир-бирларига кўз уриштириб олишга ҳам улгуришди. Ўзаро майин табассум бир-бирларининг дилларига қўр ташлади. Энди уни пуфлаш ва ловиллатиб ёқиш қолганди.

* * *

Бу орада Хусниянинг оиласига яна бир хушнудлик бахшида қила оладиган воқеа юз берди. Бу Паризоданинг иқтисод коллежига кириб олгани эди.

Хусния яқин келажакда янги фермер хўжалиғи ташкил қилишни ўзича режалаштириб борар ва унда ишловчи иқтисодчию хисобчилар ҳам ўз оиласидан чиқишини ва иложи бўлса кенжасига бирор ишбилармон, соҳа мутахассиси бўлган йигитни ичқуёв қилиб олишни орзу қиларди. Лекин бу режа сал ўзгачароқ амалга ошди. Бу ҳол тасодифан юз берди...

Паризода ўқишини бошлаб юборгани кезлари Гулзодага Тошкентдан, яъни Элбекжондан совчилар келишди. Бу, албатта, қутилган ҳол эди. Бироқ қишлоқдан ташқарига умуман чиқмаган қизининг пойтахтга беришга кўп иккиланишди. Дастлаб «Бизнинг қизимиз сизларга тўғри келмайди. У шаҳарда яшай олмайди» деб уларни қайтаришди. Лекин Элбек Абдукаримга маъқул бўлиб қолгани учун иккинчи сафар ўзи розилик берди. “Майли, қизимизнинг пешонасига шу тақдир ёзилган бўлса нимаям қила олардик. Элбекжон яхши йигит. Қизимизни берсак шундай йигитга берармиз-да”, – деди у.

Шундай қилиб, қишнинг совуқ кунларига қолдирмай тўйни ўтказишга келишиб, улар унаштирилди.

Тўй ноябрь ойларига бориб ўтказилди. Маҳалла-кўйга ва бутун қишлоққа яна ош берилди. Ўша куни келин олиб кетилгач, эртаси пойтахтдаги нуфузли ресторанларнинг бирида куёв то-

мон тўй базмини ўтказди ва тўққиз қаватли уйнинг тўққизинчи қаватидаги хонадонга келин туширилди. Гўё энди эртак тугаб қаҳрамонлар мурод-мақсадларига етишди ҳисоб эди, бироқ...

Саккизинчи боб САРИШТАЛИ КЕЛИНЧАК

...Келин бўлмиш Гулзода бунақа уйни биринчи марта кўриши эди. Балконга чиқиб эси оғиб қолаёзди. Пастда юрган митти-митти нарсалар кўй-моллар эмас, балки машиналар экан. Улар туну кун тинмас, доимий шовқин, шаҳарнинг бўғик ҳавоси уни ноҳуш қила бошлади. Айникса, уй ичкарасидаги ўзгача тартибга у ҳеч кўника олмади. Лифтни ишлатишдан кўрқиб, ахлатни пиёда олиб тушиб-чиқарди. Бу ҳам майли. Ҳар куни саҳар туриб подъездни юқоридан пастга томон сув сепиб супуриб-сидирар, пастга сув ташийвериб, тушиб чиқавериб чарчарди. Чунки қишлоқдаги урф-одатларга кўра остонани эрта тонг супуриб-сидириш, сув сепиш янги келинчакларнинг вазифаси ҳисобланади.

Ўша янги келинлик кунларининг бири эди. Эрта тонг. Ҳали куёш бош кўтармаган, шаҳардаги машиналар ва кўча чироқлари ўчмаган, ҳатто уйғотувчи соатлар ҳам ором олаётган пайт эди.

Гулзода вақтли уйғонди. Элбек қотиб ухларди. Келинчак оёқ учида юриб бориб супургини кидирди. Унинг ўрнида пол артадиган ва супургисимон чўтка ва челақ топди. Кўз олдига қишлоқ келинларининг кўчаларга сув сепиб супуриб-сидиришлари ва бу борадаги онасининг ўғитлари келди:

— Яхшилаб эшитиб ол, қизим, — деганди ўшанда Ҳусния. — Ҳар куни тонг маҳали, ҳали ҳеч ким уйғонмай туриб, дарвозанинг таги, кўчани супуриб, саришталаш келинларнинг вазифаси ҳисобланади. Бу бизнинг қадимий урф-одатимиз. Шунинг асло унутма, қизим. Тушган хонадоннинг шу арзимас меҳнатинг туфайли файзли бўлади, ўша хонадонга барака келади. «Саришталай уйга фаришталар келади» дейдилар.

Шу гапларни ёдида тутган Гулзода тўққизинчи каватдан пастга томон сув сепмоқ учун чиқиб-тушавериб ҳолдан тойди. Подъезд ичи ва кўчани супуриб-тозалагунича кун тепага келиб қолди. У терлаб-пишиб кетди. Турли миллатга мансуб кўшнилари унга ҳайрон тикилиб ўтишар, келинчак бўлса, тез бошига оқ рўмолини ташлаб, уларга «келин салом» қиларди. Сунгра қайнонасига ҳам салом бериши кераклиги учун тепага лифт билан эмас озода зина билан чиқиб борди.

Бу пайтда ёшларни безовта қилмасликка аҳд қилган Ойбаҳор ишига кетаётган эди. Остонада терлаб-пишган, челак-супурги-ларни кўтариб олган келинчакни кўриб танг қолди.

– Вой ўлмасам! Чиллали эрни ташлаб қаёқда юрибсиз, келин-пошша?

Гулзода аввалига бошига рўмолини ташлаб «келин салом» қилди.

– Кўчани супуриётгандим, ойижон.

– Вой-вой. Бу ерда кўча нима қилади? Бу ерни тозалайдиган фаррош хотин бор. У ойлик-маош олади.

Шу маҳал лифт эшиги очилди. Ойбаҳорнинг хуноби ошди.

– Вой. Шунча вақт кўчада юриб лифтнинг ичини тозаламап-сиз-ку!

– Аввал зинани кейин уйимизнинг олдини тозаладим-да, ойижон. Бу ерга киргани кўрқдим.

• Ойбаҳор хайратланиб зинадан пастга қаради.

– Нима, шунча жойни-я! Вой, шўргинанг курсин-а, бечора келиним-а, – деди у ва келини билан хайрлашиб жаврай-жаврай лифт ичига кириб «ғойиб» бўлди.

Келинчак шумшайиб уйга кириб борди. Элбек шошилиб, апил-тапил кийинарди.

– Уйғотмабсизлар-ку. Ишдан кеч қолаяпман.

– Биринчидан, сиз таътилдасиз, иккинчидан, чиллали куёв уйдан чиқмаслиги керак, учинчидан, эртадан бошлаб сув ташиб берасиз. Гап тамом!

Элбек бир пайпоғини оёғига илганича ҳайрон ўтириб қолди. Унинг таътил олгани умуман ёдидан кўтарилган эди. Лекин сир бой бергиси келмади.

– Қанақа сув? Қаерга?

– Урф-одатимизга биноан ҳар куни зина билан кўчани супуриб-тозалаб туришимиз керак. Тушундингизми?

– Бўпти мен сизга ўзим сув сепиб бераман. Мана қаранг, шлангимиз бор, – деди Элбек кичик омборчани очиб.

Гулзода хурсанд бўлиб кетди ва бориб эрининг пешонасидан ўпиб қўйди. Элбек уни даст кўтарди-да, ётоғига олиб кириб кетди. Фақат оёғида бир пайпоғи кийилмаганди...

Айтишларича, ризқ улашаётиб ҳар куни саҳар қайси хонадоннинг остонаси супуриб-сидирилган, саришта бўлса, ўша ерга фаришталар келармиш. Лекин буни подъездаги бошқа миллатдаги ва хорижлик ҳабаш кўшнилари тушунишмасди, Гулзодани «Бечора ишсиз экан, фаррошлик қилаяпти-я» деб ўйлашарди.

Бир кўшни ҳабаш кишининг унга раҳми келди шекилли, бир нималар деб қўлига доллар пул узатди. Гулзода инглиз тугул рус тилини ҳам тушунмасди. «Қандайдир конфет қоғозини ахлатга ташлаш учун берди» деб ўйлаб ғижимлади-да, уни ахлат челака ташлади. Лекин ўша куни катта ахлат контейнерини одатдагидай титаётган «бомж» кишига байрам бўлди. У эллик долларлик пул топиб олди...

Бу хангомалар ўз йўлига эди. Нима бўлсаям Гулзода шаҳар ҳаётига аста-секин кўника борди. Эри ҳам, қайнонаси ҳам ҳар куни ишга кетишар. «осмон фалак»да фақат ёлғиз ўзигина қоларди.

* * *

Кеч куз кунларининг бири эди. Ҳусния ва Абдукарим ҳар бирлари алоҳида отларда дала йўлида ўз ҳаётларидан мамнун боришарди.

– Куёвингиз Есинбой зап қўли очик йигит-да. Тўйга кўшган ҳиссам деб яна битта от олиб келибди-я, – деди Ҳусния ўзи миниб олган оқ қашқанинг бўйинларини меҳр билан силаб қўяркан.

– Унинг қариндошларини тузукрок меҳмон қилдингларми?!
– деб сўради Абдукарим жилмайиб.

– Энди тўйчилик. Озода қизингизни ўзи қараб юрувди-ку.

– Ҳа, биз унинг амакиси Сарсонбой билан улфатчилик қилдик.

– Энди, дадаси, уни буни қўйинг. Ердан гапиринг. Тўй билан овора бўлиб фермерлик ишларимиз қолиб кетяпти. Лекин ер қараб турмайди-ку. Уни шудгорлаш, ўғит солиш керак.

– Ҳа, тўғри. Лекин фермер хўжалиги ташкил қилиш ҳазил иш эмас-да. Камида ўттиз-қиркта одамни ишлатиш керак бўлади. Уларга вақтида маош бериш керак. Ўз идорамиз, ҳисобчию омборчимиз ўз одамларимиздан бўлгани яхши-да.

– Ҳа. Гулзода ҳам кетди. Паризода қолди. У коллежни уч йилдан кейин тамомлайди.

Абдукарим узок дала пайкалларига қараб чуқур хўрсиниб олди ва деди:

– Бари бир униям жойи чикса узатамиз-да...

– Шу кенжа қизимизга ичкуёв олсак бўларди.

– Бу қийин масала.

– Фермер хўжалигини ташкил қилмасак бўлмайди. Бу ҳам бизга берилаётган бир имконият. «Ер оламан» деганларнинг ҳозир пайтавасига қурт тушган. Лекин ҳоким ҳам, раис ҳам биздан жавоб кутишяпти. Нима қиламиз? Шартномани тузаверайликми?

– Аввало, кадрлар масаласини ҳал қилмоқ керак. Кимлар нима билан машғул бўлади, аниқлаб олайлик. Иккаламиз ҳеч нарсани эплай олмаймиз. Пахта билан бугдой етиштириш машаққатли иш. Шартномани бажариш шарт.

– Бўлмаса, бригаданинг аъзоларидан одам топайлик.

– Исмат билан маслаҳатлашсак ҳам бўларди. Ҳарҳолда ишнинг кўзини билади.

Ҳусниянинг жаҳли чикди.

– Э, қўйинг ўша таскарангизни! Аравасини тортсин, – деди Ҳусния. Лекин кўнглидан «Ҳарҳолда хўжайинимнинг гапида жон бордир» деган гап ўтди.

* * *

...Элбекка эса бошқа дард азоб берарди. Қишлоқ ҳаёти, унинг меҳр-окибатли, дилкаш одамлари, кенг ва осуда далалар, суви илиқ шолипоя, бағри иссиқ от унинг кўз ўнгидан сира кетмас, ҳатто тушларига ҳам кириб чикарди.

Тушларининг бирига ўша кадрдон чайла кирибди: гўё у ерда Гулзода билан бирга истиқомат қилишармиш, ширин ўғилчалари тетапоя бўлиб гулларга кўнган капалакларни тутиб олмоқчи бўлаётганмиш. У тинимсиз қикир-қикир кулармиш. Шу пайт Элбек отларини етаклаб келиб гўдакни унга миндирибди-да, оҳиста етаклаб кета бошлабди. Онаси уларнинг ортидан чопибди. Бир пайт ўзларини шолипоя ичида кўрибди. Шолипоя ичидаги бир илон ўғилчаси томон ўрмалаб келаётганмиш.

...Элбек ярим тунда тўсатдан уйғониб кетиб ўзини яна кадрдон тўртбурчак одамкатагида кўрди. Уйқуси қочиб балконга чиқди. Машиналарнинг қулоқни батанг қилувчи шовкин-сурони ва улардан ҳосил бўлаётган бўғиқ ҳаво ва темир-бетон ҳидини туйиб энсаси котди. «Йўқ, мен бу ерда ортик яшолмайман. Менинг жойим қишлоқ, кенг дала... Кетиш керак!» — деди у хўрсиниб.

— Тинчликми, ўғлим? Ярим кечаси бу ерда нима қилаяпсан?

— Ойи, ётолмаяпман, сиқилиб кетаяпман!

— Нима, келин бирор...

— Э йўқ, далани соғиндим.

— Дам олиш куни бориб кела қолинглар.

— Ойи. Қишлоққа бутунлай кўчиб кетсак-чи-а?..

— Хом ҳаёлингни йигиштир. Одамлар шаҳарга келолмай ҳалак-ку, тавба.

— Мана қаранг, шаҳарда нима бор? Бу ерда ҳеч кимнинг ҳеч ким билан иши йўқ, бир-бирини танимайди, окибат қилишмайди, бир-бирига дардкашлик йўқ. Мана, рўпара қўшнимиз билан ҳали бирор мартаям гаплашмаганман. Келадию, темир эшигини тез кулфлайди, тамом. Биз ҳам келамизу унга ҳадиксираб қараймиз.

На салом-алик бор, на оқибат. Шуюм ҳаётми? Ахир, инсон дунёга фақат қорин тўйдириб, ётиб-туриш учун келмайди-ку, ойи.

— Ана парклар, театр, кино, дискотека. Хохлаганингча бор. Яна сенга қанақа ҳаёт керак? — деди ойиси жиззакилик билан. — Хув ануви машиналарни қара, «Мерседес» дейсанми, лимузин дейсанми. Қишлоқда трактор, от-арава. Ҳаёт у ерда ортда қолиб кетган, хомтама бўлма.

Элбек паришон жавоб берди:

— Менга ўша «Мерседес», лимузинлар моторининг товушидан кўра қурбақаларнинг сайрагани яхшийди.

Ойбаҳорнинг кўзларига ёш келди. Гўё ўғли уни ҳозир ёлғиз ташлаб кетаётгандек туюлди.

— Нима, шунча орзу-ҳавас қилиб қолавераманми?.. Мени ёлғиз ташлаб кетмоқчимисан?

— Ойи, бирга кета қолайлик. Қишлоқдаям мактаб бор-ку, ишлайверасиз.

— Хо-о! Энди бир камим қариганимда қишлоқи болаларни ўқитиш қолувди.

— Отам ҳам ўшалардан бири бўлган-ку, ойижон! Аслида пойтахтнинг нуфузини кўтарган, мамлакатнинг қорнини тўйдираётганлар қишлоқлик дехқонлар-ку... Шаҳарликлар бўлса, фақат олиб сотиш билан банд, ўша сиз айтган қишлоқликлар маҳсулотини четга қўйиб сотишади. Яхшиям, сиз мени қишлоққа олиб бордингиз, кўзимни очдингиз. Бўлмаса, «Ҳаёт шу экан-да» деб ўтиб кетаверардим. Яхшиям, супурги бор экан... — деди Элбек чин юракдан узоқ-узоқларга тикилди.

Ойбаҳор энди пиқиллаб йиғлай бошлади.

— Барибир сенда отангнинг қони бор...

...У бўлди-бу бўлди, Элбекнинг ишга ҳам қўли бормай қолди. Паришон ҳаёлини кенгликлар, яшил далаларнинг оҳанробаси эгаллаб олди. Салга асабийлашадиган, қишлоқда тушган суратларга узоқ-узоқ термулиб ўтирадиган бўлиб қолди.

Ўғлининг қалбидаги бу изтиробни она ўзича қабул қилди:

«Тавба, бир марта дам олгани бориб уни «папалашса», дарров кишлоқни соғиниб қопти-я. Кошки у ерда пул топиш, кун кўриш осон бўлсайкан». Ўшанда меҳмон деб иззат қилишди. Энди бориб кўрсин-чи, қандай кутиб олишаркин. Кўзи учиб тургани йўқдир уларнинг.

— Менга кара, — деди у ўғлига кунлардан бир кун. — Ҳадеб бунақа тумтаявермай, борсанг бориб ўша кишлоқнингда бирор йил яшаб кўр. Ичкуёв — кучук кўёв бўл. Бир бурнингга сув кирсин. Айтиб қўяй, кейин «аттанг» қиласан.

Бу даврда келинчак Гулзода ҳам шаҳар ҳаётига эндигина кўника бошлаган, камҳаракатлилиқ ва қуёш кўрмаслик оқибатида тобора семириб, оқариб, нозиклашиб бормокда эди. Кун бўйи телевизор кўравериш тобора эринчок мушукчага айланиб бораётганини ҳис қиларди. У ҳам энди қайнонасининг сўзини маъқуллай бошлаган ва «Кишлоқда нима бор? Ойимиз кўнмайдилар» деявериш эси кетди. У, айниқса, ота-онасининг уйига қайтиб боришни ўзига эп кўрмас, бироқ бу ҳақида эрига очик айта олмасди. Ана, боришди ҳам дейлик. Қаерда, қачонгача яшашади? Меҳмонхоналаридами? Ҳеч қандай майший шароит йўқ-ку! Ҳарҳолда бу ерда иссик сув, совуқ сув, жимжимадор ҳожатхона, ювиниш хонаси, У ерда-чи?.. Гулзоданинг боши қотди. «Бормайлик» деб қаршилиқ қилса, ўз ота-онасининг уйи, боришса, бечора қайнонаси ёлғиз қолади. Индамай Элбекнинг ўзига қўйиб берди.

* * *

Эрта баҳор кунларининг бирида Элбек ишхонасига ўз хоҳиши билан кетиш ҳақида ариза берди. Банк раҳбари уни бошқа баъзилар каби хорижга ишга кетаётган бўлса керак, деган хаёлга борди.

— Сир бўлмаса, қайси давлатга бормокчисиз? — деб сўради у аризани қўлига оларкан.

— Келажаги порлоқ, осойишта ва жаннатмакон масканга.

Бошлиқ «Оббо, ёшлар-ей» дегандек кулиб қўйди-да, ўз фарзандлари ҳақида ҳаёлига келган фикрни баён қилди:

– Масалан, менинг бир ўғлим Миллий Университетни битирди. У ҳозир Сан-Францискода бензин қуйиш шохобчасида ишляпти. Иккинчи ўғлим Иқтисодиёт Университетида ўқиди. Ҳозир у Москвада, бир кафедра ошпазлик қиляпти. Ҳар икковиниям топиш-тутиши ёмонмас. Сиз-чи, қаёққа кетмоқчисиз?

– Одамлари меҳр-оқибатли, меҳнаткаш, умрининг кадрлай биладиган, яшаш учун курашдан қўрқмайдиган, матонатли, садоқатли...

– Нима, у ер шунақа жумбокли жойми? – яна сўради бошлиқ синовчан тикилиб.

– Жумбоқ эмас, кишлоқ!

– Нима?! Эсингизни едингизми? Сиз, ахир бу ерда яхши, етакчи мутахассис бўлиб колдингиз-ку!

– У ердаям мутахассислар керак-ку. Ҳамма хорижга кетаверса, кишлоқларимизни ким обод қилади, шаҳарликларни ким боқади?

– Тўғри. Лекин у ерда нима иш қилмоқчисиз?

– Қайнотам янги фермер хўжалиги ташкил қилмоқчи. Ўша ерда ишлайман.

– Яхши. Ундай бўлса ишингизга омад, – деди раҳбар йигитни бу йўлдан қайтариб бўлмаслигини англаб етгач.

Шаҳарлик куёвларининг бундай қарори кутилмаган воқеа бўлди. Абдукарим учун Элбек ўз ўғлидек кадрли бўлса, янги фермер хўжалиги ташкил қилаётган Ҳусния учун замонавий мутахассис кадр сифатида айни муддао эди.

* * *

Бир куни Абдукарим кўчадаги қўлбола тахта ўриндикда ўтган-кетгани томоша қилиб ўтирарди. Шу маҳал маҳалладоши Аслиддин исмли тенгқури ўтиб колди.

– Ассалому алайкум, қўшни. Бардаммисиз, бақувватмисиз? – деди у илтифот билан.

– Раҳмат. Худога шукур, ўзингиз яхшимисиз?

– Ҳа-ҳа. Ўғлим Ғанижонга Ипотека кредити бўйича янги намунавий уй-ҳовлилардан бирини ажратишганмиш. Шуни кўргани кетаётувдим. Жуда замонавий уй экан. Шаҳарникидан фарқи йўқ.

– Э шунақами, қутлуғ бўлсин, – деди Абдукарим ва негадир кўз олдига куёви Элбежонни келтирди.

– Бу бизга ўхшаганларгаям тегармикин-а.

– Асосан ёш оилаларга беришармиш, деб эшитдим. Ўн беш йилгамиш.

– Э, яхши-яхши, – деб қолди Абдукарим ва жиддий ўйланиб қолди.

Шу маҳал Паризода кўчага сув олгани чикди ва артезиан жўмрагидан сув олаётиб узоқдан келаётган енгил машинага кўзи тушиб хурсанд бўлиб кетди.

– Вой қаранг, дадажон. Элбек поччам опам билан келаяптилар.

– Ие, ростанми? – деди дадаси.

Машинадан ёш келин-куёвлар тушиб келишди. Лекин Гулзоданинг кайфияти йўкроқ кўринарди.

– Қалай, яхши юрибсизларми? Ишларингиз яхшими, куёв?

– Куёвингиз ишдан бўшаб олдилар. Энди қишлоқи бўлиб юрмоқчилар, – деди Гулзода кесатиб.

– Э, шунақами? Майли-да, қани, ичкарига кирайлик.

– Хўп. Ҳозир юк машинасиам келаяпти. Бир йўла кўч-кўронимизниям ортиб келавердик-да, дада.

– Нима? – деб сўради Абдукарим ҳайрон бўлиб. Бу ишдан қудамизнинг хабарлари борми?

– Ҳа. Мен қатъий қарор қилдим. Энди шу ерда яшамокчимиз. Ерни, сизларни соғиндим. Ойим канилар?

– Ҳокимиятга кетувди. Фермер хўжалигининг хужжатларини тўғрилаяпмиз. Ер олдик яна, беш гектар, – Элбек Гулзода томон маъноли қараб қўйди.

– Эҳ-хе. Мана иш! Сиз бўлса иш йўқ дейсиз.

Гулзоданинг жаҳли чикди ва «Э, боринг-е» деб терс ўгирилиб уйга кириб кетди.

Ёш келин-куёв меҳмонхонага жойлашишди. Гулзода кўрпа-тўшакларни норози кайфиятда тахларди. Бир маҳал тахлам ағанаб тушди. У зарда қилиб устига тумтайиб ўтириб олди. Элбек эса бамайлихотир ноутбукини интернетга улади.

– Туманларингизнинг номи нимаиди?

– Олтиарик, – деди Гулзода истар-истамай.

Элбек «Олтиарик» сўзини ёзди ва туман ҳақидаги маълумотларни кўздан кечира бошлади. Шу маҳал Ҳусния кириб келди.

– Юринглар, овқат пишди, – деди у.

Гулзода терс ўгирилиб олди.

– Ойи, бизга ажратилган ер қайси жойда? – сўради Элбек ҳаритани кўрсатиб.

Ҳусния тахминан кўрсатиб берди. Элбек ўша жойнинг ер рельефларини ўргана бошлади. Ҳусния ҳайратланиб турарди.

– Яхши ер экан. Сувгаям қулай. Энди тупроқ структура-синиям текшириб кўришимиз керак бўлади. Бунинг учун ҳар бир картадан намуна олиб, уни лабораторияда таҳлил қиламиз. Қарабсизки, тупроқ ҳақидаги умумий хулосага келамиз.

– Вой балосиз-ку, куёв! Нима қилишни билмай тургандик. Сизни бизга худонинг ўзи етказди!

Гулзода пичинг қилиб деди:

– Ўзининг иши яхшийди. Бу ерда қачонгача юрардик. Ҳали кўрамиз бир лов этиб, кейин ўчиб қоладилар.

– Вой, намуна сиқиласан-а, қизим. Нима бор ўша шаҳарингда?

– Бу ерда-чи, нима бор? Шаҳарда ҳамма шароит бор. Иссиқ сув, совуқ сув. Бозор олдингда. Хоҳласанг кинога борасан, хоҳласанг театрга.

– Ўша уйимиз ҳам бизники. Хоҳлаган пайтингизда олиб бориб келавераман. Лекин бу ернинг истиқболи яхши. Мен учун жудаям қизик, – деди Элбек компьютердан бош кўтармай.

Хусния қизига томон бир ола караш килиб қўйди.

– Бўпти. Юринглар энди, отангиз кутиб қолдилар, бирга овқатланамиз.

Элбек овқатланиб ўтириб ҳам янги фермер хўжалигининг хужжатлари билан танишиб ўтирарди.

– Яхши, – деб қўйди у қоғозларни бир-бир кўраркан, – беш гектар қирқ тўққиз йилга экан. Компьютеримда Европанинг энг яхши лойиҳалари бор. Банкдан кредит оламиз. Бизнес-лойиҳани ўзим тайёрлайман. Қишлоқ марказида офис очишимиз керак. Кейинроқ корхонани кўптармокли агрофирмага айлантирамиз.

– Яшанг! Буларнинг ҳаммасини ўзингиз бажараверасиз-да, ўғлим, – деди Хусния.

– Сизнинг ва дадажонимнинг бошчилигида, албатта, – деди йигит мийиғида кулиб.

– Мен фақат маслаҳат бераман, холос. Кўптармокли бўлгани маъкул, албатта. Чунки бир томондан зиён кўрилса, бошқа томони коплаб кетаверади, – деди Абдукарим кўлидаги чойни ҳўплаб оларкан.

Шу маҳал Гулзода норози оҳангда гапга аралашди:

– Ҳа-а. Сизлар оғизда осмонда учиб юраверинглар. Албатта сизларга Элбек акамнинг келгани яхши-да. Мен-чи, мен нима қиламан? Бир умр мана шу меҳмонхонада ўтиб кетаманми?

Хусния қизидан бундай гапни кутмаганди, жаҳли чикди.

– Ҳой, кўрнамак! Уйлаб гапир. Ахир, бу ер ҳам ўз уйинг-ку!

Абдукарим оҳиста унинг елкасига кўлини қўйди.

– Гулзода ҳақ. «Шаҳар кўрган эчкидан кўрк» деганлар. Лекин бу ҳақида меням ўйлаб қўйганим бор. Қишлоқда ёш оилаларга Ипотека кредити бўйича янги замонавий, намунавий уйлар қуриб берилаётганмиш. Улар шаҳар уйларида қолишмасмиш. Ана шу уйлардан бирини сизлар учун оламиз-да.

– Э, яшанг, дада!

Гулзода бир оз тин олди ва англаб етгач, қувониб отасининг ортидан қучоклаб, ўпиб олди.

– Соат саккиз бўлдимиз? – дея сўраб қолди Элбек шу маҳал.

– Ҳа, нима эди?

– Ойим билан ҳар куни шу маҳал интернет орқали гаплашиб туришга келишиб олувдик, – деди у ва чоғиб бориб ноутбукини олиб келди.

Сўнгра компьютерни созлаган эди, экранда лоп этиб Ойбаҳор пайдо бўлди. Ҳаммалари «Вой, қандай яхши!» деб юборишди. Ойбаҳор уй кийимида эди.

– Ассаламу алайкум, ойижон! Бизларни кўраяпсизми?

– Ҳа, ўғлим. Кўраяпман, – деди экрандаги аёл ва кўзида пайдо бўлган ёшни артиб оларкан. – Мана яна ёлғиз ўзим, ҳайҳотдек уйда ёлғизман.

Ҳусния дабдурустдан гапга аралашди:

– Вой, хафа бўлманг, қудажон. Сиз ҳозир биз билан даврамизда ўтирибсиз, айланай.

– Вой, қудажон, бу сизми? Яхшимисиз, тан-жонингиз соғми? Қудам яхшимилар?

– Ойижон, яхши ўтирибсизми? – деб сўради Гулзода йиғламсираб, – кўрмайсизми энди ўғлингизни...

– Майли, қизим, хафа бўлманг, омон бўлинглар.

– Иккита янгилик бор, ойи, – деди Элбек.

– Вой, қанақа янгилик экан-а?

– Бу ердаям янги, замонавий уйлар қурилаётган экан. Ҳамма шароитлари бор. Уни ўн беш йилга ипотека кредити бериларкан. Дадамлар биз учун олиб беришмоқчи. Шаҳардан ҳечам қолишмайди. Энди сиз ҳам келиб, шу ерда мактабда ишлайверасиз.

– Замонавий коллежимиз ҳам бор, – деди Абдукарим ҳам суҳбатга қўшилиб.

– Эй йўқ, раҳмат. Қишлоқ менга тўғри келмайди-да, қудажон...

– Яна бир янгилик бор! – деди Элбек қийқириб.

– Қанақа, ўғлим?

– Яқинда набиралик бўласиз!

– Вой, ростанми, – дея Ойбаҳор ўрнида туриб кетди ва мониторга ёпишди. – Қани менинг Гулзода келиним? Нега шуни дарров айтмадинг-а?

Аввалига Гулзода, сўнгра эрлибосли Хусниялар ноутбук экранига ёпишиб Ойбаҳор билан ўпишиб кўришишди. Эcran лаб бўёғи излари билан бежалди.

— Ҳой, нима қилаяпсизлар! Ахир, экраннинг дабдаласи чиқди-
ку!

– Э, кўяверинг. Магазинда ойна кўп, ўғлим, – деб кўйди Хусния.

– Ҳа, ўғлим, янгисини солиб кўяверасан-да, – деди Ойбахор ҳам лаблар изидан мўралаб.

Янги фермер хўжалигига чиройли ном қўйишиб, низомини туман ҳокимлигидан рўйхатдан ўтказишди. Бу туманда шу йўналишдаги дастлабки корхона эди. Ҳокимлик қарори билан ер хўжалик балансидан олиб берилди. Бу илк кадам эди. Далага чорва фермаси, кишлоқ ичкарисидagi хўжаликка қарашли бўш биноларда эса турли ишлаб чиқариш янги иш ўринлари ташкил қилишадиган бўлишди. Шу жумладан, супурги ва яшик тайёрлаш цехини уйда Абдукарим юргизадиган бўлди. Кейинчалик бу ерда қамиш тўсиклар, бўйра ва саватлар ҳам тўқишни режалаштиришди. Банкдан кредит олиб бузоқ, қўй, курка, ғоз ва ўрдак, товуклар парваришлайдиган ҳам бўлишди.

Оилавий корхонада ишлар аста-секин юриб кетди. Энг муҳими, ўз хусусий мулклари пайдо бўлади. Фойда ҳам, зиён ҳам энди фақат ўзлариники эди.

Тўққизинчи боб “КАТИКХЎРЛАР”

Паризоданинг шаҳарда иқтисод коллежида ўқиши Хусниянинг оилавий аҳволига энди таъсир қилмасди. Эндиликда улар оёққа туриб олишган, ўрта ҳол оилалардан бирига айланишганди.

Қиз ҳар душанбада саҳарлаб туман марказига бориб, у ердан автобусга ўтириб кетар ва шанба кунлари яна қайтиб келарди.

Тумандан катнайдиган унга ўхшаш талабалар кўп эди. Ана шундай талабалардан бири Содикжон бўлиб, у ҳам ўша иқтисод коллежининг юқори курсида таҳсил оларди.

Содикжон мўмин-қобил, жуда ювош йигит эди. Кўпчилик ёшлар одатда ҳазил-мутуйиба қилиб, кулишиб юришса, у асло пинак ҳам бузмас, теварак-атрофга эътиборсиз, ўз хаёллари билан доим банд бўларди.

Одатдаги душанба кунларининг бири эди. Тонгги автобус талабалар билан лик тўлди. Чунки шу автобусдагилар биринчи соат дарсга бемалол улгуришади. Кейинги рейсдагилар эса кеч қолади. Ўша кун Паризода бу автобусдан кечроқ қолди. У ўрнидан кўзгалгани ҳамонқ узокдан чопиб кела бошлади. Орқа ойнани бепарво кузатиб келаётган Содикжоннинг кўзи тасодифан гўё куш каби қанот қоқиб келаётган бир гўзал қизга тушиб қолди. Индамас йигит негадир бу сафар жим туролмади. Жонжаҳди билан “Ҳой, тўхтатинг, шопир ака!” дея қичқирди. “Нима гап?!” деб сўради ҳайдовчи хавотирлик билан.

— Орқа эшикни очинг, илтимос! — дея қичқирди Содикжон яна. Автобусда норози ғала-ғовур кўтарилди.

— Тинчланинглар, талабаларимиздан бирови озгина кеч қолибди, — деди шофёр.

Терлаб-пишиб кетган Паризода автобусга аранг чиқиб олди. Лекин автобусни ким тўхтатганини билмай, ҳайдовчига “Раҳмат”, деди.

Содикжон йўл-йўлакай қизни зимдан кузатиб борди. Коллежга етиб келгач, кўпчилик қатори туртиниб-суртиниб тушиб олди ва дарсга шошилди. Лекин не кўз билан кўрсинки, ҳалиги қиз ҳам олдинда шошилиб борар, унинг коматига ярашиб тушган бир ўрам кокили гўёки рақсга хиром айларди. Содикжоннинг хаёлидан: «У ҳам шу ерда ўқиркан-да. Қизик, қайси гуруҳдан экан-а? Янгилардан бўлса керак-да», деган ўйлар кечди ва унинг орқасидан кузатиб борди. Қиз ҳақиқатан ҳам биринчи курслар ўқийдиган аудиториялар томон бурилди. Ана, таниш аудитория эшиги олдида тўхтади-да, у ерга кириб

кетди. “Э-ҳа, ўзимизни ҳисобчилардан экан-ку!” деб кўйди Содиқжон ва негадир ич-ичидан қувониб кетди. Қарангки, битта бўлимда ўқишаркан. Шу куниёқ танаффусда бориб биринчи курсларнинг дарс жадвалига қараб, қизнинг қайси гуруҳдан эканлигини билиб олди. “Демак, душанба биринчи соат, 47-аудитория. Ҳа, мана 12-гуруҳ экан”, деб кўйди у ўзича севиниб.

Ўқишлар одатдагидек давом этаверди. Содиқжон Паризода билан ҳали танишмаган ва бирор марта гаплашмаган бўлса-да, танаффусларда, баъзи тадбирларда негадир уни пинҳона излар, шанба кунлари унинг йўлларига кўз тикарди. Шу туфайли автобус салонидаги йўловчиларни бирма-бир нигоҳидан ўтказиб чиқар, қизга кўзи тушгач эса, хотиржам тортарди. Унга яқинроқ боргиси, танишгиси, гап қотгиси келаверар, лекин қандайдир куч бунга йўл қўймасди. Қиз кўҳлиқкина бўлгани учун унга гап ташлайдиган ва нималардир сўраб сурлик қиладиган йигитлар ҳам учрарди, лекин қиз ўзини ўта босиқ тутар, гапларига деярли жавоб қайтармасди.

Содиқжон ўзи англамаган ҳолда ғойибона ошиққа айланди. Ўзича бир талай ишқий шеърлар ҳам бита бошлади. Қизнинг баъзан дугоналари орасида кулиб гаплашиб кетаётгани ёки хиёбондаги ўриндиклардан бирида ўтирганини кўриб қолар, лекин юрак бетлаб яқинига боролмасди.

Шу зайл ойлар ўтди. Янги йил яқинлашиб қолди. Ҳар йили курслар бўйича янги йил кечасини ўтказиш анъанага айланган эди. Содиқжон бунга яхши биларди. “Демак, ўша қиз билан яқинроқ бўлиб олишга буям бир имконият”, деган фикрга борди у. Эҳтимол, қиз билан ҳамюртлари қатори бир стол атрофида ўтириш насиб қилар. Шампан ичиб танишишар. Сўнгра шу баҳона учрашиб туришар. “Қизиқ, унинг исми нима экан, кимнинг қизи экан?” дея ўз-ўзига савол берарди йигит.

Кутилганидек бу йил ҳам янги йил кечаси ўтказиладиган бўлди. Барча гуруҳларда қизгин тайёргарлик кўрила бошланди. Кеча ҳар йили марокли ўтади. Унда ҳар хил қизиқарли ўйинлар,

танловлар, беллашувлар ҳам бўлади. Ғолибларни Қорбобо билан Қорқизнинг ўзи тақдирлайди.

Содиқжон яна хаёлга ботди: «Қани энди қизиқарли мусобақалардан бирида ўша қиз билан бирга иштирок этсак эди. Мен ғолиб бўлсам ҳам совғани унинг қўлига тутқазган бўлардим».

Ниҳоят, фарахбахш онлар ҳам етиб келди. Гуруҳлар ўзларига ажратилган, безатилган столларга жойлаша бошлашди. Барчанинг дили яйраган, хурсанд кўринарди. Ўртада безатилган улкан арча. У оҳиста айланиб турибди. Ранго ранг чироклари ёниб-ўчади. Бинонинг бутун шифтларига ҳам шарлар ва турли ялтироқ безаклар осилган, дил яйрайди.

Талабалар ўз ўринларига жойлаша бошладилар. Содиқжон, албатта ўзига таниш чехрани излай бошлади. Ана!.. У ҳам ниҳоят кириб келди. Шундай чиройли кийинибдики, худди улкан кўғирчоққа ўхшайди. Паризода ҳусну латофатда бошқа қизлардан кескин ажралиб турар, кўпчилик йигитларнинг кўзи унда эди. Не бахтки, узоқроқда бўлса ҳам, қиз Содиқжоннинг кўзи тушиб турадиган жойга ўтирди. «Қандай яхши, – деб кўйди йигит кўнгли тўлиб. – Энди унинг ҳар бир ҳаракатини кузата оламан. Мабодо бирор ўйин бўлиб қолса, иложи бўлса, уни таклиф қиламан», – дея кўнглига тугиб кўйди.

Дилтортар кўшиқлар, рақслар, оташин табрикларга лиммо лим бўлган базм кечаси авж олди. Турли совринли, кўнгилочар ўйинлар ҳам бошланиб кетди. Ғолиб бўлганлар турлича совринлар билан тақдирлана бошладилар. Қорқиз бирига китоб, бирига кўғирчоқ, яна бошқасига ширин ичимлик тортиқ қиларди. Хуллас, кеча ёшлик шуури ва завқу шавққа тўла эди.

Содиқжон ўйинларга қўшилолмаي, иккиланиб ўтирар, аслида эса қизнинг бу ишга қўшилишига пайт пойларди. Лекин у дугоналари билан очилиб-сочилиб ўтирар ва байрам-шоу ўйинларига ўзини эътиборсиздек тутарди. Бир пайт Қорбобо янги беллашувни эълон қиларкан: «Ғолибга кечамизнинг бош соврини

– улкан торт тухфа этилади!» деб қолди. «Марҳамат, юрагида ўти бор, «мана мен» деган иккита хоҳловчи, яъни бир қиз ва бир йигит ўртага чиқишсин!»

Содиқжон бу сафар иккиланиб ўтирмади. Рақиб ким бўлишидан қатъи назар, албатта, мусобақада ютади-да, совғани ўша қизлар ўтирган столга элтиб беради. Ўша столдагилар катори у қиз ҳам лол қолади, албатта. Шунда Содиқжон «Яхши қиз, автобусга бошқа кеч қолманг» деб шипшиди. Қарабсизки, бу сўз уларнинг ўртасидаги илиқ муносабатларнинг бошланишига сабабчи бўлади.

Содиқжон ана шундай ширин, сархуш хаёллар оғушида биринчи бўлиб давра ўртасига чиқди. Аммо тезлик билан унинг кўзини боғлаб қўйдилар.

«Марҳамат, юрагида ўти бор қизлардан ким чиқади!» – деди микрофонда Қорбобо. Кимдир чиқа бошлади шекилли, кечани сокинлик қоплади. Туфлининг «так-тук»идан унинг қиз бола экани билиниб турарди. Унинг ҳам кўзини боғлашди чоғи. Сўнгра ҳар иккалаларини етаклаб қаергадир олиб бориб столга карама-қарши қилиб ўтқазиб қўйишди.

Мусобақа шартлари эълон қилинди. Яъни ҳозир уларнинг олдида бир косадан қатик қўйилади. Ҳар ким ўз олдидаги қатик билан рақибини «меҳмон қилади». Қайси томон ўз косасини биринчи бўлиб бўшатса, ўша ғолиб ҳисобланаркан.

Қатикни олиб келиб, бўйинларига кичикрок фартук ҳам тутиб қўйишди-да, қўлларига биттадан қошиқ тутқазишди.

– Фақат «Бошланглар!» деб буйруқ берилсагина бошлайсизлар... Дикқат! Тайёрланинглар, бошладик!

Содиқжон рақиб қиз бола эканлигини биларди, шу туфайли уни ҳарҳолда эъзозлаб, ҳурматини жойига қўйиш учун у узатган дастлабки қошиқдаги қатикни симириб олди. Муздек экан. Маза қилди. Лекин ўзининг оҳиста узатилган қошиғи негадир ҳавода муаллақ тураверди... Рақиб уни ичиб қўйишни хоҳламади.

Томошабинлар «Ҳая-хая»лаб кула бошладилар. “Нима бало,

оғзини топа олмадим, шекилли. Ракибим новча кизмикан?» дея ўйлангунича бўлмай унинг бурни устида иккинчи қошиқ пайдо бўлди. Энди оғзини очган ҳам эдики, катик бурнининг устига ағдарилди ва зудлик билан учинчи қошиқ яна юзига яхдек тушди. Содикжон шошиб қолди. Чунки ракиби фирромлик қилиб унинг қатигини ичмагани ҳолда ўзиникини ҳадеб “тиқиштирмоқда” эди...

Кулгидан зал жунбушга келди. «Содик бўшашма, катикни узат!» дея қичқиришарди дўстлари. Йигит ҳам энди ҳужумга ўтмаса бўлмаслигини тушунди. Энди у ҳам ракибининг муздек қатигини оғзига олишни бас қилди. Чунки бу мағлубиятга олиб келарди. Қиз эса умуман оғзини очишни истамас, тўғрироғи, йигит уни топа олмай ҳалак эди. Мана, ниҳоят топгандек ҳам бўлди. Чунки қошиқ юмшоқ жуссага урилгандек бўлди. «Бу албатта лаблари» деган ўйга борди йигит ва «сийлаб» қуйиб қўя қолди. Лекин қизнинг оғзи ҳамон очилмаганини, балки катик бурун аралаш тўкилганини Содикжон қаёқдан билсин? Унга жавобан муздек қошиқ энди йигитнинг пешонасига келиб тақалди ва беихтиёр ағдарилди. Йигит ҳам маҳорат кўрсатиб навбатдаги қошиғини қизнинг бошига тўкиб улгурди...

Кулгидан ёшларнинг ичаклари узилаёзди.

– Тўкманглар. Ҳалол ўйнанглар! Оз қолди! – дея қичқирди Қорбобо.

Лекин бу пайтда йигитнинг қошиғи қизнинг бўйни атрофида «ивирсир», бир вақт у шундай ағдарилдики, қиз қичқириб юборди. Энди қиз қатигини Содикжоннинг юзига чаплай кетди. Йигит ҳам бўш келмади. Қизнинг ёноклари, кулоқлари, дудокларига билиб-билмай қатикни қуяверди. Қизнинг жаҳли жунбушга келган чоғи, косасини олди-да, кутилмаганда ракибининг бошига кийдириб қўя қолди ва кўзидаги латтани ечиб, ўзи қочиқ қолди.

Гулдурос кулгилар, бақир-чақир, қийкириқлардан баъзилар юмалаб ҳам қолай дедилар.

...Кимдир келиб Содикжоннинг кўзини ечди. Унинг афт-ан-

гори масхарабозларникидан баттар эди. «Ким экан бу муттаҳам киз?» дегандек рўпарасини излади. Лекин ҳеч ким кўринмади.

Қорбобо мусобақа тугаганини ва унинг ғолибини ўн беш дақиқадан кейин эълон қилишини айтди. Содикжон бу вақтда ювиниб-тозаланиб улгуриши керак эди. Агар Қорбобо адолатли бўлса, ғолиб бўлгани аниқ. Чунки ракиби ғирром ўйнади. Демак, у ютади. Ютукни албатта, ўша ўйлаб қўйган кизнинг столига элтиб беради...

Содикжон шоша-пиша ювиниб чиқиб ўз жойига ўтирди. Ўртоқлари уни олқишлашди. Ўша киз томон кўз қирини ташлаб қўйди. Қиз иссиқдан терлаб кетган шекилли, чаккаларини дастрўмол билан артмоқда эди.

– Диккат! – деди Қорбобо тантанавор, – “Қатикхўрлик” мусобақасининг ғолиби эълон қилинади! Ғолиб мана бу йигит, яъни Содикжон Раҳмонов!

Барча залдагилар уни олқишладилар. Қоркиз унинг кўлига улкан тортни тутқазиб қўйди. Йигит бир тараддудланиб олди-да, ҳаммани ҳайрон қолдириб, тортни тўғри ўша кўз остига олиб юрган қиз ўтирган стол устига олиб бориб қўйди. Хаяжонли кўзлар аламли кўзларга тушди. Йигит эндигина автобус ҳақида оғиз очмоқчи эдики:

– Тортингиз бошингизда қолсин! Янги кўйлагимни расво қилдингиз! – деди киз дабдурустан.

...Тақдирнинг бу ҳазилидан Содикжон лол қолди. Тортни ҳар икки столдагилар бўлишиб ейишди. Аччиқлана-аччиқлана киз ҳам еган бўлди, албатта.

– Ҳой Паризода, намунча бўғиласан. Ювсанг кетади-ку, – дер эди дугоналари уни юпатган бўлиб.

– Кўркманг, ўзим ювиб бераман, – деб юборди Содикжон ҳам бўш келмай.

У ўзида пайдо бўлган бу журъатдан ўзи ҳам чўчиб тушди. Йигитнинг руҳиятида тўсатдан ўзгача кўтаринкилик, дадиллик пайдо бўлганди.

* * *

Ҳусния билан Элбек қишлоқ гузаридан офис учун жой топишди. Бу жой тугатилиши муқаррар бўлаётган хўжалик идорасининг рўпарасидаги унга қарашли яхши ҳолатдаги бинолардан эди.

Элбек ичкарига кириб, ўз қўли билан тайёрлаган «Водий гулшани» номли хусусий фермер хўжалиги деган ёзувни кўтариб чиқди ва бино пештоқига ўрната бошлади. Шу маҳал машинасининг сигналини чалиб божаси Севдиёр келди.

– Эҳ-ҳе, ҳорманг, божа!

– Бор бўлинг! – деди Элбек.

– Келганингизни эшитиб жуда хурсанд бўлдим. Уйга ўтсам шу ёқда дейишди. Мана энди биргалашиб ишлайверамиз.

Элбек нарвондан тушиб Севдиёр билан кучоқлашиб кўришишди. Ёшлар чиндан ҳам хурсанд эдилар. Сўнгра Элбек божасини офис ичкарисига олиб кириб хоналар билан таништира бошлади.

– Мана бу ер қабулхона, ҳисобхона, умумий бўлим. Ҳозирча шу.

– Қойил! Жуда хурсандман. Тўғриси айтсам, қишлоқда мен жуда ёлғизланиб қолаётган эдим, – деди Севдиёр.

– Ие, нега?

– Мен кўпроқ хорижда, бизнес ишлари билан юраман. Қишлоқдошлар бўлса, деярли четга чиқишмаган, онглари анчагина орқада ҳали. Чет элдаги тараққиётни кўриб ҳавасим келади. Қачон бизнинг қишлоқлар ўшандай бўларкин? Ҳеч бўлмаса, шаҳардай... деб.

– Сиз ўша ёқдан мини заводлар олиб кела оласизми?

– Ҳа, албатта. «Пул бўлса чангалда шўрва» деганлар.

– Масалан, қандай?

– Масалан, кадоклаш, тикиш, бичиш, тўкиш, нусха тушириш, меваларни, гўшт, сут маҳсулотларини қайта ишлаш ва ҳоказо. Эҳ-ҳе, қани энди маблаг бўлиб, мен кўрган линияларни олиб ке-

лолсак эди. Одамларимиз ишли бўлиб, бойиб, қишлоғимизнинг шаҳардан фарқи қолмасди, – деди Севдиёр афсус билан.

– Маблағ бор, – деди Элбек дабдурустдан. – Бу банк. У лизингга олиб беради. Бу ёғини менга қўйиб беринг. Сиз билан фақат нима иш қилмоқчимиз ва ундан яхши самара олишимизга ишончимиз комил бўлса бас.

– Ие, ростданми? Бу зўр-ку! – деди Севдиёр қувониб. – Унда бу иш билан албатта шуғулланаман.

* * *

Ўша кунлари Ҳусния янги фермер хўжалигининг дастлабки йиғилишини ўтказди. Йиғилишда Элбек, Севдиёр, Абдукарим ва Гулзодалар иштирок этишди.

– Севдиёр. Сиз ҳам бизнинг командага қўшилишни ихтиёр қилганингизни эшитиб жуда хурсанд бўлдим, – деди Ҳусния.

– Шаҳарлик куёвингиз зерикиб қолмасин дедим-да, – деди у кулиб ва божасининг елкасини қоқиб қўйди.

– Бўлмаса, ишларни бўлиб олсак. Элбекжон менга ўринбосарлик қиладилар. Барча иқтисодий, истикболли масалалар шу кишининг қўлида бўлади. Гулзода доим офисда котибалик, ғазначилик қилади.

– Ҳам фаррош, ҳам ошпаз, – дея қўшиб қўйди Элбек кулиб. Ҳаммалари кулишиб олишди.

– Хонзодагаям иш топилар? – деб сўради Гулзода.

– Йўқ. У кишининг оёқлари оғирроқ, – деди Севдиёр.

– Севдиёр, сиз бўлмаса таъминотчилик, мененжерликни ўз қўлингизга олинг.

– Ташқи иқтисодий алоқалар бўйича раис ўринбосарлигини ҳам, – деб қўшиб қўйди Элбек.

– Хўп. Нима десанглار шу, мен даладаги ишларни ташкиллашни ўз зиммамга оламан.

– Бир ўзингга оғирлик қилади, – деди Абдукарим.

– Мана сиз борсиз-ку, хўжайин.

– Мени бу ерда бошқа «хўжайин» дема! Исмим бор, шарифим бор...

– Хўп бўлади, Абдукарим Иноғомович.

– Манави бошқа гап.

Ҳаммалари кулиб юборишди.

– Тўғри айтяптилар. Сизга яна бир-иккита мутахассис ёрдамчи олиш керак, яъни пахта бўйича, буғдой бўйича.

– Супургидан энди яхши даромад олиб бўлмайди. Бозорларда сунъий тозалагичлар кўпайиб кетди. Агар эплай олсак бошқа яхши даромадли иш бор. Республикамиз мевалари чет элга яшик билан кетади-ю, орқага қайтмайди. Бу дегани яшик тарасига доимий талаб бор, – деди Севдиёр.

– Демак, келишдик, – деди Ҳусния куёвларининг тадбирли эканликларидан хурсанд бўлиб. – Бу ишларни даладаги ишлар билан бир вақтда олиб борамиз. Элбекжон, сиз яна замонавий чорвачилик комплексининг лойиҳаси билан ҳам шуғулланинг. Уларга қанча маблағ кетади, ҳисоблаб чиқинг.

– Хўп бўлади.

– Бўлмаса, Севдиёр, сиз минерал ўғитлар билан шуғулланинг. Бизга ажратилган ерлар жуда кучсиз экан. Уларга аммофос, суперфосфат ва маҳаллий гўнг солмасак бўлмайди. Кейин, Гулзода, ҳисобчи масаласини кўринглар. Ҳозирча Элбекжон ўзингиз эплаб туринг, хўпми?

– Ойи, – деди Гулзода ўсмоқчилаб, – нима қилай, Хўжамкул акани расмийлаштираверайинми?

– Ҳа, у кишини бош сувчи этиб тайинла. У яхши мутахассис. Бу биринчидан. Иккинчидан, мени иш жойида бошқа “ойи” дема. Мен уйда ойингман, бу ерда бошлигингман, тушунарлими? Бу гап ҳаммагаям тегишли. Чунки биз энди бегоналарни ҳам ишга қабул қиламиз. Бундан кейин улар ҳам йиғилишларда иштирок этишади. Ҳамма ишлар қонуний ва расмий бўлиши керак. Қонунни бузувчиларга қариндош-уруғчилик кетмайди. Бутун куч-эътиборимизни фермер хўжалигимизни ривожлантиришга қаратмоғимиз керак. Токи эл-юрт олдида юзимиз доимо ёруғ

бўлсин. Элбек сиз штатлар жадвалини ишлаб чиқинг. Ҳамма қонуний маош олиб ишласин, солиқлар ўз вақтида тўлансин. Ҳа, айтмоқчи, банкдан кредит олишни тезлатайлик. Хўжайин, сиз ҳам бир нима дерсиз?..

– Мениям бу ерда бошқа хўжайин дема, – деди Абдукарим жиддий ўдағайлаб.

Ҳамма яна кулиб юборди.

– Марҳамат, ўртоқ ишлаб чиқариш бўлими бошлиғи Абдукарим Сотволдиевич!

– Бу бошқа гап... Хуллас, Севдиёр Алиевичнинг таклифи менга маъқул. Менга яшиқ тайёрлаш цехини йўлга қўйиб беринглар. Аввало хом ашё масаласини ҳал қилмоқ керак, – деди Абдукарим жиддий.

– Даладаги бўш ерларнинг ҳаммасига, ариқлар, зовур бўйларига Калифорния терагидан экиб чиқишимиз керак, – деди Севдиёр. – Чунки бу терак тез етилади, уч йилда яшиқ тайёрлашга бемалол ярайди. Ҳозирча одамлардан сотиб олиб турамиз.

– Яхши, – деди Хусния куёвининг таклифини маъқуллаб, – кўчатларни шу йилиёқ экиб чиқамиз. Дадаси, сиз ўшанақа терак кўчатларини суриштиравинг.

– Яна «дадаси» дейди-я. Қанақа кишлоқи бошлиқсан ўзи?

Ҳаммалари гуриллаб кулиб юборишди. Шундай қилиб дастлабки оилавий пудратдаги фермер хўжалигининг умумий йиғилиши, журналистлар тили билан айтилганда, «кўтаринки руҳ ва юксак савияда» ўтди.

* * *

Фермер хўжалигида ишлар қизғин бораётган кунларнинг бирида қабулхонага Исмат ийманиб кириб келди. У ўзини анчагина олдириб қўйганди. Бошлиқнинг эшиги очик бўлиб, Гулзода ичкарида эди. Хусния аллаким билан телефон орқали гаплашарди. Ниҳоят, у гўшакни қўйди.

– Бригада аъзоларини нима қилай? – деб сўради Гулзода.

– Уларними? Хохловчилари бўлса, бир-бир суҳбатга чакира-

вер. Маъқулларини бизнинг ҳўжалигимизга ишчи сифатида кўчириб ўтказ. Шунақа буйрук тайёрла, тушунарлими?

– Ҳўп, – дея Гулзода бир талай коғоз билан ичкаридан чикиб келди ва кўзи Исматга тушиб алланечук бўлиб кетди.

Исмаг истехола билан ўрнидан туриб салом берди.

– Ичкарига кирсам мумкинми? – сўради у синик овозда.

Гулзода бир оз иккиланиб турди. Бу кутилмаган ҳолат эди. Ҳарҳолда ўзаро ярашув бўлган бўлса-да, эски гаплар яна кўзгалиб қолишидан қиз хавотир олди. Шу туфайли «Ҳозир, бир дақиқа!» деди-да, эшикни очди.

– Ўртоқ бошлиқ, Исмаг ака келибдилар. Кираверсинларми?

Ҳусния ҳам бир оз тараддудланиб қолди. Эркакча кастюмининг ёқалари, дўпписи ва ҳийла ўсиб қолган сочларини бир-бир эпақага келтирган бўлди. «Нима иши бор экан бу тасқаранинг?» деб кўйди ўзича. Сўнгра «Айт, кираверсин» деди у жиддий.

– Мумкинми? – деб истехзо билан кириб келди Исмаг.

Унинг овозида бир оз қалтираш бор эди.

Шу пайт телефон жиринглаб қолди. Ҳусния тезлик билан гўшакни кўтарди.

– Алло, «Водий гулшани» бошлиғи Иноғомова эшитади... Ҳўп. Демак, соат 14-00да, ҳокимиятда, фаоллар йиғилиши... Албатта етиб бораман. Ҳўп, раҳмат, – деди Ҳусния ва эшитганларини ҳизмат дафтарига қайд қилиб кўяркан, сўппайиб турган Исмагга «Ўтиринг» дея ишора қилди.

– Ишларни яхши бошлаб олибсизлар...

– Ҳа, албатта. Келинг, ҳизмат?..

– Шу нимайди, халиги. Ўтган ишларга яна бир бор узр. Ёшлик шўхликлари энди тугади. Бекор қолдим... Эркак киши уйга сиғмас экан... Ўзингизнинг хабарингиз бор, умрим далада ўтган, тупроқ ҳидига ўрганиб қолганман...

– Яхшибой қалай?

– Яхши. Катта бўлаяпти. Тилиям халигиндай... Хуллас, мениям ишга олсангиз. Ишчи бўлсам ҳам, бирор кора иш бўлсаям майлига...

- Сенсирардингиз, шекилли.
- Ҳа. Энди у даврлар ўтиб кетди-да. Ҳозирги замон бошқа,
- деди Исмат илжайиб.
- Нодирбек қалай?
- Яхши. Аминитсияга тушиб, кутилиб чикди. Хорижга ишлагани кетди... Ҳусния, билсанг, мен деҳқон боласиман. Далани соғиндим. Менга яна бир имконият бер. Ўлай агар, пушаймон бўлмайсан. Хоҳлаган ишингга ол, айтганингни қиламан, – деди ва Исмат ўрнидан беихтиёр туриб кетди.
- Ҳа. Сенсираганингиз маъқул экан.
- Ўлай агар, сидқидилдан ишлайман... Ичишния ташладим. Хоҳласанг, тилхат ёзиб бераман.
- Ҳусния бир оз ўйланиб қолди ва ниҳоят бир қарорга келди:
- Тилхатнинг кераги йўқ. Эркаксиз-ку. Фақат иккита ариза ёзасиз. Бири ишга киришга, бири кетишга. Кетиш аризасига сана қўймайсиз. Бирор нағма қилсангиз ўша кунёқ бўшатаман.
- Исмат хурсанд бўлиб кетди:
- Бўпти. Келишдик!
- Ҳусния тугмачани босди. Хонага Гулзода мўралаб, «Лаббай, ўртоқ бошлик» деб қўйди.
- Исмат акангни ишга расмийлаштир. У билан меҳнат шартномаси, ундан кейин моддий жавобгарлик тўғрисидаги шартнома ҳам туз.
- Гулзода норози бўлиб бир оз туриб қолди.
- Ойи, ахир...
- Ҳусния столга бир мушт туширди.
- Бошқа мени ойи дема, дедим! Айтганимни қил!
- Қ-қайси ишга?..
- Бригада бошликлигига. Хўжаликдан тўғридан-тўғри кўчириб ўтказ!
- Нима? Рост биланми? – деб юборди Исмат довдираб ва кўзларида ёш қалкиди. «Раҳмат, Ҳусни...» деди-да, тез чиқиб кетди.

Гулзода бурнини жийириб секин шивирлади:

– Нима қияпсиз, ойи? Уни бошингизга урасизми?

– У яхши мутахассис. Бизнинг ерларни ипидан игнасиғача билади. Умри ўша ерда ўтган, тавбасига таянган. Уч ой синов муддат асосида буйруқ ёз! Ҳа, у иккита ариза ёзади: бири киришга, бири кетишга. Тушундингми?

– ...

* * *

Орадан кунлар ўтди.

Бепоеён пахтазор далаларда ҳаво чароғон, эсаётган ёқимли шаббода дилни яйратади. Ҳусния пайкал ичини кезиб, гўзалар ривожини шошилмай кузатаркан, бир сиқим тупроқни қўлига олиб уни укалаб майдалади, ҳидлаб кўрди. Шу алфоз ўй суриб турган маҳали унга кўзи тушиб қолган Исмат бригадир кулиб ёнига яқинлашди. У кўнжли этик кийиб олган, кайфияти аъло кўринарди.

– Ассалому алайкум, ҳорманг, раис ака! – деб қўйди у қочирим қилиб

– Ҳа, Исмат ака, ўзингиз ҳорманг. Бу ерлар анчагина чанқаб қолган кўринадими?

– Шўри кўп-да. Ўғит билан ерни юмшатиб олиб, сўнг суғоришимиз керак бўлади.

– Яна қанақа муаммолар бор? – сўради Ҳусния гап мавзусини буриб.

– Иккинчи ўн гектарликдаги ерда кўсак қурти капалаклари пайдо бўлибди. Агар тез чорасини кўрмасак, улар гўзаларга тухумлаши мумкин.

– Ярамаслар! Қаёқдан пайдо бўлишди экан-а?

– Кўшни ердаги тутзорда ўтган йили ўрилмай қолиб кетган маккапоялар бор эди. Ўша ерда қишлашган кўринади. Ундан кейин мен илгари шийпоннинг олдига ҳечам помидор эккизмасдим. «Помидор пояси – кўсак қурти уяси» деса ҳам бўлаверади.

– Ўҳ-ҳў. Унда қанақа чора кўрамиз?

— Аввало, ўша помидор палакларини юлиб ташлаб, уларга ўт қўямиз. Кейин биолобораториядан трихограмма ҳашаротларидан олиб келиб ғўза пайкалларига қўйиб юбориш керак. Бу синалган энг яхши усул.

Хусния Исматнинг яхши мутахассис эканига яна бир бор иқрор бўлди.

— Яхши, — деди у жавобдан қониқиб. — Мен эртагаёқ Севдиёрни биолобораторияга юбораман у мутахассислар билан келиб, ерларимизни ўрганишсин.

Улар шу зайл қизгин суҳбат куриб катта йўл сари чиқиб боришарди. Исмат сўзида давом этарди:

— Умуман трихограммалар инсон учун мутлақо зарарсиз ҳашарот. Ҳам зарарли химикатлардан кўра арзонроқ тушади. Энг қизиғи, зараркунанда ҳашаротларнинг тухуми билан озиқланишади.

— Ўх-хў... Демак, ёмонлардан яхшилик йўлида фойдаланар эканмиз-да-а?

Исмат изза бўлгандай ортда қолди. Энгагини қашлади ва фикран «Оббо, чақиб олди-ку», деб қўйди.

* * *

...Энди Паризода билан Содикжон у ер-бу ерда учрашишиб қолганларида ўзаро илиқ табассум билан салом-алик қилиб ўтадиган бўлишди. Айниқса, қиз унинг ўз туманидан ва ҳамсоҳа эканини эшитиб хурсанд эди. Баъзи қийналаётган дарсларини Содикжондан сўраб билиб оладиган бўлди. Йигит уни бир-икки бор музқаймоқ ейишга таклиф қилди. Лекин қиз рад этди. Йигит унинг кўнглига йўл топа олмай бир оз қийналиб юрди ва охири топгандек бўлди ҳам.

Душанба кунларининг бирида қиз яна кеч қолди шекилли, автобусга етиб келолмади. Йигит эса тайёр юриб кетаётган автобусни тўхтатиб тушиб қолди-да, Паризоданинг йўлини пойлади. Адашмаган экан. У кеч қолиб келди. Кейинги рейсда бирга кетишди. Биринчи соат дарсга киришмади. Анча-мунча вақт бор эди.

– Паризода, – деди Содикжон кизга кулиб қараб. – Озгина вақтимиз бор. Сизни музқаймоққа таклиф қилганим билан барибир бормайсиз, тўғрими?

– Тўғри, – деди қиз ширин табассум билан.

– Бўлмаса, юринг, бир ёшликни эслаб катикхўрлик қилиб келайлик.

Паризода ўзини тутта олмади. Шақиллаб кулиб юборди.

– Нега ўшанда ғирромлик қилдингиз?

– Торт мендан кетганига алам қилганди. Лекин барибир ўзингиз олиб келдингиз.

– Мен рақибим сиз эканлигингизни билмаган эдим. Рақибим ким бўлишидан қатъи назар, ютукни барибир сизга олиб бормоқчийдим.

– Ростданми? Нима учун? – деб сўради қиз ажабланиб.

– Сиз билан яқин таниш бўлмасам-да, ёқтириб қолганим учун-да.

– Ў-ў, оширвормадингизми? Қачон улгура қолдингиз?

– Ўша сиз автобусдан илк бор кеч қолганингизда. Уни мен тўхтатгандим. Сизнинг жон алфозда чопиб келаётганингизга кўзим тушиб қолиб, «Тўхтатинг!» дея ҳайқирган мен эдим.

Қиз эслади.

– Демак, ўша кунги халоскорим сиз экансиз-да? Ўша куни энг кийин ёзма иш бор эди. Кеч қолганимда синовга қўйишмаган бўларди.

– Ўшандан буён сизни кузатиб юраман. Афсуски, бу йил ўқишни тугатяпман. Биз диплом амалиётига кетяпмиз. Сизни йўқлаб келиб турсам майлими?

– Майли. Фақат муносабатларимиз дўстона бўлса. Баъзи фанлардан ул-бул сўраб турардим.

Шу тариқа уларнинг ўртасида самимий муҳаббат ришталари чечак ота бошлади. Йигит бу орада қизнинг қаерлик ва кимнинг қизи эканлигини сўраб-суриштириб билиб бўлганди. Узоқ эмас, қўшни қишлоқдан экан.

* * *

Якшанба кунларининг бири эди. Бугун Хуснияларникида кизлари ва куёвлари жамулжам бўлишган. Фақат корақал-поғистонликлар етишмасди, холос. Тошкентликлар келгани учун Севдиёр Хонзода билан ташриф буюришган эди. Талаба Паризода эса елиб-югуриб уларга хизмат қиларди. Гап янги ташкил этилган фермер хўжалиги устида борарди.

– Ҳисобчиликниям ўзингиз эплайверасиз-да, Элбекжон, – деб қолди шу пайт Хусния.

– Йўк, ҳисобчилик бу бутунлай бошқа соҳа. Унинг ўзига яраша ҳисоботлари бор. Мен мутлако бу соҳадан беҳабарман. Бунинг учун махсус курсда ўқишим керак бўлади. Ундан кўра шоллингизни ўтаб берганим маъқул, – деди у ҳазил қилиб.

Даврадагилар кулиб олишди.

– Вой, хоҳласанглар бир яхши ҳисобчи ака борлар. Шу йил бизнинг соҳани тугатапти, – деб қолди Паризода гапга аралашиб.

– Ким экан у? – деб сўради Хусния.

– Қўшни қишлоқдан. Ўқишни аълога битирапти. Мен ҳам ундан баъзан йўл-йўриқ олиб тураман.

Хонзода Гулзодага қараб “Писмикни қаранг-а” дегандек кўзларини ўзаро маъноли уриштириб қўйишди. Бу ҳаракатни Хусния сезиб, ўзича кулиб қўйди:

– Майли, бир гаплашиб кўр-чи. Элбекжон поччанг билан таништир. Маъқул деса олаверамиз-да. Чунки ишни юритадиган шулар-ку.

– Паризоданинг ўзи-чи, эплай олмайдими? – деб қолди шу пайт поччаси Севдиёр.

– Э, йўк. Биз ҳали бундай махсус курсларни ўрганаётганимиз йўк.

– Ҳа, майли. Икки-уч йил ўша йигит ишлаб турса, кейин бир гап бўлар, – деди Хусния хотиржам. “Демак, корхонада ёш кадрлар муаммоси ҳал” деб қўйди фикран.

Паризода бу таклифни, албатта, Содикжонга етказди. Бу унинг учун кутилмаган ҳол эди. Уни қизиқтирмай қолмади. Тўғри, у шаҳардаги корхоналардан бирида ҳисобчи ёрдамчиси бўлиб ишлашни келишиб қўйганди. Лекин Паризодага етишишга қизнинг ўзи унга йўл очиб бераётгандек туюлди. Қолаверса, уларнинг оиласи билан яқиндан танишиб олади, янги корхона бўлса ҳамма ишни бошидан, мустақил бошлайди, бирйўла бош ҳисобчи вазифасида ишлайди. Бунинг нимаси ёмон? Бир ўқ билан икки куённи уриш мумкин-ку, ахир...

Келгуси якшанбада Содикжон тортиниб-қимтиниб Паризода-ларнинг уйига кириб келди, Паризода поччаси Элбекни чақириб келди. Шаҳарлик куёв уни илиқ қарши олди. Замонавий ёшлар тез тил топишишди. Содикжон компьютердаги энг сўнгги бухгалтерия ҳисоби дастурини яхши ўзлаштирган экан. Бу айти муддао эди.

ХОТИМА ЭРЛИБОСНИНГ ЕЧИЛИШИ

Абдукаримнинг ҳам цехдаги ишлари жонланиб кетди. Ҳусния тушлик пайти эридан хабар олиш учун келиб, бу ердаги ишларнинг бориши билан танишди ва камчилик топа олмади. «Эр-как барибир эркак-да, ногирон бўлсаям ишнинг юритишини қаранг», деди у ўз-ўзига. Улар биргаликда тушлик қилишди.

– Худо хоҳласа, биринчи партияни Иркутскка жўнатар эканмиз, – деди Абдукарим.

– Ҳа, Севдиёр куёвингиз жуда ишбилармон-да. Бахтимизга омон бўлсин, ишқилиб, – деди эрлибосли аёл ва ўз пешонасини ушлаб чуқур хўрсиниб қўйди. У негадир ўзини беҳол ҳис қила бошлаётганди.

– Лекин Элбекжон кетиб қолмасмикан, деб кўркаман-да. Ойи-си қаттиқ туриб олса нима ҳам дерди? – деди Абдукарим овқатни хўриллатиб ичаркан.

– Вой, ойиси қолиб, ўзимизнинг Гулзода ҳадеб «кетайлик» деб кўймаётганмиш, – деди Ҳусния ўзининг беҳол бўла бошлаганини аранг яшириб.

– А?.. Бу ёғи қизиқ-ку!

– Ҳа, нимасини айтасиз... Ҳомиладормиш, боласини шаҳарда туғмоқчи.

– Ие, шунақами, зўр бўпти-ку, – деб кўйди Абдукарим мийингида кулиб.

Ҳусния индамади. Негадир кўз олди қоронгилашиб, боши айланиб кетди.

– Вой, дала офтоби таъсир қилди, шекилли, – деди аёл гўё ёнбошлаб олмоқчидай атрофидан жой излади.

– Бор, ичкарига кириб бир оз дам олақол, бўлмаса, – деди эри безовталаниб.

– Хўп, – деди Ҳусния ва устунларга суяниб хужра томон оҳиста йўналди. Етай деганида кўнгли айланиб, ўқчий бошлади.

– Оббо, бу ёғи жиддийга ўхшайди-ку, – деди у ва аёли кириб кетгач, ишчи қизлардан бирига дўхтир чақириб келишни топширди.

– Ҳа, хотин, тузукмисан?! – дея сўради у ичкари томонга кулоқ тутиб, ногиронлар аравачасининг ғилдирагини авайлаб тўғриларкан.

– Ўтиб кетади, қўяверинг, дадаси.

– Астағфируллоҳ, ишқилиб яхшиликка бўлсин-да...

Кўп ўтмай «Тез ёрдам» етиб келди. Дўхтир опа кўрсатилган хужра томон кирди. У ҳали ёш ва тажрибасиз ҳамширалардан экани шундоқ сезилиб турарди.

– Ассалому алайкум. Ҳа, тинчликми, тоғажон? – деб сўради у бемордан.

– Ҳа-а... – деди Ҳусния эшитилар-эшитилмас.

Дўхтир Ҳусниянинг кўл томирини ушлади, оғзини очиб тилини, сўнгра кўз корачиғларини кўрди-да, ўйланиб қолди.

– Тинчликми, дўхтир?! – деб сўради ташқарида бетоқат кутаётган Абдукарим.

У аравачасини у ёқ-бу ёқ бетоқат ғимирлатиб кўярди.

Доктор аёл ичкаридан чиқди-да, қошлари кўтарилиб, кўзлари билан ғалати қараш қилиб кўйди.

— ...Анализ топширишлари керак. Кейин каттароқ шифокорларгаям кўрсатиб кўринг.

— Нима, касали оғирми?!

Аёл елкасини қисди.

Абдукарим бир оз анграйиб қараб турди. Сўнг шундай хохлаб, қийқириб кула бошладики, бутун ишчилар ҳайрон қолишди.

— Майли, синглим, — деди у кулгидан ўзини тўхтата олмай. — Сиз кетаверинг. Мен бу дўстимни поликлиникага эртага ўзим олиб бораман.

— Ҳой дадаси, нега ҳадеб куляпсиз? Дўхтир нима деди? — деди Ҳусния инқиллаб.

— «Ҳаммаси яхши», — деди у аранг ўзини кулгидан тийиб. Эртага поликлиникага бориб «Гинекология» бўлимига учрашар экансан. Шу, холос.

Ҳусния эртаси эри айтган жойга борди. Аёллар қатори навбатга турди. Шивир-шивир гапларга кулоқ тутмади. Хаёли даласида эди. Шифокор аёл ичкарида улкан махсус креслода кимнидир кўрикдан ўтказмоқда эди. «Навбатдаги, кириг!» — деган ичкаридан овоз келди.

— Мумкинми? — деди Ҳусния эшикни хиёл тақиллатиб.

Шифокор опа ортига ўгирилиб ҳам қарамади. Чунки у каттик банд эди ва ортига қарамай туриб буюрди:

— Марҳамат, опажон. Кириб ўтириб туриг. Мен ҳозир, — деб кўйди у ва хотиржам ишини давом эттирди.

Лекин тўсатдан кўрикдан ўтаётган аёл чийиллаб шундай кичкира бошладики, унинг кўзлари олайиб, чакка томирлари бўртиб чиқиб кетай дерди. Доктор эса унинг кичкирганидан бирор жойи каттик оғридими, нима бало, деб кўркиб кетди. Бемор эса тинимсиз Ҳуснияга қараб ишора қиларди.

Нихоят, доктор аёл ҳам унинг орқасида эркак киши турганини кўриб эсхонаси чиқиб кетаёзди.

– Боринг! Йўқолинг бу ердан! – дея бор важоҳати билан ўшқириб берди у.

– Қ-қаерга? – деди Ҳусния ҳайрон.

Бир ҳамшира кириб қолиб, у ҳам Ҳуснияга даҳшатли нигоҳини қадади.

– Йўқотинг бу кишини деяпман! Вон, отсюда!.. – дея важоҳат билан ўшқирди шифокор аёл ҳамширага.

Ҳамшира Ҳуснияни тезлик билан етаклаб олиб чиқиб кетди. Ҳусниянинг эса ҳайронликдан тили айланмасди. Ҳамшира уни янглишиб кириб қолганини тушунтирди ва уролог шифокорга рўпара қилиб қўйиб чиқиб кетди.

Уролог кекса киши экан. У бир нималарни тўхтовсиз ёзиб ўтирар ва кўзойнагининг устидан Ҳуснияга оҳиста нигоҳ ташлади.

– Шамоллабсизми?..

Ҳусния елкасини қисди.

– Зах жойларда кўп ўтирсангиз керак-да-а? Ўзи шунақа, ўз вақтида даволанмайсизлар, касалликни ўтказиб юборасизлар, кейин хотинларингиздан дакки еб бизнинг ҳузуримизга чопасизлар, – деди у одатдагидек эзмаланиб.

Ҳусния шоли экишларини ва йил бўйи ҳақиқатан ҳам зах жойларда кўп юришларини узундан-узун ҳикоя қилиб бермоқчи эди, лекин шифокор гапни қисқа қилди-қўйди:

– Ечинг-чи...

– Нимани?

– Шимингизни-да...

...Бу сафар кичкирик овози урология бўлимидан келди ва Ҳусния у ердан чопиб чиқиб келди.

Ана шундай ҳангомалар туфайли у уйига тез қайтиб келди ва ҳомиладор бўлганини эридан аниқ эшитди.

– Энди аёллик кийимингни кийиб олсанг ҳам бўларди, – деди Абдукарим хурсанд.

Ҳусния индамади, балки эрига кулиб, сузилиб қараб қўйди.

– Ҳали бир оз бор-да, дадаси. Мен ахир, эл-юрт олдида лафз қилиб қўйганман!

Набижон Ҳошимов

– Бу ҳақида болаларга билдирмаймизми?

– Э, йўқ. Кулгига қолмайлик тағин. Вақти-соати келиб ўзлари билиб олишарди.

– Ҳай, майли. Лекин энди оғир юк кўтарма, ўзингни эҳтиёт қил,

– Сиз ҳам ҳеч кимга айтмай қўя қолинг, хўпми, дадаси? Одам уялади...

– Бўпти. Битта-яримтага эрисанг ҳеч кимга айтмайман.

Ҳусния сандиқчани очиб, унинг ичидан тўйда яшириб қўйган бир шиша ароқни олди.

– Ишқилиб, тўполон қилмайсизми?

– Э, йўқ... – деди Абдукарим ва аёлининг қўлидан ушлаб, оҳиста «Раҳмат» деб қўйди.

У фикран шундай «ўғил бола» аёли борлигидан ич-ичидан фахрланиб қўйди.

– Анави ҳисобчи йигит бор-ку!.. – деди Ҳусния пиёгани сочиқ билан артиб узатаркан.

– Ҳа, Содикжон. Нимайди?

– Тузук йигитга ўхшайди. Ўтган куни солиқчи Ходивойни кўргандим. «Яхши ҳисобчи олибсиз, ҳамма ҳужжатлари жойида экан» деб айтди.

– Шунақами? Ўша йигитни чақириб бир улфатчилик қилинг, демоқчимисан?

– Таг-тугини суриштирсангиз ёмон бўлмасди...

Абдукарим аёлининг мақсадини тушунди.

– Майли, бўлмаса сен офисга телефон қилиб уни чақирақол. У билан бирга тушлик қиламиз.

– Элбекжонниям айтайинми?

– Ҳа, албатта. Унгаям хабар бер. Ёшлар билан ўзим бир улфатчилик қилайин-чи.

– Бўпти, мен овқатга урина қолай, бўлмасам.

– Гулзодага айта қол. Келиб ёрдам берсин.

Содикжоннинг ўзи айнан шундай пайт бўлишини кутиб юрган ва бор дардини Гулзодага айтганди.

– Шу кунларда дадамнинг кайфияти яхши, бориб кела қолинг, – деди у маъноли жилмайиб.

Паризоданинг ҳам амалиёти шу ерда эди.

Содиқжон дўкондан майда-чуйда қилиб юрган ҳам эдики, Элбек машинасида келиб қолди. Яхши бўлди, Абдукаримнинг хузурига бирга кетишди.

Далада ишлар қизгин борарди. Хусния ғўза ораларига тара-лаётган сувни кўздан кечирарди. Исмат бўлса сал нарида ишчиларга зўр бериб нималарнидир тушунтирарди. Пайкал ичида бўлса бир трактор жойидан кўзгалмай туриб қолганди. Шу маҳал эрлибосли Хусния ўзини беҳол сеза бошлади. Ўтириб ариқ су-вида юзини ювиб олди. Лекин фойдасини сезмади. Ҳаммаси тушунарли, ҳомиласи безовта бўлаётганди. Шийпон томон аста кетмоқчи бўлди, лекин ўз ҳолатини эркакларга сездирмасликка ҳаракат қилди. Шу маҳал Исмат у томонга қараб кела бошла-ди. Хусния унинг яқин келишини хоҳламасди. Шунинг учун кичкириб деди:

– Ҳой, Исмат ака! Анави трактор нима учун бекор турибди?

– Аккумуляторини зарядкага қўйишган.

– Иттариб бўлсаям юргизинглар унақа бекор турмасин.

Исмат аёлнинг беҳоллигини англади. «Хўп бўлади» деб нари кетиб бораркан, ортига хавотир олиб нигоҳ ташлади. Бу пайтда Хусния йўл четида ўсиб турган бир теракни ушлаб суяниб олди ва Исмат томон яна кичкирди:

– Айтмоқчи, менга қаранг! Нарига иккинчи беш гектарликда ғўза чиқмаган ола жойлар кўпга ўшайди. Шийпонда тайёрлаб қўйилаган кўчатларни ўша ерларга эктиринг! Халқаро бозорда пахтанинг нархи баландлиги ҳарна-да!

– Хўп бўлади! – дея қичкирди бригадир ва у топширигини олиб кетиб бораркан, хаёлида бир ажиб туйғулар гужғон ўйна-ди: «...Нахотки, бир пайтлар мени куйдириб юрган Хусния шу бўлса. Эҳ Хусния, Хусния. Ўз ахволинг қанақаю, пахтани, юрт равнақини ўйлайди-я».

* * *

Элбек билан Севдиёр энди хусусий фермер хўжалигини кўптармоқли «Агрофирма»га айлантириш учун ҳужжатларни расмийлаштира бошладилар. Хуллас, ишлар бинойидек бўлиб, туманда фермер «Ҳусниддин ака»нинг обрў-эътибори янада ортди. Бир сафар вилоят телевидениеси кўрсатув ҳам уюштирди. Унда мухбир «семириб қорин кўйган» донгдор фермер Ҳусниддин ака Иноғомовнинг иш тажрибалари билан ўртоқлашди... Лекин кўрсатувдан кейин овоз режиссёрига «ҳайфсан» эълон қилинди. Бу кўрсатувни вилоят ҳокими ўзи шахсан кўриб, эркак кишининг аёл овозида гапираётганидан жаҳли чиқибди ва бош муҳаррирга дархол қўнғирок қилибди:

– Бу қандай масъулиятсизлик! – деб дўк урибди у. – Наҳотки қаҳрамонликка лойиқ бўлган Ҳусниддин акани аёл овозида гапиртирсангиз?! Фонограммага бошқа нарса қуриб кетганмиди?! – дея у «так» этиб гўшакни қўйибди.

Ҳадемай Гулзода қизли бўлди. Бир келса кўшалок келади деганларидай Ҳусния ҳам фарзанд кутарди. Унинг эсон-омон кутилиб олишини, Элбек билан Гулзоданинг янги намунавий уйлардан бирига кўчиб кирганларию бу ерда нишонланиши мўлжалланаётган бешик тўйини Паризода билан Содикжоннинг никоҳ тўйларига улаб юборишни режалаштирмоқда эдилар.

Лекин қишлоқда фермер Ҳусниддин ҳақида ҳар хил гап-сўзлар юрарди.

– Қаранглар, Ҳусниддин аканинг ишлари юришиб, топиш-тутиши кўпайиб, ўзи семириб кетибдимиз?! – деди бир мўйсафид кўлларини орқасига олиб, виқор билан ўтиб бораётган Ҳуснияга ҳасад кўзи билан қараб қоларкан.

– Ҳа, қорин ҳам қўйибди, – дея тасдиқлади бошқа бир бекорчи киши ҳам бошини сарак-сарак қилиб.

– Ўзи эркаклар шунақа бўлади-да, сал пули кўпайди дегунча майшатга берилишади, – деди аёллардан бири ҳам қуйканаклик билан.

– Бу одамнинг хотинига жабр бўпди-да, шишмай ўлсин, – деди бир кампир ҳам гапга аралашиб.

Ана шундай “баланд-паст” гап-сўзлар кўпайган кунларнинг бирида Содикжон билан Паризодаларнинг тўйлари ҳам бўлиб ўтди. Яна юртга ош берилди. Абдукарим синфдошларини бир кун олдин меҳмон қилди. Қизининг сепини юклагани бир юк машинаси келди. Синфдошлар уни тўлатгунча тоза чарчашди...

Тўй ўта дабдабали ўтди. Шундан сўнг кўз тегдими, эртаси «Хусниддин ака»ни «Тез ёрдам» олиб кетди... У «киши» паҳлавондай ўғил туғди.

Уларни туғруқхонадан олиб келгани Элбек билан Гулзода кетишди. Бутун маҳалла ва қариндош-уруғлар янги меҳмонни қаршилаш учун Хуснияларнинг уйи олдига тўпланишди. Абдукаримнинг қўлида бир даста гул ял-ял ёнарди.

Нихоят, улар етиб келишди. Машинадан бир аёл чақалоқни кўтариб тушди ва дўнг тепа устига чиқди-да, маҳалладагиларга қарата таъзим қилди. Бу аёллик либосидаги Хусния эди.

Тўпланганлар уни олқишладилар.

Юз-кўзидан аёллик иффати яраклаб турган Хусния чақалоқни эрига тантанавор узатаркан:

– Ўғил, кутлуғ бўлсин, дадаси! – деб қўйди.

– Қойил сенга! Мана энди ҳақиқий «эркакча» иш қилдинг, онаси! – деди.

– «Нима эксанг, шуни ўрасан» деганлар. Исмини нима қўймоқчисиз, дадаси?

– Сен лафзингда мардона турдинг. Мана ҳамма қизларинг бахтли-тахтли бўлишди. Нихоят, мана ўғил ҳам туғиб бердинг. Кел, унинг исмини Лафзбек деб атай қоламиз.

– Вой, Лафзбек! Қандай яхши-а?! – деди қизлари куёвлари томон нигоҳ ташлаб қўйиб.

Улар ҳам бу исмни маъқулладилар.

Шу маҳал келин кўйлақда Паризода чиқиб келди ва ойисига «келин салом» қилди.

Набижон Ҳошимов

– Вой, чиройли келин бўлибсан-ку, қизим. Содикжон билан бахтли бўлинглар, илоҳим.

– Абдукарим ўғилчасини кенжа қизига тутқазди ва у ҳам кўлини дуога очди.

– Илоҳим, бизга мана шундай паҳлавон набиралар туғиб бергин, қизим.

Шу маҳал Элбекнинг кўл телефони янгроқ садо чиқарди. У бир четга ўтиб жиддийлашди ва кутилмаганда ўзида йўқ хурсанд бўлиб кетди.

– Ур-ре, янги уйимизга ойим келибдилар! У киши бутунлай келибдилар! – дея қичқира бошлади.

Қизлар, куёвлар севиниб уни кутлай кетдилар.

– Эҳ, худойимга шукур, – деб кўйди Абдукарим.

Элбек ва Гулзодаларнинг кувончларини кўриб Ҳусниянинг ҳам кўзларида севинч ёшлари қалқиди.

– Ана энди уй тўйини ҳам қиламиз, – деди у беихтиёр ва гўдагини кўлига олди-ди, «бисмиллоҳ» деб ўнг оёғини ҳовлисининг муқаддас остонасига томон ташлади. Ортидан аравачасини юргизиб Абдукарим эргашди.

Чақалоқнинг қадами кутлуғ келганидан хонадон янада файзли кўринар, бир четда жўжаларини етаклаб юрган жонсарак она-товуқ ҳам «култ-култ» овоз қилиб ҳайрон қаради-да, «Э, қойил!» дегандек «Қо-ок!» дея чўзиқ овоз чиқариб кўйди...

Фаргона – 2008 йил

МУНДАРИЖА

Муқаддима	3
Биринчи боб. Гуноҳкор	6
Иккинчи боб. Орият исёни	25
Учинчи боб. Озода қиз толеи	53
Тўртинчи боб. Чайлада	85
Бешинчи боб. «Супурги» операцияси	110
Олтинчи боб. Фермерлик сари қадам	133
Еттинчи боб. Шаҳарлик шахзода ҳақида «эртақ»	145
Саккизинчи боб. Сариштали келинчак	173
Тўққизинчи боб. Қатикхўрлар	185
Хотима. Эрлибоснинг ечилиши	202

Адабий-бадий нашр

Набижон ҲОШИМОВ

ОРИЯТ ИСЁНИ

ёхуд

эрлибосли аёл ҳақида қисса

Масъул муҳаррир: А.Қоржовов

Муҳаррир: О.Қанаев

Тех.муҳаррир: Г.Курбанбаева

Бадий муҳаррир: Р.Ташматов

Саҳифаловчи: Н.Мирзаматова

Босишга берилди 17.05.2017. Қоғоз бичими 60x84 1/16 “Times New Roman” гарнитураси. Нашр босма табағи 13,25 Адади 3000 Буюртма №29

«IJOD-PRESS» нашриётида нашрга тайёрланди.

Нашриёт лицензияси: АИ №270

«Dizayn-Print» МЧЖ ЎИЧК босмахонасида чоп этилди.

100054. Тошкент шаҳри, Чўпон ота кўчаси, 28-а уй.

Email: dizayn-print@mail.ru

11,400 руб



ISBN 978-9943-994-51-5



9 789943 994515